



f /uzbunyodkori  
t.me/uzbunyodkor  
uzbunyodkor.uz

# О‘ЗБЕКИСТОН БУНЫОДКОРИ

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



“Биз барпо этаётган  
Янги Ўзбекистоннинг  
миллий ғояси инсонпарварлик,  
эзгулик ва бунёдкорлик  
ғоясидир”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ, БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!






2023 йилда ўзбекистонда 90 мингта янги уй қурилган


2024 йилда 100 мингта уй қурилиши режалаштирилган

## Ўзбекистонда сўнги 10 йилда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми (трлн сўм)



\* 2024 йилнинг январь-июнь ойларида


## Сўнги йилларда қурилиш соҳасида рўйхатдан ўтган корхоналар сони



\* йилнинг 1 июнь ҳолатига

\*\* йилнинг март ойи ҳолатига

## 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган қурилиш корхоналари сони

O'ZBEKISTON  
BUNYODKORI

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Муассис: "ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ"  
Наشريёт уйи МЧЖ  
Бош муҳаррир: Дилшод ЖалоловТаҳририят манзили: 100011, Тошкент ш.,  
Навоий кўчаси, 18-уй.Телефон: 71-208-12-00.  
E-mail: [uzbunyodkor@mail.ru](mailto:uzbunyodkor@mail.ru)  
Махсус байрам сони "AZMIR NASHR PRINT"  
МЧЖда терилди, саҳифаланди ва чоп этилди.  
Корхона манзили: 100200, Тошкент шаҳри,  
А. Раҳмат кўчаси, 10.

Махсус байрам сонини тайёрлашда яқиндан ёрдам бергани учун таҳририят Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликларига миннатдорлик билдиради.

Ушбу махсус байрам сонини тайёрлашда иштирок этган таҳририят ходимлари ва ижодкорлар:

Дилшод Жалолов, Эшмуҳаммад Халилов, Беҳзод Қосимов, Райхона Хўжаева, Абдисами Ҳақбердиев, Адҳам Эгамбердиев, Наргиза Мирёқубова, Муҳиддин Зайридинов, Лайло Жамилова, Бунёд Гулямов, Дилафруз Назарова, Шоҳсанам Юлчиева, Марҳамат Мукулмонқулова, Акмал Маҳкамов, Зиё Сирож, Зулфизар Мавлонова, Учқун Тожиев, Шухрат Нормуродов, Ҳамза Шуқуров, Беҳзод Аҳмадқулов, Орифжон Исмоилов, Зайлобиддин Йигиталиев, Болтабой Матқурбонов.

Махсус байрам сонини тайёрлашда Мақсад Ҳабибуллаев, Жамшид Норқобилов, Жонибек Қўзимуродовларнинг фотоларидан фойдаланилди.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси - 466. Буюртма - 306. 2100 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-3. Ҳажми - 56 табоқ, офсет усулида босилган.  
Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.






"ToshuyjoyLITI"

Барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**  
билан муборакбод этамиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, олижаноб  
фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда  
омад ва зафарлар, оилаларингизга  
аҳиллик, файзу барака тилаймиз!



 Тошкент ш. 100031, Боғсарой к. , 43-уй



toshuyjoyliti.uz



71 254 54 11





**Сирожиддин САЙИД,**  
Ўзбекистон халқ шоири



## Янги замон кўприги

Қани шоир, замон юкин сен ҳам илдам орқала,  
Замонангдан бир қадам ҳам қолма асло орқада.

Кеча-кундуз тиним билмас, зўр шиддат, гулдуриси,  
Бедор бўл дер, бедор бўл дер, бедор замон дарёси.

Ўкиздарё, Амударё, Жайхундарё, жон дарё,  
Қадим юртга ўзингдирсан қадим шараф-шон дарё.

Бир ён Хоразм элию, бир томон – Қорақалпоқ,  
Уч минг йиллик манзил гўё у қирғоқ то бу қирғоқ.

Қўш соҳилда сабрлари жарлар каби емирлган,  
Асрларким, икки элат бир-бирига термилган.

Ораликда оққан дарё гўё ҳажру фироқдир,  
Қошу кўздан яқинроғу, асрларча йироқдир.

Зиддиятга тўлиқ дунё, низоларга – даҳри дун,  
Ярим дунё бағриқону, ярим дунё – жигархун.

Бизнинг мақсад эзгуликдир, тўлдиргаймиз камини,  
Хушмуҳдалар кўмсин деймиз бутун рўйи заминни.

Ҳар тонг, ҳар он етказгайдир ҳар бир учган куш хабар,  
Бу тонг саҳар Хоразмдан келди янги хушхабар:

Элнинг орзу-армонлари яна бир бор уйрилмиш,  
Амударё узра улкан янги кўприк қурилмиш.

Дилимизда, тилимизда фаҳру ғурур, шуқрона,  
“Ҳайё-ҳуйт” деб Хоразмга томон бўлди равона.

Ҳали Мўйноқ ҳайратларин сеҳри тарқалмай туриб,  
Қаршимиздан бир мўъжиза чиқди озод қад кериб.

Бир кўприкким, андозаси бўлмаган бу арода,  
Асрларни, даврларни боғлаган бир маъвода.

Шовот томонлардан келсанг дилда жўшиб ғайратлар,  
Борлигингни чулғаб олар завку шавқ ва ҳайратлар.

Қадим тупроқ, туғларинг ҳам туғроларинг бор бўлсин,  
Султон Увайс тоғларинг ҳам Куброларинг бор бўлсин!

Берунийнинг, Хоразмийнинг арвоҳлари шундадир,  
Огаҳийнинг бедор, огоҳ нигоҳлари шундадир.

Сен ўзингсан булбулларга ҳаво бахш этган диёр,  
Махтумқули Фироғийга наво бахш этган диёр.

Ажиниёз боболарнинг худди шеър, лапарлари  
Мисол кетар келажакка темир йўл шпаллари.

Қолган гапни майли энди Бердах бобо айтсинлар,  
Поезд миниб, Хеволарни бир сайр этиб қайтсинлар.

Асрлардай кечди халқим, нурсиз ою йилларинг,  
Аваз Утарларинг ўтди, ўтди Ибройимларинг.

Санъатингни бор оламга кўприк этмиш Ўзи ҳақ,  
Эй, дунёга Комилжондай ҳофизларни берган халқ.  
Ҳали бунга “чуғур-чуғур” сайёҳларинг келгайлар,  
Ярқираган вагонларда саболардай елгайлар.

Айтса бўлгай ниятларнинг улуғвор обидаси,  
Келгуси минг йилликларга бул замон робитаси.



Икки милён йўловчининг қувончин тасаввур қил,  
Тасаввур қил, сўнг бекатда ўлтириб тафаккур қил.

Бир кўприкким, армонларинг қарвонларга қоришгай,  
Тўрт милёнли элнинг кўнгли бир офтобдай ёришгай.

Миллат отасининг ноҳос кўзларида балққан ёш,  
Бу минг йиллик армон эрур, бу бир асрлик бардош.

Қани шоир, замон юкин сен ҳам илдам орқала,  
Замонангдан бир қадам ҳам қолма асло орқада.

Яқинроқдир қошу кўздан ўғил-қизнинг киприги,  
Янги замон кўприги бу! Янги замон кўприги!

Ватан иғвогарларига менинг айтар гапим бор:  
Бизда мақсад кўприкларин таянчлари устувор.

Хурмат учун отдан тушиб, таъзим айлаб кутарди,  
Султон Жалолиддин бундан от етаклаб ўтарди.

Кўриб янги шаҳарларин Янги замон меъморин,  
Не деб ривоят сўйларкин Исломхўжа минори?

Ўйламангким, манзилларга қурилган кўприқдир бу,  
Кўнгиладан кўнгиладан қурилган кўприқдир бу.

Бир томчи ёш гарчи қалқиб киприқларда қолгайдир,  
Инсон номи у қурган йўл, кўприқларда қолгайдир.

Энг аввало эл кўнглини, эл кўнглини шод айлар,  
Ватан янглиғ эл кўнглини шод айлар, обод айлар.

Кеча-кундуз тиним билмас зўр шиддат, гулдуриси,  
Бедор бўл дер, бедор бўл дер, бедор замон дарёси.

Инсон умри гарчи бир хас, мисоли бир киприқдир,  
Бир авлодни минг авлодга боғлагувчи кўприқдир.

Сиз ҳам Замон Меъморидай меъмор бўлинг, элдошлар,  
Бедор бўлинг, бедор бўлинг, бедор бўлинг, элдошлар!



## Янги ҳаёт қасидаси

... Биз эскича яшолмаймиз.  
Шартлар қўяр кескин ҳаёт.

Ким кўрибдир бу дунёда сокин ҳаёт,  
таскин ҳаёт.

Азал-абад эскилик ҳам янгиликнинг  
жанги ҳаёт,

Доим ғолиб-музаффардир  
Янги ҳаёт, Янги ҳаёт.

Жон Ватаним, олам кезиб  
топмадим сен тенги ҳаёт,

Кутлуғ бўлсин, ватандошлар,  
Янги ҳаёт, Янги ҳаёт!

Бу дунёда кўклар гарчи ёзу қишдан  
кейинроқдир.

Янги ҳаёт қурмоқ асли  
барча ишдан қийинроқдир.

Янги ҳаёт, осмонлар биноларинг  
бунча кўркам, бунча кўркам,

Бунча кўркам қадду бастинг,  
янги ўлкам, янги ўлкам!

Ерга тушмиш гўё мовий  
осмонларнинг ранги ҳаёт,

Баҳор янглиғ уфургайдир  
Янги ҳаёт, Янги ҳаёт!

Янги замон қурмоқ асли  
мард зотларга буюргайдир,

Бу давронлар янги-янги  
авлодларга буюргайдир.

Икки юз минг хонадонда  
чирақ ёнса бир кечада,

Юз минг кўнгли зиёсини  
кўргайдирсиз бир кўчада.

Янги ҳаёт айвонларинг бунча ёруғ,  
Янги ҳаёт,

Эл кўнгли ҳам шунча ёруғ,  
шунча ёруғ, Янги ҳаёт!

Янги давру янги даврон. Янги турмуш.  
Янги онг,

Шаҳар узра ёришмоқда янги саҳар,  
янги тонг.

Жону таним, онажоним, жон Ватан,  
жон Ватаним,

Янги тонгдай янгиланур жон-танним,  
жон ва танним.

То бор экан Эзгулик ҳам ёвузликнинг  
жанги, Ҳаёт,

Доим ғолиб-музаффардир  
Янги ҳаёт, Янги ҳаёт.

Доим ғолиб-музаффардир  
мангу ҳаёт, мангу ҳаёт.



## Янги замон қасри

Ўз-ўзидан бино бўлмас замон қасри,  
Замон қасри – асрий орзу-армон қасри.

Юрт эгасин ҳимматидан бунёд бўлган,  
Ҳурмати ҳам ҳикматидан бунёд бўлган –

Ҳар ҳайкалнинг қошида – бир дорилфунун,  
Адабиёт – ёшлик, сурур, сеҳру жунун.

Унутмангки, Адабиёт – ору номус,  
Бу кунларнинг ҳар лаҳзаси – бу бир қомус.

Сиз айтган ҳар шеърнинг тожу давлати бор,  
Асрларга етар шаъну шавкати бор.

Кўрганмикан бундай замон дорилмомон,  
Ҳайкалларнинг ҳар бири – бир давру замон.

Билим деса, ҳам қарзу ҳам фарз олингиз,  
Ҳар устоздан дарс олингиз, дарс олингиз!

Ишласин деб эзгу орзу-матлабларга,  
Милён-милён китоб кетар мактабларга.

Айтсам яна бир муҳташам робитани –  
Юз устунлик буюк туркий обидани.

Оврупою Осиё – яққалам аро,  
Овозадир етти иқлим олам аро.

Бу томони Ҳинду, буён – Мажоргача,  
Истанбулу, қирғиз, қозоқ, озаргача –

Таҳсин айтар бу ғоянинг саркорига,  
Сабабкори, муаллифи, меъморига.

Ранги ҳам ям-яшил – кўркам кўклардайин,  
Кўклардайим, кўркамдайим ўлкадайин.

Бу юз жилдлик – уйғоқ, бедор тарбиядир,  
Жаҳолатга қарши – ҳушёр маърифатдир.

Бу маърифат қарвонидир – мангу равон,  
Бу қарвондан қолганларга боқмас замон.

Сафингизда қанча олов, ўт, ёлқинлар,  
Қанча янги туғёнлар бор ва тошқинлар.

Укам, синглим, қалбинг ёниқ, ўтлуғ бўлсин,  
Сизга шундай давру замон кутлуғ бўлсин!

Зоминдаги анжуманлар фикратидан,  
Улуғ зотлар ниятию фитратидан –

Бу эл-юртлар шундай гулшан макон бўлди,  
Замон янги замон бўлди, замон бўлди!

Шу боисдан куйлар солиб дил ториға,  
Шеър айтсангиз янги замон меъморига –

Эллик йиллик зил соғинчлар тарқаб кетар,  
Юлдузлар ҳам кўзингиздай чақнаб кетар.

Сабоқ олмоқ, илм олмоқ гўзал ишдир,  
Ҳар сабоғу ҳар дарсингиз – битта ғишдир.

Шу боисдан шамоллардан шитоб ўқинг,  
Китоб ўқинг, кеча-кундуз китоб ўқинг!

Бу дунёда – бир томондан нураш кетар,  
Бир томондан – кураш кетар, кураш кетар.

Одамзотни йўлдан урад гар одамзот,  
Адабиёт одам қилар, Адабиёт!

Асрларга мисли хитоб ишламоқда,  
Сиз ўқиган ҳар бир китоб ишламоқда.





# ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ МЕЪМОРЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–404-сонли қарори республикамизда аҳоли яшаш тарзини ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларидаги инфратузилмани яхшилаш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш ва инфратузилма объектларини барпо этиш, замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари барпо этишни жадаллаштириш мақсадида қабул қилинган.**

Мазкур қарорга кўра, юртимизнинг энг олис вилоятларидаги қишлоқларда ҳам замонавий қиёфада кўп қаватли уй-жойлар, маҳалла марказлари, мактаб ва боғчалар барпо этилмоқда. Бу каби муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни яратиш

жараёнига юртимиздаги энг забардаст меъморлар жамоаси – “Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа институти давлат муассасаси ҳам ўзининг малакали мутахассислари билан катта ҳисса қўшиб келмоқда.

“Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1049-сонли қарорига мувофиқ, 1949 йил ташкил этилган “Ўзқишлоқлойиҳа” ва 1971 йилда ташкил этилган “Ўзмеъморқурилишлойиҳа” институтлари негизида янгидан ташкил этилган. Бугунги кунда ушбу институтларнинг вориси сифатида бой тажрибага эга мутахассислардан иборат жамоа бу йил ўз фаолиятининг 75 йиллик юбилейини нишонлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2024 йил 29 январь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида республикамиз ҳудудларида барпо этилаётган мактаб ва боғчалар, поликлиникалар, маҳалла биноларининг янгидан намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди. Бугунги кунда институт томонидан ушбу топшириқ ижроси бўйича ижтимоий соҳа объектлари, 1650, 1320, 990, 660, 330 ўринли замонавий мактаб бинолари, 180, 150, 120, 90, 60 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилотлари, 50 ва 100 қатновли поликлиника, маҳалла марказларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланди.

## Намунавий лойиҳалардан баъзилари билан танишинг



**1650 ўринли умумтаълим мактаб биноси** – 4 қаватли бўлиб, директор, ўқув бўлими, ўқитувчилар ва психолог хоналари, кутубхона ўқиш зали ва китоб омбори билан, ўқув хоналари, мусиқа хонаси, мажлислар зали, овқатланиш зали, тиббиёт блоки, ёпиқ спорт зали ва бошқа хоналардан иборат.

**Бинонинг умумий майдони** – 7 027,68 квадрат метр.

**Қурилиш майдони** – 2 366,03 квадрат метр.

**Умумий қурилиш ҳажми** – 28 665,28 квадрат метрни ташкил этади.



**990 ўринли умумтаълим мактаб биноси** – 4 қаватли бўлиб, ташқи деворлари ғишдан, иссиқлик ҳимоя қатлами сифатида шиша толали базальт минерал плиталаридан фойдаланилган. Бино том қисмига ўрнатилган қуёш панеллари ва қуёш коллекторлари ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш таъминланган.

**Бинонинг умумий майдони** – 4 570,24 квадрат метр.

**Қурилиш майдони** – 1 717,03 квадрат метр.

**Умумий қурилиш ҳажми** – 19 150,81 м<sup>3</sup> ни ташкил этади.

**660 ўринли умумтаълим мактаб биноси** – 4 қаватли бўлиб, ташқи деворлари ғиштли ва сандвич панелли бўлиб, иссиқлик ҳимоя қатлами сифатида шиша толали базальт минерал плиталаридан фойдаланилган.

**Бинонинг умумий майдони** – 3 693,4 квадрат метр.

**Қурилиш майдони** – 1 717,03 квадрат метр.

**Қурилиш ҳажми** – 16 049,67 м<sup>3</sup> ни ташкил этади.



**330 ўринли умумтаълим мактаб биноси** – 1-3 қаватли бўлиб, ташқи деворлари ғиштли ва сандвич панелли бўлиб, иссиқлик ҳимоя қатлами сифатида шиша толали базальт минерал плиталаридан фойдаланилган. Бино том қисмига ўрнатилган қуёш панеллари ва қуёш коллекторлари ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш таъминланган.

**Бинонинг умумий майдони** – 2 614,74 квадрат метр.

**Қурилиш майдони** – 1 323,62 квадрат метр.

**Қурилиш ҳажми** – 11 662,17 м<sup>3</sup> ни ташкил этади.





**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, “Ийк ота” массивида қурилиши режалаштирилган кўп қаватли уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари лойиҳаси:**

қурилиш олиб бориладиган умумий ҳудуд майдони 110 500 квадрат метр бўлиб, у икки босқичда амалга оширилади. 1-босқич қурилиш майдони 39 400 квадрат метр, 2-босқич қурилиш майдони 34 600 квадрат метр. 1-босқичда 18 та кўп қаватли, 2-босқичда эса 16 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Шунингдек 2-босқичда 2 та 990 ўринли мактаб, 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ва маҳалла маркази бинолари қурилиши кўзда тутилган.



**“Шарқ бозори” туристик мажмуаси лойиҳаси:**

Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида барпо этиладиган замонавий туризм объектлари лойиҳаси “Ғовук” кўли атрофи ва унга туташ ҳудудлардаги 24,5 гектар ер майдонида амалга оширилади. Бунда меҳмонхона мажмуалари, савдо-кўнгилочар марказлар, умумий овқатланиш ва туристик аҳамиятга эга бўлган бошқа объектлардан иборат “Шарқ бозори” туристик мажмуаси барпо этиш бўйича лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепцияга асосан, меҳмонхона мажмуалари, савдо-кўнгилочар, умумий овқатланиш шохобчалари ва бошқа туризм инфратузилмаси объектлари лойиҳалари институт томонидан ишлаб чиқилиб, шу асосда барпо этилмоқда.

**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мовароуннаҳр кўчаси 1-уйда жойлашган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда қўшимча ўқув биноси қуриш лойиҳаси:**

Бино 3 қаватли бўлиб, ихчам кўпбурчакли композицион шаклда, режа ўлчамлари 15,2 x 60 метрдан иборат. Подвалда техник хоналар, насос хонаси, вентиляция камераси, электр хонаси мавжуд. Подвал иситилади, ёруғлик ва шамоллатиш тешиклар орқали амалга оширилади. Шунингдек, муҳандислик лабораторияларининг электр жиҳозлари, муҳандислик лабораториялари механикаси, лабораториялар физикаси, Ахборот алоқа бўлими, кимё лабораториялари, ёрдамчи хонадонлари ва санитария бўлимлари ҳамда 25 ўринли аудитория, 75 ўринли маъруза зали, деканат, коммутация хонаси, қабулхона, дам олиш йўлаги, ҳаммом мавжуд. Биноларни подвалдан 3-қаватгача боғлайдиган зинапоялар мавжуд. Ташқи фасади оддий, лаконик тарзда, деворларнинг текисликларида ойна ва витраж тешикларини алмаштириш орқали яратилган. Ички ва ташқи безатишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиладиган замонавий пардозлаш материалларидан фойдаланилган.

**Бинонинг умумий майдони** – 2565,57 квадрат метр.

**Қурилиш майдони** – 1036,71 квадрат метр.

**Қурилиш ҳажми** – 14899,8 м<sup>3</sup> ни ташкил этади.





Бундан ташқари, Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги Ўзбекистон қишлоғи, Махтумқули маҳалласи ҳудудида Ўзбекистон-Туркменистон чегараолди савдо маркази объекти, Бухоро вилояти Когон тумани "Зирабод" массивида "Бухоро саноатни ривожлантириш мажмуаси" объекти, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри "Аҳоли ва жамоатчилик томонидан бошқариладиган маҳалла мажмуи" объектлари лойиҳалари ҳам институт меъморлари томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-299-сонли қарори билан тасдиқланган Дастур доирасида "Қишлоққурилишлойиҳа" бош лойиҳа институти давлат муассасаси томонидан 2023 йилда 94 та асосий ва унга ёндош 223 та МФЙлар билан биргаликда бош режа ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Республикаимиз ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ҳамда асосий маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳоли пунктлари учун батафсил режалаштириш лойиҳалари етарли даражада таъминланса, ҳудудларни узоқ келажақда қандай кўринишда бўлиши ва қайси йўналишда

ривожланишини тасаввур қилиш мумкин бўлади. Худуд келажаги учун тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик фикрини инобатга олинганлиги эса келгусида аҳоли ва давлат ўртасида ҳудудни ривожлантириш ҳамда шу билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган турли низоларнинг олди олинади. Бундан ташқари, бўш ер майдонлари тайёр лойиҳа сифатида ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг техник-иқтисодий асосларига кўра, лотларга ажратилган ҳолда таклиф этилганлиги сабабли инвестиция жозибдорлиги юқори бўлади. Натижада аҳоли бандлиги таъминланиб, иш ўринларига бўлган юқори даражадаги эҳтиёж босқичма-босқич қоплаб борилади.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминланиши халқимизнинг турмуш даражасини ошириш учун ижтимоий-иқтисодий ва яшаш шароитлари, уй-жой, самарали иш ўринлари, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминоти, оқова сув тизимлари, телекоммуникация инфратузилмаси ҳамда жамоат транспорти каби зарур қулайликлар яратилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-299-сонли қарори асосида 2024 йилда 116 та асосий ва унга ёндош 309 та МФЙлар билан биргаликда бош режа ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, Жиззах вилоятининг Зомин тумани ҳудудидан

ўтувчи давлат аҳамиятига молик 4Р34 "Жиззах ш. – Равот қ. – Зомин ш. – Савот қ. – Ховос ш." автомобиль йўли ёқасининг (30 километр оралиғи) бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси, турар ва нотурар биноларнинг архитектураси ра қиёфасини яхшилаш (развёртка), намунавий уй-жойлар жойлашуви, девор тўсиқлар ва манзарали дарахтлар экилиши лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилиб, туман ҳокимлигига тақдим этилган. Зомин шаҳри Мустақиллик кўчасида кўп қаватли уйлар жойлашуви ҳамда фазовий кўринишлари ишлаб чиқилиб, туман ҳокимлигига тақдим этилган. Зомин шаҳри "Боғишамол" ва "Бирлашган" МФЙлар ҳудудидан ўтувчи катта ҳалқа йўлида кўп қаватли уйлар жойлашуви ҳамда фазовий кўринишлари ишлаб чиқилиб, туман ҳокимлигига тақдим этилган. Жиззах вилояти Зарбдор тумани маҳаллаларни мастер режалари ҳамда мавжуд турар ва нотурар биноларнинг архитектура қиёфасини яхшилаш бўйича 6 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 31 май-1 июнь кунлари Бухоро вилоятига қилган ташрифи давомида белгиланган топшириқлар юзасидан Ғиждувон туманидаги 44 та маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳоли яшаш пунктларини тартибга келтириш бўйича бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда марказий кўчалари ёқасидаги турар ва нотурар биноларнинг архитектура қиёфасини яхшилаш бўйича лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди.

## Фидойи устозларнинг ҳикматли ҳаёти

**Ақром МИРҲОСИЛОВ,**  
Архитектура  
ва қурилиш  
экспериментал  
лойиҳалаш  
бўлими бошлиғи.



Ақром Мирҳосилов 1957 йил таваллуд топган. Бутун ҳаётини соҳа ривожини учун сарфлаб келаётган фидойи инсон. Ҳозирги Тошкент архитектура-қурилиш университетининг бино ва иншоотлар қурилиши йўналишини муваффақиятли тамомлаган. Аслида, техникумда санъат ва кино соҳасида ўқиган бўлса-да, ҳарбий хизматдан сўнг қурилиш соҳасига қизиқиши ортади. Шу билан йилларни йилларга улаб, бунёдкорлик соҳасида ўз меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

Бугунги кунда кўплаб шогирдларга устозлик қилиб келаётган Ақром Мирҳосилов "Қишлоққурилишлойиҳа" институтида 2000 йилдан буён ишлайди. Шу вақт мобайнида юзлаб лойиҳаларда иштирок этиб, юртимизнинг обод ва фаровон бўлишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб улгурган Ақром Мирҳосиловнинг икки фарзанди ҳам бугунги кунда отасининг изидан бориб, "Қишлоққурилишлойиҳа" институтида конструктор вазифасида ишлаб келмоқда.

– Инсон нимагадир қизиқса, охиригача қизиқиши, бошлаган ишини якунлашни ўрганиши керак, – деди Ақром Мирҳосилов биз билан суҳбатда. – Касб ҳаваскорлик билан чиқишмайди, унга юракдан ёндашиш зарур. Кимдир мўмай даромад олиш мақсадида бу касбни танламоқчи бўлади, аммо машаққатини кўриб жуфтани ростлайди. Лекин унутмаслик керакки, машаққат ҳар йўлнинг бошида бўлади. Мен фарзандларимга ёшлиқдан меҳнат қилиш кераклигини ўргатдим. Аслида, инсоннинг ўзида хоҳиш бўлмаса, ҳеч кимни мажбурлаб бўлмайди. Истаги кучли одамнинг иштиёқи ҳам, ичидаги саволи ҳам кўп бўлади. Улар келажакда ҳам яхши натижага эришадилар. Баъзан ўзим иштирок этган лойиҳалар ёнидан ўта туриб фахрланаман. Қурилишнинг нони қаттиқ, аммо баракаси бор. Виждонига қулоқ тутган инсон кам бўлмайди. Соҳага кириб келаётган ёшларга меҳнатдан қочмасликни, сабр-тоқат билан доимий изланишни маслаҳат бераман. Ана шундагина ўзингиз истаган маррага эришасиз.

**Зулфия МИРЗАЛИЕВА,**  
Лойиҳаларни меъёрий  
ва техник назорат қилиш  
бошқармаси лойиҳа  
бош архитектори.



"Қишлоққурилишлойиҳа" институтида узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган кўплаб ёшларнинг устози Зулфия Мирзалиеванинг касбига бўлган муҳаббат ва садоқати кўпчиликка ибрат. У 1956 йил Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида таваллуд топган. Ёшлиқидан ижодкорликка мойиллиги юқори қаҳрамонимиз кўп расм чизар, вақти-вақти билан шеър ҳам ёзиб турарди. Тақдирнинг йўриғи билан мактабни тамомлаб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг Архитектура факультетига ўқишга кирди. 1978 йил ўқини тамомлаб, йўлланма асосида "Ўзқишлоққурилишлойиҳа" институтида иш бошлади. Институтнинг ҳақиқий фидокор вакили қарийб 46 йилдан бери битта ташкилотда фаолият олиб бормоқда. Аслида шунинг ўзи ҳам таҳсинга сазовор.

– Отам раҳматли дарахт бир жойда кўкаришини кўп бор таъкидларди, – деди қаҳрамонимиз. – Бу сўзлар бежизга айтилмаганини ҳаётим мобайнида кўриб турибман. Ижодкор учун илк иши ҳамини ҳаяжонли ва эсда қоладилар. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ёндош бинолари лойиҳасини илк мустақил ишим сифатида амалга оширганман. Устозларим ишончи билан буни муваффақиятли удраладим. Инсон ўз касбини севмасдан туриб, уни мукамал эгаллаш ҳақида ўйлай олмайди. Севгидан юксалиш пайдо бўлади. Чин дилдан бажарилган

ишлар омадли якун топади. Ҳозир тушунапманки, устоз нафақат касб сирларини ўргатади, балки чинакам инсон бўлишимизда ҳам комил тарбиячидир. Бугун институти-миз нимага эришган бўлса, устоз-шогирдлик аънаналарининг самараси, деб биламан. Ёшларга айтадиган энг асосий тавсиям шуки, фаолиятингиз бошида пулни биринчи ўринга қўйманг. Касбингизни севинг ва ўсинг. Қолганига бирма-бир эришаверасиз. Бугун шогирдларим орасида ўз ўрнини топганлари жуда кўп. Шогирдларимдан бири Хашимов Қобилжон институтимиз бош архитектори лавозимини бажармоқда. Бугунги кунда иш фаолиятимизни биргаликда давом эттиряпмиз. Мен улар билан фахрланаман. Бундан ортиқ бахт йўқ мен учун. Мен ҳамини ота-онам фахрланадиган фарзанд бўлишга интилганман. Шогирдларимга ҳам шуни тавсия қиламан.



**Жамшид МИРЗАМУҲАМЕДОВ,**  
Бош режалар ишлаб чиқиш ва  
ҳудудларнинг меъморий-режавий  
ташқиллаштириш бошқармаси  
лойиҳа бош архитектори.

Жамшид Мирзамуҳамедов "Қишлоққурилишлойиҳа" институтида баъзи тўхталишлар билан айтганда, 53 йилдан буён ишлаб келаётган, ярим асрлик касбий ва ҳаётий тажрибага эга инсон. 1948 йилда таваллуд топган Жамшид Мирзамуҳамедов 1966 йил Тошкент политехника институтининг Архитектура факультетига ўқишга кириди. Ўқишдан сўнг илк фаолиятини ушбу институтда бошлаб, ҳозирга қадар ишлаб келмоқда.

– Инсон ўзини тартиб ва интизомга ўргатолмаса, эришадиган

натижаси катта бўлмайди, – деди суҳбатдошимиз. – Шунча йилдан буён деярли ишга кечикмай келаман. Инсон ўзига бўлган ишончини оқлаши керак. Йўқса, ўзининг ва ўзгаларнинг ҳурматида сазовор бўлмайди. Қурувчида виждон ҳамини уйғоқ бўлиши керак. Бусиз асл қурувчи ва бунёдкор бўлиб етишолмайди. Ёшларда имконият кўп, аммо журъат ва тажриба кам бўлади. Шундай дамда устоз бўлса, уни юксалиш ва янги марралар сари бошлайди. Келажак ёшларники, улар қанча илмли ва зукко бўлса, эртаимиз ҳам шунча фаровон бўлади. Иқтидорли ёшларимиз кўп, фақат ўз устидан тинмай ишлаши керак. Архитектура бу тасаввур имкониятлари ва уларни инсонлар кўз ўнгига барпо қилиш дегани. Архитектор бўлишни истаган ёшларга креатив ва ижодкор, тасаввурни бойитишни маслаҳат берган бўлардим. Энг муҳими, кўп ўқиб, кўп ўрганишдир. Энг кучлиси бўлишга интилиш ҳисси ҳаёлингизни банд қилиши, сизга тинчлик бермаслиги керак. Маррангиз катта, ҳаракатингиз тўғри бўлса, Аллоҳнинг ўзи қўллайд.





Асрларга  
тенгдош, доврўғи  
дунёга таралган муҳташам  
иморатлар яратувчиларини

## Қурилиш соҳаси ходимлари кунини

билан табриклаймиз.

Янги Ўзбекистонимизнинг бугуни ва келажакни  
йўлида матонат муҳорат билан фаолият  
юритаётган тажрибали меъморлар ва  
қурувчиларга куч-қувват, соғлиқ,  
хотиржамлик ва ижодий  
парвозлар тилаймиз.





# Мукаммал лойиҳа – мустаҳкам қурилиш асосидир



**Мутахассисларнинг айтишича, ҳар қандай қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг пухта ва мукаммал бўлиши, энг аввало, унинг лойиҳасидан бошланар экан. Чунки лойиҳа қанчалик мукаммал ва сифатли, табиий иқлимга мос, жаҳон талабларига жавоб берадиган, зилзилабардош ва муҳими, ишлатиладиган материаллар мустаҳкам бўлса, бино ҳам узоқ йиллар элга хизмат қилади. Бу эса лойиҳачилар зиммасида масъулиятни нақадар катта ва жиддий эканини англатади.**

Қорақалпоқ халқи азалдан меҳнатсеварлиги, бағрикенг ва танглиги билан тилларда дoston. Шу боис ҳам бу ерда юртни обод қилиш истагида меҳнат қилаётган лойиҳа ташкилотлари кўп. Улардан бири, Одилбек Сафаров раҳбарлик қилиб келаётган “Adilbek Nukus” масъулияти чекланган жамиятидир.

Интилганга толе ёр, деганларидек, Одилбек ёшлигидан Қорақалпоғистон Республикаси табиатидан илҳомланиб, бўш вақтида турли хил расмлар чизишга қизиқарди. Бу ҳавас кейинчалик уни чизмачилик сирларини мукаммал ўзлаштиришида қўл келди. Мактабни битириб, Тошкент политехника институтига ҳужжат топширгач, қалбида жойлаганлари имтиҳонларда қўл келиб, талабалikka қабул қилинди.

Олий даргоҳда ўтган йиллар уни ҳақиқий муҳандис бўлишига имкон яратди. Бахтиёр Асқаров, Учқун Ғозиев каби тажрибали устозларидан фан ва ишлаб чиқариш сирларини пухта ўзлаштиргани эса ҳар қандай лойиҳани мукаммал тайёрлашида асқатмоқда. Бунинг учун у устозларидан бир умр миннатдор. Ўрни келганда айтиш керак, Одилбек ўз корхонасини ташкил қилиб, мустақил фаолият юритгунига қадар қурилиш ишлари билан боғлиқ бир қанча босқичларни босиб ўтди. Улардан бири, дастлабки меҳнат фаолиятини бошлаган “Ўзсувхўжалиқлоиҳа” ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали эди.

Ишнинг биринчи кундан ушбу ташкилотдаги ходимлар изланишлар қилмасдан бир хилдаги лойиҳаларни ўнлаб объектларда қўллаётгани унга маъқул келмаганди. Бу ҳолатга барҳам бериб, ўз устида изланмаётган ҳамкасбларини мудроқликдан уйғотиш учун ёш мутахассис айрим объектларнинг лойиҳасига ўзгаришлар киритиб, қайтадан тайёрлади. Ўз-ўзидан у киритган қўшимчаларга қарши чиқувчилар ҳам топилади. Ҳар



қанча тўсиқ бўлмасин, барибир, ўзи киритган янгиликларнинг моҳиятини асослаб, ишлаб чиқаришга татбиқ этишга интилди. Бундай ҳолатлар жуда кўп бўлган Одилбекнинг меҳнат жабҳасида тоблади, соҳада билим ҳамда тажрибаларини ошириб боришга шароит яратди.

“Adilbek Nukus” МЧЖ жамоасини лойиҳачилик соҳасида Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам анча таниқли. Бунинг сабаби, аввало, жамоада соҳа ҳадисини пухта ўзлаштирган тажрибали ишчи-ходимлар жамланганидир. Замонавий технологияларга таяниб, қисқа даврда улар қўлида сайқал топган лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган 2 та кўп қаватли турар жой ва инвестиция дастурига киритилган 3 та ижтимоий объект, 4 та эскирган бинонинг реконструкцияси, 2 та мактаб, 1 та мактабгача таълим ташкилоти, 1 та тиббиёт муассасаси, 2 та давлат ташкилоти биноси ва Нукус шаҳри-

даги спорт мажмуаси, туристик марказ ушбу жамоанинг нафақат меҳнати самарасини, балки лойиҳачиликда тажриба соҳиблари эканини ҳам кўрсатди.

Бу хусусиятлар “Adilbek Nukus” масъулияти чекланган жамиятини турдош корхоналардан фарқлаб туради. Шунинг учун бўлса керак, қўшни вилоятлардаги кўпгина буюртмачилар узоқ йўл босиб Нукус шаҳрига келишдан эринмайди. Чунки Одилбек улар ишончини оқлаган ва талабига мос равишда тайёрлаб берган лойиҳалари бўйича кўплаб бинолар жойларда қад ростлаб, одамлар улардан муносиб равишда фойдаланишмоқда.

Оролбўйи ҳудудларида қурилган ва айни пайтда тикланаётган иншоотларнинг бир қанчаси шу жамоа тайёрлаган лойиҳалари бўйича бекаму кўст амалга оширилган. Нукус шаҳрида Алланияз Қаҳрамон номли ва “Боғдорчилик” маҳалла фуқаро-

лар йиғини ҳудудларида 792 ўқувчига мўлжалланган 2 та мактаб, Мўйноқ туманида 160 ўринли мактабгача таълим муассасаси, Кегейлида “Ёшлар маркази” биноси, Мўйноқ туманида хунармандлар маркази, Эллиққалъадаги “Ақчакўл” овул фуқаролар йиғини ҳудудидида “Ақчакўл” дам олиш мажмуасини туристик масканга айлантириш ва атрофини ободонлаштириш ишлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Бўзатов ҳамда Амударё туманларида жиноят ишлари бўйича суд бинolari, Нукус шаҳридаги кўп хонадонли турар жойларнинг биринчи қаватида аҳолига хизмат кўрсатиш маркази, 3 та кўп қаватли уй-жой, Нукус шаҳридаги ҳарбий қисмда 75-хонадонли турар жой, Нукус ва Мўйноқ туманларидаги “Халқ банки”нинг янги биноси, Кегейли туманида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги 4 та кўп қаватли турар жой, Нукус шаҳридаги “Мономарказ” биносини капитал таъмирлаш, Чимбой ҳамда Қонлиқўл, Мўйноқ туманлари ДСИ бўлими учун замонавий бинолар ҳам жамоа меҳнатининг маҳсулидир.

Лойиҳачиликда эришилаётган ютуқлар жамият иқтисодини мустаҳкамлашга ва ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтиришга кенг йўл очиш баробарида, ишчиларни моддий рағбатлантириш ҳамда меҳнат таътилларида дам олишлари ҳам шароит яратмоқда. Шу кунгача ташкилотнинг ўндан ортиқ ходими республикамиздаги энг сўлим масканларда дам олиб, соғлигини тиклаган бўлса, олти нафарининг яшаш уйлари корхона томонидан таъмирлаб берилди. Икки нафар ходимнинг олий ўқув юртида ўқиётган фарзандининг контракт пуллари корхона ҳисобидан қопланмоқда.

Одилбекнинг соҳада эришган ютуқлари ҳам муносиб тақдирланган. 2022 йилда Қурилиш соҳаси ходимлари кўни муносабати билан кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ўз хизмат вазифасига садоқати, қурилиш соҳасига қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Фахрий ёрлик ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Президиумининг қарорига биноан, “Ватан фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланган. Бундай эътибор ва эъзоз уни янада каттароқ изланишлар қилиб, бири-иккинчисини тақдорламайдиган, эл-юрт корига яровчи лойиҳаларни тайёрлашга ундамоқда.



# Устозларидан ўргангани тадбиркорни элга танитди

**Ойбек Исмаилов мактабдан сўнг олий ўқув юртига киришга шошилмади. Қурувчилик касбига қизиқгани учун аввал бинокорлик сирларини пухта ўрганишни дилига тугиб, Амударё туманидаги қурилиш ташкилотларидан бирига ишга кирди. Уни бетон қориш бригадасига юборишди.**



Корхонада техника масаласи биров тақчил бўлгани сабаб, асосий ишлар қўлда бажариладиган дамлар эди. Меҳнатнинг анча оғирлигига қарамай, мақсадига эришиш учун барчасига чидади. Синолда бўлгани сабабли, корхона раҳбарлари уни зимдан кузатиб боришди ва қурувчиликка иштиёқи баландлигини билгач, тажрибали ишчилардан Бахтиёр Ҳайитимбетов ҳамда Муротбой Ешимбетовларга бириктириб қўйишди.

Халқимизда, “Устоз отангдек улуғ”, деган ақидага амал қилиб, уларни айтганини бажарди, ишларини кузатиб, ўзи ҳам ғишт териш, арматурани қайси жойда, қай тарзда жойлаштириш, кўп қаватли уйларни тиклашда цементнинг қайси маркасидан фойдаланилса, табиий офатларга бардошли бўлиши каби ишларга алоҳида эътибор қаратди. Ўрганганлари кун келиб асқатар деб, уйга келганда алоҳида дафтарга қайд қилиб боришни қанда қилмади.

Вақти келиб ҳеч иккиланмасдан олий ўқув юртига ўқишга киришни ният қилди. Нукус давлат университетининг Қурилиш факультетига ҳужжат топшириб, сиртқи бўлимга қабул қилинди. Ишлаб чиқариш билан бир вақтда танлаган соҳасини мукамал ўзлаштиришда давом этди. Орадан кўп ўтмай ўзи меҳнат қилаётган корхона негизидан хусусий ташкилотлар ажралиб чиқиб, рақобат шаклланди. Қарасаки, тадбиркорлигини бошлаган ҳамкасблари давлат яратиб берган имконият ва шароитлардан фойдаланиб, кам бўлмапти. Устозлари билан маслаҳатлашиб, ўз корхонасини тузишга қарор қилади.

“Манғит идеал-қурилиш” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилишга жазм қилди. Дастлаб маблағ, сўнгра, техника ва бошқа ташвишлар уни биров эсанкира-



тиб қўйди. Бироқ “Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас” деб мақсадини рўёбга чиқаришга интилди. Вақтинчалик ишсиз ёшларни қаватига олиб, Амударё туманидаги мактаб, болалар боғчаларини таъмирлаш ва қуришда фаол қатнашиб катта тажриба ҳам орттирди.

Қурилишда ҳар қандай иш сифатли бажарилса, буюртмачи ўша корхона жамоасини излаб топишга интилади. Ойбек Исмаилов асос

солган жамият аъзолари меҳнати туфайли ана шундай мақомга эгаллиги билан турдош корхоналардан ажралиб туради. Кейинги уч йил оралиғида “Манғит идеал-қурилиш” МЧЖ сўй-ҳаракати билан Қорақалпоғистон Республикасининг Қонлиқўл туманидаги “Маданият” ОФЙда жойлашган Давлат кадастр бўлими биноси, Тахياتош туманидаги “Кенегес” ОФЙда мактабгача таълим ташкилоти, Амударё туманида бир қаватли 16 та 3

лардаги бир қатор қурилиш-таъмирлаш ишлари жамоа томонидан бажарилди.

“Манғит идеал-қурилиш” корхонаси қуриш ва таъмирлаш билан чекланиб қолмасдан, бинокорликда асқатадиган материалларни ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун харажатлардан ташқари, ишлаб топилган соф даромаднинг бир қисми янги лойиҳаларни татбиқ этишга йўналтирилди ва у эндиликда иш ўринларини кенгайтириб, турдош корхоналарни зарур маҳсулотлар билан таъминлашга имконият яратди. Жумладан, маҳаллий хомашёдан ғишт тайёрлаш ва “Акфа” ойна ҳамда ромлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда ушбу маҳсулотларнинг сифати талабга жавоб бергани учун буюртмачилар сони ҳам ортмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, ташаббускор тадбиркор ҳаракати билан шу кунларда темир-бетон тайёрлашга ихтисослашган лойиҳани амалда татбиқ этиш юзасидан сўнги босқич ишлари олиб боришмоқда. У Мустақиллик байрами арафасида тўла қувват билан иш бошлаши режалаштирилган ва ажратилган майдонда замонавий ускуналар ўрнатилиб, ишлаб чиқариш қуввати синовдан ўтказилаётир.

Корхона раҳбари Ойбек Исмаиловнинг қисқа даврда шундай ютуқларга эришишида, энг аввало, устозлари кўрсатган йўл-йўриқлар муҳим ўрин тутган. Қолаверса, ишчи-ходимларни танлашда адашмаганидир. Гап шундаки, 60 нафарга яқин ишчининг 7 нафари олий маълумотли, 5 таси эса тажрибали мутахассислар. Улар ҳар ишда раҳбарнинг таянчи ва суянчи. Устозлари эса кун ора келиб, объектларда бажарилаётган ишларни кўриб, маслаҳатлар беришга одатланишган. Улардан ўрганганлари фаолиятида асқатаётгани туфайли эл-юртга танилган Ойбек Исмаилов устозларидан умрбод миннатдор.



# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ Янги қиёфасини яратётганлар

**Юртимизда тадбиркорлик ривожига қаратилаётган катта эътибор туфайли ишлаб чиқариш корхоналари, йирик завод ва фабрикалар сони ҳам ортмоқда. Имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятини кенгайтираётган тадбиркорлар эса янги иш ўринлари яратиш орқали нафақат юртдошларимизни иш билан таъминлашга, балки юртимиз иқтисодий тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Фидойи ва меҳнаткаш қорақалпоқ халқи орасида ҳам ана шундай тадбиркорлар кўп. Улардан бири Азизбек Каиповдир.**

Аввалига тадбиркорлик фаолиятини Акфа эшик-ромлар ишлаб чиқариш билан бошлаган тадбиркор кейинроқ бизнесини кенгайтириш ҳақида ўйлаб бошлади. Асли қурилиш соҳасининг одами бўлгани унга бу борада анча қўл келди. Кўп йиллар давомида орттирган тажрибаси туфайли соҳанинг баланд-пастини яхши англаган қаҳрамонимиз 2014 йилда “Karakalpak Windows” МЧЖга асос солди. Бугунги кунда корхона Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб келмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб эса Азизбек Каипов раҳбарлигидаги жамоа ташкилот фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида давлатдан кредит олиб, ғишт ва бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга киришди. Ушбу маҳсулотлар “Karakalpak Windows” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган барча қурилиш ишларида фойдаланилмоқда. Эҳтиёждан ортгани эса турдош корхоналарга ҳам сотилади.

Ҳар қандай жамоанинг халқ орасида обрў-эътибор қозониб, одамлар ишончини оқлаши албатта, раҳбарнинг ишбилармонлигига

боғлиқ. Бу фазилат, айниқса, қурилиш соҳаси ташкилотлари учун жуда аҳамиятли. Бу борада Азизбек Каиповнинг ҳамкасбларига ўрнатқан бўладиган жиҳатлари кўп.

1990 йил Нукус шаҳрида туғилган Азизбек болаликдан бунёдкорлик соҳасига қизиқиб улғайган. Оддий қизиқишлар кун келиб юксак мақсадга ундаганини унинг ўзи куйидагича изоҳлайди:

– Қорақалпоқ давлат университети Техника факультетининг муҳандис-қурувчи йўналишини тамомлаганимда, олдимда қатъий мақсадим бор эди. Қорақалпоғистоннинг замонавий қиёфасини яратишдек улғу мақсад мени янада кучли ва тажрибали мутахассис бўлишга ундади. Бугунги кунда корхонамизда 50 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Иш қўламига қараб, мавсумий ишчиларни ҳам жалб қиламиз ва уларга ҳам керакли барча шароитни яратиб берамиз. Қолаверса, қурилиш ишларини сифатли амалга оширишимизда “ARXANGEL GROUP” МЧЖ, “Одилбек Нукус” МЧЖ, “ARX ENERGO PROEKT” МЧЖ ва бошқа лойиҳа ташкилотлари томонидан яратилган лойиҳалар яқиндан ёрдам бермоқда.

Бугун Қорақалпоғистоннинг янги қиёфа касб этишида ушбу жамоанинг ҳам ўрни катта. Буни улар томонидан барпо этилган ва этилаётган объектлар мисолида ҳам бемалол айтиш мумкин. Хусусан, ўтган йиллар давомида Тахтақўпир тумани “Гарезсилик” МФИдаги 6-сонли ҳамда Тахиятош туманидаги 21-сонли мактаблар биноларини капитал таъмирлаш, Жинойат ишлари бўйича Мўйноқ тумани судининг маъмурий биносини янгидан қуриш, Шуманай туманидаги “Карабайлы” МФИдаги 32-сонли мактаб биноси, спорт зал, ошхона қуриб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Мўйноқ туманининг олис ҳудудидаги Шега, Қўнғирот туманининг “Суенли” МФИдаги янги болалар боғчалари, Қўнғирот туманининг “Гулистан” МФИдаги 45-мактабда 9x18 ўлчамли янги спорт зали, Хўжайли туманидаги “Наврўз” МФИда 28-мактабнинг янги 2 қаватли иморати ҳам ушбу жамоа аъзолари томонидан барпо этилган.

Эришилган муваффақиятлар ва халқ ишончи Азизбек бошлиқ жамоага янада куч-ғайрат бағишлаб, маррани кенгрок олишга ун-



дамоқда. Айни пайтда улар Қонликўл туманидаги “Наврўз” МФИ ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массивида битта 5 қаватли 3 йўлакли 30 хонадонли турар жой биносини қуришмоқда. Ушбу турар жой биносини қурилиши 2022 йилда бошланган бўлиб, шу йил барча хонадонлар бекаму кўст ўз эгаларига топширилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Қўнғирот туманидаги “Жаслик” МФИда ҳам 5 қаватли турар жой биноси, Нукус шаҳрида У. Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази биносини атрофидаги кириб чиқиш йўлларини таъмирлаш, 1-сонли ихтисослашган мактабда яшил майдон, “Workout” ва спорт майдончаларини барпо этиш ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

Ташкилотнинг халқ орасида ўз нуфузига, жамоанинг эса ҳурматга сазовор бўлишида, албатта, унда фаолият юритаётган ишчи-хондонларнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини унутмаслик лозим. “Karakalpak Windows” МЧЖда ҳам кўп йиллардан буён ўз меҳнати билан ҳурмат қозониб келаётган тажрибали ишчилар кўп. Бош муҳандис Бердимурат Матканов, прораблар Рашид Данияров ва Ермеқбай Палуанизов, ғишт ва бетон заводида иш бошқарувчи Асай Усманов, кранчи Жумабай Нурмухаммедов, бухгалтер Амангелди Есемуратов кабилар бошқаларга ўрнатқан бўлиб, ўз тажрибаларини ёшларга ўргатиб келишмоқда.

Меҳнаткаш жамоани касб байрами билан табриклаб, улкан муваффақият тилаб қоламиз.





# “ХАЛҚ БИЗДАН РОЗИ БЎЛСА, ТЎХТАБ ҚОЛМАЙМИЗ!” –

деди “Real Montaj” МЧЖ раҳбари Шерзод АЛИШЕРОВ.

**Улкан ҳажмдаги қурилишлар одамларни ажаблантирмай қўйганига анча бўлди. Кунда бир иншоот барпо этилишига кўзимиз ҳам, ўзимиз ҳам ўрганиб қолдик. Янгидан бино қуриш осон иш эмас албатта, аммо эски иморатни асл ҳолида қайта тиклаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун киши нафақат моҳир қурувчи, шу билан бирга яхшигина ижодкор, кузатувчи ҳам бўлиши керак. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қурилиш-бунёдкорлик соҳасида фаолият юритиб келаётган ташкилотлар орасида нафақат қурилиш, балки реконструкция ишлари билан ҳам танилган жамоалар кўп.**



Шундай катта масъулиятни ўз бўйнига олиб, узоқ вақтдан бери қурилиш-таъмирлаш ишларини пухталиқ билан амалга ошириб келаётган ташкилотлардан бири – “Real Montaj” масъулияти чекланган жамиятидир. 2014 йилда Тўртқўл туманида ташкил этилган қурилиш ташкилоти турар жой ва нотурар жой иншоотларини қуриш ҳамда уларни реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш билан шуғулланади. Айниқса, жамоа аъзолари томонидан охириги йилларда амалга оширилган йирик қурилиш-монтаж ишлари алоҳида мақтовга сазовор.

Хусусан, жамоа ишчи-хизматчилари томонидан Бўзатов туманидаги “Эркиндарё” ОФЙ ҳудудида “Добал” аҳоли пунктнинг сувни чуқуқлантурувчи станция, “Отаюрт” ОФЙдаги 51-сонли мактаб биноси капитал таъмирланган бўлса, Қораўзақ туманидаги Қўриқлаш бўлимнинг маъмурий биноси янгидан барпо этилди. Шунингдек, Тўртқўл туманининг “Кўкча” ОФЙдаги 46-сонли мактаб, Қишлоқ хўжалиги бўлими, “Аккамиш” ОФЙдаги 26-сонли мактаб, “Кўна Тўртқўл” ОФЙдаги 12-сонли мактаб бинолари, Чимбай тумани қўриқлаш бўлими маъмурий биноси реконструкция қилиниб, “Пахтаобод” ОФЙ ва “Тозабағяп” ОФЙ ҳудудида пиёдалар йўлакчалари, Тўртқўл туманидаги 5-сонли мактаб биносининг иситиш тизими ҳамда очиқ спорт мажмуаси қурилиши ишлари ҳам аъло даражада олиб борилди.

Ҳозирги кунда жамоа аъзолари Эллиққалъа тумани тиббиёт бирлашмасининг 90 ўринли туғруқ бўлими ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси учун 3 қаватли янги бино қурилиши ишлари билан банд. Қурилиш-бунёдкорлик ишларини жамоадаги 50 дан ортиқ ишчи-хизматчилар ҳамжихатлик билан бажаришмоқда.

Жамоадаги олий маълумотли прораб ва муҳандислар ўз маслаҳат ва тавсияларини ҳамкасбларидан аямайди. Ахир, бугун бажарган ишлари учун юртдошларидан неча йиллар давомида раҳмат эшитиш осон иш эмас, албатта. Бунга муносиб бўлиш учун эса фақат ҳалол, тоза ва сифатли ишлаш керак бўлади.

Жамоанинг турдош корхоналар орасида ўзига яраша обрў-эътибор қозонишида ҳам албатта, ана шу меҳнаткашлик хусусияти асқатмоқда. Қолаверса, бу борада уларга қурилиш ишларини мукамал даражада амалга ошириш замонавий техника воситалари

ҳам яқиндан кўмакчи. Ҳозирда “Real Montaj” МЧЖда 2 та автокран, 2 та экскаватор, 1 та каток, 1 та трайлер, 3 та енгил автомобиль, 25 тонна оғирликка мўлжалланган 4 та юк автомобили, 1 та тиркама, 2 та бетон қорғич, 1 та фронтал юклагич ва 1 та бульдозердан иборат 18 та автотранспорт воситаси мавжуд. Қурилиш-реконструкция ишларининг кўнгилдагидек амалга оширилишида ҳар бирининг ўз ўрни бор. Яқинда катта ҳажмдаги бетон қориш ускунаси сотиб олингани эса, жамоа меҳнатини анча енгил қилди.

Зеро, Қорақалпоғистондаги нуфузли ташкилотларнинг аксарияти айнан “Real

Montaj” хизматларидан фойдаланишни афзал кўриши ҳам бежиз эмас, албатта. Корхонанинг асосий буюртмачилари қаторида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”, Тўртқўл тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳам борлигини айтиш мумкин.

“Real Montaj” МЧЖга 2021 йилдан буён Шерзод Алишеров раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунга қадар бутун фаолиятини қурилиш соҳасига бағишлаган қаҳрамонимизнинг ушбу ташкилотдаги фаолиятига 10 йилдан ошган. Тақдир изми билан 12 ёшида оилавий Қорақалпоғистонга кўчиб келиб, шу ерда ўрнашиб қолган Шерзод Қорақалпоғистон Республикаси юридик коллежини тамомлаб ёш мутахассис бўлишига қарамай илк иш фаолиятини айнан “Real Montaj” МЧЖдан бошлагани ҳам бежиз бўлмаган, албатта. Раҳбарлик вазифасига киришгунига қадар жамоада иш юритувчи сифатида соҳанинг кўп қирраларини пухта эгаллади.

– Халқ биздан рози бўлса, ҳеч қачон тўхтаб қолмаймиз, – деди Шерзод Алишеров биз билан суҳбатда. – Яқин йиллар ичида жамиятимиз таркибда ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бунда асосан бетон ва бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз. Бундан ташқари, ҳозирча Тўртқўл туманида ипотека кредити асосида аҳолига уй олишда ёрдам бериб келмоқдамиз. Кейинчалик бу фаолиятимизни бутун Қорақалпоғистон ҳудудида кенгайтириш ниятидамыз. Келажақда жамоамиз сафини кенгайтириш, замонавий техникалар сонини ошириш ҳамда янги замонавий реконструкция лойиҳаларини ишлаб чиқишни мақсад қилганмиз. Бу юксак мақсадларни амалга оширишда жамоадошларимиз Эркин Нурибетов, Азиз Сатимов, Дилшод Сатимов, Бегзод Нурибетов, Умирбек Ёлдошов, Иномжон Атажонов ва Абдулло Сатимов каби фидойи инсонларнинг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидласак, арзийди.

Биз ҳам ушбу меҳнаткаш жамоани Қурилиш соҳаси ходимлари куни билан табриқлаб, келгусидаги ишларига омад тилаймиз.





# УЛКАН МАҚСАД

Юксак марра сари чндайди

**Мақсад қанчалик улкан бўлса, забт этиладиган марра ҳам шунча баланд бўлади. Бу мезон қурилиш-бунёдкорлик соҳасига ҳам бевосита тегишли. Бир пайтлар фаолиятини оддийгина ишлаб чиқариш билан бошлаб, кейинчалик тадбиркорлик туфайли бир вақтнинг ўзида бир нечта корхонани бирлаштириб, йирик компания ташкил қилиш каби ҳолатлар бугун афсона эмас. Зеро, юртимизда бунинг учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Айниқса, давлатимиз томонидан тақдим этилаётган имкониятлар кўпайгани тадбиркорлар сони ортишига сабаб бўлмоқда.**



Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси тадбиркорлари ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботлашмоқда. Жумладан, 2022 йилда ташкил этилган "NUKUS PROEKT-SMETA" МЧЖ ҳам ёш ташкилот бўлишига қарамай, бугунги кунда ўз нуфузига, мижозлари ва ҳамкорларига эга бўлиб улгурган. Жамоа томонидан амалга оширилаётган кенг кўламдаги лойиҳалаш ишлари туфайли ушбу замин ҳам бугун янада кўркам қиёфа касб этмоқда десак, асло муболаға бўлмайди.

Ташкилот раҳбари Даулетбай Айтимбеков асли қурилиш соҳасидан чиққан малакали мутахассис. Бутун умр шу соҳада меҳнат қилиб, шу соҳада хурмат қозонган фидойи инсон. Ушбу корхонани ташкил қилгунига қадар у киши кўплаб қурилиш ташкилотларида ишлаб, тажриба орттирган, соҳанинг пасту баландини синчковлик билан ўрганган. Касб сирларини аввало, Нукус транспорт коллежидан ўрганган қахрамонимиз кейинроқ Қорақалпоқ давлат университетининг қурилиш факультетини тамомлади.

Илк фаолиятини "Нукус йўллардан фойдаланиш" давлат унитар корхонасида оддий ишчи сифатида бошлаган мутахассис шу орада транспорт коллежи ва мактабда ўқитувчилик ҳам қилди. Сўнгра, яна "Шимолий-Ғарбий

ХДААЙСИТФК" Нукус филиали корхонасида ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, "NUKUSSKOE STROITELSTVO DOROGI" МЧЖда ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси, "ЕКО ОКНА" ХК ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси, "MAX ELIT STROY" МЧЖда ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, "UNIVERSAL PREMIUM STROY" МЧЖда ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаб, тажрибасини бойитди. Уй-жойлар, йўл ва ободонлаштириш масканлари қурилиши бўйича ўз фикрига, қарашларига эга бўлди.

– Соҳада анча пайт тажриба орттиргач, ўзимда ҳам бирон ташкилот очиш нияти уйғонди, – деди Даулетбай Айтимбеков. – Аввалига 3 киши билан иш бошлаган бўлсак, кейинчалик мутахассисларимиз сони 17 нафарга етди. Уларнинг сифатли лойиҳалар яратиши учун керакли шароит, техника ва жиҳозлар билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Архитекторларимиз замонавий билимларни эгаллаб, энг сўнги дастурлар ёрдамида мукамал лойиҳалар устида ишлашмоқда. Улардан, архитектор Раъно Примова, лойиҳа бош архитектори Каллибек Джулдасбоев, лойиҳачилар Саломат Шанлибоев ва Алпамис Шарипов, геодезист Ўролбой Жолдасов, лойиҳачи Максат Ўтамбетов, сметачилар Лиза Сугу-



ралиева ва Алибек Калиев, ташкилот ўринбосари Жакслик Буркитов, геодезист Ойбек Убайдуллаев каби жамоадорларим туфайли бугунги кунда Қорақалпоғистонда анча танилиб қолдик. Халқнинг билдирган бу ишончи эса бизга янада кўпроқ ғайрат ва ижодкорлик бағишлайди.

Дарҳақиқат, миллий урф-одат ва анъаналарга содиқ қорақалпоқ заминини янада гуллаб-яшнаши учун ҳисса қўшиб келаётган жамоа аъзолари томонидан яратилаётган лойиҳалар бугун кўп-

лаб ҳудудларга кўрк бағишлаб турибди. Даулетбай аканинг ўзи Қораўзак ва Кегейли туманларида "Ягона дарча" биноси, мактаб, 5 қаватли турар жой мажмуалари қурилиш ишларида фаол қатнашган. "NUKUS PROEKT-SMETA" жамоаси томонидан "Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси ҳамда ободонлаштириш корхоналари буюртмасига биноан кўплаб йўл ва ободонлаштириш лойиҳалари яратилган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси" унитар корхонасининг буюртмасига кўра, Тахтақўпир туманидаги "Кўнғироткул" ОФЙда 2 қаватли ҳамширалик пункти, "Маржонкул" ОФЙ биноси, Чимбой туманида Ёшлар меҳнат гузари биноси, Нукус шаҳрида халққа хизмат кўрсатиш ва ўқув маркази бинолари лойиҳалари ҳам ушбу жамоа меҳнати маҳсулидир. Тахиятош туманида жойлашган ҳарбий қисмда 70 ўринли маънавият ва маърифат маркази биноси ва тренажер зали биноси лойиҳалари ҳам яратилди. Ҳар бир лойиҳага ўзига хос услубда ёндашиб, ижодкорлик руҳи билан ишга киришиш – жамоа мутахассисларининг шиорига айланган. Пешма-пеш тушаётган буюртмалар эса уларнинг меҳнатига берилаётган ҳақиқий баҳо, аслида.

– Ҳозирги кунда бешта оғир ҳудуддаги тупроқ йўлларни шағаллаштириш лойиҳаси устида иш олиб боряпмиз, – дея суҳбатни давом эттирди Даулетбай Айтимбеков. – Хусусан, Мўйноқ, Қўнғирот, Бўзатов, Шуманай, Қонликўл туманларидаги таъмирталаб йўлларни замонавий талабдаги раван йўлларга айлантириш лойиҳасини айнан бизнинг жамоа мутахассислари яратаётгани бир томондан фахр бағишласа, бир томондан зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Чунки миллионлаб одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиладиган йўллар ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама қулай, чидамли ва кўп йиллар давомида хизмат қилиши лозим. Шу боис, ишимизга нафақат касб масъулияти, балки юртнинг бир фуқароси, фарзанди сифатида жонқуярлик билан ёндашишга интиламиз.

Ҳа, рости ҳам шу – иморат, йўл ёки бошқа ҳар қандай иншоотнинг сифатли барпо этилиши аввало, унинг лойиҳаси қай даражада мукамал яратилганига боғлиқ. Бу азалий ҳақиқатни бунёдкорлик соҳасининг фидойи вакиллари ўзларига дастурил-амал билиб, келгуси авлодларга фақатгина пишиқ ва пухта иморатларни мерос қилиб қолдиради, деган умиддамиз.

Бу шарафли йўлда уларга улкан сабр, матонат ва шижоат тилаб қоламиз.





# Оролбўйидаги биринчи хусусий олий таълим даргоҳи

**Анвар АЪЗАМОВ,**  
Нукус инновацион институти  
ректори.

**Оролбўйи минтақасининг маъмурий марказида жойлашган Нукус инновацион институти хусусий таълим даргоҳларидан биридир. Институт ҳозирча ҳудуддаги ягона ҳамда биринчи хусусий олий таълим муассасаси ҳисобланиб, 2022 йилдан буён фаолият юритмоқда.**



Ташкилий тузилмаси эса турдош институтлардан кам эмас. 2 та кенгаш, 1 та бошқарма, 7 та бўлим, 2 та марказ, 2 та сектор, 2 та факультет ва 4 та кафедранинг ўзида жамланган. Булар қаторида институтнинг асосий биносидан ташқари, Гулистон ва Самарқанд шаҳарларида ҳам замонавий кўринишдаги филиаллари қурилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Бунинг учун ҳар бирига 52 миллиард сўмдан зиёд ички инвестиция киритилган.

Дастлаб, 2022-2023 ўқув йили учун 2 та йўналишга талабалар қабул қилинган бўлса, ўқув кўламини кенгайтириш ҳисобига ҳозирги кунда дастурий инжиниринг, молия ва молиявий технологиялар, тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий, тармоқлараро бухгалтерия ҳисоби ва аудит, мактабгача таълим, бошланғич таълим, филология ва тилларни ўқитиш, педагогика, психология, мамлакатлар ва тарих каби йўналишлар мавжуд.

Булар ҳали институт тўла-тўқис шаклланди, дегани эмас. 2024 - 2025 ўқув йилидан бошлаб, тиббиёт соҳасида 3 та бакалавр ҳамда 4 та магистратура бўйича йўналишлар очиш юзасидан тадориқ ишлари бошлаб юборилган. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган йўналишларда эса кундузги, сиртки, кечки ва масофавий таълим шакллари мавжуд ҳамда уларда 6 183 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Институтда ўз соҳасининг билимдонларидан иборат педагоглар жамоаси шаклланигани сабабли 181 нафар профессор-ўқитувчи талаба-ёшларга дарс машғулотларини талаб даражасида олиб боришяпти. Уларнинг илмий салоҳият даражаси 42 фоизни ташкил қилади. Институтни янада ривожлантириш учун ишлаб чиқилган йўл харитасига кўра, яқин орада бу кўрсаткич 85 фоизга етказилиши мўлжалланган. Дарслар оддий усулда эмас, юз фоиз кредит-модул тизимида ва Nemis платформаси орқали олиб бориляпти. Аудиториялар энг охириги техника ва технологиялар билан жиҳозланган.

Ўқув жараёнларини ташкил этишда кундузги педагогик йўналишлар учун 2-курсдан бошлаб дарслар 4+2 дастури доирасида, яъни, 4 кун назарий таълим, 2 кун амалиёт тарзида олиб борилади. Барча йўналишлар учун бир ўқув йилида 2 ҳафтадан 4 ҳафтагача малакавий амалиётлар ташкил этилади. Ҳар бир семестрни аъло баҳоларга яқунлаган талабаларга ректор стипендияси жорий этилган. Талабаларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун институтда 4 та кутубхона фаолият юритмоқда. У ерда турли мавзудаги

30 000 дан ортиқ китоб жамланган, уларнинг электрон вариантлари ҳам шакллантирилган. Мазкур адабиётлардан талабалар ва профессор-ўқитувчилар бепул фойдаланади.

Турдош институтларнинг аксариятидан фарқ қиладиган яна бир жиҳат, ҳар бир аудиторияга кузатув камералари ўрнатилган. Бундан мақсад - дарс машғулотларини доимий равишда назорат қилиб бориш ва уларни мутахассислар билан биргаликда муҳокама қилишдан иборат. Қолаверса, талабаларнинг ота-оналари фарзандларининг қай тарзда билим олаётганларини кўришлари мумкин.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, айни пайтда институт ҳар томонлама билимли ва сифатли кадрлар тайёрлашни янада кенг шакллантириш мақсадида жаҳондаги 10 дан ортиқ давлатнинг 20 дан ортиқ хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаган.

Улар билан "2+2", "3+1" талабалар академик мобил алмашинув йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга қадар 5 нафар профессор-ўқитувчи хорижий ОТМларда малака ошириб келди. 3 нафар хорижий профессорлар-ўқитувчи офлайн ва онлайн тарзда дарс машғулотларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, ҳамкорликда халқаро илмий-амалий конференциялар ташкил этиляпти. Германиянинг "Zeit Stiftung Bucerius" таълим фонди бўйича эса 2 та лойиҳанинг дастлабки ишлари бошланган.

Яна бир эътиборли томони, олис ҳудудлардан келиб таҳсил олаётган талабаларга энгиллик яратиш мақсадида 2 та талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, уларда 300 нафар ёшлар жойлашган. Талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун 1 та ёпиқ турдаги спорт зал фаолият юритмоқда.

Институтда кадрлар тайёрлашни замон талабларига мос равишда олиб бориш билан бирга республикамизда ўтаётган ислохотларга жамоанг тарзда қурилиш ва бунёдкорлик ишларини ҳам жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда институт тасарруфида бир қанча объектларда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Жумладан, пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида 7 қаватли жаҳон андозаларига мослашган тиббиёт техникуми қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида эса 10 минг ўринга мўлжалланган ўқув биноси ҳамда 500 ўринли талабалар турар жойи, тиббиёт клиникаси ва амфитеатр қад ростламоқда. Шу билан биргаликда замонавий лойиҳалар асосида Нукус шаҳрида 10 минг нафар талаба-ёшлар таҳсил ва таълим-тарбия олишлари учун ўқув биноси, 500 ўринга мўлжалланган ётоқхона ҳамда тиббиёт клиника қуриш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти.

Истиқболда эса Тошкент, Нукус ва Гулистон шаҳарларида Нукус инновацион институти кампуси таркибида замонавий мактабгача таълим ташкилоти, хусусий мактаб ҳамда энг сўнги техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт клиникасини қуриш режалаштирилган. Ҳозирда бу объектлар учун тайёрланган лойиҳалар яна бир қарра ўрганиб чиқилляпти. Яқин орада қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳам бошлаб юборилади.

Хулоса қилиб айтганда, институтнинг келажаги порлоқ, дейишга асос бор. Ҳозирда унинг истиқболи учун 10 йиллик ва 50 йиллик "йўл харита"лари ишлаб чиқилган бўлиб, улар юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилган.



## БИЗ ҚУРГАН БИНОЛАР

Энг сифатлиси бўлиши керак!

**Қурувчилар орасида бир гап бор: “Бинони қуришдан унинг лойиҳасини тайёрлаш қийин”. Дарҳақиқат, шундай! Айниқса, кўп қаватли биноларни барпо этиш кенг тус олган бугунги кунда лойиҳачилар зиммасидаги вазифа масъулияти янада ошган. Ахир, мамлакатимиз қурувчилари тажрибасида оммалашмаган бу тоифа биноларнинг қад ростлашида озгина хатолик ҳам катта фожиага сабаб бўлиши мумкин. Андижон вилоятида қурилаётган янги биноларни кўриб, унинг лойиҳачилари нечоғли машаққатли ва масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олганлигига ишонч ҳосил қилдик.**



қилишди. Улар орасида ижтимоий объектлардан тортиб аҳоли турар жой масканларигача мавжуд.

– Бугунги кунда айрим кўп қаватли уйларда айвон, яъни балконга эътибор қаратилмаяпти, – деди суҳбатдошимиз. – Ваҳоланки, унинг ҳажми хонадонлар ўлчамига қараб белгиланади. Биринчидан, хонадонга керакли миқдордаги кислород миқдорини таъминлаб беради, ҳаво айланишини мўтадиллаштиради. Иккинчидан, фавқулодда вазиятларда ҳимоя воситасини ўтайди. Масалан, хона ичкарасида ёнғин

пайдо бўлганда у талафотдан ҳоли ҳудуд ҳисобланади. Учунчидан, зилзила пайтида шошилиш йўлак вазифасини ўтайди. Шунинг учун амалдаги тартибларда бешинчи қаватдан бошлаб юқоридаги ҳар бир хонадон балконида қуйи қаватга олиб тушувчи туйнук очилади. У қаттиқ ер қимирлаганда лифт ёки зина банд бўлса ёки ёнғин пайтида шу йўлак орқали пастки қаватга тушиб олиш имконини беради. Биз бинолар лойиҳасини тайёрлаётганда шу каби хусусиятларни эътибордан қочирмасликка ҳаркат қиламиз.

– Лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаётганда буюртмачининг талаб ва хоҳишларига асосланамиз, – деди корхона раҳбари Муҳаммадjon Болтабоев. – Хомашёлар шунга қараб танлаб олинади. Қувонарли жиҳати шундаки, бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган хомашё маҳсулотлари жаҳон талабларига тўлиқ жавоб беради.

Корхона томонидан ишлаб чиқариш кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мисол учун, 2021 йилда 1 миллиард сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 1,8 миллиард сўмни ташкил этди. Бунга ҳудудда бунёдкорлик ишларининг кенг кўламда амалга оширилаётгани ва ушбу корхонага бўлган ишонч сабаб бўлмоқда. Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш билан иш якунланиб қолмаслигига гувоҳ бўлдик. Унинг сифат назоратига бўлган эътибор ниҳоятда катта. Зеро, лойиҳада кўрсатилган хомашёлардан фойдаланилмас экан ёки қурилиш жараёнига ўзгартиришлар киритилар экан, демак, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис, бино фойдаланишга топширилгунга қадар ҳар бир жараён қатъий назоратда бўлади.

– Айрим ҳолларда хатоликлар ҳам учраб туради, – деди корхона раҳбари. – Баъзи объектларда назорат олиб борганимизда эшик-ромлар ёки электр симлари бизнинг лойиҳада кўрсатилганидек эмаслигига гувоҳ бўламиз. Ваҳоланки, ҳар бир майда буюмининг ҳам катта аҳамияти бор. Уларнинг ўрнига муқобил ёки турдошини танлаш кечириб бўлмайдиган ҳолатдир. Зеро, хомашёнинг хусусиятига қараб унинг сифати белгиланади. Биз сифатсиз иморатларни қуришга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун камчиликлар жойида бартараф этилишини таъминлаймиз.

Бугун Андижон вилоятида қад ростлаётган ёки фойдаланишга топширилган биноларни кўриб кўзингиз қувнайди. Бир-бирини такрорламайдиган бу бунёдкорлик намуналарини яратишда “Andijon Mega Project” МЧЖнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта! Бугунги касб байрамини нишонлаётган корхона ходимларини қутлар эканмиз, сизнинг билим ва иқтидорингиз, тажриба ва маҳоратингиз мана шу бинолар каби улкан ва маҳоратлидир, деймиз!



**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқишга ихтисослашган ушбу корхона бир йилда 10 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектлари, 10 дан ортиқ кўп қаватли турар жой бинолари, 30 дан ортиқ хусусий тадбиркорлик объектлари ва 100 дан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой лойиҳаларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун 25 нафар мутахассис фаолияти йўлга қўйилган.**

Айтиш жоиз, бугун юртимизнинг барча ҳудудлари катта қурилиш майдонига айланган. Жумладан, Андижон вилоятининг энг чекка ҳудудларида ҳам қурувчилар фаолиятига кўзингиз тушади. Бир пайтлар атиги 3 қаватдан баланд бино қурилмаган бу манзилларда эндиликда қурувчилар ҳеч иккиланмай 16 қаватдан иборат турар жойларни барпо этишяпти. Уларни кўриб аввалига: “Буларни туркияликлар қураётган бўлса керак”, деб ўйлайсиз. Соҳада катта тажриба мактабини яратган қардошларимиз эса бизнинг қурувчилар ҳам шундай маҳобатли биноларни барпо этишларини тан олмоқдалар.

– Бу борада жаҳон тажрибасини ўзлаштиганимиз кўл келмоқда, – деди “Andijon Mega Project” МЧЖ раҳбари Муҳаммадjon Болтабоев. – Уни маҳаллий муҳитга уйғунлаштирган ҳолда янги лойиҳаларда қўллаяпмиз. Биз тақдим этаётган смета асосида барпо этилаётган бинолар узоқ йиллар давомида халқимизга хизмат қилишига ишонаман. Чунки улар кучли зилзила ва бошқа табиий фалокатларга бардошли бўлиб, қурилиш жараёнида жаҳон талабларига жавоб бера оладиган хомашёлардан фойдаланилмоқда.

Дарвоқе, Андижон вилоятида барпо этилаётган аксарият биноларнинг лойиҳа муаллифи бўлиш ушбу жамият 2015 йилда ташкил топган. Ортада қолган салкам ўн йил вақт ичида юзлаб биноларга муаллифлик





# Қурувчи касбини танлаб адашмаганмиз!

**Андижон вилояти мамлакатимизнинг энг аҳоли зич ҳудудларидан ҳисобланади. Бу ерда ҳар бир қарич ернинг ҳисоби бор. Шунинг учун аҳолини қийнаб келаётган энг катта муаммолардан бири турар жой масаласидир. Таҳлилларда баён этилишича, ҳозирги кунда вилоятда аҳоли мурожаатларининг 90 фоизи айнан шу мавзуда бўлмоқда. Хулоса қилиш мумкинки, ҳудудда уй-жойга бўлган эҳтиёж ниҳоятда катта.**

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида тизимли чора-тадбирлар кўрилмақда. Буни барча манзилларда қад ростлаётган мухташам турар жой манзиллари мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўкка бўй чўзаётган биноларнинг салобати қанчалар юксак бўлса, ундан қўним топиб, бахт ошиёнига эга бўлаётганлар хурсандчилиги шунчалар тенгсиздир.

“Универсал инвест сервис” МЧЖ халқимизга қувонч улашаётган, ҳаётларини бахт туйғуси билан безаётган ташкилотлардан биридир.

– Фаолиятимизни бошлаганимизга 8 йил бўлди, – деди корхона масъул ходими Музаффаржон Муродалиев. – Бу давр мобайнида кўплаб лойиҳаларни фойдаланишга топширдик. Ўндан зиёд кўп қаватли уйлар ва бир қанча ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, таъмирлаш ишлари шулар жумласидандир. Қайси лойиҳа устида ишламайлик, сифатга катта эътибор қаратдик. Зеро, бинолар узоқ йиллар давомида халқимизга хизмат қилиши учун сифатли хомашё, меҳнат ва натижа бўлмоғи керак.

Жамоа ишчилари айна пайтда Шаҳрихон туманида фаолият олиб боришмоқда. Улар томонидан 13 та кўп қаватли турар жой бинолари барпо этиляпти. 7 қаватдан иборат бу уйлар фойдаланишга топширилгач, 455 та оила янги хонадонларга кўчиб ўтади. “Яшил водий” номи билан аталувчи ушбу манзилда 4 та бинода сўнгги ишлар олиб бориляпти. Бунинг натижасида 120 та оила республикамиз Муस्ताқиллиги байрамини янги уйда нишонлаш бахтига муяссар бўлади.

– “Яшил водий” ўз номи билан яшил ҳудуддан иборат, – дея суҳбатда давом этди Музаффаржон Муродалиев. – Бу эса манзилда экологик муҳит барқарорлигини таъминлайди. Болалар майдончалари, аҳоли дам олишлари учун кичик боғчалар, автомобиль тураргоҳи аҳолига қулай шароит яратишга хизмат қилади. Энг муҳими, инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга ўрин йўқ. Бойси, тоза ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммолар юзга келмаслиги учун ҳозирдан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

– Айримлар қурилиш соҳасида меҳнат қилишнинг оғир томонлари кўп, деб ўйлашади, – деди ишчи Баҳромжон Ёқубов. – Бироқ, жисмоний меҳнатни талаб қилувчи бу соҳада қийинчиликдан кўра масъулият ҳисси оғирроқ. Пухта билим ва тажриба орқали зиммамиздаги вазифани кўнгилдагидек адо этиб, халқимиз ишончини қозонишга эришяпмиз. Зеро, биз барпо этган бинолар бизнинг меҳнатимизга берилган баҳодир!

Дарвоқе, ташкилотда ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Дам олиш ва ошхона улар хизматида. Икки маҳал иссиқ овқат билан таъминландилар. Ойлик маошлари эса ўртача 6 миллион сўмни ташкил этмоқда.

– Андижон шаҳри бўйлаб юрар эканман, биз барпо этган биноларга кўзим тушади, – деди қурувчи Мاستонбек Ботиров. – Улар нафақат қулай шароити билан, балки шаҳар кўригига зеб бериб турувчи ташқи кўриниши билан ҳам бошқа бинолардан ажралиб туради. Уларда кимдир янги маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, бошқа биров оиласи билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Энг муҳими, бу биноларда келажак сари умидли ва дадил қадамлар ташланяпти. Шу уйларда эртанимиз келажаги бўлган ёшлар камол топяпти. Бунда бизнинг ҳам кичкинагина иштирокимиз борлигидан хурсанд бўламан. Ана шундай пайтларда қурувчилик касбини танлаб хато қилмаганимни ҳис этаман.

Жамоанинг келгусидаги режалари улкан! Шаҳрихон туманида барпо этиладиган “Янги маҳалла” лойиҳасига қўл урадилар. 10 гектар майдондан ва 154 та кўп қаватли уйдан иборат ушбу манзилда келгусида 5390 та оила истиқомат қилиши кўзда тутилган. Арзон ва сифатли бўлиши режалаштириляётган бу уй-жойлар ҳамюртларимизга манзур бўлишига уларнинг ишончи комил.

Бугун республикамизда қурувчиларнинг касб байрами кенг нишонланмоқда. Мана шундай муборак санада соҳа ходимларини қутлар эканмиз, қадрингиз сиз бунёд этган бинолардан ҳам баландроқ, ўзингиз ўша бинолардек табарруқ бўлишингизни тилаб қоламиз!





## Корхонанинг сифат белгиси – халқ ишончи!

**Ҳар гал янги қад ростлаётган биноларга разм солар эканман, бу қурувчиларга қўйилаётган ҳайкалдир, деган фикрга бораман. Унинг мустаҳкамлиги, талабларга тўлиқ жавоб бера олиши, хоналарнинг кенг ва ёруғлиги, чиройли ташқи кўриниши, қўйингки, барчаси бунёдкорларнинг билими, салоҳияти ифодасидир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Андижон вилоятида фаолият олиб бораётган “Bizness-House” МЧЖ ХК жамоаси ҳам юксак ишончга сазовор бўлиб келаётган ташкилотлардан биридир.**

– Бу бежизга эмас, – деди корхона раҳбари Ёдгорбек Ўктамбеков. – Чунки ҳар бир бино қурилишида сифатга энг устувор вазифа дея қараймиз. Бунда ҳар бир хомашёни жаҳон талабларига мос ва хослигига эътибор берамиз. Дунёда танилган ва тан олинган ишлаб чиқарувчилар маҳсулотидан фойдаланамиз. Биноларнинг сони эмас, сифати, пишиқ-пухталиги биз учун асосий ўринда туради.

2018 йилда Қирғизистон Республикасида ташкил топган ушбу корхона 2019 йилдан буён мамлакатимизда ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда. Айни пайтда жамият томонидан ҳудудда 5 та лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, 4 минг гектар майдонни ўз ичига олган “Янги Андижон” массивидаги кўп қаватли турар жой биноси шулар жумласидандир.

– Ушбу турар жой биносини қуришда жойлашган манзилдан бошлаб, хоналари, йўлаклар, ҳатто майда қисмларигача катта эътибор қаратилган, – деди харидор Нилуфархон Аҳмадалиева. – Хоналар кенг ва шинам, барча қулайликлар мужассам. Табиий ёруғлик тушиши ва ҳаво айланиши инobatга олинган. Ҳатто том қисми ҳам дам

олиш масканига айлантирилган. Хомашё ва бошқа эҳтиёт қисмлар хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилганлиги бинонинг узоқ йиллар давомида беминнат хизмат қилишидан далолатдир. Менга жуда ёқди ва шу уйдан хонадон харид қилишга қарор қилдим.

Шу кунгача вилоят марказидаги 6 та йирик лойиҳани фойдаланишга топширган корхона, шунингдек, Алишер Навоий номидаги шох кўчада қад ростлаётган “Navoiy city” турар жой мажмуасида ҳам бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда.

– Бу бинода 700 та хонадон мавжуд бўлиб, турк андозаси асосида барпо этиляпти, – дея суҳбатда давом этади корхона раҳбари Ёдгорбек Ўктамбеков. – Қурилиш ишлари 2022 йилда бошланган. Жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилади. Бу ерда нафақат яшаш учун, балки, савдо қилиш, транспортни жойлаш, маиший хизмат кўрсатиш, маъмурий идоралар фаолиятини йўлга қўйиш, дам олиш учун ҳам қулайликлар яратилди. Бир сўз билан айтганда, мажмуа шаҳар ичидаги шаҳар мақомини олади. Яна бир жиҳати, биз барпо этаётган турар жойларнинг том қисми “Pent house”



усулида қурилмоқда. Яъни, у ерда ҳовли жой бунёд этишга киришганмиз. Ундан югуриш йўлакчаси, бассейн ва бошқа кўнгилочар масканлар жой олган. Пастки қават нотурар жой ҳисобланиб, хизмат кўрсатиш, савдо ва маиший комплексга мослаштирилган.

Ушбу бинони барпо этишда импорт хомашёлардан фойдаланилмоқда. Масалан, арматура, эшиклар Россия, лифт Туркия, дераза ва ромлар Германия давлатидан олиб келинган. Бу орқали мукамал ва стандарт талабларига риоя қилинган ҳолда қулайлик, сифат ва кўркамликка эришилмоқда.

– Корхона томонидан фойдаланишга топширилган турар жойни кўргач, бу менинг бир умрлик орзум эканига ишондим, – деди яна бир харидор Рустамжон Абдуразоқов. – Барча қулайликларга эга бу хонадонда оилам билан шод-хуррам яшаймиз, деган умиддан. Қолаверса, фарзандларим учун

ҳам алоҳида шароитлар мужассамлиги қувонарли.

Бинонинг сифатли қурилиши, табиийки, қурувчиларга боғлиқ. Бунда албатта, уларга яратилган шароит ҳам муҳим аҳамият касб этади.

– Корхонамизда барча шароитлар мавжуд, – деди ишчи Дониёрбек Саломов. – Ошхона ва дам олиш хоналари ташкил этилган. Бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланганмиз. Ойлик маошларни ўз вақтида оляпмиз. Энг муҳими, устозлар кўмаги ва назорати мужассам. Биз ёш ишчилар уларнинг кўрсатмалари асосида меҳнат қилиб, касбимизнинг устасига айланиб бормоқдамиз.

Бугун мамлакатимизда қурилиш ташкилотлари жуда кўп. Улар орасида халқнинг ишончини қозонганлари ҳам бисёр. “Bizness-House” МЧЖ хорижий корхонаси ҳам шулар жумласидандир.





## Халқ ишончини қозонган қурувчилар



**Футболни ким ҳам ёқтирмайди, дейсиз. Андижон футбол мактаби ўқувчилари ҳам ҳар куни таълим масканига бир олам орзулар билан келишади. Мураббийлардан олган билимлари туфайли мусобақаларда ҳар доим юқори натижаларни кўрсатиб келмоқдалар. Бу ютуқлар бардавом бўлишига шубҳа йўқ. Сабаби, уларнинг пухта таълим олишлари учун яратилаётган шароитлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. “Andijon Tezkor Qurilish” МЧЖ томонидан барпо этилаётган янги турар жой мажмуаси ҳам шулар жумласидандир.**

– 3 қаватдан иборат ушбу бинонинг лойиҳа қиймати 8 млрд 825 миллион сўми ташкил этади, – деди корхона раҳбари Шохруҳбек Ғафуров. – Бу ерда болалар истиқомат қилишлари учун барча қулайликлар яратилмоқда. Ётоқхона, тренажёр зали, кир ювиш хонаси, фаоллар хонаси, дам олиш ва кутубхоналар улар ихтиёрида бўлади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган хомашёлар туфайли хоналар ёзда салқин, қишда иссиқ ҳароратни сақлаб туради. Ҳозирда бино қурилиши якунига етиб, сўнгги пардозлаш

ишлари бажарилляпти. Ўқувчилар янги ўқув йилидан бошлаб ушбу бинода яшашлари мумкин бўлади.

Болажонларга муносиб совға ҳозирлашда жамоанинг 44 нафар ишчиси самарали меҳнат қилмоқда. Бунинг учун барча шароитлар яратилган. Ишга келиб-кейтиш, иссиқ овқат билан таъминланиш чора-тадбирлари кўрилган.

– Касбимни жуда яхши кўраман, – деди пардозчи Ойдиной Аҳмаджонова. – Ҳар сафар амалга оширган ишларимни яқунлаб, деворга разм солганимда, мен танлаган ранг

хонани янада шинам, кенг ва ёруғ қилиб кўрсатаётганига ишонч ҳосил қиламан. Деворнинг бир текисда, сифатли сувалиши бунда муҳим аҳамият касб этади.

Корхона бундан 20 йил муқаддам ташкил топган бўлиб, ўтган йиллар давомида юзга яқин биноларни қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Андижон шаҳридаги қиличбозлик мактаби, вилоят марказий шифохонаси шулар жумласидандир. Жамият қурувчилари бунёд этган иншоотлар хоҳ йирик, хоҳ кичик бўлсин, ҳар бири пишиқ-пухта лойиҳа асосида, мукамал тарзда қурилган. Асосан, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши билан шуғулланаётган ташкилот вилоятда ўзига хос ўрин эгаллаган. Бино-иншоотларнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки уларни тиклашда ишлатиладиган қурилиш материаллари ҳам сифатга бемалол жавоб беради.

– Шифохонамизга ҳар куни кўплаб фуқаролар ташриф буюради, – деди шифокор Озодахон Қосимова. – Уларнинг аксарияти дардига шифо излаб, айримлари беморлар ҳолидан хабар олиш учун келади. Ким нима мақсадда бўлишидан қатъи назар, улар учун қулай шароит яратиш бизнинг бурчимиз. Ана шундай пайтда қурувчиларимиз томонидан бунёд этилган барча қулайликларга эга биномиз борлигидан кўнглим тўлади. Сифатли амалга оширилган иш туфайли неча йилдан

буён ўз оҳорини йўқотмай келмоқда. Бундан тиббиёт ходимлари ҳам, фуқаролар ҳам миннатдор!

– Дарахт нотўғри экилган бўлса, уни бошқа жойга кўчириш мумкин, – деди меҳнат фахрийси, узоқ йиллар давомида қурилиш соҳасида фаолият юритган Собиржон Усмонов. – Бироқ, нотўғри қурилган бинони кўчириб бўлмайди. Бузиб ташлаш мумкин, холос. Шу боис, бу соҳада хатоликка йўл қўйиш асло мумкин эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда, “Andijon Tezkor Qurilish” МЧЖ жамоасидан кўнглим тўқ! Улар қурилиш жараёнида лойиҳа ҳужжатларига қатъий риоя қиладилар. Шу кунгача фойдаланишга топширган биноларининг бирортасида ҳали муаммо кузатилмаган.

Қурилишда сон эмас, сифат биринчи даражада туришини яхши англаган жамоа аъзолари бунга ҳар сонияда амал қилишади.

Бир сўз билан айтганда, бугун республикамизда, жумладан, Андижон вилоятида қурилиш ташкилотлари сони ортиб бормоқда. Бунга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари сабаб бўлмоқда. Корхоналар кўп, бироқ ўз тажрибаси ва ҳалоллиги билан халқ ишончини қозона олишнинг ўз моҳияти бор. “Andijon Tezkor Qurilish” МЧЖ жамоаси ана шундай юксак ишончга сазовор корхоналардан ҳисобланади.







## Шаҳар ичида шаҳар барпо этаётганлар

**Бугун аҳолини турар жой билан таъминлаш борасида кенг имкониятлар амалга оширилмоқда. Буни ҳар бир ҳудудда қад ростлаётган уйлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Андижон вилоятининг барча шаҳару туманларида кўп қаватли бинолар бунёд этилмоқдаки, бунинг натижасида минглаб ҳамюртларимиз уй-жойга эга бўляпти.**

Уйлар кўп, демакки танлов ҳам катта! Кимгадир, унинг жойлашган манзили ёкса, бошқа бировга ундаги қулай шароит афзал. Бироқ, Андижон шаҳрида аксарият аҳоли “Old city” турар жой мажмуасидан хонадон сотиб олишни маъқул кўрмоқда. Бунинг бир нечта сабаблари бор.

Биринчидан, у вилоят марказининг энг гавжум ҳудудларидан бири бўлмиш “Эски шаҳар”да жойлашган. Бозор, маъмурий идоралар, дам олиш масканлари, музей, масжид, кутубхона, театр, автомобиллар шоҳ бекати кабилар танловда етакчилик омили ҳисобланади.

Иккинчидан, бино ҳашаматли, кўркам ва шинамлиги билан эътиборни тортади.

Учинчидан ва энг муҳими, у Италия услубида барпо этилмоқда. Унинг бошқа уйлardan асосий фарқи – хомашёларнинг турли табиий офатларга, айниқса, кучли zilзилага бардошлигидадир.

Мана шундай ҳашаматли иншоотни барпо этаётган “MARIN BUSINESS TRADE” МЧЖ ташкил топганига атиги икки йил бўлди. Қисқа фурсат ичида катта ишга қўл урилди. Жамоа томонидан ҳозирда 10 та кўп қаватли уй қурилиши бошланган. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, 1440 та оила янги хонадонига эга бўлади.

– Ушбу мажмуадаги биноларни бунёд этишда маҳаллий ва хорижий хомашёлардан фойдаланяпмиз, – деди қурилиш ташкилоти прораби Баҳромжон Умаров. – Бу унинг фавқулудда вазиятларга дош бера олиш имкониятини оширади. Қолаверса, хоналар кенг ва шинам. Ундаги шароит Европа ва миллий жиҳатлар уйғунлигини ўзида мужассам этган. Энг аҳамиятли жиҳати шун-

даки, 2030 йилда қуриб битказилиши кўзда тутилган турар жой мажмуаси кичик шаҳар мақомини олади. Шунинг учун у ўз ичимлик суви резервуари, қозонхонасига эга бўлади. Электр энергияси ва табиий газ таъминотида мустақил бошқарув системаси жорий этилади.

Жамоа томонидан шу кунгача 10 қаватдан иборат битта кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Ҳозирда 15, 16 ва 22 қаватдан иборат бинолар қурилиши давом этмоқда.

– Уйнинг ички ва ташқи кўриниши атрофдаги уйлardan тубдан фарқ қилади, – деди

фуқаро Анваржон Эгамов. – Шароитлари ҳам жаҳон талаблари асосида. Энг муҳими, у шаҳар марказида жойлашган бўлиб, бу аҳоли учун катта имкониятларни тақдим этади. Шунинг учун ҳеч иккиланмасдан шу турар жой биносидан уй сотиб олдим.

Зокиржон Хожиев қурилиш бригадаси бошлиғи вазифасида фаолият юритади. У жамоаси билан вилоятдаги етакчи мажмуани бунёд этаётганидан фахрланиб, шундай деди:


– Ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Энг муҳими, қурилиш материаллари ва хомашё-

лар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Бу эса фаолиятимиздаги узлуксизликни таъминляпти. Биз мана шундай кўркам биноларни барпо этаётганимиз билан фахрланамиз. Бироқ, ана шу фахр туйғуси ўз ўрнида катта масъулият ҳам юклайди. Зеро, қурилиш соҳасида хатоликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада ишчилардан кўнглимиз тўқ! Айниқса, Файзулло Араббоев, Баҳодиржон Исмоилов, Акбаршоҳ Исмоилов ва Фурқатбек Икромовлар ҳамкасбларига намуна бўлмоқда.

Аслида осон ишнинг ўзи йўқ! Жумладан, қурувчилик соҳасининг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бунда нафақат жисмоний меҳнат, балки, ақлий салоҳият ҳам талаб этилади. Шу каби хислатларни ўзида мужассам этган “MARIN BUSINESS TRADE” МЧЖ жамоаси халқ ишончини қозониб, сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Бу борада улардаги тажриба, билим ва касбга бўлган муносабатнинг аҳамияти катта бўлмоқда.







O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
AKSIYADORLIK JAMIYATI

**O'ZOG'IR SANOAT LOYIHA**  
I N S T I T U T I

Масъулият, маҳорат ва матонат соҳиблари –  
юртимиз бунёдкорлик соҳасининг  
азиз вакилларига

**КАСБ БАЙРАМИ**

муборак бўлсин.







**Мираббос ИНОЯТОВ,**  
“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish  
Respublika markazi” ДМ директори.

## Шаффоф ва сифатли экспертиза динамикаси

### СОҲАНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ШАФФОФ ЭКСПЕРТИЗА САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Таъкидлаш керакки, бугунда экспертиза соҳасини тўлиқ рақамлаштириш жараёни авж паллада. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” электрон платформаси тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда тубдан янгиланди.

Шу билан бирга, экспертиза кўригига тақдим этилаётган айрим тоифадаги лойиҳаларни кўриб чиқиш учун муайян бир ҳудудга йўналтириш функциясининг бекор қилиниши манфаатлар тўқнашувини бартароф этишда, юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишда айниқса кўл келмоқда. Ҳозирда лойиҳаларни кўриб чиқувчи ҳудудни автоматлаштирилган дастурий таъминот мустақил равишда, ҳудуднинг иш юкмасини инобатга олган ҳолда тасодифий форматда танлайди.

Шунингдек, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида ишга туширилган [expertiza.mc.uz](http://expertiza.mc.uz) платформаси бошқа манфаатдор идора ва ташкилотларнинг электрон платформалари билан интеграция қилинди. Эндиликда экспертиза тўловлари биллинг тизимига ўтказилди. Бунда “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ ҳамда буюртмачи ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномалар электрон тартибда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги ПФ-144-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган объектларга Фанлар академиясидан зилзилабардошлик бўйича ижобий илмий хулоса тақдим этилган тақдирдагина экспертлар томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби йўлга қўйилиб, мазкур тартиб доимий назоратга олинди.

### БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Барча дастурлар доирасида 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” электрон платформаси орқали келиб тушган 6,3 мингдан зиёд объектларнинг лойиҳаларига йиғма эксперт хулосалари тақдим этилди. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига тежалган маблағ 4 371,7 млрд сўмни ташкил этди.

Хусусан, биргина Инвестиция дастури доирасида жами 1 233 та объектлар бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета

ҳужжатларининг қиймати 8 492,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, экспертиза кўригидан сўнг тавсия этилган қиймат 7 128,3 млрд сўм этиб белгиланиб, натижада иқтисод қилинган маблағ 1 364,4 млрд сўмни ҳосил қилди.

Шундан, дастур доирасида ижтимоий соҳа объектилари, хусусан, 2024 йилда режалаштирилган 747 та мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда ижод ва ихтисослашган мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг 743 тасига қайтадан йиғма эксперт хулосалари тақдим этилди. Мазкур объектлар бўйича ишлаб чиқилган дастлабки лойиҳа-смета ҳужжатларининг қиймати 4 611,4 млрд сўмга тенг бўлган. Экспертиза кўригидан сўнг иқтисод қилинган маблағ 967,4 млрд сўмни ташкил этди.

Шунингдек, бошқа дастурлар доирасида ҳамда хусусий инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг 5 149 та лойиҳаларига йиғма эксперт хулосалари тақдим этилган бўлиб, 3 007,1 млрд сўм маблағни иқтисод қилишга эришилди.

### ЭКСПЕРТ МАЛАКАСИ – СИФАТЛИ ЭКСПЕРТИЗА ГАРОВИ

Таъкидлаш ўринлики, Марказ ва унинг ҳудудий бошқармаларида фаолият юритаётган соҳа экспертларининг хусусан, сметчик, конструктор, архитектор, энергия тежамкорлик, зилзилабардошлик, ёнғин хавфсизлиги йўналишларига масъул мутахассислар малакасини ошириш масаласи доим устувор. Айни шу мақсадда ўтган давр мобайнида 100 нафарга яқин экспертлар фаолияти сертификатланди.

Экспертиза – қурилиш юраги саналади. Бу шунчаки лойиҳа-смета ҳужжатларидан сарф-харажатларни тежаш эмас, балки аҳолига қурилиш объектларини барча талабларга жавоб берадиган, сифатли қилиб топширишда муҳим ва бирламчи қадамдир. Бунда объектнинг конструктив ечимидан тортиб, энергосамоарадорлик, ёнғин-хавфсизлиги сингари талабларнинг бажарилиши, смета кўрсаткичларини профессионал баҳолай билиш ҳар бир эксперт зиммасига катта масъулиятни юклаши даркор. Соҳани рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш ва коррупциявий ҳолатлар эҳтимолини нолга тенглаштириш олдимиздаги бош вазифа. Бу йўлда амалга оширилаётган чоралар узлуксиз давом эттирилади.

Экспертиза соҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлардан турар жой, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларнинг хавфсизлик ҳамда сифат талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилганини мукамал аниқлаш, ортиқча сарф-харажатларни қисқартириш, лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан юқори савияда ўтказилишини таъминлаш ва албатта мутахассислар масъулиятини ошириш мақсад қилинган. Зеро, лойиҳа ҳужжатларининг сифатли экспертизаси – сифатли қурилиш асоси бўлади.

**Статистикага кўра, 2024 йилнинг 6 ойида юртимизда 79,8 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 10,1 фоизга ошган. Бундан мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб, қурилиш сегменти иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган соҳаси сифатида бўй кўрсатаётганини кўриш мумкин.**

Муболағасиз шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасини такомиллаштириш, аҳолига ҳар томонлама сифатли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларини топшириш масаласи ўз долзарблигини йўқотмаган.

Қурилиш жараёнининг дастлабки босқичида амалга оширилаётган лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизаси объектнинг сифат кўрсаткичларини белгиловчи муҳим мезонларидан саналади. Зеро, айнан экспертиза жараёнида лойиҳа ҳужжатларининг ШНҚ ҳамда тегишли нормативларга, сейсмик мустаҳкамлик, ёнғин бардошлилик, энергосамоарадорлик йўналишларида белгиланган талабларга мувофиқлиги кўздан кечирилади. Лойиҳаларда асоссиз назарда тутилган харажатларнинг қисқартирилиши ҳисобига яширин иқтисодиёт шаффоф иқтисодга айланади.

Бугунги кунда объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш вазифаси “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМга юклатилган бўлиб, ташкилот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги ПФ-151-сон Фармони асосан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК негизида давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этилди.



“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ жамоаси иш фаолиятдан лавҳалар.



**«SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA  
QILISH RESPUBLIKA MARKAZI» ДМ**  
ва унинг филиаллари жамоалари

Юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида  
тер тўкиб меҳнат қилаётган  
барча қурилиш соҳаси вакилларини  
**КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ.**


Халқимизга бахт ва қувонч улашишдек эзгу амалларни  
бажаришингизда омад ҳамиша ёр бўлсин!





**БУХОРО ВИЛОЯТИ**

Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги соҳасида ҳудудий  
назорат қилиш инспекцияси



**АЗИЗ ЮРТИМИЗНИНГ  
ҚАДРЛИ ҚУРУВЧИЛАРИНИ  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ БИЛАН  
ТАБРИКЛАЙМИЗ.**

Юрт равнақи йўлида эзгу ишларингизда барчангизга куч-қувват,  
оилангизга тотувлик, кўнглингизга хотиржамлик тилаймиз.  
Шарафли касбингиз орқали ҳамиша эл дуосига мушарраф бўлиб  
юриш насиб этсин, азиз бунёдкорлар!



# “Ҳар қандай мураккабликдаги ЙЎЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАЙМИЗ...”



Юртимизда давлат дастурлари, Президент фармони ва қарорларига мувофиқ, барча ҳудудлардаги, ҳатто энг чекка маҳалла ва қишлоқлар йўллари ҳам асфальтланиб, эскирганлари таъмирланиб, аҳолига қувонч бағишламоқда. Бу эса юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг амалдаги ифодасидан бир кўринишдир.

Йўлларнинг раволиги йўловчи учун ҳам, ҳайдовчи учун ҳам бирдай муҳим. Қолаверса, текис йўл ва ундаги тиниқ чиқиқлар аҳолига қулайлик яратиш билан бир қаторда ҳудуд кўркига кўрк қўшади. Бухоро вилоятидаги йўлларнинг сифатли қурилишида бир неча йилдан буён “BUXOROGEOROAD PROJEKT GROUP” МЧЖ жамоаси ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

2015 йилдан буён фаолият юритиб келаётган МЧЖ бош офиси Бухоро шаҳрида жойлашган. Ташкилот асосчиси ва раҳбари Шухрат Ачиловнинг айтишича, ташкилот вилоятдаги кўплаб умумий автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

– Йўл қурилиши катта молиявий ва жисмоний харажатларни талаб қилувчи мураккаб, кўп босқичли жараён, – деди Шухрат Ачилов. – Ҳар бир иш жараёнини шахсан ўзим назорат қиламан. Компаниямиз йўллар, ҳудудлар, автотураргоҳлар, болалар майдончалари, кичик ва катта майдонлар, пиёдалар йўлакларни қуриш бўйича хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, биз ҳар қандай мураккабликдаги чуқурликларни аслидагидек таъмирлаш имконига эгамиз. Аллақачон ётқизилган асфальтни ҳам тиклай оламиз. Бунинг учун ташкилотимизда барча шароит, техника ва малакали мутахассислар етарли.

Таъкидлаш зарурки, йўл қурилиши юқори технология, юксак тажриба ва масъулият талаб этадиган жараён ҳисобланади. У йўл қопламаси сифати, ундан кейинги хизмат муддатини белгилувчи шартлар ва талабларни ўз ичига олади. Бугунги кунда юртимизда

йўл қурилиши соҳасида янги услублар қўлланилиб, замонавий материаллардан фойдаланилмоқда. Натижада барпо этилган йўллар нафақат кўриниши, балки кўп йиллар давомида аҳолига муносиб хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, “BUXOROGEOROAD PROJEKT GROUP” МЧЖ малакали мутахассислари томонидан бажарилган ишлар ҳам ўзининг сифати, пишиқ-пухталиги билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.


– 48 йилдан буён шу соҳада ишлайман, – деди МЧЖ ходимларидан бири Абдурахмон Абдувоҳидов. – Дастлаб лойиҳаловчи, прораб ва бошқа вазифаларда ишлаганман. Дўстим Шухрат Ачиловни талабалик давридан танийман. У ҳам қурувчилик соҳасига лойиҳаловчи сифатида кириб келган. Соҳанинг ҳар жиҳатига қизиқувчан, ҳаракатчан йигит бўлган. Бир неча йил турли лавозимларда ишлаб, аввало, билим, кўникма ва

айниқса, тажриба ҳосил қилди. Бора-бора ўзи мустақил тарзда хусусий корхона очди. Мен ҳам шу корхонада ўз фаолиятимни давом эттиряпман. Бугунги кунда жамоамизда 25 нафар доимий ишчи фаолият юритмоқда. Биз йўл қуришдек савобли, халққа, юртга нафи тегадиган соҳада меҳнат қилаётганимиздан фахрланамиз. Ўзимиз қурган йўлларда юрганимизда, меҳнатимиз маҳсулини кўриб қалбимиз ғурурга тўлади.

Корхона ходимлари орасида иш ва ўқишни баравар олиб бораётганлар ҳам йўқ эмас. Аҳамиятлиси, малакали ходимлар ўртасида талаба-ишчиларга иш ўргатиш ва кўникмаларни улашиш анъанаси яхши йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, “BUXOROGEOROAD PROJEKT GROUP” МЧЖ жамоаси юртимиз йўлсозлик соҳаси ривожига, юрт равнақи ва халқимиз ҳаётининг фаровонлигига ҳисса қўшишни фаолиятининг асосий шиорига айлантирган.

**Қайсидир манзилга йўл олар эканмиз, йўлларнинг ҳолати кайфиятимизга бевосита таъсир кўрсатади. Нотекис йўлларнинг машаққати кўп бўлади. Текис, раво ва қулай йўлларда қанча узоқ масофага юрилса ҳам вақт қандай ўтганини сезмай қоламиз.**





# Ёшлар билан ишлашдан шижоат олган меъмор

**Дунё миқёсида хавfli касблар рўйхатида айнан қурилиш соҳасининг ҳам борлиги бежиз эмас, албатта. Бу соҳа бевосита инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Чунки қурувчи қурган бинода одамлар яшайди, ишлайди, ўқийди. Шу боис, қурувчи халқнинг нафақат янги ва замонавий бинода яшаши, балки хавфсиз ҳаёт кечириши учун ҳам масъулдир. Бунёдкорлар иншоотни барпо этар экан, энг аввало, чизмаларга таянадилар. Демак, лойиҳани яратувчи ташкилот зиммасидаги масъулият ҳам икки ҳисса ортади. Чунки лойиҳада қайта тиклаш, қуриш, капитал реконструкция қилиш учун барча ҳужжатлар бекаму-кўст акс этиши керак.**



“Ғиждувон қурилиш лойиҳа” МЧЖ Бухоро вилоятида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи етакчи ташкилотлардан бири ҳисобланади. Ташкилот бугунги кунда турдош корхоналар қаторида лойиҳалашнинг намунали жиҳатларини ўз фаолиятида акс эттириб келмоқда. Ғиждувон туманида жойлашган лойиҳа ташкилоти офисига борганимизда, унинг раҳбари Бекзод Рўзиевни қизғин иш жараёнида учратдик. У билан суҳбатлашар эканмиз, ҳар бир буюртмага қанчалик жиддий ёндашишига ҳам гувоҳ бўлдик.

– Фаолиятимизда давлат буюртмалари бўйича ўтказиладиган танловларга катта эътибор қаратамиз, – деди Бекзод Рўзиев. – Уқув муассасалари, шифохона, давлат ташкилотлари ва бошқа объектларнинг янгиланиши ва барпо этилишига ҳисса қўшамиз. Уларнинг чизмалари мутахас-



сислар томонидан ишлаб чиқилгач, энг аввал, синчковлик билан кўриб чиқилади. Қўшимча кiritиш зарур бўлса, биргаликда маслаҳатлашиб амалга оширамиз. Ҳозирга қадар мингдан ортиқ шу

каби буюртмани қабул қилганмиз. Ҳар бирига рисоладагидек хизмат кўрсатилган. Мижозлар ишимиздан мамнун бўлса, кўнгли тўлса, биз ҳам ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

“Ғиждувон қурилиш лойиҳа” МЧЖ 2012 йилдан буён лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш билан шуғулланиб келади. Объектларнинг том қисмидан бошлаб, эшигигача барча чизмаю ўлчамларни аниқ белгилаб, иш кўради. Вилоятдаги таъмирлаш ва тиклаш, кўркам иморатлар қуриш ҳамда раво йўллар барпо этилишига ташкилотнинг аҳил жамоаси муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Мазкур ташкилотда айни пайтда 20 нафар асосий ва 34 нафар ёлланма ишчи фаолият юритади. Қолаверса, ташкилотнинг Бухоро шаҳар марказида филиали ҳам ташкил қилинган бўлиб, бу ерда 7 нафар ходим самарали меҳнат қилиб келмоқда. Лойиҳалаш архитекторлари – Мирзо Тўхтаев, Сардор Деҳқонов, Сўҳроб Жамолов, Жаҳонгир Ҳакимов ва бошқа ходимлар доимий сифатли ишлаш тарафдори. Ходимлар орасида ҳам

ўқиб, ҳам иш ўрганаётган талабаларга малакали мутахассислар иш ўргатишади. Шу тариқа, ташкилотда иқтидорли ёшлар ва тажрибали ходимлар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Бунда уларга яратиб берилган шароитлар ва техник воситаларнинг ҳам ёрдами катта бўляпти.

Ташкилот раҳбари Бекзод Рўзиевнинг ўзи ҳам дастлаб оддий ишчи сифатида фаолият бошлаган экан. Ўшанда қачондир ўзи алоҳида иш бошласа, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлайман, дея дилига тугиб қўйганлигини алоҳида таъкидлади.

– Ёшлар билан ишлаш менга шижоат беради, – деди Бекзод Рўзиев. – Улардаги янги ғоя ва замонавий таклифлар билан уйғунлашган мукамал лойиҳаларни ишлаб чиқиб, кам бўлмаяпмиз. Ташкилот томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Талабаларнинг шартнома тўловларига қўмақлашамиз. Чунки улардаги ҳаракат ва иш ўрганишга бўлган қизиқишни сезаман. Уйламанки, меҳнатқаш ёшларни рағбатлантириб турсак, келажакда энг яхши қурувчилардан бўлиб етишадилар. Ана шундай ёшлар орасида Юсуфжон Абдуллаевдан айниқса, умидимиз катта. Юртимизнинг тараққиёти, қолаверса қурилиш соҳасининг келгусидаги ривожини айнан бугун шу соҳада таълим олаётган ёшларга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бугун уларга қай даражада яхши эътибор қаратсак, ёрдам берсак, келгусида улар ҳам ўз меҳнати, билими ва малакаси билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшадилар.

Бекзод Рўзиев ва у раҳбарлик қилаётган ташкилот жамоасининг келгусидаги лойиҳалари ҳам тора чирой очаётган вилоят кўркига-кўрк қўшишига ишонамиз. Бу йўлда “Ғиждувон қурилиш лойиҳа” МЧЖ ташкилотига муваффақият тилаймиз.





# Болаликдаги орзуларнинг бугунги рўёби

**– Мен бошқа тенгқурларим қатори болалигимда “космонавт бўламан”, деб ният қилган эмасман, ҳамisha қурувчи бўлишни орзу қилганман, – деди Бухоро вилоятидаги “Ғиждувон зарангари қурилиш” МЧЖ таъсисчиси Ботир Қудратов. – Қишлоқда ҳар ёз чилласида томсувоқ ишлари бошланарди. Ўшанда отамнинг изидан қолмай, оёқланг бўлволиб, лой қорардим. Тиззаларимгача лойсомонга ботиб, қўлчаларим билан ердан томгача арқонга қўшилиб тортиладиган челақка лой солардим. Уйимиз томи баландлашиб, худди янгидек бўларди.**

Орадан йиллар ўтди. Қурувчи бўлишни орзу қилган йигит мақсадидан қайтмади. 2009 йилда “Ғиждувон зарангари қурилиш” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Фаолияти қурилишга йўналтирилган ташкилот 15 йил давомида нафақат Ғиждувон тумани, балки Бухоро вилоятининг кўплаб манзилларида ҳам бунёдкорлик ишларини амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда корхона жамоаси қурган ўнга яқин сифатли ва замонавий кўринишдаги кўп қаватли уйлар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Улар қаторида мактаб, мактабгача таълим ташкилоти бинолари, қатор оилавий поликлиникалар, юзлаб ободонлаштириш масканлари ҳам бор. Бу иншоотлар нафақат

одамларга қулай яшаш ва иш шароитини яратмоқда, балки вилоятнинг бугунги замонавий қиёфасига ўзига хос кўркамлик бахш этаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

“Ғиждувон зарангари қурилиш” масъулияти чекланган жамияти фаолияти аввалида 20-30 киши билан иш бошлаган бўлса, бугунги кунда 100 нафардан ортиқдоимий ва 200 нафардан зиёд мавсумий ишчиларни банд этиб келмоқда. Уларнинг қулай меҳнат шароитида ишлаши учун барча шароит яратилган. Иш унумдорлигини ошириш мақсадида барча керакли техникалар ва жиҳозлар билан таъминланган. Ахир, бекорга айтишмайдику, иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади деб. Қолаверса, жамоа раҳбари ишчиларнинг

малакасига, ўрганган ҳунарига мос вазифани топширишга алоҳида эътибор қаратади. Шу боис, жамоада ҳар бир ишчининг ўз ўрни бор. Уларнинг ҳар бири ўзларига топширилган вазифани чин дилдан, масъулият билан бажаришга ҳаракат қилишади. Бунинг натижасида “Ғиждувон зарангари қурилиш” МЧЖ жамоаси томонидан бунёд этилган иморатлар шу кунга қадар халқимизга фақат қувонч ва қулайлик бағишляпти.

– Жамоамиз аъзоларининг кўпчилиги қурилиш соҳаси мутахассислари эканлиги асосий ютуқларимиздан биридир, – деди суҳбатдошимиз. – Қурилиш коллежларини тугатган ёшларни ҳам ишга кенг жалб этганмиз. Зеро, улар нафақат амалда, балки назарияда ҳам пешқадам бўлишади. Бундай бунёдкор ёшлар жоиз бўлса, бино ва иншоотлар қурилиши жараёнида янгича қараш ва фикрларини ҳам билдиришади, ижодкорликларини намоён этишади. Бу эса тикланажак биноларнинг замонавий кўриниши ҳамда бақувватлигини таъминлашда асқатади. Қолаверса, ижодкор инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Меҳнат унумдорлиги, ҳар бир ишни ўз вақтида битиришда жамоадаги бирдамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис, иш жараёнида ўзим ҳам, ишчилар ҳам бу қоидаларга амал қилишга интиламиз.

Ҳа, бунёдкорлик нафақат бунёд этиш, яратувчанликни, балки ижодкорликни ҳам англашуви тушунчадир. Жамият тараққиётининг бугунги туб бурилиш даврида бунёдкорликнинг яратувчанлик, халқни бирлаштириш ва эзгу мақсадлар сари сафарбар этиш имкониятларидан фойдаланиш катта

аҳамият касб этади. “Ғиждувон зарангари қурилиш” масъулияти чекланган жамияти ҳам шу имкониятлардан фойдаланиб, билимли ва тажрибали ишчи, бунёдкорларини ўлкани обод қилишдек ибратли фаолиятга ундаб келмоқда.

– Ташкилотимиз томонидан амалга оширилган ишларни бирма-бир санашни, тўғриси, унчалик хушламайман, – деди Ботир Қудратов. – Бироқ шуни айтишим мумкинки, йиллар давомида шу юрт, шу ўлка, шу диёр ободлиги йўлида ҳар қандай эзгу хизматга қармарбаста бўлиб келдик. Биз қурган бинолар, иншоотлар ва обод йўллар шу элнинг тинчлигига, фаровонлигига хизмат қилса, халқимиз ҳар дуосида ёдга олса, ютуғимиз шу.

Ҳар қандай ташкилотнинг равнақи бевосита раҳбариядаги донолик, ишни кўзини билиш, қобилияти ва ходимларга муносабатидан намоён бўлади. Бу борада Ботир акани яхши раҳбар, дея таърифласак арзийди. Айниқса, ёш кадрларга қаратилаётган бугунги эътибор келгусида ўз натижасини бермай қолмайди. Жамоадаги бирдамлик, аҳиллик ва бир-бирини қўллаш каби тушунчаларнинг бардавонлиги ҳам шундандир, эҳтимол.

Бир сўз билан айтганда, боқий Бухоро қадимда қай даражада маълуму машҳур бўлган бўлса, бугун ҳам шу мавқеини сақлаб келмоқда. Бунда албатта, соҳада фаолият олиб бораётган қурилиш-бунёдкорлик ташкилотлари ва қурувчиларнинг хизмати катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар қаторида “Ғиждувон зарангари қурилиш” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам борлиги, жамоа меҳнатига берилган муносиб баҳо, десак муболага бўлмайди.

## “Ғиждувон зарангари қурилиш” масъулияти чекланган жамияти фойдаланишга топширган бинолар





# “BRAVO LIDER SERVIS” ишларига “браво”!

**Инсоннинг келажаги унинг ёшликда қандай таълим-тарбия олганига боғлиқ. Худди шунингдек, бугун барпо этилаётган ҳар бир иншоотнинг келажакда кишиларга қай даражада яхши хизмат қилиши пишиқ ва пухта қурилганига бориб тақалади. Бу вазифа эса юртимизда фаолият олиб бораётган ҳар бир қурилиш ташкилоти зиммасига катта масъулият юклайди.**



Бухородаги хусусий қурилиш ташкилотларидан бири – “Bravo Lider Servis” МЧЖ деярли ўн йилдирки, ўз мижозларига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Ташкилот асосан қурилиш-реконструкция ишлари билан шуғулланиб, кўҳна кентда ишончли ва сифатли бинолар барпо этиш борасида фаоллик кўрсатмоқда. Мазкур корхонада ҳозирги кунда 15 нафар асосий, 35 нафар мавсумий қурувчи иш билан таъминлаган.

Ёз фасли бўлгани учун қурувчилар иши янада кўпайган. Очиги, жазирамада ишлаш осон эмас. Жамоа қурувчилари ишини кузатарканмиз, уларнинг ёз жазирамасида ҳам тиним билмай меҳнат қилишини, ўз ишига чин дилдан ёндашишини кўриб, тан бердик, ростки. Қолаверса, асл қурувчи ҳар қандай шароитда ҳам меҳнатдан қочмаслигига амин бўлдик.

– Мазкур қурилиш ташкилотини ташкил қилишимда оилам ва яқинларимнинг руҳий далдаси, дуоси катта ёрдам бўлди, – деди ташкилот раҳбари Жаҳонгир Темиров. – Дастлаб, фаолиятимизни савдо ва маиший хизмат кўрсатишдан бошлаганмиз. “Bravo Lider Servis” МЧЖ 2015 йилдан буён мижозларга хизмат кўрсатиб келаётган бўлса, орадан 6 йил ўтиб, фаолиятимизни кенгайтиришга қарор қилдик. Бухоро шаҳридан ер майдони сотиб олиб, қурилиш ишларини бошлаб юбордик. Бироқ, биз сотиб олган ерларда нуфузли лойиҳалардан бири – “Buxara city” мажмуаси барпо этилиши белгилангач, ерларимиз “снос”га тушди. Кейинчалик ушбу мажмуа худудидан яна кўшимча ер олдик. Шу тариқа 2021 йилдан буён ташкилотимиз кўп қаватли уйлар қуришга мўлжалланган бунёдкор ташкилотга айланди.

“Bravo Lider Servis” қурилиш ташкилоти “Buxara city” мажмуасининг 2-3-4-лот майдонида савдо-маиший ва турар жойлар лойиҳаси учун ер харид қилган. Айти кунларда бу ерда 2 та кўп қаватли

бино қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Ушбу кўп қаватли уйлар 9 ва 10 қаватдан иборат бўлиб, йил якунига қадар қуриб битказилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш керакки, ташкилот кўп қаватли уйлар қуришга илк бор кўл урмоқда. Шунга қарамай, бундай биноларни қураётган тажрибали ташкилотлар қатори сифатли ва чидамли турар жойларни барпо этишни мақсад қилишган. Уйларни қуришда асл маҳсулотлардан фойдаланишни афзал кўрадиган ушбу аҳил жамоа ўз ишчиларига қулайлик яратиб беришда ҳам ўрнатилган арзийди. Бу ерда ишчиларнинг тўлақонли меҳнат қилиши учун барча зарур шароит ва техника воситалари етарли даражада.



Кўп қаватли уйларни қуришда нафақат унинг ташқи кўриниши, балки функционал ва эксплуатацион хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги чоралари ва санитария меъёрлари инобатга олинган. Уйлар айнан ўзбек халқиға мослангандек катта хоналару кенг ошхона майдониға эға. Деразалар ўлчами ҳам хоналар ҳажмиға монанд.

– Ҳар куни офисға кириб борар эканман, ўн йил аввалги ҳолатни кўз ўнгимда гавдалантираман, – деди Жаҳонгир Темиров. – Иш бошлашда юрагимда бироз ҳадик бор эди. Аммо интилган, ҳаракат қилган инсон албатта, кўзлаган манзилиға етаркан. Бир пайтлар шундай муҳташам иншоотлар қуришға иккиланган бўлсақ, бугун маррани янада кенгроқ оляпмиз. Ҳали олдинда режаларимиз кўп. Бухорони янада гўзал қиёфада акс эттирувчи лойиҳаларни амалға оширишни мақсад қилганмиз. Иродам ва жамоамнинг меҳнатиға таяниб, режаларимизни бирма-бир амалға оширишда давом этамиз.

Азим Бухоро нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам катта қизиқиш билан талпинади-

ган мўъжизавий масканлардан бири эканини биламиз. Сўнги йилларда бу ерда ҳам кўплаб замонавий иншоотлар барпо этилиб, жаҳон андозасиға мос мажмуалар қад ростлади. Эндиликда Бухороға ташриф буюрган ҳар бир киши нафақат осори атиқалар, балки дунёнинг ривожланган давлатларидан кам бўлмаган манзараға эға янги шаҳарни ҳам томоша қилишға муваффақ бўлиши аниқ. Чунки маҳоратли бунёдкорлар томонидан қурилаётган бу иншоотлар туфайли бир лаҳзада мозийдан худди келажакға ўтиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Кувонарлиси, бундай мўъжизани яратишда “Bravo Lider Servis” МЧЖ жамоасининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Янгиликка ўч, мақсад сари дадил қадам босишдан чўчимайдиган раҳбар бошчилигидаги жамоанинг азму шижоати таҳсинға лойиқ. Зеро, жамият аъзолари томонидан Бухоро шаҳри марказида барпо этилаётган бу бинолар фикримизнинг яққол исботидир. Аминмизки, “Bravo Lider Servis” МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли уйлар жамиятимиз, халқимиз учун узок йиллар хизмат қилади.



# Иш самарасини йиллар эмас, меҳнат кўрсатади

**“Imran Development Komfort House” МЧЖ узоқ тарихга эга бўлмаса-да, бироқ катта тажрибга эга, маҳоратли мутахассислари билан ном қозонганлардан. Шу боис, катта-катта бинолар тиклашни аллақачон бошлаб юборган. Ўз номига мос тарзда вилоятдаги турдош корхоналар орасида тез ривожланиш ва қулай турар жойлар қуришда етакчи ўринни эгаллашга улгурди.**



2022 йилда Иномиддин Зарипов томонидан ташкил этилган “Imran Development Komfort House”нинг илк лойиҳаси – “Bukhara city” мажмуаси ҳудудида барпо этилаётган комплекс уйлари. Айти пайтда бу ерда 4 гектар майдонда 10 та кўп қаватли уй қад ростламоқда. Ҳар бири 9 қаватли, 1 хонадан 4 хонагача бўлган хонадонлар аҳолининг бекаму кўст яшаши учун қулай тарзда, барча шароитлар яратилган ҳолда қурилмоқда. Замонавий дизайн, мукамал лойиҳа, сифатли қурилиш материаллари ва малакали қурувчилар жамоаси туфайли қуриладиган уйлар ҳозирданок ўз эгаларини топиб улгурмоқда. Зеро, ҳар ким ҳам катта маблағ сарфлаб уй харид қилганига яраша, яхши жойда яшашни истайди-да.



– Ташкилотимиз эндигина 2 ёшда, – деди Иномиддин Зарипов. – Шундай бўлса-да, тажрибали мутахассислар билан замон талабларига жавоб бера оладиган иншоотлар қуришга бел болаганмиз. Бунинг учун корхонадаги 30 нафардан ортик ходимнинг ҳар бири ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажариб, бу жараёнга ўз хиссасини қўшмоқда. Энг муҳими, ўзим ҳам, ходимлар ҳам

илгари қурилиш соҳасида йиллар давомида турли вазифаларда ишлаб, тажриба тўплашга муваффақ бўлганмиз. Шунингдек, ташкилотимизда қурилиш соҳасида таълим олаётган талабалар ҳам амалий машғулотлар ўташади. Биз қураётган иморатлар аҳолининг уй олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшаётганидан мамнунмиз.

Корхона раҳбарининг айтишича, “Imran Development Komfort House” иншоотлари бошқа аксарият кўп қаватли уйлاردан фарқли ўлароқ монолитдан, яъни, қуйма бетондан қурилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида, уйлarning пишиқ-пухта бўлиши ва хонадон эгаларининг сифатли уйлarda яшашларига хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, “Bukhara city” мажмуасида тикланаётган кўп қаватли уйлarnи кузатар эканмиз, у ерда болалар майдончалари ва автомашиналар учун тураргоҳ ҳам бино этилаётганини кўрамиз. Бу ҳам аҳоли учун яратилган яна бир қулайлик, десак адашмаган бўламиз. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, бу ерда қуриб битказилган кўп қаватли уйлarda 150 га яқин оила аллақачон истиқомат қиляпти.

Янги уйлarda яшаётган фуқароларнинг фикрлари билан ҳам қизиқдик.

– Ёш оиламиз, – деди ўзини Зарифа Самирова деб таништирган юртдошимиз. – Янги уйга кўчиб ўтганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Хоналари шинам, бинонинг ички томони ҳам, ташқи томони ҳам чиройли тарзда қурилган. Яратилган қулайликлардан қувончимиз чексиз. Фарзандларим болалар майдончасида ўйнаб турганда, бемалол уй юмушларини бажариш имконига эгаман. Уй атрофида машиналар ўтишида хавфсизлик таъминланган. Уйнинг биринчи қавати дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига мўлжалланган. Бу эса, албатта, оиламиз учун керакли озиқ-овқатларни тез ва осон харид қилиш, турли сервис хизматларидан фойдаланишда анча енгиллик яратади.

Айти пайтда ташкилот жамоаси томонидан Қогон туманида ҳам кўп қаватли уй-жой қурилиши ишлари амалга оширилмоқда. Бу уйлар 7 қаватдан иборат бўлиб, кенг хонадонлар ва замонавий кўринишга эга. Уйлarning ўзига хос архитектураси туфайли қурилиш ишлари якунига етгач, ушбу турар жой мажмуаси нафақат аҳолига қулай макон, балки ҳудудга ҳам ўзгача чирой бағишлаши, шубҳасиз.

– Бизнинг соҳада жамоадаги ҳар бир ходимнинг ишига масъулият билан ёндашиши жуда муҳим, – деди ташкилот иш юритувчиси Азизбек Қаюмов. – Зеро, қурилиш ташкилотида ишлаш ва аҳолининг шинам уйлarda яшашига ҳисса қўшиш кишига ўзгача фахр бағишлайди. Ўзим ҳам болалигимдан қурилиш соҳасига қизиқиб улғайганман. Турли ўйинчоқлардан уйлар ясаб, ота-онамга мақтаниш энг сеvimли машғулотим эди. Болаликдаги қизиқишларим эндиликда ҳаётимга кўчиб, бугунги кунда ўнлаб уйлarnи қуришда меҳнатим сингаётганидан мамнунман. Ҳар бир уйни қуриб битказар эканмиз, ишончим комилки, бу уйлар Бухородаги энг чидамли ва мустақкам уйлар қаторида бўлади, деган фикрда бўламан.

Иш самараси сарфланган йилларга қараб эмас, қилинган меҳнат ва интилиш натижасида юзага келади. Фаолиятини бошлаганига эндигина икки йил бўлган ушбу ташкилотнинг ҳаракатлари ҳам ўз учқунларини кўрсатиш арафасида турибди. Хусусан, “Bukhara city” мажмуасида қуриладиган комплекс уйнинг 5 таси йил охирига қадар ўз эгаларига топширилиши мўлжалланган. 2025 йилда эса барча уйлар қуриб, битказилади. Шу билан бирга, “Imran Development Komfort House” келгусида катта бир лойиҳани бошлашни, Бухоро вилоятида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудидан ер участкасини харид қилиб, қишлоқ ҳудудларида ҳам кўп қаватли уйлар қуришни мўлжалламоқда.

Биз ҳам “Imran Development Komfort House” ишларининг натижалари мўл бўлсин, деймиз.





# Қурувчи ишининг пухталиги – халқ хотиржамлигидир

Юртни обод қилиш, янги ва мустаҳкам бинолар қуриш халқимизга хос хислатлардан. Айниқса, аҳолининг фаровон ва хотиржам яшаши учун турар жойларнинг мукамал ва сифатли тарзда қурилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Бухоро вилояти бунёдкорлари ҳам ўзига хос тажрибага эга, десак адашмаган бўламыз. Зеро, бунёдкорлик қон-қонига сингиб кетган ушбу муқаддас замин фарзандлари аждодларининг муносиб давомчилари сифатида қурилишнинг ҳадисини олишган. Миллий, анъанавий, замонавий ва бошқа яна кўплаб услубларда барпо этилаётган иншоотлар уларнинг бугунги фаолиятининг амалдаги намунасидир.



“Наврўз-Акмал Строй Инвест” МЧЖ Бухоро шаҳар марказида фаолият юритишига қарамай, вилоятнинг кўплаб ҳудудларида ҳам аҳоли учун турар жойларни қуриб, фойдаланишга топшириб келмоқда. Улар қурган иморатлар чекка туманларда ҳам аҳолига фаровонлик ва ҳудудга кўркамлик бағишлаб турибди. Элнинг дуосини олишдек шарафли касбни ардоқлаб келаётган жамоа аъзолари эса кундан-кунга ғайрат ва шижоат билан бунёдкорлик ишларини давом эттирмоқда.

Ташкилот 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, мана, 14 йилдирки унинг асосчиси Акмал Ҳамроев бошчилигидаги меҳнаткаш жамоа ўз устида ишлаб, ташкилот обрўсини асраш йўлида изланишдан тўхтагани йўқ. Жамоада про-раб Фарҳод Неъматов, иш юритувчи Шаҳобиддин Саидов сингари тажрибали ходимлар борлиги туфайли бугунги кунда бухороликларнинг кўпчилиги бу ташкилотга ишонч билдиришмоқда. Шунингдек, бу шиддатли жараёнда жамиятнинг яна 55 нафар ишчи-ҳодими меҳнат қиляпти. Жамоанинг яна бир ютуғи – ходимларининг янгиликка ўчилиги, ҳар бир ишга ижодий ёндашиш қобилиятига эгалигидир. Уларнинг янги-янги фикрлари туфайли кўп қаватли уйлар қуриш бўйича “Наврўз-Акмал Строй Инвест” МЧЖ вилоятда ўз тажрибасига эга ташкилот сифатида танилган.

Сўхбат давомида Акмал Ҳамроев ўзининг кўп йиллик



меҳнати ва келгусидаги режалари ҳақида сўзлади:

– Ёшлик гавҳардек фасл экан. Вақт эса тез ўтади. Улгурсангиз ҳамма режалардан кутганингиздан ортиқ натижа оласиз. Болалигимданок қурулиш соҳаси ўзига тортарди. Бу соҳага бўлган қизиқишим туфайли кўча-кўйда ўртоқларим билан копток тепишдан кўра, уйда ўзим бир нарсалар ясашни ёки қуришни афзал кўрардим. Бу

қизиқишни сезган ота-онам ҳам доимо қўллаб-қувватлашди. Уларнинг дуолари, қўллаб-қувватлашлари туфайли бугунги даражага эришдим, деб биламан. Айниқса, қурувчилик соҳасида бажараётган ишларим, эришаётган ютуқларим ҳақида онамга тўлиб-тошиб гапирардим. Онаминг дуолари менга ҳамisha куч бағишлаган. Қолаверса, ёшлигимдан кўни-кўшни, маҳалладош ёки таниш-билиш-



ларнинг уйсизликдан қийналиб юрганни кўп кўрганман. Шундай пайтларда “Келажақда албатта қурувчи бўламан!”, деган мақсадни олдимга қўйганман. Аллоҳга шукр, ушбу ниятига етдим. Ташкилотимиз томонидан барпо этилган кўп қаватли уйларни кузатиб, дилимда шукроналик ортади. Ишончли ҳодимларим ёнимда. Келажаги бор шоғирдлар ҳам тайёрлаяпман. Бу натижалар билан кейинги режа-

ларга ҳам етишишга иймоним комил.

“Наврўз-Акмал Строй Инвест” МЧЖ қурган кўп қаватли уйларнинг 5 таси аллақачон ўз эгаларини топиб улгурган. 5 ва 7 қаватдан иборат, барча шароит ва қулайликка эга бу шинам уй-жойлар кўплаб оилаларнинг неча йиллик орзусини амалга оширишга хизмат қилмоқда. Аниқроғи, айни пайтда 150 га яқин оила аллақачон ушбу уйларда истиқомат қиляпти.

– “Наврўз-Акмал Строй Инвест” МЧЖ қурган кўп қаватли уйлардан икки хонали квартира сотиб олдим, – деди Нигора Шамсиева. – 7 қаватли бинонинг юқори қаватида яшайман. Лифт доимий ишлаб тургани учун ҳам юқорига чиқиб-тушиш муаммо эмас. Хоналар жойлашуви қулай, қолаверса, уйларни қуришда ишлатилган барча материаллар ўзимизда ишлаб чиқарилгани учун ишончли. Мен каби юзлаб инсонлар орзусини амалга оширишга ҳисса қўшган бунёдкорлардан миннатдоримиз.

Ҳа, юртимизда қурувчи ташкилотлар жуда кўп. Аммо, ҳар бирида ҳам ташкилот ишидан мамнун фуқароларни учратмайсиз. Қурувчи уйларни қанчалик пухта қурса, халқ ҳам у уйларда хотиржам яшайди. Демак, қурувчи учун энг катта ютуқ – мижозларнинг муаммосиз яшашидир. “Наврўз-Акмал Строй Инвест” жамоасига мана шундай ҳаракатлар ва натижалар билан халқимизни хушнуд этиб юришингиз бардавом бўлсин, деб қоламыз.



## “AMIRBEK SHANS PLYUS” – ТИЗИМ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

**Бугунга келиб Бухоро вилоятининг Қоровулбозор, Ромитан, Когон, Олот, Қоракўл туманлари чўл массивида ўнлаб нефть-газ кони, бурғулаш-пармалаш ва хомашё транспортировкаси, яъни, етказиб бериш, қайта ишлаш корхоналари, уларга хизмат кўрсатаётган турдош субъектлар сафи кенгайди. Тармоқ корхоналарига хизмат кўрсатаётган турдош субъектлардан бири – Когон туманидаги “Ниёзхожи” МФЙда фаолият бошлаганига 8 йил тўлаётган “Amirbek shans plyus” МЧЖдир.**

Алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш базасига эга ушбу корхонада меҳнат қилаётган ишчи-мутахассислар сони 90 нафарни ташкил этмоқда. Жамоа махсус техника ва механизмлари, моддий-техник базаси, алоҳида функцияга ва автотранспорт воситаларига эга. Ўтган йиллар мобайнида нафақат Бухоро, балки қўшни вилоятларда ҳам нефть-газ бурғулаш корхоналари билан бирга қурилиш-таъмирлаш, монтаж ишлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда.

– Имкониятимиз ва хизмат вазирамизга биноан, нефть-газ корхоналари тизимида қурилиш-таъмирлаш, пайвандлаш, монтаж, бино-иншоотлар реконструкцияси, шунингдек, газ қувурлари, ичимлик суви линияси, электр таъминоти тизимини таъмирлаш ва қайта қуриш каби ишларни шартнома асосида ўз вақтида сифатли бажариб келяпмиз, – деди “Amirbek shans plyus” МЧЖ раҳбари Жаҳонгир Собиров. – 2017 йил март ойида давлат рўйхатидан ўтиб, мувофиқлик серти-



фикатини қўлга киритгач, фаолият юритишни бошлаганмиз. Буюртмачилар ишончини қозонишда корхонамизнинг бош муҳандиси, участка бошлиғи, бош механик, бригадир, база иш юритувчиси, уста қурувчилар бри-

гадаси, тақсимотчи, сантехникларнинг ҳам ўз ишига масъулият билан ёндашиши асқатмоқда.

Айни кунда пудратчи корхонада меҳнат қилаётган ишчи-мутахассислар ойлик мао-

ши 2,5 миллион сўмдан 15 миллион сўмгача бўлиб, ҳар бир объектда талаб даражасида бажарилган иш ҳажми уларнинг моддий манфаатдорлигига хизмат қилади. “Amirbek shans plyus” МЧЖ билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган ташкилотлар орасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, “Газлинефтьгазқазибчиқариш” МЧЖ, “Навоийазот” АЖ, “Муборак газни қайта ишлаш заводи”, “Бухоронейтгазқазибчиқариш”, “Trans madad kapital”, “Kogon paxta tozalash”, “Granit plast invest”, “Urban retail”, “Магнит Центральная Азия” каби корхоналар борлигини таъкидлаш лозим.

Хусусан, “Газлинефтьгазқазибчиқариш” ва “Trans madad kapital” МЧЖларига водопровод линиялари, ёқилғи тарқатиш пункти янгидан қуриб берилган бўлса, “Магнит Центральная Азия” МЧЖ учун замонавий савдо комплекси барпо этилган. “Urban retail” МЧЖнинг савдо комплекси ҳам мукамал таъмирланган. Айни пайтда корхона томонидан Қоровулбозор чўл массивида 500 мегаВатт соат қувватга эга қуёш фотозлектр станциясини қуриш ишлари ҳам якунига етай деб қолган.

Хулоса қилиб айтганда, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўз тажриба ва имкониятларини ошириб бораётган “Amirbek shans plyus” МЧЖ жамоаси айни кунда халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналар орасида қурилиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига доир бунёдкорлик ва таъмирлаш ишларини сифатли бажариши билан танилиб улгурган.



## Улкан мақсадлар сари

Камолитдин Артиқбаев таъсисчилигида 2017 йилда ташкил этилган “Зомин сифат” МЧЖ илк объектини шерикчилик асосида Жиззах вилояти Зомин туманидаги мактабгача таълим ташкилоти биносини қуришдан бошлаган. Шу тариқа Тошкент вилоятидаги бир қанча мактаб, университет ва поликлиника биноларини қуриш билан шуғулланиб келмоқда. Асосий фаолияти давлат ижтимоий соҳа объектларида умумқурилиш ишларини олиб бориш, реконструкция ва жорий таъмирлашдан иборат.

Бугунги кунда корхонада 23 та тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган муҳандис-техник ходимлар ва 200-250 нафар мавсумий ишчилар меҳнат қилишади. Моддий-техник базасини йилдан-йилга бойитиб бораётган қурилиш ташкилотида бугунги кунда 29 та махсус техника мавжуд.

“Зомин сифат” МЧЖ жамоаси бугунгача кўплаб ижтимоий соҳа объектлари лойиҳасини амалга оширган. Жумладан, Тошкент давлат транспорт университети 1-сонли ётоқхона биносининг 1-қаватини клиникага, қолган қаватларини меҳмонхонага мослаб қайта қуриш, Тошкент тиббиёт педиатрия институти клиникаси 250 қатновли оилавий поликлиникасини, Тошкент туманидаги “Айри ота” МФЙда жойлашган 5-сон-

ли умумтаълим ўрта мактабини, Бўстонлик тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими биносини реконструкция қилиш каби бир қатор лойиҳаларни амалга оширган.

Компаниянинг бугунги муваффақият ва ютуқларида Камолитдин Артиқбаевнинг хизматлари катта. Аҳил жамоа ташкил қилиш, иш тезлигини таъминлаш, ўз вақтида ҳақ тўлаш каби бир қанча муҳим масалалар борки, уларнинг самарали ҳал этилиши раҳбарга боғлиқ. Биз Камолитдин Артиқбаевдан ташкилотнинг асосий ютуқ ва мақсадлари ҳақида сўрадик.

– Биласизми, Яратган ҳаммага қайсидир йўналишда имконият беради, – деди корхона раҳбари. – Мен ҳам бугун қайсидир жойни обод қилишга масъул бўлсам, демек бу имкониятга муносиб ҳаракат қилишим керак. Қўл учидан иш қилишни ёқтирмайман. Биз бегона учун эмас, шу халқ учун қураёмиз. Шу сабабли, қурилиш материалларининг энг сифатлиларидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Ўзимиз учун белгилаб олган иш услубимиз бор. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида ундан фойдаланувчи томоннинг фикрларини ҳам инобатга оламиз. Шу билан бирга, ҳар бир объектни ўз вақтида топшириш биз учун широрта айланган. Мижозларимиз ишимиздан қанча мамнун бўлса, унинг ортида келадиган Аллоҳнинг ажрига умид боғлаб ишлаймиз. Мақсадимиз – узоққа борадиган ишлар қилиш. Халққа манфаатли бинолар бунёдкори бўлиш ҳар бир қурувчи учун фахр ҳисобланади. Қурилиш жараёнида исрофгарчиликка йўл қўймайлик, ишни тизимли ташкил қилишга интиламиз.

Дарҳақиқат, “Зомин сифат” жамоаси каби куч ва ғайратга тўла, халқнинг қорига ярайдиган қурувчи ташкилотларимиз кўп бўлсин. Байрам муносабати билан ушбу жамоа қурувчиларига мустаҳкам соғлиқ, сўнмас шижоат, розилик ва барака тилаймиз. Камолитдин Артиқбаевга эса бунёдкорликдан чарчаманг, деймиз.



**Мамлакатимизда шаҳарсозликнинг ривожланиши ва замонавий қиёфадаги бино-иншоотлар барпо этилиши натижасида ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Бунда шу элнинг ободлиги учун бел боғлаган қурувчиларнинг ҳиссаси катта. Ташкил этилганига кўп бўлмаганига қарамай, ўзининг сифатли ва намунали лойиҳалари билан кишилар қалбидан жой олаётган “Зомин сифат” масъулияти чекланган жамияти бу борада муносиб улуш қўшаётган корхоналардан биридир.**



## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси

Жонажон юртимизнинг қўли гул қурувчилари ва маҳоратли меъморларига

## КАСБ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Заҳматли касбингиз ортидан доимо ҳурмат ва эътибор қозониш ҳар бирингизга насиб этсин!





# Пурвиқор тоғлар бағрида бир корхона бор...

**Жиззах вилоятининг Зомин тумани ҳақида гап кетганда халқимиз кўз ўнгида пурвиқор тоғлар орасида жойлашган табиати бетакрор гўша гавдаланади. Юртдошларимиз қаторида хорижлик сайёҳларнинг ҳам эътиборини тортишга қодир бўлган шундай гўзал маскан кўп йиллар давомида эътибордан четда қолганди. Кейинги йилларда давлат раҳбарининг ташаббуси билан туризмни ривожлантиришга йўналтирилган ҳужжатларнинг қабул қилингани туфайли бошқа ҳудудлардаги каби ушбу туман қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда.**



Зоминда амалга оширилиши лозим бўлган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ишбилармонларни руҳлантириб юборди. Кейинги 4-5 йил оралиғида уларнинг сазй-ҳаракати билан туман маркази ва барча маҳаллалар қайта қурилиб, йўллар инфратузилмаси замонавий лойиҳалар асосида шакллантирилди. Кўп қаватли турар жойлар, меҳмонхоналар, спорт иншоотлари қад ростлагани эса дам олувчилар ва сайёҳлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Мазкур ҳудуд қиёфасини янгилаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурлар ижросини таъминлашда биринчилардан бўлиб Мақсуд Тожибоев ташкил қилган ва бино-иншоотлар қуришга ихтисослашган "MJN HOUS" хусусий корхонасининг 2020 йилдан буён амалга оширган ишларини эътироф этиш ўринлидир. Хусусан, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати Инжиниринг компанияси" ДУК буюртмасига кўра, сўнгги йиллар оралиғида маҳаллаларда жойлашган 16 та умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш ва иситиш тизимини қуриш ҳамда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими биносини реконструкция қилиш, шунингдек, "Кўрғон" МФЙ ҳудудида "Зомин тарихи ва маданияти музейи" биносини қуриш, шу маҳаллада жойлашган Хўжа Саид қабристонини икки этапли лойиҳа бўйича реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Булардан ташқари, "Сув таъминоти ва оқова сув объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" УК вилоят ҳудудий бошқармаси буюртмасига биноан, шу туман ҳудудида жойлашган "Пахтакор" МФЙдаги 5-разъезд қишлоғи, "Фаровон" МФЙдаги Бирлашган, "Навбахор" МФЙдаги Сигисари,

"Ниҳол" МФЙдаги Янгиовул, Алишер Навоий номли ҚФЙдаги Тоғайтўппи қишлоғи аҳолиси учун ичимлик сув тармоғини қуриш, "Галлаорол" ва "Нурликент" МФЙлардаги ички кўчаларни асфальтлаш, "Пахтакор" МФЙда жойлашган 20 та кўп қаватли уйлари таъмирлаш ва ёриткич чироқларини

ўрнатиб, йўлакчалар, спорт майдончалари ҳамда кутубхона қуриш, "Халқ банки"нинг Фориш тумани филиали балансидаги кўп қаватли уй-жой биносини жорий таъмирлаш ишларини ҳам муваффақиятли якунладилар.

Ҳозирги кунда Зоминнинг гўзал манзарасини кўриш ва баҳаво табиатидан баҳраманд

бўлиш иштиёқида миллионлаб кишилар, шу жумладан, хорижлик сайёҳлар ҳам бу ерга ошиқмоқда. Уз навбатида келиб-кетувчиларга янада қулай шароит яратиш учун аэропорт қурилишига эҳтиёж сезилди. Шу сабабли, жамоа "Maxsus trest 001" МЧЖ буюртмасига биноан Зомин тумани аэродроми ва йўловчилар терминалини жаҳон андозаларига мос даражада бунёд этди. Эндиликда барча шароитларга эга бўлган аэродром орқали ҳар куни юзлаб кишилар керакли манзилларига беҳавотир етиб олмақда.

Ўта муҳим тоифага кирувчи объектда бажарилган ишлар сифатли бўлгани учун "Bino va inshootlar qurish direksiyasi" буюртмасига кўра, Кўқон шаҳридаги аэропортда йўловчилар учун терминал ва ҳудудда қўшимча биноларни барпо этиш ишлари ҳам хусусий корхона жамоасига ишониб топширилди. Ушбу объектда ҳам қисқа вақт оралиғида лойиҳада кўрсатилган барча зарур ишлар муддатидан аввал қуриб битказилди.

Ҳозирда 50 нафардан ортиқ доимий ва яна шунча мавсумий ишчи-ҳодимни ўзида жамлаган корхона жамоаси жорий йил бошидан буён ҳам кўплаб объектларни қуриб битказган. Яна бир қанча иншоотларда ишлар қизғин бормоқда. Жумладан, Зомин тумани "Кўрғон" МФЙ ҳудудида "Зомин тарихи ва маданияти музейи", шу маҳалла ҳудудида 3 та кўп қаватли турар жой биноси, "Дуоба" ҚФЙда туберкулёз ва ўпканинг носпецифик касалликларига ташхис қўйиш, уларнинг олдини олиш ҳамда даволаш ўқув-симуляция марказини барпо этишнинг иккинчи лоти, иккита меҳмонхона, улар ёнида 12 та коттеж, ошхона, спорт зали ва бошқа ёрдамчи бинолар шу кунларда фойдаланишга топширилиш арафасида.

Хусусий корхона тўрт йил оралиғида йирик қурилиш объектларини қуриб, фойдаланишга топширди. Шу жараёнда 150 млрд сўмдан ошиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ишчи-ҳодимларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам доимий эътиборда. Меҳнат таътилларида санаторийларга йўлланмалар берилиб, зарур бўлганида моддий ёрдам кўрсатилади. Шу боис, жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзи ишлаётган корхона билан фахрланади.







## Номи улугнинг иши ҳам улуг

**Жиззах шахрининг “Кимёгар” маҳалла фуқаролар йиғинидаги бир хонадонга кириб-чиқаётган одамларнинг кети узилмайди. Боиси, бу ерда нияти пок, қалби дарё инсон Дониёр Равшанқулов яшаган. У ёшлигидан то ҳозирга қадар кўни-кўшни, ён-атрофда яшаётган кишиларнинг уйларини қуриш ва таъмирлаш ишларида сидқидилдан кўмаклашган. Меҳнаткашлик ва ҳар қандай одамга бир хилда муомалада бўлиш фазилати туфайли кўпчилик ундан ибрат олар эди...**

Уй-жойлар қуриб, инсонларга наф келтиришнинг ҳадисини олган Дониёр ака тадбиркорларга яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, “Мукамал қурилиш савдо” масъулияти чекланган жамиятини тuzган. Дастлаб 100 нафар кишини қурилишга ихтисослашган қисқа курсларда ўқитди. Узоқни кўзлаб амалга оширилган бундай ҳаракат иншоотларни қуриш ва таъмирлаш жараёнида ўз самарасини берди. Корхона ишчиларининг меҳнати билан шахар ва туманлар ҳудудларида, кўшни вилоятларда ҳам юзлаб мактаб ва боғчалар, кўп қаватли турар жойлар қад ростлади, маҳаллалардаги кўчалар ободонлаштирилди.

Дўстлик туманида тиббиёт бирлашмаси ва “Бунёдкор” МФЙда ичимлик ҳамда оқова сув тармоқлари ва 3. Бобур номли МФЙдаги 32-сонли мактаб-интернат реконструкцияси, Жиззах шахрининг Алишер Навоий кўчасидаги “Қишлоқ қурилиш банки”нинг вилоят филиали, Бахмалсой қишлоғидаги 63-мактаб биноси, Зафаробод туманида солиқ инспекцияси учун янги бино қуриш, Шароф Рашидов туманининг Токчилик аҳоли пунктида ичимлик сув тармоғи ва 12-мактабни мукамал таъмирлаш, “Куёвбоши” ҚФЙда 15 та кўп қаватли уй-жой ва Ғаллаорол тумани “Маданият” МФЙда кўп қаватли уй-жой ҳамда кўчалар-



ни таъмирлаш, Жиззах туманидаги “Кўлама” МФЙда 10 та кўп қаватли турар жой, Пахтакор туманидаги “Олмазор” МФЙда 500 ўринли замонавий мактаб биносини қуриш ҳамда 14-мактаб реконструкцияси жамoa аъзолари томонидан амалга оширилган.

Шунингдек, Ғаллаорол туманидаги 73-, Пахтакор туманидаги 14-, Зафаробод туманидаги 12-, Жиззах шаҳридаги 26-сонли мактаблар реконструкцияси ва 990 ўринли янги мактабни қуриш, Фориш туманининг “Эгизбулоқ” МФЙ ҳудудида жойлашган қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кичик

саноат зонасида ичимлик сув тармоқларини қуриш каби ишлар ҳам “Мукамал қурилиш савдо” корхонаси жамoасининг меҳнати маҳсулидир. Булардан ташқари, Жиззах шаҳрида жойлашган ўндан ортиқ маҳаллада МФЙ идораларини замон талабига мослаштириш, шу ҳудуддаги асосий ва ички кўчаларни таъмирлаб, асфальтлаш, иккита меҳмонхонанинг ертўла қисмини тўлиқ янгилаш, бешта маъмурий бинони қуриш, давлат раҳбарининг топшириғига биноан, жаҳон талабларига жавоб берадиган тўртта кутубхона ҳам қисқа муддатда, сифатли қуриб битказилди.

Шароф Рашидов туманида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги объектлар қурилишида ҳам корхона жамoасининг катта ҳиссаси бор. Бу ерда жамият ишчиларининг меҳнати билан иккита болалар боғчаси, битта мактаб, учта кўп қаватли бинонинг ертўла қисмида ичимлик ва оқова сув тизимлари, иккита катталар ҳамда болалар учун мўлжалланган спорт иншооти, пийёдалар учун йўлақлар қуриш каби ишлар амалга оширилди.

Кўп қаватли турар жойлар, мактабгача таълим ташкилотлари қурилиб, маҳаллалардаги ички кўчалар тартибга келтирилиб, яқка тартибдаги хонадонларни шартнома асосида қайта таъмирлаб берилиши туфайли Жиззах тумани қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугунги кунда туман кўркига-кўрк кўшиб турган йигирмага яқин маҳалладаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларида шу жамoанинг катта меҳнати сарфланганлигини одамлар дилдан ҳис қилмоқда.

Кези келганда айтиш жоиз, кейинги уч-тўрт йил оралиғида Жиззах вилояти ҳам қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан тенгма-тенг ривожланиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, ҳудудларнинг қурилиш-боп маҳаллий хомашё захирасига бойлигидир. Қолаверса, ҳозирги кунда фаолиятини йўлга қўйган ҳар олти тадбиркордан бирининг қурилишбоп материаллар ишлаб чиқарадиган корхонаси борлиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Бу корхоналарда тайёрланаётган материаллар сифати, чидамлилиги ва арзонлиги жиҳатидан четдан келтирилаётганидан қолишмайди. Бу эса нафақат ўзини ўзи таъминлашга, балки турдош корхоналарга ҳам шартнома асосида етказиб беришга имкон яратмоқда.

Демоқчимизки, “Мукамал қурилиш савдо” масъулияти чекланган жамиятида ҳам иш аввалида ҳар қандай иншоотни сифатли ва тез фурсатда битказиш мақсадида вилоятда биринчилардан бўлиб маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чет эл технологияси асосида бетон маҳсулот ишлаб чиқариш заводи, газоблок, шлакоблок, мебель ва МДФ эшиклар, алюмин эшик-ромлар, ФСБ цехларининг фаолияти шакллантирилгани объектлардаги иш кўлами ва сифатини оширишга имкон яратмоқда.

Жамoa ишлаб топган маблағнинг ҳар бир сўми ишчи гуруҳи тақлифига кўра, расамад қилиниши одатга айланган. Асосий қисми янги техника воситаларини сотиб олишга йўналтирилса, яна бир қисми ишчиларни кўшимча рағбатлантиришга ҳамда Жиззах шаҳридаги маҳаллаларда яшаётган 20 нафар кам таъминланган инсонни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Умр дафтарини инсонларга яхшилик қилиш билан безатган Дониёр Равшанқулов бугун орамизда йўқ. Кутилмаган дард сабабли ушбу мақола тайёрланаётган кезлари у киши бу оламни тарк этди. Унинг орзу-истаклари ва жорий йил якунигача қуриб битказмоқчи бўлган иншоотлари кўп эди. Корхона фаолиятини янада кенгайтириб, кўшимча иш ўринлари яратиш юзасидан янги лойиҳаларни ишлаб чиқишга улгургани.

Нияти пок инсоннинг орзулари ушалмасдан қолмайди. Зеро, уларни давом эттирадиган фарзандлари, иш жараёнида ҳамisha унга камарбаста бўлиб келган Ширин Абдирахмонов, Алижон Курбонов, Фарход Раҳмонов, Рауф Қаҳҳоров каби ўнлаб шогирдлари, ҳамкасблари бор...



# Пок ниятли кишининг иши ҳам бароридан келади

**Жиззахлик Ихтиёр Тошпўлатов кун келиб қурилиш соҳасида ўз корхонасини ташкил қилиши ва 150 нафардан ортиқ кишини бирлаштириб, катта-катта иморатлар қуришини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ҳозирги кунда “ErgoHaus” масъулияти чекланган жамият ҳақида гап кетса, Жиззахликларнинг кўпчилиги “Ҳа, бу корхонага Ихтиёр Тошпўлатов раҳбар” дейишади.**

Кейинги даврда тадбиркорларга яратилган шароитлардан самарали фойдаланган корхона ишчилари кучи билан вилоят ҳудудларида 130 миллиард сўмдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва йирик қурилиш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, Жиззах шаҳридаги шошилч тиббий ёрдам илмий маркази филиалини реконструкция қилиш ва икки қаватли бинони қуриш, Амур Темур номидаги МФИда ичимлик суви иншоотини бунёд этиш, Иттифок маҳалласи ҳудудидаги 32 та 4 қаватли ва Ёшлик маҳалласидаги 35 та 2 ва 4 қаватли уйларни мукамал таъмирлаш ишлари чиндан ҳам мукамал шаклда амалга оширилди.

Шунингдек, “Раваллик” МФИ аҳолиси учун 2,5 километр ичимлик суви тармоғини тортиш, Жиззах шаҳрининг қиёфасини замонавийлаштириш, ирригация тизимлари, пиёдалар йўлаги, велосипед йўлакларини қуриш, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш, “Маданият” МФИда жойлашган 21 та кўп квартиралли уйни таъмирлаш ва туташ ҳудудларни ободонлаштириш, “Заргарлик” МФИда 11 та кўп квартиралли уйда йўлаклар қуриб, лифтларни янгиларига ал-

маштириш каби ишлар меъёрига етказилди.

Ёзнинг чилласио кишининг совуқ кунлари ҳам жамоани шаштидан қайтара олмайди. Сўнгги йиллар давомида жамоа Бахмал туманидаги “Бахмал” МФИ ҳудудида 110/35/10 кВА подстанциясини қуриш, Шароф Рашидов туманидаги “Хайрабод” МФИда 23-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш, Зарбдор туманидаги “Оқбулоқ” МФИ ички йўлларини таъмирлаш ва асфальтлаш, Ғаллаорол туманидаги “Молтоп” ҚФЙ ҳамда “Лалмикор” МФИ ҳудудларида ички йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаштириш, Зомин туманидаги “Кангли” ҚФЙда 120 ўринли МТТ мактабгача таълим ташкилотини қуриш, Дўстлик туманидаги 4Р-31 автомобиль йўлининг 72-80 километр қисмларини жорий таъмирлаш, “Қахрамон” МФИдаги ички йўлларни реконструкция қилиш ишлари чиройли адоғига етказди. Ҳаттоки, Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир туманида ҳам оғир турмуш шароитида яшаётган 30 та хонадон аҳлининг уйларини таъмирлаш ва том қисмини янгилаш каби эзгу ишларга бош қўшган.

Фаолият тури бино ва иншоотларни қуришга ихтисослашган

корхона ишчи-ходимлари объектларни қуриш жараёнида керакли материаллар нархи қимматлигидан ташвиш чекарди. Ихтиёр Тошпўлатовнинг саъй-ҳаракати билан бу масала ҳам ҳал этилди. Яъни, хориж технологиялари асосида ташкилот базасида маҳаллий хомашёдан тайёрланадиган бетон ва блок, пишган ғишт ишлаб чиқариш заводи ҳамда эшик-ром ишлаб чиқариш цехлари қурилди. Эндиликда жамоа шу материаллар билан ўзини-ўзи таъминлаш баробарида, бошқа корхоналарга ҳам шартнома асосида етказиб бермоқда. Мухими, улар ишлаб чиқарётган маҳсулотлар сифати ва ҳар қандай шароитга чидамлилиги билан четдан келтирилатганлар билан бемалол рақобатлаша олади.

Давлат дастурлари ижросини таъминлаш юзасидан 2024 йилда ҳам “ErgoHaus” масъулияти чекланган жамияти ишчи-ходимлари кўплаб объектларда қурилиш ва бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда. Хусусан, Зарбдор туманидаги “Лалмикор” МФИ ҳудудида йиғма конструкциядан иборат фаоллар залини қуриш, Зомин туманидаги “Боғишамол” МФИда II-Халқаро мақом санъати анжуманининг асосий тадбирлари бўлиб ўтадиган Зоминсой меҳмонхонаси



қаршида амфитеатр ва сахнани бунёд этиш, унга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган.

Шунингдек, Шароф Рашидов туманидаги “Оқтош ота” МФИ ҳудудида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивида 1 та 9 қаватли турар жой ҳамда шу массивда Давлат тест маркази биносини қуриб битказиш, Жиззах шаҳридаги “Тошлоқ” МФИнинг Шифокорлар кўчасида Республика шошилч тез тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг қабул қилиш бўлимида ангеография хонасини барпо этиш каби объектлар ҳам жамоа аъзоларининг меҳнати туфайли бунёд этилмоқда. Айни кунларда мана шу иншоотларда асосий бунёдкорлик ишлари ба-

жарилиб, сўнгги пардозлаш юмушлари олиб борилмоқда.

– Ҳозирда жамият фаолиятини янада кенгайтириш борасида ҳаракат қиляпмиз, – деди ташкилот раҳбари Ихтиёр Тошпўлатов. – Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун хориждан техникалар олиб келиш ва 40 та янги иш ўрни яратиш ҳамда якка тартибда уй-жой қураётганларга хизмат кўрсатишни мақсад қилганмиз.

Халқимизда ҳаракатда барокат, деган гап бор. Ихтиёр Тошпўлатов ҳам тинимсиз ҳаракатлари туфайли Жиззах вилоятида қурилиш соҳасини пухта ўзлаштирган катта жамоага бош. Эл фаровонлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган бундай кишиларнинг бошлаган ва режалаштирган ишлари ҳамиша бароридан келаверади.





# “Халқ биздан рози бўлса, ишимиздан кўнглимиз тўлади”

**Жиззах вилояти ва Жиззахликлар ҳақида гап кетса, аввало, кўз ўнгимизда чексиз далалару уларда жавлон уриб меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимиз гавдаланади. Ростини ҳам, меҳнатдан, қийинчиликдан, янгиликлардан чўчимайдиган танти халқнинг ютуқлари замирида ана шу жиҳатлар мужассамлигини кўриш мумкин. Шу боис, бугун вилоят ҳар соҳада ривожланиб, аҳоли учун ҳам қатор қулайликлар яратилмоқда.**

Бунёдкорлик кенг тушунча. Уни фақатгина уй-жойлар ёки бошқа иншоотлар қурилишидан иборат, деб тушуниш тўғри эмас. Жиззах вилоятида фаолият юритиб келаётган шундай ташкилот борки, унинг фаолияти бевосита қурилиш-бунёдкорлик билан боғлиқ. Фақат улар кишиларга уйлар эмас, унданда муҳим неъматни тақдим этишади, бу – оби ҳаётдир.

“Мирзачўлмахсуссувпудрат” МЧЖ 2008 йилда Мирзачўл, Дўстлик ва Арнасой туманларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация иншоотларини барпо этиш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бош-



қариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4486-сонли қарори, Давлат активларини бошқариш агентлиги Жиззах вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 22 ноябрдаги 210 И/Ч-сонли буйруғига мувофиқ, “Ўзсувқурилиш” акциядорлик жамияти ҳисобига ўтказилиб, “Мирзачўлмахсуссувпудрат” МЧЖ-га айлантирилган.

Фаолиятини бошлаганига 15 йил бўлган жамият томонидан бугунги кунга қадар вилоят миқёсида мелиорация ва ирригация тармоғида кўплаб объектларда бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Хусусан, Мир-

зачўл туманидаги 4 босқичли “Мирзачўл, Тошкент ва Пахтазор СИУ”лар ҳудудида ЁГД тармоқларини қуриш, Арнасой туманидаги 4 босқичли Мустақиллик, Самарқанд, Олтин водий ва Хоразм СИУлар ҳудудида ЁГД тармоқларини қуриш, Арнасой туманидаги 4 босқичли Б. Файзиев, Мустақиллик, Саипназаров, Фарғона, Хоразм ва Туркистон СИУлар ҳудудидаги коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш, Мирзачўл туманидаги “ЦК-9” коллектор тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш, Арнасой туманидаги “АРК-1” (2 босқич) коллектор тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш, Дўстлик туманидаги “ПК-7”

коллектор тармоқларини таъмирлаш каби объектларни айтиш мумкин.

Бундан ташқари, Мирзачўл туманидаги 11,6 километр, шу жумладан, Мирзачўл ҳудудида 3,7 км, Абай ҳудудида 3,6 километр, Пахтазор ҳудудида 1,3 километр, Тошкент ҳудудида 1,5 километр ва Туркистон ҳудудида 1,5 километр суғориш тармоқларини реконструкция қилиш, Арнасой туманидаги 4 босқичли Мустақиллик, Самарқанд, Олтин водий ва Хоразм СИУлар ҳудудида ЁГД тармоқларини қуриш, Зафаробод туманидаги Тинчлик, Беруний, Ф. Хўжаев, Охунбобоев, Ўзбекистон ва С. Синдаров ФХУлар ҳудудидаги коллекторни қуриш ва реконструкция қилиш каби яна кўплаб ирригация соҳасидаги ишлар амалга оширилган.

Халқимизда сув келтирган элда азиз, деган нақл бор. Ушбу жамоа меҳнаткашлари ҳам ана шундай эзгу вазифани бажариш орқали, бугунги кунда миллионлаб юртдошларимизнинг оби ҳаёт билан таъминланишига ҳисса қўшиб келяпти. Бу фахрли вазифаси туфайли минглаб инсонларнинг дуосига сазовор бўлиш эса ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган, бахт аслида. Жамоадаги 48 нафар уста ва қурувчилар ўз ишларини моҳирлик билан амалга оширгани туфайли уларнинг ишларидан миннатдор кишилар сони тобора ортмоқда. Бу борадаги ютуқларнинг яна бир омили – жамоа ташкил топгандан буён тажрибали ходимларни ишга олинганидир. Уларнинг аксарияти олий маълумотли мутахассис. Қолаверса, ташкилотда ишчилар улар яратилган шароит ва имкониятлар ҳам чакки эмас.

– Ишимиз сифатли бўлиши учун биринчи навбатда жамоадаги ходимларга керакли шароитни яратиб беришга ҳаракат қиламиз, – деди “Мирзачўлмахсуссувпудрат” МЧЖ раҳбари Шухрат Омонов. – Ишчилар замонавий дала уй(вагон)лар ҳамда махсус кийим-кечаклар билан таъминланган. Ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат берилади. Шу боис, ички-ходимлар ҳам жон куйдириб меҳнат қилишади. Зеро, бизнинг соҳада беҳафсалилик билан иш қилиш жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Айниқса, табиий ресурс тармоқларини тўғри сақлаш ва уларни тарқатиш йўлида умуман хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Сув – бу халқнинг умумий мулки. Халқ биздан рози бўлса, бизнинг ҳам ишимиздан кўнглимиз тўлади.

Ҳа, халқни рози қилишдек улуғ мақсад йўлида фаолият олиб бораётган “Мирзачўлмахсуссувпудрат” МЧЖ келгусида ҳам вилоят ривожини йўлида яна кўплаб лойиҳаларни амалга оширишда давом этади.





## Ишнинг баракаси сифатда



**Ҳар бир соҳадаги каби қурилиш соҳасининг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари, оғир машаққатлари бор. Аммо ана шу синовларга қарамай, касбига чин ихлос қўйган кишилар элнинг асл бунёдкорлари ҳисобланади. Қувонарлиси, юртимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган кўплаб меҳнат жамоалари шундай таърифга ҳар тарафлама муносибдир. Улардан бири 2013 йили Жиззах шаҳрида Азим Эргашев таъсисчилигида ташкил этилган “Файз барака классик” масъулияти чекланган жамиятидир.**

Ушбу ташкилот капитал қурилиш ва таъмирлаш ишларидан ташқари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган. “Файз барака классик” МЧЖ ўзининг алюмин, пластик эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш цехи, бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи ҳам эга. Бугунги кунда корхонада 154 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ташкилот фаолият турининг кенгайтиши янги иш ўринлари яратиш имконини ҳам бермоқда.

Корхона раҳбари Азим Эргашев касбга оид асосий сир-асрорларни ўз отасидан пухта ўрлаштирган. 2011 йили Жиззах политехника институтининг қурилиш факультетини тамомлаб, касбий салоҳиятини янада оширишга муваффақ бўлади. Унинг одилона ва оқилона бошқаруви, ҳамиша олдинга интилиши, лидерлик қобилияти жамоани ҳамиша илҳомлантиради. Бу эса ташкилотнинг республика миқёсидаги эътирофларга сазовор бўлишига хизмат қилмоқда.

– Бизнинг асосий вазифамиз халқимизнинг ишончини оқлаш, – деди Азим Эргашев. – Инсон ўз ишини севиб бажаришга одатланмаса, уни сифатли бажармаса, ўзининг ҳам кўнгли жойига тушмайди. Агар битта лойиҳангиз сифатли амалга оширилса, қанча инсон изингиздан дуо қилади. Аксинча, қўл учида сифатсиз иш қилсангиз, шунча одам сиздан норози бўлади. Инсон оз иш қилса ҳам, сифатли бажариши керак. Касбга профессионал ёндашсангиз, ишингиз пухта бўлади. Астойдил ишлаган жамоага ҳар ерда талаб бор, ҳар ерда иш ва лойиҳа топилади. Айнан шунинг ўзи барака ва давомийлик, дегани. Бу соҳада кучлилар, ўз устида тинимсиз ишлайдиганларгина йўлида давом этади.

Дарҳақиқат, юксак марраларни мақсад қилган корхона раҳбари ҳам катта ғоялар билан яшаши керак. Компания раҳбаридан биз санаган кўплаб фазилатлар мужассам эканига гувоҳ бўлдик.

Айни кунларда ташкилот Давлат хавфсизлик хизмати чегарачи ходимлари учун Мирзачўл туманида кўп қаватли уй-жой қуриш ишларини олиб бормоқда. “Файз барака классик” МЧЖ тажрибали қурувчилари ҳисобига вилоятдаги бир қатор таълим ва намунавий уй-жойлар объектларини барпо этишда ҳам фаол.

Қолаверса, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари бўйича ҳам

бир қатор қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириб келмоқда. Хусусан, корхона жамоаси томонидан Жиззах шаҳрида 1680 ўринли янги замонавий умумтаълим мактаби, “Ёшлар технопарки” қурилиши ишлари, Шароф Рашидов шоҳ кўчалари атрофини ободонлаштириш, Жиззах шаҳридаги 19-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш, Жиззах Кибер арена ва теннис корти мажмуасини реконструкция қилиш ишлари тўлақонли амалга оширилган.

Ҳозирда корхонада 154 нафар ишчи фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг ўртача иш ҳақи 3 млн сўмдан 10 млн сўмгачани ташкил этади. Қолаверса, ходимларга вақти-

да ҳақ тўлашга жиддий эътибор қаратилади. Оилавий ҳолати оғир бўлганларга моддий кўмак берилади. Ташкилот Азим Эргашев раҳбарлигида 2021-2023 йилларда жами 179 млрд сўмдан кўпроқ миқдордаги лойиҳаларни амалга оширган. Моҳир ва фидокор қурувчилар биноларни қуриш ва реконструкция қилишда миллий ва замонавий дизайн уйғунлигида лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилишади. Иш жараёнида қурилиш материалларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, қурилиш технологиялари ва меҳнат хавфсизлигига қатъий риоя қилиш доимий назорат остига олинган.

Корхона моддий-техник базасида 2 та автокран, 3 та экскаватор-погрузчик, 8 та авто самосвал, 1 та бетон қориш ускунаси, 1 та бетон қориштиргич машина, 300 та кичик механизмлар ва акфа алюмин ҳамда пластик эшик-деразалар ишлаб чиқариш цехлари, бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари мавжуд. Келажакда яна бир қатор техникалар олиш режалаштирилган.

“Файз барака классик” МЧЖда ижтимоий ҳимояга ҳам муҳим эътибор қаратилади. Жумладан, Азим Эргашевнинг ўзи шахсий маблағлари ҳисобидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳамда меҳрибонлик уйи болаларига доимий ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келади. Шу жумладан, “Сўғдиёна” футбол клубига, “Меҳрибонлик уйи”га, Маҳалла хайрия жамғармасига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилган.

Қолаверса, ташкилотга сўнги 3 йилда Шароф Рашидов тумани “1-сон касб-ҳунар мактаби” давлат муассасасидан 24 нафар битирувчи ишга қабул қилиб, жамоа ёшларни касбга тўғри йўналтириш, тажрибасини ошириш орқали сифатли кадрлар тайёрлашга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

“Файз барака классик” МЧЖ жамоасининг шарафли ҳамда эзгу ишларини эътироф этган ҳолда, уларнинг келгуси фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Юртимиз фаровонлигига хизмат қилишдан, обод гўшалар барпо этишдан асло, толмасинлар. Фидойи касб эгаларига байрам муборак бўлсин!





# Мукаммал ишланган лойиҳага

## Эътироз бўлмайд



**Жиззахлик Азизбек Акмаловнинг ўсмирлик давридаги интилишларини кўрганлар бу йигит вақти келиб институтда ўқиб, яхши мутахассисликни эгаллаши ва бирон бир корхона ташкил қилиб, ўз қўллари билан мустақам иншоотлар лойиҳасини чизишни хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.**

Дарҳақиқат, у ёшлигида дўстлари билан ўйнагандан кўра, жимгина ўзи севган машғулот билан шуғулланишни афзал кўрарди. Дуч келган жойга нималарнидир чизиб юрарди. Унинг бу ҳаракатини кўрганлар, “Ҳа, барибир, куш уясида кўрганини қиларканда!” деб қўйишарди. Аслида, топиб айтилган ибора бу. Чунки оила бошлиқлари қандай иш билан машғул бўлса, фарзандлар ҳам унга монанд бўлишга интилади. Унинг бобоси Акмал Ҳайдаров вилоят ҳудудларида кўплаб қурилиш ва бунёдкорликларга бош муҳандислик қилган. Отаси Шермат Ҳайдаров ҳам шу соҳанинг кўп йиллик яловбардорларидан бири. У Жиззах шаҳри, Зомин, Мирзачўл, Зарбдор, Зафаробод, Ғаллаорол каби туманлардаги кўплаб қурилиш объектларида иш бошқарувчи вазифасида ишлаган.

Азизбекнинг бунёдкорлик ишларини мукаммал ўзлаштириб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти (ҳозирги СамДАҚУ)ни битириши ҳамда муҳандислик касбини эгаллашда оиладаги муҳитнинг таъсирида улғайгани шундан. Бобоси асос солган сулола давомчиси институтда ўрганганларини Жиззах шаҳрида жойлашган “Discovery architects group” масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа архитектори сифатида давом эттирди. Корхона раҳбари унигина мақсадида буюртмалардан бирини тайёрлашни топширганда ҳеч

иккиланмасдан муддатидан олдин лойиҳани яқунлаб берди. Шу ва ундан кейин кўлида сайқал топган ўнлаб лойиҳалар асосида кўркам иншоотлар қад ростлади.

Кези келиб, у лойиҳа соҳаси бўйича ўз корхонасини ташкил этиш мақсадида бобоси ва отасига маслаҳат солди. Тажрибали устозлари уни қўллаб-қувватлаб, ишни йўлга қўйиб олиш учун ўз маслаҳатларини беришди. Чизган лойиҳалари аллақачон уни вилоятга танитиб улгурган сабабли 2019 йилда “Creative projects” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилган, буюртмачилар бирин-кетин ташкилотга мурожаат қилишни бошлашди.

Корхонадаги 15 нафар ходимнинг заҳматли меҳнати ва изланишлари натижасида сайқал топган



лойиҳалар бўйича беш йил оралигида вилоят ҳудудларида қурилган турли хил иншоотлар нафақат кўркамлиги, балки жаҳон талабларига мос келадиган қулайликлари билан ҳам бугун катта кичикка сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Жумладан, Жиззах шаҳридаги “Бунёдкор” МФЙ ҳудудид

полиэтилен қувур ва смеситель ишлаб чиқариш заводи, шу жойда шишадан қурилиш ойналари тайёрлашга мослаштирилган завод, “Олмазор” МФЙ тасарруфида кўп қаватли турар жой бинолари комплекси, “Маданият” МФЙда савдо, маиший хизмат ва кўп квартиралли уй-жой бинолари комплекси, “Сангзор” МФЙ ҳудудид кўп қаватли бизнес марказ биноси, “Сайилжой” МФЙда ўрта қаватли ўқув марказ биноси ва очик-ёпиқ турдаги соғломлаштириш маркази, Фориш туманидаги “Эгизбулоқ” МФЙда оҳак маҳсулотлари ишлаб чиқариш кичик корхонаси, Шароф Рашидов туманидаги “Пастки сулоқли” МФЙ ҳудудид кўп қаватли турар жой бинолари комплекси, Арнасой туманидаги “Янги Бўстон” МФЙда сунъий қопламали футбол майдони ана шундай объектлар сирасига киради. Булардан ташқари, Дўстлик, Ғаллаорол, Зомин, Бахмал, Жиззах туманларида қад ростлаган мактаб, болалар боғчалари, ишлаб чиқариш кор-

хоналари, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Алимжент шаҳарчасида жойлашган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод, Сирдарё туманининг “Қамолот” МФЙдаги асфальт ишлаб чиқариш заводи каби иншоотлар лойиҳаларини ҳам шу жамоа мутахассислари яратишган.

Ўз соҳаси юзасидан изланишлар қилиб, ташаббус кўрсатишда бошқаларга намуна бўлаётган жамоа зиммасига шу кунларда ҳам катта масъулият юклатилган. Вилоятда давлат дастурлари бўйича қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган объектларнинг асосий қисми учун лойиҳалар топширилган. Булардан ташқари, тўртта туманининг ички йўллари замон талабига мос қилиб қуриш бўйича лойиҳалар ҳам бор.

Буюртмаларни кечиктирмасдан топшириш учун лойиҳа бош муҳандиси Амрулла Норматов, лойиҳа бош архитектори Зарнигор Худойбердиева, лойиҳа бош конструктори Сардорбек Ҳайдаров, смета баҳолаш бўлими етакчиси мутахассиси Фаёз Исмаев каби фидойи ишчи-ҳодимлар Азизбекка елкадош.

Соҳани мукаммал ўзлаштирган ва ҳар бир лойиҳани сифатли тайёрлайдиган шундай забардаст ходимлари борлиги учун ҳам шу пайтгача корхонадан иншоотларга йўналтирилган 30 дан ортиқ кўп қаватли турар жой бинолари, 300 га яқин савдо, маиший хизмат ва офис иншоотлари ҳамда 10 дан ортиқ йирик завод-фабрикаларга мослаб ишланган лойиҳалардан бирортасига назорат органлари томонидан тузатиш ёки эътирозлар бўлмаган. Бу эса, жамоада ўз ишининг усталари жамлангани, ишлар қатъий тартиб асосида шакллантирилганидан далолат.







# "O'ZSHAHARSOZLIK LITI"

## асрга тенгдош лойиҳалар макони

**"O'zshaharsozlik LITI" ДМ ташкил этилганига 95 йил тўлди. Салкам бир асрлик тарихга эга ушбу ташкилот фаолияти шонли саҳифаларга тўла. Бугунги кунда шаҳарларимиз кўрки саналган энг муҳташам иншоотлар ушбу институт мутахассисларининг ижод маҳсулидир. Даргоҳда соҳанинг энг моҳирларидан тортиб, умидли ёшларигача меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Улар яратаётган лойиҳалар юртимиз инфратузилмасини тубдан ўзгартириб бораётгани ҳам айна ҳақиқат.**

Ҳозирда бош лойиҳа-қидирув институтининг малакали меъморлари томонидан Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэро-

порти "Терминал - 2" лойиҳаси, Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжоннинг Боку ва БААнинг Абу-Даби шаҳарларидаги элчихо-

налари, Прокуратура академиясининг комплекс лойиҳаси, Андижон ва Бухоро шаҳридаги спорт мажмуаларини ФИФА стандартлари

асосида Футзал бўйича Жаҳон чемпионатига ҳозирлаш, Россиянинг Пирагов номидаги университети Тошкент филиали қурилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ушбу объектларнинг кўпчилиги яқунлини арафасида.

Институтда жорий йил бошидан буён бир қатор лойиҳалар муваффақиятли ишлаб чиқилди. Фарғонадаги "Эко шаҳар", Урганч шаҳридаги "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши, яқиндагина Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган мақом фестивали учун амфитеатр лойиҳалари шулар жумласидан. Шунингдек, Самарқанддаги энг йирик лойиҳа бўлиши кутилаётган 600 гектардан зиёдроқ майдонда

қад ростлаётган "Ширин" шаҳарчасининг намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Жорий йилда бизнес авиация йўналишида рейслар ташкил қиладиган аэропорт қуриш лойиҳаси ҳам қайта кун тартибидан жой олди. Аэропорт Яшнобод туманида барпо этилиши кўзда тутилган бўлиб, халқаро аэропортга ёрдамчи вазифасини бажариши кутилмоқда. Айна дамда "O'zshaharsozlik LITI" ДМ ана шу долзарб лойиҳани сифатли ва пухта яқунлаш ҳаракатида. Жамоа ўзининг бир неча йиллик анъаналарига содиқ қолган ҳолда пешқадам лойиҳа институти сифатида барчага ўрнак бўлишга ҳаракат қилмоқда.

## ИНСТИТУТ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

### Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий шаҳарчаси лойиҳаси



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 27 июлдаги 410-сонли "Урганч шаҳрида "Ал-Хоразмий" мажмуасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор асосида мажмуанинг бош режа ва ба-тафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича "O'zshaharsozlik LITI" ДМ бош лойиҳа ташкилоти этиб, Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий хайкалини ўрнатиш ва хиёбонни барпо этиш бўйича "12-Трест" АЖ бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилот этиб белгиланган.

Бош лойиҳага асосан, мажмуа ҳудудида жами 133 та кўп қаватли 5444 та хонадонли уй-жой, шундан 16 та 12 қаватли 2409 хона-

донли, 24 та 9 қаватли 1116 хонадонли, 93 та 5 қаватли 1919 хонадонли уй қурилиши мўлжалланган. Бундан ташқари, "Ал-Хоразмий" мажмуаси ҳудудида 8 000 ўринли Ал-Хоразмий университети ва 1400 ўринли ётоқхонаси билан, Ал-Хоразмий мактаби, 3 та мактаб, 6 та мактабгача таълим ташкилоти, 1 та тиббиёт муассасаси, 1 та ИТ академия ва унинг ётоқхонаси, 2 та замонавий меҳмонхона, 1 та Технопарк, 1 та рақамли вазиятлар маркази ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, мажмуа ҳудудида 30 гектар майдонда турли соҳаларга оид экологик тоза ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат ҳудуди қуриш ҳам кўзда тутилган.

### Қорақалпоғистон Республикасидаги "Янги Ўзбекистон" массиви лойиҳаси

Лойиҳа мuddати 2043 йилгача мўлжалланган бўлиб, 60 гектар ҳудудни қамарб олади. "Янги Ўзбекистон" массиви ҳудуди Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий-шарқий қисмидаги Қораўзак туманининг жанубий қисмида, "Қораўзак" махсус саноат зонасига 10 километр узоқликда жойлашган. Энг яқин темир йўл станцияси - "Қаратов" станцияси. Халқаро аэропорт Нукус шаҳрида жойлашган, 67 километр масофада. Ушбу ҳудуд А - 380 магистрал йўли "Ғузор - Нукус - Бейнеу" бўйида жойлашган бўлиб, бу ерга биринчи Президент Ислон Каримов томонидан Қорақалпоғистоннинг янги маркази учун тамал тоши қўйилган.

Бош режанинг асосий мақсади - 2043 йилда 10 000 киши бўлиши кутилаётган аҳолини амалдаги шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида турар жой, муносиб иш ўринлари, таълим олиш, даволаниш, дам олиш, спорт ва соғломлаштириш, транспорт-муҳандислик тармоқлари билан таъминлашдан иборат. Лойиҳада "Ғузор - Нукус - Бейнеу" А - 380 автомобиль йўлига массив ҳудудидан марказий кўчалар тута-шади. Нукус шаҳридан ҳаракат йўналиши амалга оширилганда лойиҳага кўра массив ҳудудига "Ғузор - Нукус - Бейнеу" А-380 автомобиль йўлининг жанубий томонидан марказий кўча орқали кириб борилади ва

массивдан чиқишни таъминлайди. Марказий кўчалар турар жой ва жамоат биноларини бир-бирига боғлайди.

Ҳудудда умумий 71 донга 5 қаватли турар жой, 2 та мактаб биноси, 4 та мактабгача таълим ташкилоти, 350 қатновли поликлиника, тез ёрдам станцияси, 46 койкали шифохона ва дорихоналар, 60 ўринли меҳмонхона, 100 ўринли мотел, маҳалла гузари биноси, маданият саройи, савдо комплекси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари, умумий овқатланиш бинолари, 50 ўринли ҳаммом, стадион, спорт зал, ўт ўчириш депоси, маъмурий бинолар, парк ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари лойиҳаланган. Лойиҳада оқова сув тармоғи ва тозалаш иншооти ҳудуднинг нишаблиги ўрганилиб, жанубий-ғарбий томонидаги ер майдонига қурилиши кўзда тутилган.





## Қашқадарё вилоятидаги “Батош” МФЙда турар жой массиви лойиҳаси



Қарши шаҳар “Қарши – Бешкент” автомобиль йўлининг чап томонида “Батош” МФЙ ҳудудида Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ташабуси билан “O'zshaharsozlik LITI” ДМ Қашқадарё филиали томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, “Камронбек қурувчи” МЧЖ томонидан қурилиши белгиланган. Лойиҳада 6 та подъездли 54 хонадонли ва 9 та подъездли 36 хонадонли ҳамда 1 та подъездли 18 хонадонли, жами 654 хонадонли турар жой массиви қурилиши ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Массивда турар жой биноларидан

ташқари, 120 ўринли мактабгача таълим муассасаси ва бош режага мувофиқ, уй-жой биноларининг биринчи қаватида ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар учун ҳар хил турдаги маиший хизмат кўрсатиш бинолари мослаштирилган ҳолда лойиҳалаштирилган. Бундан ташқари, турар жой массиви ҳудудида болалар майдончаси, автотураргоҳлар, кўкаламзорлаштириш ҳудуди билан массивга кириш майдонида кичик боғ ҳам лойиҳалаштирилган. Ушбу лойиҳа жорий йилнинг декабрь ойида якунланиб, уй-жойлар аҳолига фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

## Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги “Карнайчи” шаҳарчаси лойиҳаси



Лойиҳалаш жараёнида аҳоли пунктининг шаҳарсозлик ва ижтимоий-иқтисодий, халқ хўжалиги, саноат салоҳияти, ишчи ресурслари, табиий-экологик муҳитининг ривожланиши, Андижон вилояти ва Шаҳрихон туманидаги мазкур соҳалар ривожланиши бўйича дастурлар инobatга олинган.

- лойиҳани бошланиш даври – 2023 йил;
- лойиҳанинг ҳисобий даври – 2043 йил;
- шаҳарчанинг лойиҳавий ҳудуди – 160,0 гектарни;
- лойиҳавий аҳоли сони – 5000 кишини ташкил қилади.

Бош режанинг асосий мақсади, ҳисоб даври 2043 йилда аҳоли сони 5,000 киши бўлиши кутилаётган аҳолини амалдаги шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида турар жой, муносиб иш ўринлари, таълим олиш, даволаниш, дам олиш, спорт ва

соғломлаштириш, инфраструктура объектлари ҳамда транспорт-муҳандислик тармоқлари билан таъминлашдан иборат.

Шаҳарчанинг мавжуд 101,0 гектар ҳудудига 59,0 гектар қишлоқ хўжалиги ерлари кўшилиб, лойиҳавий ҳудуд 160,0 гектарни ташкил қилади. Туман аҳамиятига эга Карнайчи-2 кўчаси бўйлаб мактабгача таълим ташкилоти, маъмурият ва хўжалик корхоналари, кутубхона, клублар, маданият уйлари ва саройлари, кичик кинотеатр, болалар мусиқа мактаби, болалар рассомчилик мактаби, болалар учун бадиий хунармандчилик уйи, болалар спорт мактаби, ўйин-кулги хоналари ва ўйин автоматлари, маданият ва истироҳат боғи, спорт мажмуаси қошида спорт заллари, ёпиқ ва очиқ сузиш ҳавзаси, спорт майдонлари жойлашади. Лойиҳада кичик шифохона, оилавий поликлиника ва тез тиббий ёрдам бўлими ҳам инobatга олинган.

## Бухоро вилоятидаги Хумин боло шаҳарчаси лойиҳаси

Хумин боло аҳоли пункти Бухоро вилояти марказидан 5,5 километр шимоли-шарқда ва Когон шаҳридан 15,0 километр ғарбда жойлашган. Маъмурий жиҳатдан шаҳар типидagi Хумин боло посёлкаси Бухоро туманига тегишли. Келгусида “Хумин боло” лойиҳаси доирасида аҳоли сони 6 000 кишини ташкил этади. Лойиҳа чегараларида посёлканинг майдони 237,0 гектарни ташкил қилади.

Хумин боло шаҳарчаси лойиҳасининг ҳисоб даври – 2043 йил бўлиб, унда кўрсаткичлар қуйидагича ўзгаради:

## Аҳоли ва ҳудуд:

- ҳозирги аҳоли сони – 3,854 минг киши;
- ҳисоб даврида аҳоли сони ўсиши – 6,0 минг киши;
- аҳоли пунктининг ҳудуди – 135,2 га;
- ҳисоб даврида аҳоли яшаш ҳудудининг ўсиши – 237,0 га.

## Уй-жой қурилиши ва уй-жой фонди:

- уй-жой фонди умумий майдони 60,12 минг квадрат метрдан ҳисоб даврида 114,0 минг квадрат метр;
- умумий уй-жой майдони билан таъминланиши 15,6 квадрат метр/кишидан 19,0 квадрат метр/кишига;
- ҳисоб даврида уй-жой фондининг қаватлар кесими:
- 1 қаватли якка тартибдаги уйлар – 98,54 минг квадрат метр, яъни – 85,9 фоизни,
- 2 қаватли якка тартибдаги уйлар – 7,48 минг квадрат метр, яъни – 6,6 фоизни,
- 4 қаватли уйлар – 7,98 минг квадрат метр, яъни – 7,5 фоизни ташкил қилади.

## Ижтимоий соҳада:

- мактабгача таълим муассасаларида – 984 ўрин;
- ўрта умумтаълим мактабларида – 366 ўрин;
- поликлиникада сменада – 200 қатнов;
- савдо дўконларида – 1716 квадрат метр савдо майдони;
- умумий овқатланишда – 336 ўрин;



- клуб, маданият саройларида – 240 ўрин;
- кинотеатрларда – 240 ўрин;
- меҳмонхоналарда – 36 ўрин;
- кир ювиш муассасаларида – 4050 кг қуруқ буюм;
- маиший хизмат пунктларида – 405 иш ўрни.

## Транспорт, автомобиль йўллар ва кўчалар:

- Лойиҳа бўйича Чақмоқ кўчаси (4К – 179) Хумини боло шаҳарчасининг марказий кўчаси бўлиб қолади. Шаҳарнинг лойиҳавий таклифи бўйича йўллар кенгайиши ва қизил чизиқлар билан чегараланган ҳолда кўрсатилган ҳамда тегишли йўл қирикмлари (оралиқ масофалари, муҳандислик тармоқлари ва бошқа кўрсаткичлар акс эттирилган)дан таркиб топган. Жумладан ушбу йўллар асосан 46,0, 25,0, 20,0 – метр габаритли лойиҳалаштирилган.

- магистрал кўчаларнинг узунлиги – 10,0 квадрат метр;
- шаҳар аҳамиятидаги магистрал кўчаларнинг узунлиги – 3,0 километр;
- кўча ва йўл тармоғининг зичлиги – 4,5 км/км2.

## Инженер ва техник инфратузилма соҳаси:

- инженер ва техник инфратузилмаларнинг ҳар бир тури бўйича мавжудларини таъмирлаш ва умумий таъминланганлик даражасини кўтариш юзасидан;
- энерготехмакор технологияларни жорий қилиш, ҳисоблагичлар билан таъминлаш ва инженер-техник ресурсларни бошқариш;
- инженерлик тизимларини мустаҳкамлиги ва узок мuddатга хизмат қилишини таъминлаш.





## "O'ZSHANARSOZLIK LITI"

Шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб, юртошларимизга тўқис ҳаёт бахш этишда жонбозлик кўрсатиб келаётган соҳа вакиллари – қадрли бунёдкорлару маҳоратли меъморларни

### **КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ!**

Сизларнинг шарафли меҳнатингиз туфайли жонажон Ватанимиз гуллаб-яшнамоқда. Бу шарафли йўлда сизларга сўнмас ғайрат, шижоат ва ижодий баркамоллик тилаймиз.





# Воҳа кўркига кўрк қўшаётган ташкилот

Тараққиёт инсоният учун ҳамиша бирламчи омил ҳисобланади. Кундан-кунга ривожланиш орқали ҳаётнинг янги қирралари, янги марралари билан юзлашар эканмиз яшашга бўлган иштиёқимиз янада ошиб боради. Шу жумладан, юртимизда ҳам халқимиз турмуш даражаси яхшиланиб, ҳаётимиз фаровонлашиб бормоқда. Сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари кишини ҳайратга солмоқда.



Қурилаётган бинолар, мактаблар, маиший-маърифий масканлар шу қадар кўпки, биз бу ривожланишни ҳайрат билан эмас, оддий қабул қиладиган бўлдик. Техника тараққиёти даврида тезлик жуда муҳим кўрсаткичга айланган. Қурилиш соҳасида фаолият юритаётганлар яхши билишади, бу касб бошқа соҳалардан кескин фарқ қилади. У тинимсиз изланишларни, янги лойиҳалару чизмалар устида соатлаб, кези келса, ойлаб бош қотиришни талаб қилади. Деҳқоннинг даладаги меҳнати ҳосили кузда йиғиштирилса, қурувчи қурган бинолар йиллар давомида эгасига раҳмат ва розилик келтиради. Шу сабаб, бу соҳанинг масъулияти анчагина юқори. Олдинлари 6-7 йилда қуриладиган биноларни қисқа муддатда битказиш имконияти вужудга келмоқда. Аммо тезлик экан деб, сифатни унутиб қўйиш асло мумкин эмас.

Бугун сизга ҳикоя қиладиган қурилиш ташкилоти эса ўзига хос кадрларга эга, деб бемалол айта оламиз.

Мард ва жасур, танги, меҳмондўст инсонлар юрти ҳисобланган Қашқадарё вилоятида ҳам қурилиш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Воҳадаги янгиланиш ва ўзгаришлар ҳудуднинг қиёфасига кўрк ва чирой бағишламоқда. Эзгу, хайрли ишлар бошида турган қурилиш ташкилотларидан бири "1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж" хусусий корхонасидир. Ташкилот 2004 йилда Қарши шаҳар ҳокимининг 2004

йил 12 апрелдаги Х-237/4-сонли қарори асосида ташкил этилган. Аввалига пудратчи сифатида фаолият юритган бўлса, кейинчалик ташкилотнинг барқарорлиги, моддий-техник базаси ривожлангач, барча лойиҳаларни ўзи амалга ошира бошлади. Ҳозирги кунда ишчи-ҳодимлар сони 214 кишидан иборат бўлиб, 2 та юқори юкмали автокран, 4 та экскаватор, "Ново" юк машиналари ва бошқа замонавий қурилиш механизмларига эга.

Қурилиш ташкилоти кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, 2023 йилнинг февраль ойида Қарши туманининг Янги Батож массивидаги 71-сонли мактаб қуриб битказилди. Мактабни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида очиб бергани ҳам таҳсинга сазовор. Айнан шу йили Қарши шаҳар 1-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳам реконструкциядан чиқарилди. Қашқадарё вилоятида янги ташкил этилган Кўқдала туманида ташкилот томонидан Кўқдала тумани солиқ инспекцияси биноси ва Кўқдала тумани кадастр бўлими биноларини реконструкция қилиш ишлари ҳам муваффақиятли амалга оширилди.

Жорий йилда жамоа томонидан Қарши шаҳрида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида 6 та кўп қаватли турар жой биноларининг қурилиши қизғин давом этмоқда.

"1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж" ХК раҳбари Зайниддин Салямов иш-

билармонлиги боис ташкилот жамоатчилиги орасидаги мавқеи, обрўси асло пастламади. Бугун корхона жамоаси нафақат вилоятда, балким республикада ҳам ўз ўрни ва хурмати эга. Талабчан ва қаттиққўл раҳбарнинг йиллар давомида орттирган тажрибаси ва тинимсиз изланишлари компаниянинг изчил ривожланишига замин ҳозирлаган, дейиш мумкин. 2023 йилда Зайниддин Салямов Президентимиз фармонида кўра "Шуҳрат" медали билан тақдирлангани ҳам бежиз эмас.

– Қилган камтарона меҳнатларингиз давлат раҳбари томонидан эътироф этилгани инсонга катта қувонч ва фахр бағишлайди, – деди Зайниддин Салямов. – Тўғри, одам унвон билан ўзгариб қолмайди, дейишади. Лекин, оддийгина эътироф, ҳаттоки, бир оғиз раҳмат дейишлари ҳам, қилган ишингдан хурсанд бўлиб қилган дуолари ҳам катта куч ва ишонч бахш этади. Ўзингга, қилаётган ишларингнинг тўғрилигига ишончинг ортиб бораверади. Бу эса янада юксакроқ марраларга, улкан лойиҳаларга илҳомлантиради. Шу билан бирга, инсон ўз касбини яхши ҳис қила билиши жуда муҳим. Қурувчи ҳаётни чиройли кўришни истайдиган, фаровонликка интиладиган, бунёдкорликни севадиган киши бўлиши керак. Қурилишда камтар ва меҳнаткаш инсонлар кўп. Уларнинг меҳнати қадрлаш, муносиб рағбатлантириш керак. Вилоятимизни обод ва гўзал масканга айлантириш асосий мақ-

садларимиздан биридир. Кимдир биз қилган ишдан бизни ҳам, ўзини ҳам манфаатдор қилса, хурсанд бўламан. Қурилиш ҳамма ҳам журъат қилавермайдиган, масъулияти оғир соҳа. Ахир сиз қурган уйларда инсонлар яшайди, сиз қурган мактабларда қанчалаб ёш авлод таълим олади. Сиз битта лойиҳа билан юзлаб, минглаб одамларнинг розилигини, дуосини олишингиз мумкин. Оддийгина эҳтиётсизлик ортидан акси бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Шу сабаб, ҳушёрлик ва диққат қурувчининг қуроли ва совути, деб ўйлайман. Ҳар бир қилган ишимизда, энг аввало, ўзимизга талабчан бўлишга ҳаракат қиламиз. Шунда ишимиз сифатли яқунланади. Ўйлайманки, бу бунёдкорлик ишлари улкан тараққиётнинг бир эпкиниси холос. Олдимизда улкан лойиҳалар, вилоятимиз фахрига айланадиган иншоот ва масканлар қуришдек эзгу мақсадлар турган экан, бир лаҳза ҳам тўхташга ҳаққимиз йўқ.

Дарҳақиқат, заҳматкаш қурувчиларимизнинг Ватан тараққиётидаги ўрни, аҳамияти беқиёс. "1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж" ХК жамоаси каби ўз олдида катта мақсадлар кўядиган, янгиланиш йўлида дадил қадам ташлайдиган ташкилотлар сони кўпаяверсин. Уларнинг келгусидаги фаолиятига улкан зафарлар, муваффақият ва ютуқлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Зеро, халқи бунёдкор миллатнинг эртаси ёруғ, келажаги мустақам бўлади.



# “SXF VOXA GAVHARI” МЧЖ – НОМИГА МУНОСИБ ЖАМОА

Бугун воҳа ривожланишнинг қизгин палласида жадал тараққий этаётган ҳудуд сифатида республика миқёсида олдинги ўринларда бормоқда. Бу фикрнинг исботини эса ҳар соҳада яққол кўзга ташланаётган муваффақиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва саноат йўналишлари қаторида қурилиш-бунёдкорлик соҳасида ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат ҳудуд тараққиёти, балки шу жойда яшовчи аҳоли фаровонлигида ҳам акс этмоқда.



Бу жараёнда албатта, меҳнаткаш бунёдкорлар ва ишнинг кўзини биладиган тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Қашқадарёнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиб келаётган ана шундай тадбиркорлардан бири Зафар Тўраевдир. У киши ҳамкорлари – Нодир Ҳамдамов, “EXPECTED HOMES” МЧЖ ҚК директори Рустам Тўраев, “SXF Samarqand City Stroy” МЧЖ ҚК директори Улуғбек Ҳамдамов таъсисчилигидаги “SXF VOXA GAVHARI” МЧЖ ҚКга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Корхона 2022 йилда ташкил топган бўлишига қарамай, оз фурсат оралиғида кўплаб лойиҳаларни амалга оширишга муваффақ бўлган. Қурилиш ташкилоти бунёдкорлик ишларидан ташқари, бетон маҳсулоти ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади. Ушбу ишлаб чиқариш цехида 10 нафар иш ўрни яратилган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бугунги кунда жамоа томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида асқатмоқда. Аммо жамият аъзоларининг келгусидаги режалари улкан. Улар фаолиятини кенгайтириб, турдош корхоналарни ҳам сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Жамоа томонидан Қарши шаҳрининг Ислон Каримов кўчасидаги 1 гектар майдонда 3 қаватли гипермаркет биноси барпо этилди. Ушбу мажмуанинг лойиҳа қиймати 10 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 4,8 млн АҚШ доллари хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.



Ушбу лойиҳа орқали 200 нафардан ортиқ иш ўрни яратилиб, объект 2022 йилнинг декабрь ойида тўлиқ қуриб битказилди.

Айни пайтда “SXF VOXA GAVHARI” МЧЖ жамоаси аъзолари Қарши шаҳрининг Мустақиллик кўчасида барпо этилаётган 9 қаватли турар жой ва нотурар бино-иншоотлар қурилишида меҳнат қилишмоқда. Ушбу объект қурилиши 2022 йилнинг апрель ойида бошланган бўлиб, лойиҳа қиймати 46 млрд сўмни ташкил этади. Лойиҳа корхонанинг ўз маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган бўлиб, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Ушбу объектда 30 нафар янги иш ўрни яратилган.

Бундан ташқари, 2022 йилдан буён вилоятда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиш жараёнларида ҳам ушбу “SXF VOXA GAVHARI” МЧЖ жамоаси

фаол иштирок этиб келмоқда. Ҳозирги кунда ташкилотда 150 нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган бўлиб, келгусида яна 50 нафардан ортиқ янги иш ўрнини яратиш кўзда тутилган. Ишчиларга қулай меҳнат шароитини яратиш мақсадида Хитойда ишлаб чиқарилган 2 дона миксер бетон қоришмаси автомашинаси ҳамда 1 дона оғир вазндаги автокран сотиб олинди.

– Фаолиятимиз давомида асосан “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖнинг Қашқадарё вилояти филиали билан ҳамкорлик қилиб келамиз, – деди ташкилот раҳбари Зафар Тўраев. – Ҳақиқий қурувчи энг аввало, мукамал лойиҳадан фойдаланиши керак, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, сифатли қурилиш материаллари ва малакали қурувчилар ҳар бир жамоанинг эл орасидаги нуфузини белгилаб беради. Ахир, биз қурган иморатлар беш-ўн йил эмас, 50-

100 йиллаб халққа хизмат қилиши керак. Шу боис, ҳамкорлар танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз. Тошкент металлургия заводи, Навоий цемент заводи-дан энг яхши маҳсулотларни олиб, қурилиш ишларида фойдаланиб келяпмиз. Асосий буюртмачиларимиз – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги бўлиб, уларнинг ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракатдамыз.

Жамоа раҳбарининг сўзларидан ҳам маълумки, соҳанинг ҳақиқий фидойиси ҳеч қачон қўл учидан ёки хўжақўрсинга иш қилмайди. 1978 йил Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган Зафар Сунонович қурувчиликнинг ҳадисини олган. Шу боис, соҳада 10 йилдан буён ҳар бир иншоотни худди ўзи учун қургандек пишиқ-пухта тикланишига эътибор қаратишдан эринмайди. Раҳбардаги бу хусуси-

ят албатта, ишчилар фаолиятига ҳам таъсир қилмай қолмаган. Иш бошқарувчидан тортиб оддий ишчигача ўз вазифасига сидқидилдан ёндашишга ўрганган. Улар орасида ушбу корхонада анча йиллардан бери ишлаб келаётган тажрибали ходимлардан – прораблар Муҳиддин Тойиров ва Сайфиддин Шодиев, ҳисобчи Шерали Юлдашев, бош иқтисодчи, кадрлар бўлими бошлиғи Шавкат Худойбердиевларни айтиш мумкин.

Меҳнаткаш инсонлардан ташкил топган жамоа бугунги кунда “Шаффоф қурилиш” платформасидаги рейтинг тизимида “DDD” даражасига эга. Ўйлаймизки, келгусида ҳам ҳаракатдан тўхтамайдиган, янгилликлар сари доимо олға интиладиган жамоа янада улкан марраларни эгаллашда давом этверади. Бу шарафли ва машаққатли йўлда “SXF VOXA GAVHARI” МЧЖ жамоасига муваффақият ёр бўлишини тилаб қоламиз.



## Мактаб қуриб танилган тадбиркор

Қашқадарё воҳасида оилада ўғил фарзанд туғилса, “болам улғайганда эл-юрт корига ярайдиган, теракдек тик қоматли ва мустаҳкам бўлиб етишсин” дея унга атаб ўн туп терак экиш азалдан сақланиб келаётган одатлардан бири. Гапнинг рости, шундай ният қилинган хонадонда дунёга келган фарзандлар ҳақиқатан ҳам келажакда энг намунали ва ибратга муносиб кишилар бўлиб етишади. Қарши шаҳрида туғилиб ўсган Равшанбек Ниязов ана шундайлардан бири.



Ўшанда у тўртинчи синфда ўқирди. Дарсларни яхши ўзлашти- раётган бўлса ҳам, доимо тунд юрар, чеҳраси очилмаётгани эса оила бошлиқларини хавотирга солиб қўйганди. Сабабини сўраш- ганда, “Шу ҳам мактабми, партала- ри синган, поли илма-тешик бўлиб ётибди, зах босганидан синфхона- да ўтириб бўлмайди. Бу мактабда ўқимайман”, – деб жавоб беради.

– Болам, бошқаси уйимиздан анча узокда, қолаверса, улардаги аҳвол ҳам бундан фарқ қилмай- ди. Ундан кўра, яхши ўқигин, катта бўлсанг, балки қурувчилик касби- ни танлаб, ўзинг “зўр” мактабларни қурасан” деб далда беришарди ота-онаси.

Ўшанда яхши гапга фаришта- лар “омин” дейишган экан. Мак- табни битириб, Равшанбек Тош- кент политехника институтининг қурилиш йўналишига ўқишга ки- риб, ўқиш жараёнида устозлари- дан соҳанинг сир-асрорларини мукамал ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Талабалик олтин даври ортада қолиб, вилоятдаги қурилиш ташкилотидан иш бошлаган кезлар олийгоҳда ўрганганлари қўл кел- ди. Бунёдкорлик жараёнига боғ- лиқ қандай иш бўлса, барчасида фаол қатнашди. Ёш бўлса-да, ҳа- ракатчанлиги билан ҳамкасблари орасида обрўга эга бўлди.

Кейинчалик янги лойиҳалар асосида турли бинолар қурили- шда ишлаган кезлари қалби- да сақланиб қолган мактаби ва у ердаги ҳолатлар кўз ўнгидан бирма-бир ўтар, шундай пайтда “Қанийди, имкон бўлса-ю, битта мактаб қуриб, ўқувчиларга туҳфа этсам” дея орзу қилиб юрарди.

Қиш мавсумида объектда ишлар камайиб қолган, боз устига, қор қалин ёққани учун ишга борма- й телевизордан янгиликларни эши- таётганди. Улар орасида давлат раҳбарининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорини эшитиб, хушёр тортди. Бу қарор ниятини амалга ошириш учун бир имконият эканини чуқур англагач, оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, фаолиятини йўлга қўйишга жазм этди.

Шу зайл ғовокли том ёпилма- лари, пишган ғишт ишлаб чиқа- риш ва аҳолига юк транспорт хиз- мати кўрсатишга ихтисослашган “Сухроббек савдо ЛЮКС” масъ- улияти чекланган жамияти ташкил қилинди. Жамият ташкил этилдию, бироқ ҳаммаси ҳам жўнгина изига тушиб кетмади. Очиғини айтган- да, зарур дастгоҳларга эга бўлма- ган корхонани йўлга қўйиш учун кредит олиш мақсадида банклар- га қатнайвериб Равшанбекнинг ҳафсаласи пир бўлди. Вақт эса ўтиб борарди. Таваккал деб, би- роз йиғиб қўйган жамғармасини жамият истиқболга тикди. Шу маблағ ҳисобига Қарши туманида- ги бир нечта мактабда таъмирлаш ва реконструкция ишларини ба- жарди. Тажрибали ишчи-ходим- ларнинг меҳнатсеварлиги ва ҳар бир сўмдан оқилона фойдаланган- ни нафақат ҳисоб рақамига мил- лионлаб соф даромад келтирди, балки сифатли бажарган ишлари ордидан буюртмачилар излаб кела бошлашди.

Кейинги йиллар оралиғида “Сухроббек савдо ЛЮКС” МЧЖ жамоасининг хизматлари нати- жасида Қарши туманидаги 5-сон-

ли ва 88-сонли умумтаълим ўрта мактаблари, Қарши шаҳридаги 9-МТТ, 3-сонли мактаб, Китоб ту- манидаги 6-, 27-, 49- ва 69-сонли мактаблар, Шаҳрисабз туманидаги 13- ва 19-сонли, Касбида 48-сонли мактаб, Нишон туманида марказий стадион, Қарши давлат универси- тетининг АРМ биноси, Қамашу ту- манидаги 67-мактаб, Чирокчидаги 67-мактаб, Косондаги 20-сонли мактабгача таълим ташкилотлари қурилиб, фойдаланишга топши- рилди.

Шу кунларда эса жамоа аҳли Косон тумани фавқулодда вазият- лар бўлими учун замонавий лойи- ҳа асосида янги бино қурмоқда. Бундан ташқари, жамият ёрлиғи

билан ишлаб чиқарилаётган пиш- ган ғишт шартнома бўйича худуд- ларда бунёд этилаётган иншоот- ларнинг қурилиш объектларига ўз вақтида етказиб берилаётир.

Ҳозирги кунда “Сухроббек савдо ЛЮКС” МЧЖ орқали тур- ли объектларни қуриб, эл-юртга ва оиласига наф келтираётган 410 нафардан ортиқ ишчи-ходимлар ушбу корхонада меҳнат қилаётган- ларидан фахрланишади. Корхона- да ишчиларга маошлар ўз вақтида берилади, меҳнатдан сўнг уларнинг маданий дам олишлари таъмин- ланган ва таътилларида дам олиш масканларига йўлланмалар ажра- тилади. Тўрт нафар ишчининг олий ўқув юртларида ўқиётган фарзанд-

ларига контракт пуллари ҳам кор- хона ҳисобидан тўланмоқда.

– Олдимизда режалаштир- ган ишларимиз жуда кўп, – деди жамият раҳбари Равшанбек Ни- язов. – “Янги Ўзбекистон” масси- вида мактаб ва болалар боғчаси, спорт майдончалари ҳамда дам олиш жойларини бунёд этишга киришганмиз. Уларнинг ажрия- ти йил охиригача фойдаланишга топширилиши керак. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Учта туманда мактаб қуриш юзасидан буюртмалар тушган ва айни пайт- да лойиҳалари кўриб чиқилмоқда. Яқин кунлар оралиғида жамоамиз бу объектларда ҳам ишларни бош- лашга шай турибди.



# Кучли билимга эга мутахассислар – муваффақият гарови

**Биласизми, сайёҳларни қандай давлатлар ўзига жалб этади? Энг аввало, тинчлик, гўзал табиат, қулай инфратузилма ва албатта, мамлакатнинг бетакрор архитектураси. Қувонарлиси, сўнгги йилларда Ўзбекистонимиз ҳам ана шундай мамлакатлар қаторидан жой эгалламоқда. Қадимий обидалар, мадрасаю мақбаралар қаторида бугун юртимизда замонавий шаҳарсозликнинг ёрқин намунаси сифатида қад ростлаётган осмонўпар бинолар ҳам хорижлик сайёҳларни жалб қилаётгани сир эмас. Бу жараёнда меҳнаткаш бунёдкорлар ва қўли гул қурувчиларнинг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.**



вилояти марказий банки, Қарши давлат ирригация ва мелиорация институти, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК ва “Қашқадарё вилояти Қурилиш дирекцияси” ДУКларни айтиш мумкин. Бир жамоа хизматидан қайта-қайта фойдаланиш уларга билдирилган юксак ишонч натижасидир. “Бинокор” МЧЖ жамоаси халқ ишончини ҳар нарсадан устун қўйиб, ўзларига топширилган вазифаларни катта масъулият билан бажаришни ўзларининг доимий шиорига айлантирган.

Меҳнаткаш ва аҳил жамоага уч йилдан буён қурилиш соҳасида ўзига яраша тажрибага эга Шерали Шайманов раҳбарлик қилиб келмоқда. У 1966 йилнинг 28 апрелида Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида туғилган. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини Саноат ва фуқаро қурилиши мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ёшлигидан қурилиш соҳасига бўлган қизиқиши уни катта мақсадлар сари ундаган бўлса, ажаб эмас. Талабалик даврида олган билимлари эса умр бўйи унга асқатиб келмоқда. Қолаверса, иш фаолияти давомида устозлардан ўрганганлари, ортирган тажрибаси туфайли бугун унинг ўзи ҳам юзлаб ёшларга устоз ҳисобланади.

“Бинокор” МЧЖга раҳбар бўлгунга қадар Қашқадарё вилояти ҳокимлиги хузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУҚда бош мутахассис, бош муҳандис ва лойиҳа бош

муҳандиси лавозимларида фаолият юритган. Узоқ йиллар давомида умрини, билим ва кучини қурилиш соҳасига бағишлаган Шерали аканинг бугунги кунда жамоаси билан биргаликда амалга ошираётган ишлари ҳам мақтовга сазовор. Бугун воҳанинг энг салоҳиятли қурувчилардан ҳисобланувчи Шерали Шайманов фаолияти давомида кўплаб иншоот, турар жой ва ижтимоий соҳа объеклари қурилишига бош-қош бўлган.

Сўнгги йилларда жамоа аъзолари томонидан Тошкент шаҳри-

реабилитация маркази, Нурафшон шаҳридаги Маъмурий суд ва вилоят Марказий банки бинолари қурилишлари амалга оширилган.

Булардан ташқари, Қашқадарё вилояти Кўкдала туманида мактабгача таълим ташкилоти, Қарши давлат университетининг 400 ўринли талабалар турар жой мажмуаси, Қашқадарё вилояти футбол академияси иншоотларининг қурилиши ҳам ушбу жамоа аъзоларининг меҳнати натижасидир.

Ҳозирда жамоа аъзолари Чирокчи туманида 6 қаватли турар



Юртимиз гўзаллиги йўлида тиним билмай меҳнат қилиб келаётган ташкилотлардан бири – Қашқадарё вилоятдаги “Бинокор” масъулияти чекланган жамиятидир.

1995 йилда Чирокчи туманида ташкил этилган ушбу жамият қарийб 30 йилдан буён бетакрор лойиҳалар асосида кўркам иншоотлар барпо этиш орқали юртимиз бунёдкорлари орасида ўз нуфузига эга бўлиб улгурган. Бугунги кунда жамоада 431 нафар ишчи-мутахассислар фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг муносиб меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, қулай меҳнат шароити билан бир қаторда 9 та автокран, 2 та автоцементовоз, 7 та минора кран, 2 та бульдозер, 2 та каток, 1 та манипулятор кран, 2 та тиркама, 7 та юк юкловчи автоулов, 20 та самосвал, 11 та экскаватор, 4 та тягач, 1 та буровой, 1 та автопомпа, 2 та помпа ва 4 та энгил автомобиль ташкилот ишчи-хизматчиларига яқин кўмакчи.

Малакали мутахассислар жамоаси хизматларидан республи-



нинг Сергели 9 ва Сергели 10 қурилиш ҳудудларида 16 қаватли уй-жойлар, Яшнобод туманидаги Нурмуҳаммад массивида ҳарбий хизматчилар учун 16 қаватли бино, Алимкент кўчасида 16 қаватли уй-жой, Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида ИИБ учун 200 ўринли

жой биносини қуриш ишларини жадаллик билан давом эттирмоқда.

– Юртимиз шаҳар ва қишлоқлари гўзаллигига ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз, – дейди Шерали Шайманов. – Амалга ошираётган ҳар бир ишимиз бизга ўзгача қувонч ва куч бағишлайди. Мухими, юртдошларимиз ишончини оқлаш. Ҳақиқий қурувчи ҳар бир иморатни худди ўзи учун қургандек виждонан қуриши керак, деб ҳисоблайман. Жамоамизда кучли билимга эга мутахассисларнинг кўплиги муваффақиятимиз гаровидир. Яқин келажақда ходимлар сафини янада кенгайтириб, замонавий техникалар сонини оширишни мақсад қилганмиз. Бу жараёнда узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган ишчи ва мутахассисларнинг кўмагини алоҳида таъкидлаш лозим. Директор ўринбосари Акбар Авляров, бош муҳандис Раҳматулла Қўзиев, участка бошлиғи Собир Нормуродов, бош механик Шароф Абдурахмоновларнинг жамоадаги ўрни ва кўрсатаётган хизматлари ёшларга ўрнак бўлмоқда.



“КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ  
ЛОЙИХА” МЧЖ

“PROJECT-TODAY” ХФ

Қурилиш ва бунёдкорлик  
соҳасининг қадрли вакилларига  
**БУГУНГИ БАЙРАМ  
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН.**

Юзингиз ёруғ бўлиб,  
ишларингиз бароридан  
келаверсин!

“SHUHRAT QURILISH  
LOYIHA” ХК

“ҚАШҚАДАРЁ КОМПЛЕКС  
ЛОЙИХА-ҚИДИРУВ  
ЭКСПЕДИЦИЯ” МЧЖ



Қашқадарё вилоятида ҳам бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган

## “ФАЙЗ БИНОКОР ОЛТИАРИҚ” ХК

жаннатмонанд диёримизнинг ободлиги йўлида меҳнат қилаётган бунёдкорлар ва соҳа вакилларини касб байрамлари билан самимий табриклайди.



## УЛАРНИНГ ИШЛАРИ –

юртдошларимизни ҳайратга солмоқда

Сўнги йилларда шаҳар ва қишлоқларимизда кўркам кўп қаватли уй-жойлар, замонавий ижтимоий объектлар қурилаётгани аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Бу каби бунёдкорлик ишларида қурувчи ташкилотларнинг ҳам улкан ҳиссаси бор, албатта. 2011 йилда ўз фаолиятини бошлаган “Vira-Unistroy” МЧЖнинг ҳам юртимиз замонавий архитектурасини яратишдаги ҳиссаси мақтаса арзигулик.



“Vira-Unistroy” МЧЖ ташкил этилгандан буён юртимиз бўйлаб 60 дан ортиқ йирик объектларни ўз вақтида сифатли яқунлаб, фойдаланишга топширди. Сўнги йилларда корхона томонидан Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Паркент туманлари ҳамда Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида прокуратура бинолари комплекслари қурилиши, “Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг Тошкент шаҳрида жойлашган маъмурий биносини қайта қуриш ва электротехник лаборатория қурилиши, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети бинолари, Янги Ўзбекистон университети талабалар турар жойи, Тошкент давлат

шарқшунослик университети бинолари қайта қурилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил март ойида “Vira-Unistroy” МЧЖ томонидан қайта қуриб, фойдаланишга топширилган Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 1-сонли болалар Мурувват уйига ташрифи жамият жамоаси учун чинакам ифтихорга айланди.

Жамиятда иш сифатига алоҳида эътибор қаратилади, уларни бажариш мобайнида замонавий архитектура ечимлари қўлланилади, конструкцияларнинг мустақамлиги ва чидамлилигига жиддий ёндошилади. Жамият сифат менежменти бўйича халқаро ва миллий ISO сертификатлари

ҳамда махсус иш турлари бўйича лицензияга эга.

Йиллар давомида юқори малакали ишлаб чиқариш ва техник ходимларнинг доимий таркибини шакллантирган “Vira-Unistroy” МЧЖ жамоасида ҳозирда 30 нафарга яқин олий маълумотли малакали ходимлар, 250 нафарга яқин уста-қурувчилар меҳнат қилишади. Жамиятда Тошкент архитектура-қурилиш университети билан ҳамкорликда ходимларнинг доимий малакасини ошириб борилиши йўлга қўйилгани, ёш мутахассисларни ишга қабул қилиб, устоз-шогирд аъёнлари бўйича қурувчилик касби сирларини эгаллашлари учун зарур шарт-шароит-

лар яратилгани алоҳида эътиборга лойиқ. Бу борада жамиятнинг ёш ходимлари Исламжон Абдуллаев, Элёр Зокиров, Зайниддин Каримов ва Шаҳзод Жўраевларни тилга олиш мумкин.

Қурилиш ишларини мукамал, сифатли ҳамда қурилиш норма ва қоидаларига мувофиқ бажаришида корхонадаги 20 га яқин йирик қурилиш техникалар, 160 га яқин замонавий ускуна ва анжомлар яқин кўмакчи бўлмоқда.

“Vira-Unistroy” МЧЖ қурилиш-монтаж ишларини бажаришда асосан юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли қурилиш материаллари, конструкциялари ва жиҳозларидан фойдаланади.

Қолаверса, Польша Республикасида ишлаб чиқариладиган “LAKMA” брендининг замонавий тайёр ҳамда ярим тайёр фасад ва ички пардозлаш материалларини тўғридан-тўғри етказиб берувчиси ҳисобланиб, ушбу материалларни қайта ишлашни йўлга қўйган.

Ҳозирда жамият жаҳон бозорига ўз хизматларини таклиф қилмоқда ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда. Йиллар ўтиб, бу жамоа таркиби, имконият даражалари ўзгаради, албатта. Юқорида тилга олинган, барпо этилган ва таъмирланган иншоотлар эса “Vira-Unistroy” меҳнати маҳсули бўлиб қолаверади.



# “Қурилиш соҳасида бундан кейин ҳам маррани катта олганмиз”

**Бунёдкорлик кенг тушунча. Унинг замирида нафақат қурилиш ёки ободонлаштириш, балки шу юрт тараққиётига ҳисса қўшиш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш мақсади ҳам мужассамдир. Шу жумладан, Навоий кон-металлургия комбинатида ҳам қурилиш тармоғи тобора тараққий этиб бораётган етакчи соҳалардан бири ҳисобланади. Комбинат қурувчилари барпо этаётган гидрометаллургия заводлари, кон ва шахталар, темир йўллар, ижтимоий соҳа объектлари Янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфасини яратишга катта ҳисса қўшмоқда.**



Бугунги кунда комбинат ўзининг замонавий ва йирик қурилиш ташкилотларига эга. Улар орасида Инвестициялар бошқармаси, Капитал қурилиш бошқармаси, Зарафшон қурилиш бошқармаси муҳим аҳамиятга эга. Уларда ҳозирги кунда **3,5 минг** нафарга яқин қурувчи-муҳандис меҳнат қилмоқда. Қурувчилар сафида юзлаб ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳам борлиги катта марралар сари дадил одимлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиляпти.

– Қурувчилик шарафли касб, – деди “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бош директорининг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари Фарҳод Бахронов. – Унинг юки қанчалик залворли эканини, улкан масъулият ва машаққат талаб этишини яхши биламиз. Чунки қурилиш дегани

бу ўз-ўзидан бўлиб қоладиган осон иш эмас. Унда ҳар бир қадам – лойиҳани мукамал ишлаб чиқишдан тортиб, бунёд этганга қадар, маҳорат, тажриба, фидокорона меҳнат талаб этади. Бундан ташқари, соҳамизда сифат ва самарадорлик биринчи ўринда туради. Шу боис, ишни пишиқ-пухта амалга ошириш доимий диққат-этиборимизда. Қурувчиларимиз бундан чуқур ҳис этиб, улкан лойиҳаларни тез ва оз муддатда уддалаётгани ҳамда сўнгги йилларда амалга оширган бунёдкорлик ишлари бунинг яққол исботидир.

Дарҳақиқат, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бунёдкорларининг кейинги йиллардаги муваффақияти сифатида 2017-2023 йилларда умумий қиймати **2,9 миллиард** АҚШ доллари бўлган **23 та** йи-

рик инвестицион лойиҳа ишга туширилди. Инвестиция лойиҳаси доирасида 5, 6, 7-гидрометаллургия заводлари, 2-гидрометаллургия заводининг иккинчи навбати, янги очилган “Турбай”, “Балпантов” ҳамда “Томдибулоқ” конлари, темир йўллар ва бошқа объектлар шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, комбинат ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишчи-ҳодимларга муносиб яшаш шароитларини яратиш борасида ҳам фаол ишларни амалга ошириб келмоқда. Кейинги йилларда Зарафшон шахрида **“Умид” болалар реабилитация маркази, 504 ўринли ихтисослаштирилган мактаб-интернати, фавворалар сайилгоҳи, “Тўдакўл” дам олиш базасида халқаро шахмат мактаби, Зомин туманида “НКМК” санаторийси, Учқудуқ туманида “Олтинкўл” дам олиш мажмуаси** ва бошқа объектлар ҳам жамоа бунёдкорлари томонидан қурилган.

Қурилиш-бунёдкорлик ишларидан ташқари, корхонада қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда **24 турдан** ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, темир-бетон, металл конструкциялар, ғишт, кум, оҳак, шағал, эшик-деразалар, полиэтилен қувурлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани корхона манфаатига ҳам хизмат қиляпти.

Ҳар бир соҳанинг ўз жонқуярлари бўлади. “Навоий кон-металлургия комбинати” тизимида ҳам бутун умрини қурувчилик каби

шарафли касбга бағишлаган фидоий мутахассислар кўп. Хусусан, кейинги йилларда меҳнат фахрийлари Али Эшонқулов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони, Вахтанг Капанадзе “Меҳнат шўхрати” ордени, “НКМК” АЖ бош директори ўринбосари Фарҳод Бахронов “Дўстлик” ордени, Инвестициялар бошқармаси бошлиғи Неймат Рўзиев “Меҳнат шўхрати” ордени ҳамда кўплаб қурувчиларнинг турли даражадаги давлат мукофотлари билан тақдирлангани комбинат қурувчиларининг фидокорона меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

– Қурилиш соҳасида бундан кейин ҳам маррани катта олганмиз, – дейди Фарҳод Бахронов. – Жумладан, жорий йилда умумий қиймати **1 миллиард АҚШ доллари** бўлган **11 та** муҳим инвестиция лойиҳасини амалга ошириямиз. Кўп минг кишилик жамоамиз билан комбинатни 2026 йилгача стратегик ривожлантириш дастурини муддатидан аввал якунлаб, олтин ишлаб чиқариш ҳажмини **32 фоизга** етказиш мўлжалланган. Бу бунёдкорлик жараёнида бизнинг моҳир қурувчиларимиз четда туришгани йўқ.

Дунёда кескин рақобат кетаётган ҳозирги даврда пешқадамлар сафида бўлиш, ишлаб чиқариш суръатини ошириш қийин ва энг мураккаб жараён. Чунки бир жойда тўхтаб қолган, келажак йўлини танлай олмаган ҳар қандай корхона ютқзади. Бундан тўғри англаган комбинат жамоаси бунёдкорлик сари дадил одимлаб бормоқда.

## Юртимизнинг барча бунёдкорларини Қурилиш соҳаси ходимлари кун билан табриқлаймиз.

Юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган эзгу фаолиятингизда сизларга куч-қувват, ғайрат ва шижоат тилаймиз. Янги манзилларни яратишдек масъулиятли касбингизни амалга оширишда омад ёр бўлсин!





# Лойиҳа – қурилишдаги сифатнинг асосий мезони

**Юртимиз йилдан-йилга тараққий этиб борар экан, унда фаровонлик омиллари бўлган улкан қурилишлар кўпаяверади. Кейинги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кўпайди. Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида қад ростлаётган кўркем кўп қаватли уй-жойлар, замонавий мактаб ва боғчалар, шифохона ва спорт мажмуалари, шунингдек, бошқа турдаги ижтимоий объектлари ушбу заминда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.**

Албатта, йилдан-йилга салмоғи ошаётган бу каби бунёдкорлик ишларида қурувчилар қатори лойиҳачиларнинг ҳам улкан ҳиссалари бор. Маълумки, қурилатган ҳар бир бино, иншоот узоқ вақт ва барқарор хизмат қилиши, унинг сифатли ва мустаҳкам бўлиши учун аввало, лойиҳа пишиқ-пухта бўлмоғи керак.

Ушбу жараёнларда бир неча йиллардан буён иштирок этиб келаётган вилоятнинг салоҳиятли лойиҳа ташкилотларидан бўлган “Навоий лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Қурилишда лойиҳанинг аҳамияти қанчалик муҳим эканини билган жамоа ҳар бир янги буюртмани мукамал тайёрлаш учун бутун

куч ва имкониятларини ишга солади. Зеро, мукамал лойиҳалар мутахассислардан, жамоадан катта тажриба, профессионаллик талаб этади.

– Албатта, билим ва тажриба, салоҳият бор жойда иш унуми ҳам ортади, шу орқали юқори даромадга эга бўлиб, ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш имкони бўлади, – деди масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳриддин Тошев. – Шу жумладан, лойиҳа ташкилотимизда юксак билим ва 20-25 йиллик тажрибага эга меъмор-муҳандис лойиҳачилар фаолият юритаётгани катта ютуғимиз. Биз яратаётган лойиҳаларга талаб ортишини ҳам айнан шу омил белгилаб беради. Жамиятимиз ўтган

йиллар мобайнида анча ривожланди. Буюртмаларга нисбатан профессионал ёндашуви сабаб, равнақ топиб борди. Фаолиятимизда ҳар бир буюртмани шаҳарсозлик кодекси ва лойиҳалаш соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ яратишга катта эътибор қаратишимиз боис, буюртмачиларнинг кўнгли доим тўқ.

Дарҳақиқат, мазкур жамият аъзолари ҳам ўзларининг тажриба ва изланишлари, ҳар тарафлама пухта ишланган лойиҳалари билан мижозлар эътирофига сазовор бўлишмоқда. Жумладан, ўтган даврда Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази”нинг жорий таъмирланиши, Хатирчи туманидаги 92, 10-умумтаълим мактаблари биноси, Навоий шаҳридаги 31-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти жорий таъмирланиши, Қизилтепа туманидаги спорт мактабига қўшимча бино қурилиши, шу тумандаги 23-сонли мактабни мукамал таъмирлаш, Қизилтепа туманидаги 14-сонли мактабни реконструкция қилиш, туманнинг “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштирилган марказий филиали ҳудудида қўшимча бино қуриш, Навоий шаҳридаги жамоатчилик саломатлиги техникумига фаоллар зали қуриш юзасидан лойиҳа ҳужжатлари айнан шу жамоа мутахассислари томонидан яратилган.

Шунингдек, вилоятнинг турли манзилларидаги кўп қаватли турар жойлар лойиҳа ҳужжатлари, Кармана туманидаги Мирсаид Баҳром номли МФИда жойлашган ижтимо-

ий дорихона биносини қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам жамият аъзолари кўлида сайқал топди.

Таъкидлаш лозимки, буюртмаларни тез ва сифатли тайёрлаш учун МЧЖ аъзолари замонавий техникаларни қўллашга ҳамда ривожланган давлатлардаги тажрибаларни мунтазам равишда ўрганиб боришга алоҳида эътибор қаратади. Бугунги кунда “Навоий лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятида 20 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилиб келмоқда. Жамоадаги ишчи-ходимларнинг бирдамлиги, ўзаро ҳамжиҳатлиги, ҳар бир вазифага сидқидилдан ёндашиши туфайли бугунги кунда вилоятда уларнинг хизмати-га ишонч билдираётганлар сони ортмоқда. Ҳар бир лойиҳага санъат асаридароҳасида қараб, миридан сиригача ўрганиб, кейин ҳулоса чиқариш, келгусида барпо этиладиган объектни олдиндан тасаввур қилиш каби жиҳатларни ўзларига дастуриламал қилиб олган ходимлар меҳнати туфайли жамият ривожланиши сари дадил одимламоқда.

Келгусида ташкилот фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш масаласида ҳам режалар ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, жамиятдаги юқори савияли, юксак билим ва бой тажрибага эга фаол ходимлар сонини янада ошириш, янги иш ўринларини яратиш вазифаси белгиланган.

Албатта, “Навоий лойиҳа” МЧЖ жамоаси бундан кейин ҳам янгидан-янги бино ва иншоотлар лойиҳаларини яратиб, вилоятда амалга оширилатган улкан бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшишда давом этади.

## “Навоий лойиҳа” масъулияти чекланган жамияти лойиҳалари





## “МАҚСАДИМИЗ – ИНСОНЛАР ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ”

– деди “The Alfa Grand Buildings” МЧЖ раҳбари  
Жасурбек Ғуломов

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида жадал ривожланиш жараёнига, турмушимиз тобора яхшиланиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Йиллар ўтгани сайин юртимиз гуллаб-яшнамоқда, ўзига хос, ўзига мос шаҳарсозлик ва меъморчилик асносида янги қиёфа касб этмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда янгидан янги ижтимоий соҳа объектлари, массивлар, уй-жойлар қурилиши мамлакатимизда обод турмуш шароитини яратиш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий бир қисми бўлиб, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва қудратини амалда ифода этмоқда.

Шубҳасиз, ана шундай бунёдкорлик ишларини яратишда заҳматкаш қурувчиларнинг хизмати чексиз. Бу борада Навоий вилоятидаги “The Alfa Grand Buildings” масъулияти чекланган жамияти аъзолари ҳам йилдан йилга салмоғи кенгайиб бораётган бунёдкорлик ишларига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Ўз ишининг усталаридан ташкил топган ва тажрибали қурувчи муҳандис Жасурбек Ғуломов раҳбарлигидаги жамоа 2015 йилдан буён фаолият юритаётган бўлиб, бугунги кунда вилоятда юксак мавқега эга бўлиб улгурган.

Жамият таркибида соҳанинг пасту баландини яхши биладиган, тажрибали мутахассислар бисёр бўлиб, уларнинг саъй-ҳаракати билан мустаҳкам бино ва иншоотлар қад ростлаб, бу омил корхона салоҳиятини ошишига хизмат қилмоқда. Улардан, бош муҳандис Эргаш Ҳасанов, архитектор Дониёр Усмонов, иш юритувчилар Маърат Ра-



химов, Шерзод Иноятуллаев, уста чилангар Шомурод Бобомуродов, тажрибали қурувчи усталар Вали Қаршиев, Қобил Усмонов, Назар Ярмамедов, Мадийр Идрисов каби



жамоа аъзоларининг тажрибасини алоҳида таъкидласак, арзийди.

Шу йиллар мобайнида жамоа томонидан барпо этилган иншоотлар сифати ва ўзига хос кўриниши билан вилоят аҳлига маъқул келиб улгурган. Бу борада ташкилотга ўз йўналиши ва услубига эга эканлиги қўл келмоқда. Маҳоратли қурувчилар жамоаси томонидан ўтган йили Хатирчи туманидаги 36-мактаб биноси учун 96 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилди. Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази биносини жорий таъмирлаш орқали, урология, кардиохирургия, реанимация, нефрология бўлимлари ҳам замонавий кўринишга эга бўлди.

Шунингдек, корхона давлат дастурлари ижросини таъминлаш юзасидан ҳам вилоят миқёсидаги долзарб вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, “Обод қишлоқ, обод маҳалла, обод кўча” тамойили бўйича Кармана туманидаги “Янги ариқ” МФИда янги электр энергияси тармоқларини тортиш ва подстанция қуриш ишларини шу жамоа аъзолари амалга оширишди.

– Бугунги кунга келиб, “Янги ариқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 306 та симёғоч, 2 та трансформатор, 5,5 километрлик электр линияси янгисига алмаштирилди, – деди Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Юсуф Муродов. – Қурувчиларимизнинг меҳнати натижасида аҳолига электр энергиясини етказиб бериш тизими барқарорлашди. Албатта, буларнинг барчаси инсон манфаатлари учун хизмат қилади.

Шунингдек, айни кунларда қурилиш корхонаси томонидан Қизилтепа туманининг “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 20-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари, Қизилтепа туманининг “Зиёкор” МФИдаги 23-сон мактабни мукамал таъмирлаш ва Хатирчи туманида “Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла” мезонлари асосида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Қолаверса, “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги маҳалла биноси, “Уч авлод маскани” ва “Workout” майдончасини янгидан қуриш ишлари ҳам амалга ошириляпти.

– Маълумки, ҳар бир бино-иншоот мустаҳкам бўлишида, унинг асосини ташкил этувчи қурилиш материалларининг сифати ҳам муҳим аҳамиятга эга, – деди “The Alfa Grand Buildings” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жасурбек Ғуломов. – Биз шу мақсадда корхонамиз таркибида бетон ишлаб чиқариш ва шағални қайта ишлайдиган завод, шу билан бирга, газоблок ишлаб чиқариш цехи фаолиятини йўлга қўйганмиз. Албатта, маҳсулот ўзингда ишлаб чиқарилганига нима етсин. Бу орқали биз биринчидан, қурилиш материаллари таннархи арзонлигига эришадиган бўлсак, иккинчидан, ўз кўлимиздан чиққан маҳсулотнинг нечоғли чидамли, синовли эканидан кўнглимиз тўқ бўлади. Энг асосий мақсадимиз – қурилишда сифат даражасига эришишдир.

Албатта, қурилиш корхонаси қошида бу каби қўшимча тармоқлар фаолияти йўлга қўйилиши орқали янги иш ўринлари яратилади. Бу эса қўшимча даромад ҳам дегани. Қолаверса, ўз ўрнида ҳудуд иқтисодиёти юксалишига-да хизмат қилади. Бу борада Жасурбек Ғуломов раҳбарлик қилиб келаётган “The Alfa Grand Buildings” масъулияти чекланган жамияти фаолияти ибратга лойиқдир.







## Тараққиётга янги қадам: “G'olib Javohir Qurilish Montaj” корхонаси мисолида



**Халқимизда юртни обод этиш, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш азалий анъаналардан ҳисобланади. Навоий вилоятида ҳам “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида мазкур қадриятлар изчил давом эттирилмоқда. Кенг кўламли бунёдкорлик ишларини амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.**

Бугун дастурлар доирасидаги ишлар боис қай бир манзилга боқманг, ободонлаштириш нафасини ҳис этасиз. Бу каби бунёдкорлик ишларида вилоятдаги қурилиш-пудрат ташкилотларининг ҳам муносиб ўрни бор, албатта.

Хусусан, “G'olib Javohir Qurilish Montaj” МЧЖ аъзолари ҳам кейинги уч йилда ҳудудда обод манзиллар бунёд этишда барқарор иштирок этиб, ўз ҳиссасини қўшмоқда. Тажрибали қурувчи Зеҳниддин Ғойибов раҳбарлигидаги корхонанинг асосий фаолият тури қурилиш ва қурилиш-монтаж ишлари ҳисобланади. Корхонада бугун 65 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади.

– Қурилиш корхонаси йилдан-йилга тақомиллашиши, кенгайиши, янги иш ўринлари яратиши учун доимий фаолиятда бўлиши, буюртмаларни ўз вақтида бажариши лозим, – деди Зеҳниддин Ғойибов. – Шу мақсадда корхонамиз томонидан сўнгги йилларда 14 та янги қурилиш объекти барпо этилди. Хусусан, “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Навоий вилояти филиали буюртмасига асосан, Кармана туманида 2 та 4 қаватли уй-жой қурилиши тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилган. Шу қатори, Навоий вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига асосан,

Кармана тумани “Каловат” массивида 120 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти биносини, Томди туманидаги “Томдибулоқ” МФЙда янги мактабгача таълим ташкилоти биносини ўз вақтида қуриб, фойдаланишга топширганмиз.

Шунингдек, ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан Кармана тумани “Талқоқ” массивида 2 та 5 қаватли 1 подъезли 20 хонадонли, туманининг “Дўстлик” МФЙдаги “Янги Ўзбекистон” массивида 1 та 5 қаватли 20 хонадонли объектнинг 5 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари якунига етказилган. Навоий вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига асосан, Навбахор тумани “Бешрабат” МФЙда “Баркамол авлод” болалар мактаби ҳамда тумандаги янги маҳалла биносини қуриш ишлари ҳам амалга оширилган.

Булардан ташқари, ташкилот томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида, Навоий вилояти ҳокимлиги “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурили-

ши бўйича” инжиниринг компанияси буюртмасига асосан Хатирчи туманида ичимлик суви тармоқлари қуриш, Навбахор тумани “Кескантерак” МФЙ ҳудудида ичимлик суви тармоқларини қуриш, “Янги Йўл” МФЙ ҳудудида эса 1,3 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари, туманининг “Вомитан” МФЙ ҳудудида 1,1 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

Ўтган йили эса, Навоий вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК буюртмасига асосан, Кармана тумани “Янги Ариқ” МФЙ ҳудудида 7-сонли умумтаълим мактаби, Навбахор тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудидаги янги маҳалла биносининг 750 млн сўмлик қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилган.

Тажрибали қурувчи Зеҳниддин Ғойибов асли ота касбини танлаб, ишига меҳр қўйганлардан. У Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тугатган. Ўз соҳасида яхши мутахассис, ишбилармон раҳбар. Унинг бошчилигида мазкур иншоотлар замон талабларига мос равишда, ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар асосида барпо этилиб, ўз вақтида қуриб битказилмоқда.

Қурилиш корхонаси жорий йилда ҳам Навоий шаҳридаги 4 та турар жой биносининг лифтларини янгисига алмаштириш

ишларини, шаҳардаги 7 та турар жойларнинг фасад қисмини янгилаш ишларини амалга оширди. Шунингдек, турар жойлар атрофида 2 та шинам болалар ўйингоҳи ва яшил масканлар ҳам барпо этилди.

Шу қатори Хатирчи туманидаги “Хотира майдони” мажмуаси қайта реконструкция қилиниб, кўркам кўриниш касб этди. Қолаверса, туман тиббиёт бирлашмаси қошида қўшимча ОИВ маркази биноси ҳам жамоа томонидан янгидан қурилди. Шунингдек, айни кунларда аҳоли учун Хатирчи туманидаги “Дамариқ” МФЙда 7 қаватли 2 ва 3 хонали 28 та хонадон барпо этилмоқда.

“Обод қишлоқ, обод маҳалла, обод кўча” мезони асосида Қизилтепа туманидаги Сўфиён маҳалласида сув тарқатиш иншоотларини таъмирлаш ва 2 километр ичимлик суви тармоқларини ўтказиш, тумандаги Хомравот маҳалласида эса 22 километр сув тармоғи ўтказилди.

Зеҳниддин Ғойибов бошчилигидаги корхона мутахассислари, аввало, қурилатган ҳар бир иншоотнинг замон талаблари асосида сифатли ва чиройли бўлишига катта эътибор қаратади. Чунки раҳбарнинг ўзи қурувчиларнинг ўз вазифаларини камчиликсиз адо этишларини мунтазам назорат қилиб боради. Корхонада устоз-шоғирд анъанаси асосида тажрибали кадрлар ёшларга соҳанинг сир-асрорларини мукамал ўргатиб бормоқда.

Албатта, мазкур корхона жамоаси ҳам соҳада янгидан-янги яратилаётган имкониятларни, масъулиятни чуқур ҳис этиб, республикада олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшган ҳолда, юрт равнақи йўлида хизмат қилишга бел боғлаган. Бу йўлда уларга омад ва куч-қувват тилаймиз.





## "BAHORA QURILISH KELAJAGI"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ  
ЖАМОАСИ

Ўз касбининг усталари –  
тажрибали қурувчию  
малакали лойиҳачилар  
ва юртимизнинг барча  
бунёдкорларини

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан табриклаймиз.

Касбингизга ривож,  
ишларингизга омад  
ёр бўлишини тилаймиз.

## "MUZAFFAR SHAXRIBONU POYDEVORI"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

ВАТАНИ ЯШНАТИШ,  
КИШИЛАРГА ҚУВОНЧ  
УЛАШИШДЕК  
ЗЗГУ КАСБ СОҲИБЛАРИНИ

## КАСБ БАЙРАМИ

БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.

БАРЧА ИШЛАРИНГИЗДА  
ОМАД ВА ЗАФАРЛАР ЁР БЎЛСИН.





# “БУНЁДКОР-3” МЧЖ

Мақтовга арзигулик  
Маҳсулотлар яратмоқда

**Ҳар бир гўзаллик ва ободлик ортида улкан машаққат ва заҳмат ётади. Кўз ўнгимизда бир пасда баланд бинолар пайдо бўлиб қолгандек туюлса ҳам, унинг ортида минглаб инсонлар меҳнати турганини таъкидлашимиз керак. Қурилишлар кўпайгани ҳисобига қурилиш материаллари бозорида ҳам талабнинг ошиши кузатилмоқда. Талабгорларни сифатли хомашё билан таъминлаш бозор муҳитидаги асосий муаммолардан бири саналади. Айниқса, вақтида хомшаё етказиб берувчи ташкилотга талаб юқориликча қолмоқда.**



Намангандаги “БУНЁДКОР-3” МЧЖ ана шундай корхоналардан бири бўлиб, кўплаб қурилиш корхоналарини ўз маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

“БУНЁДКОР-3” МЧЖга 1998 йилда Абдулвоҳид Иминов таъсисчилигида тамал тоши қўйилган. Корхона Наманган шаҳрида фаолият олиб боради. Фаолиятнинг илк даврида 10-15 кишилик жамоа билан иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунда корхонада 400 нафар ишчи ўз фаолиятини олиб боради. Яқин 2-3 йил ичида ишчилар сонини 2000 нафарга етказишни ўз олдига муҳим вазифа қилиб белгиланган “БУНЁДКОР-3” МЧЖда 25 хилдан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Ташкилот таркибида бетон, асфальт ишлаб чиқариш ҳамда труба линия ППР заводлари мавжуд. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсу-

лотларнинг бозори чаққон. Агар сизга хомашё керак бўлса, бир неча кун олдин навбат асосида маҳсулотни харид қилишингиз мумкин. Компаниянинг ривожланишида бир қанча омиллар мавжуд. Биринчиси, бу ердаги иш муҳити бошқа жойлардагидан сезиларли фарқ қилади. Заводларда ишлаётган ишчилар тиним билмай ҳаракат қилишади, энг қизиғи, мажбурийдан эмас, балки жадал иш суръатига кўникиб кетгани учун. Иккинчиси, ташкилот ўзига керакли ходимларни шакллантириш учун ҳамкорлик асосида олий таълим муассасалари билан яқин алоқа ўрнатишга муваффақ бўлган. Яна бир эътиборли жиҳати, ташкилотда ходимнинг ишига қараб маоши ҳам ошади, рағбатлантириш ҳам бўлади. Намунали ходимлар учун ўзига хос имкониятлар яратиб берилганини ҳам қайд этиш керак.

– Биз ҳамisha ходимлар учун яхшироқ шароит яратиш беришга ҳаракат қиламиз, – деди ташкилот директори ўринбосари Абдурахмон Иминов. – Кўп ёшлар амалиёт ўташ учун корхонага келишади. Лекин аксарияти машаққат ва меҳнат қилишга тайёр бўлмади. Бирданга катта маош сўрайди. Аммо биз салоҳиятига амин бўлмаган одамга қандай қилиб пул тўла-

шимиз мумкин?! Бирор натижага эришиш учун ўз имкониятларингизни доимий яхшилаб боришингиз керак. Фаолиятимиз бошидаги ускуналар билан ҳозирги ускуналар ўртасида осмон билан ерчалик фарқ бор. Ҳозир заводларимиздаги ускуналарни замонавийси билан алмаштириб бораёلمиз. Яқинда Хитойдан ҳам бир қатор ускуналар келтиришни мақсад қиляёмиз. Корхона ҳам инсонга ўхшаб ривожланиб бориши шарт. Корхонамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати ҳақида буюртмачиларимиздан сўрашингиз мумкин. Маҳсулотларимизнинг сифатига жавоб берамиз. Исталган жойда маҳсулотимиз ҳақида мақтаниб гапира оламиз. Агар ўзингиз яхшилансангиз, иш сифатида жиддий қарасангиз, натижа ҳам шунга яраша бўлади.


Абдурахмон Иминов жамоада турли гуруҳлар шаклланишига қарши эканини алоҳида таъкидлади. Жамоани бир бутунлигига эришиш асносида ҳар бир ходимнинг муаммоларини тинглашга, ҳал қилишга жиддий эътибор беришини ҳам билиб олдик. Шунингдек, ишчилар кўзидаги ғайрат ва шижоатни ҳам илғаш қийин бўлмади. Моддий имкони ҳаминқадар бўлган ишчиларга ташкилот томонидан алоҳида ёрдам бериб борилишини эшитиб, биз ҳам қувондик. Зеро, ўз ишчиларини ҳурмат қилган ва кадрлаган ташкилотнинг келжаги ҳам ёруғ бўлиши тайин.

Ташкилотнинг моддий-техник базаси ҳам анча бой. Ташкилот

ҳисобида 100 дан ортиқ юк ташиш машинаси, 6 та экскаватор, 2 та грейдер, 2 КАТО, бир қатор цех ва ускуналар мавжуд. Ҳар йили ўз моддий-техник базасини янгилашга ҳаракат қилиб келади. Мавжудларини таъмирлаган ҳолда хизмат сифатини туширмасликка интилади. Буюртмаларни белгиланган вақтда топшириш жиддий назорат қилинади. Сабаби, қурилишда бир кун маҳсулот кечикиши катта ҳажмдаги иш жараёнини тўхта-тиб қўйиши мумкин. Ўз вақтида бажарилган буюртма харидорлар сонининг кўпайишига сабаб бўлади. Бизнес ва сотув фаолиятида лафз биринчи ўринда туришини инобатга олсак, айтилган вақтда хомашё етказиб беришнинг ўзи ҳам корхона имижига катта таъсир кўрсатади.

“БУНЁДКОР-3” МЧЖ 26 йиллик фаолияти давомида қанчадан-қанча иншоотларнинг барпо этилишига, йўлларимиз равон бўлишига хизмат қилиб келмоқда. Қолаверса, аҳоли бандлигини таъминлаш йўлидаги ҳаракатлари ҳам таҳсинга сазовор. Ташкилот хайрия ишларига ҳам вақти-вақти билан маблағ ажратиб туради. Уй-лайимизки, бу ҳам “БУНЁДКОР-3” МЧЖнинг муваффақият йўлининг асосидир. Олдинда улкан марралар кутиб турибди.

Ушбу жамоани кўплар қатори касб байрами муносабати билан чин қалбдан қутлаймиз. Оилавий тотувлик, тинчлик ва саломатлик тилаймиз. Ҳалол меҳнат қилишдан толмасинлар.





# “ЯХШИ КАСБ ЗАВҚ БЕРАДИ” –

дейди “Меҳнат нури” хусусий корхонаси  
раҳбари Таклиф Якубов



**Инсонни бу дунёда азиз қиладиган нарса ҳалол меҳнати, ақл-заковати ва илми ҳисобланади. Қурувчилик ҳам заҳматли ва шарафли касблардан бири. Қадим тарихдан бугунгача инсоният нимадир куради, бунёд этади. Бундай маданий обидалар тарихнинг сирли калити вазифасини бажариб келмоқда. Юртимизда ҳам бунёдкор боболаримиздан илҳомланган, уларнинг шарафли вазифасини мамнуният билан бажариб келаётган қурувчи ташкилотлар талайгина. Айниқса, сўнги йилларда қурилишдаги жадалликни алоҳида қайд этган ҳолда уларнинг сони тобора ошиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.**



Бугунги кунда Наманган вилоятида фаолият олиб бориб, ҳудудлар ободлиги йўлида тер тўкиб меҳнат қиладиган “Меҳнат нури” хусусий корхонаси диққатимиз марказида. Зеро, юрт учун чин хизмат қилган фидойи инсонлар назари четда қолмаслиги жоиз.

2001 йилда ташкил топган “Меҳнат нури” МЧЖ асосий фаолияти қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажаришдан иборат. Ҳозирга қадар инвестиция дастурларидаги кўплаб объектларни ўз вақтида сифатли қуриб, фойдаланишга топширган. Йилига камида 5-10 тагача йирик инвестиция ва тўғридан-тўғри шартнома асосидаги объектлардаги ишни бажариб, 30-35 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширмоқда. Корхонада 107 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Корхона ўзининг шахсий базаси ва бир қатор транспортлари-га эга. Жумладан, HOVA 25 тн, 30 тн, мино-рали кран КБ-403А, балонда юрадиган кран

ланган. 2023 йилги инвестиция дастури бўйича Янги Наманган тумани прокуратураси департаменти ва мажбурий ижро бюроси учун комплекс бино қуриш, Норин тумани “Бўзилмас” МФЙ ҳудудидаги 12-ДМТТни реконструкция қилиш, 2024 йилда Наманган давлат университетининг Ижтимоий фанлар факультети ўқув биносини капитал таъмирлаш ишлари бажарилган.

Ҳозирда жамоа ишчилари томонидан инвестиция дастури асосида Наманган шаҳридаги 850 қатновли марказий поликлиника биносини мукамал қайта қуриш ҳамда вилоят Ички ишлар бошқармасининг 150 ўринга мўлжалланган вақтинча сақлаш ҳибсхонаси лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Корхона раҳбари Таклиф Якубов амалга оширилган ишлар ҳақида гапира туриб, муҳим бир жиҳатга эътибор қаратди. Ҳар бир лойиҳа якунланиши билан барча қурув-



КС 55713 25 тн, КС-3571 25 тн, экскаватор, бульдозер, фронтон погрузчик, каток, автобетон сместитель, бортли лабо, бортли тент фургон, автокўтаргич (вишка), тиркама КаМаз кабилар иш унуми ва сифатини оширишга хизмат қиляпти.

Корхона сўнги уч йилда қатор лойиҳаларни амалга оширган. “Обод қишлоқ” давлат дастури асосида 2022 йили Чуст туманидаги “Қалон Поён” МФЙда, Янги Наманган тумани “Шербулоқ” МФЙда, Янги Наманган тумани “Янги Замин” МФЙда, Наманган тумани “Чағир” МФЙда ичимлик сув тармоқларини яхшилаш ишлари бажарилган. Бундан ташқари, Инвестиция дастури доирасида Чортоқ тумани марказига олиб борувчи Дилдош ва Бешкапа ҳудудидан ўтувчи Муस्ताқиллик шоҳкўчаси, Уйчи туманидаги Соку ва Пасгузар кўчалари, Янгикўрғон туманидаги “Дўстлик” массиви Соё бўйи ва Бирлик кўчаларининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш ишлари, Чортоқ туманидаги “Арбағиш” МФЙда 29-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш, “Тўриқ” МФЙда 33-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган.

Ишни сифатли ва рисоладагидек қилиб бажариш ҳадисини олган жамоа бу билан чекланиб қолмаган. Тўрақўрғон тумани мактабгача таълим ташкилотига қарашли 16-сонли ДМТТ ҳамда Наманган шаҳридаги 20-сонли мактаб бинолари жорий таъмир-

чиларда мамнунлик ҳисси пайдо бўлиши табиий. Аммо асл хурсандчилик лойиҳани якунлашда эмас, балки жамоанинг маррагача мардонавор етиб боришида. Таклиф Якубов жумладан шундай деди:

– Биз кўпинча аввалига қанча даромад олишимиз ҳақида ўйлаб кўрамиз. Лекин демаймизки, қилган ишимиздан қанчалик завқ олмоқдамиз?! Касбини севмаган инсонни қурувчи деб бўлмайди, инсон чин дилдан нимадир бунёд қилишга киришса, унинг иши муваффақиятли чиқади. Инсонлар ўз ҳаётига, ишига ва атрофидагиларга муносабатига кўра фарқ қиладди. Ҳар бир қилган ишингизга масъулият билан ёндашиб, профессионал ҳаракат қилсангиз, ўйлаган натижангизга эришингиз аниқ. Қурувчи виждонли ва тоза бўлиши лозим. Шунда халққа хизмат қиладиган лойиҳалар яратилади. Қурувчи учун асл фойда ва бойлик халқнинг розилиги ва ишончи, қилган дуоси. У бундан илҳомланади, завқ олади. Одамлар хурсанд ва бахтиёр бўладиган бинолар курсак, шунинг ўзи бахт биз учун. Яхши касб завқ беради.

Фаолияти давомида юртдошларимиз бандлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган, ўз олдига ҳаниша эзгу мақсадлар қўядиган қурувчиларга ҳар қанча раҳмат айтсак оз. Жумладан, “Меҳнат нури” МЧЖ жамоасига амалга оширилган сифатли лойиҳалар учун раҳмат, деймиз. Байрам билан қадрдон жамоани чин кўнгилдан кутлаймиз!



# Қилган ишимиз элга манзур бўлсин

**Инсон умри йиллар билан барпо бўлгани каби катта муваффақиятлар ҳам кичик машаққат ва ғалабалар йиғиндиси ҳисобланади.**

**Муваффақиятни эса ҳамма ҳар хил ифода этади. Жамиятда ким учундир молиявий имкониятлар биринчи даражали бўлса, яна кам сонли инсонлар учун чин маънода ўзи севадиган касб билан шуғулланиш асл муваффақият ҳисобланади.**



– Бу ташкилотни танлашимга сабаб, энг муҳими, вақтида меҳнатингизга ҳақ тўланади, – деди Қосим Тўхтабоев. – Гап фақат ўзининг вақтида ойлик олишим ҳақида эмас, қачонки жамоа вақтида иш ҳақини олса, шундагина сўзимга қулоқ солишади. Иш эса самарали давом этади. Яна бир муҳим жиҳат шуки, ташкилотимизда фикрлаши ва дунёқарашни бир-бирига уйғун қилиш жам бўлган. Лойиҳа сифатли амалга ошириши учун нор-

мативга жиддий амал қиламиз. Ҳатто кўрсатилганидан сифатли хомашё ишлатадиган жойларимиз ҳам бўлади. Раҳбарларимиз энгдан-бўйдан урадиган кишилар эмас, лойиҳа сифатли бўлиши учун ҳеч нарсани аямаслигимизни айтади. Шундай шароитда ишлагингиз келади, албатта.

Дарҳақиқат, талабчанлик ва ишга масъулият унинг жадаллигию сифатига бевосита таъсир қилади. Ўтган вақт давомида МЧЖ томо-

нидан кўплаб лойиҳалар ана шундай сифатли якунланган. Хусусан, Чуст туманидаги “Олмос” ҚФЙда 120 ўринли ҳамда Наманган туманининг Хўжа қишлоғида 180 ўринли боғча куриб битказилган. Наманган туманининг Ташбулоқ шаҳарчасида 5 қаватли турар жой биноси, Чуст туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида 2 та 5 қаватли кўп қаватли турар жой биноси муваффақиятли якунланган. Янгиқўрғон туманидаги “Водий” МФЙ худудида 5 қаватли турар жой, Наманган туманининг Ислон Каримов кўчасидаги Фурқат номи МФЙда 9 қаватли турар жой бинолари куриб битказилган.

Шунингдек, 2022 йилда жамият томонидан Наманган шаҳрининг Фурқат номи МФЙда 11 қаватли 115 хонадонли уй куриб фойдаланишга топширилди. 2023 йилда эса Наманган туманининг “Саховат” МФЙдаги 30-сонли ҳамда Наманган шаҳрининг “Маърифат” МФЙдаги 38-сонли мактабларни реконструкция қилиш ишлари муваффақиятли якунланди. Ҳозирги кунда Давлатобод туманидаги “Афсоналар водийси”да 11 қаватли турар жой мажмуаси бунёд этилмоқда. Мазкур объект 2025 йилнинг март ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Корхона лойиҳаларни амалга ошириш баробарида моддий-техник базасини ҳам мунтазам бойитиб боради. Жумладан, ташкилот ҳисобида 3 дона экскаватор, 2 дона погрузчик, 3 дона 25 тоннали юк ташиш транспорти (самосвал), 2 дона 35 тоннали автокран, 1 дона минорали кран, 3 та бетон ташувчи юк транспорт воситаси (бетоносмеситель) мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, “Ровустон бетон” МЧЖ жамоаси ўзини ҳурмат қиладиган курилиш ташкилотларидан бири. Буни амалга оширган лойиҳаларининг сифатидан ҳам билиб олишингиз мумкин. Ўйлаймики, келажакда ҳам бундан-да сифатли лойиҳаларни бажаришдан тўхташмайди. Ташкилотнинг барча аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, шарафли мақсадлари йўлида омад тилаймиз.





# Бизнинг ютуғимиз – бизнинг режамиз

Қаерда янги қурилган иншоотни кўрсак, унга ҳайрат ва қизиқиш билан назар ташлаймиз. Кўз олдимиздан куннинг жазирама иссиқ вақтида ҳам ишлаётган захматкаш қурувчилар шижоати ўтади. Тўғри, улар ишлагани учун ҳақ олади. Аммо бу ерда бошқа бир жиҳат ҳам бор. Аслида, қурилишнинг оғир машаққатларига кўпчилигимиз бардош бера олмаймиз. Қуп-қуруқ ерда кишининг кўзини яшнатадиган лойиҳани йўқдан борга айлантириш мўъжизага ўхшайди. Бун пайқашга кўп ҳолларда ожизлик қиламиз.



Наманган деганда, беихтиёр кўз ўнгимизда гуллар шаҳри гавдаланади. Наманган бежизга бу даражада обод бўлаётгани йўқ албатта. Бунга давлатимиз томонидан ҳудудларни янада ривожлантириш борасида қўрилаётган чоралар билан бир қаторда Наманган аҳлининг меҳнатсеварлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, “Lion Stone” МЧЖ жамоаси ҳам кўркам иншоотлар қурилишига муносиб иштироки орқали ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Ташкил этилганга кўп вақт бўлмаса-да, корхона илк лойиҳалари биланоқ кишилар қалбидан жой олиб улгурган.

2017 йилда Давронбек Пўлатов таъсисчилигида ташкил этилган корхона қурилиш-монтаж, капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб келмоқда. Ўтган вақт давомида энг йирик лойиҳаларидан бири – “Оби ҳаёт” МФЙ, Амир Темур кўчасидаги қурилишнинг биринчи босқичи якунига етган. Илк босқичда 10 қаватли 76 хонадонли, кейинги босқичларда 10 қаватли 126 ва 84 хонадонли кўп қаватли турар жой биноси қурилиши амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг сўнгги босқичи ҳам даярли ақунланиш арафасида.

“Lion Stone”да лойиҳаларни назорат қилиб борадиган директор ўринбосари Камолитдин Султонов билан қисқача суҳбатлашдик. Фаолияти кўпроқ архитектура билан кечган мутахассис назария ва амалиётнинг кескин фарқ қиладиган томонлари хусусида шундай деди:

– Наманган политехника инсти-

тутида Бино ва иншоотлар қурилиши йўналишида таълим олганман. Анча йиллар соҳага оид давлат идорасида ишладим. 2018 йилдан буён хусусий секторда фаолият олиб бораётган. Кўп ҳолларда назария билан амалиёт бир-биридан фарқ қилишига гувоҳ бўламан. Бир пайтлар лойиҳачи бўлиб фаолият олиб борган бўлсам, бугунги кунда муҳандислик қилишга ҳам тўғри келмоқда. Қурилишда тажрибасиз ўсиб бўлмаслигига яна бир бор амин бўлдим. Бу соҳани танлаганлар талабалик пайтиданок ўз устида тинмай ишлаши, доимий амалиётда бўлиши талаб этилади. Аммо кўпчилик ёшлар бугунги кунда касб машаққатларини кўп ҳам ҳушлайвермайди. Очиғи, ўзини қийнашни истамайди. Шуни

ҳам айтиш керакки, машаққатсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Биз дастлабки йирик лойиҳамиздаёқ одамларнинг ишончи ва миннатдорлигини кўриб, янада руҳландик. Аслида, қачон ва қаерда ташкил топганинг эмас, балки қандай ишларни амалга оширганинг муҳимроқ. Бунёдкорлик масъулият демакдир. Баъзи қурилиш фирмалари анча вақтдан бери фаолият кўрсатса ҳам, катта натижаларга эриша олмайди. Чунки ўз устида изланмайди, даромадни асосий ўринга қўйиб, сифатни иккинчи даражага тушириб қўяди. Бу эса ташкилот ривожига тўсқинлик қилади. Биз эса олдимизга улкан марраларни қўйган ҳолда шиддат билан йўлимизда давом этишга ҳаракат қиламиз. Асосий мақсадла-

римиздан бири – қурилиш кластери ташкил қилмоқчимиз. Лойидан тортиб, унинг амалиётга татбиқ қилинишигача ўзимиз амалга оширишни ният қилганмиз. Бизнинг ютуғимиз – бизнинг режамиз. Ўз ғояларимиз билан халқимиз ободлиги йўлида хизмат қилишни астойдил мақсад қилганмиз.

“Lion Stone” МЧЖдаги иш жараёнини кузатиб, қизиқ ҳолатга кўзимиз тушди. Ишчилар кун ботишига қарамай ишни давом эттиришар, кечки овқат бўлишига қарамай ишларидан бўшай демасди. Уларнинг бундай шижоат билан ишлашининг сабабини сўраганимизда, Камолитдин ака ишчилар меҳнати қадрланса, меҳнатига яраша ҳақ олса, улар янада кўпроқ ишлашини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ишчилар билан тўғри муносабат ўрнатиш жуда муҳим. Чунки қурилиш соҳада малакали ишчиларга бўлган талаб юқори. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, ҳар бир соҳада мавжуд илмларни эгаллаш лозим. Кўпчилик оддий одамлар қурилишда фаолият кўрсатса ҳам, соҳага оид малака ва хунари мавжуд эмас. Ҳамма жойда ҳам ўз ишини билганга, замон билан ҳамнафас яшаган инсонларга талаб юқори.

“Lion Stone” МЧЖ жамоасига янги ходимлар қандай жалб қилиниши ҳақида ҳам қизиқдик. Улар ўзларига керакли мутахассисларни ёшлик пайтиданок жамоага жалб этиб, йиллар давомида устоз-шогирдлик аънъанаси асосида керакли кадрлар тайёрлаб боришини таъкидлашди. Умумий ҳисобда ташкилотда 60 га яқин ходим меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилиги ёшлар экани эса кишини хурсанд қилади. Аслида устоз-шогирдлик аънъанаси ҳозирда янада муҳим ҳисобланади. Бу борада “Lion Stone” жамоаси ўз йўлини белгилаб, аниқ манзил сари интиломоқда, деб айтишга асосларимиз етарли. Бу ерда ҳар бир ходим тартибга амал қилади, ўз вазифасини тўлиқ ва виждонан адо этади, лойиҳаларнинг сифатли ақунланиши эса жиддий назоратга олинган.

“Lion Stone” МЧЖ жамоасига улкан зафарлар, муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Нафақат Наманган вилоятида, балки бутун республика бўйлаб ўз лойиҳаларини амалга оширишига тилақдошимиз.





# “Рақобатдан қўрқмаймиз!”

“BA GLOBAL-HOUSES” МЧЖ жамоаси  
шў ширга амал қилади



Бугун сизга таништирадиган қурилиш ташкилоти ҳам рақобатбардош муҳитда ўз ўрнини топиб келаётган жамоалардан бири. Нафақат Наманган вилоятида, балки республикамизнинг турли ҳудудларида қурилиш лойиҳаларини амалга ошириб келаётган “BA GLOBAL-HOUSES” МЧЖнинг қўлга киритган ютуқлари талайгина.

сабабли, лойиҳаларимиз ҳам харидорғир. Асосий эътиборимизни ишимизни виждонан бажаришга қаратганмиз.

“BA GLOBAL-HOUSES” қисқа вақт ичида салмоқли лойиҳаларни амалга ошира олган. Жумладан, 32 та хонадон ва 32 та нотурар жойдан иборат “Сардоба” савдо маркази объекти, 85 хонадон 24 та нотурар

этомқда. Компания шу кунларда яна бир катта лойиҳани бошлаш арафасида. Хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда 14 гектарлик майдонда барпо этилаётган “Янги Наманган” шаҳарчасида қўшма лойиҳани амалга оширишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу орқали компания ўзининг имкониятларини яна бир поғонага кўтаришни мақсад қилган.

“BA GLOBAL-HOUSES” хусусий лойиҳаларга кўпроқ урғу беришни инobatга олсак, уларга етарлича моддий-техник база ҳам керак бўлади. Бугунги кунда ташкилот ҳисобида 2 та минорали кран, 2 та бетонқорғич, 2 та махсус қориштира аралаштиргич ва бир қатор оғир юк ташиш машиналари мавжуд. Яқин келажакда компания моддий-техник базани яхшилаш учун алоҳида сармоя сарфлашни ҳам ўз режаларига киритган. Ҳозирда ташкилотда 80 га яқин ишчи-ҳодимлар фаолият юритиб келмоқда.

Лойиҳаларнинг сифатли ва техник меъёрлар асосида яқунлашига катта ҳисса қўшиб келатган Ҳамидхон Юсуповнинг узоқ йиллик тажрибаси компания фойдасига ишламоқда. Қурилишда 43 йиллик тажрибага эга Ҳамидхон Юсупов қурилишнинг масъулиятли ва шарафли касб эканлигини таъкидлаб, шундай деди:



“BA GLOBAL-HOUSES” 2015 йилда Баҳодир Абдуллаев таъсисчилигида ташкил этилган бўлиб, асосан хусусий лойиҳалар ишлаб чиқиш билан шуғулланишга ихтисослашган. Ташкилот шу кунгача бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли яқунлаб, халқнинг дуосини олиб келмоқда. Рақобат муҳитидан қўрқмайдиган, ўзининг сифатли лойиҳалари билан майдонга чиқиб келган жамоа бугунги кунда соҳа вакиллари орасида яхшигина ҳурмат қозонмоқда.

– Бугунги кунда қурилиш соҳаси аввалгидан тубдан фарқ қилади, – деди ташкилот иш бошқарувчиси Нодиржон Ризаев. – Рақобат эса кундан кунга ўсиб борапти. Биз эса ҳеч қачон рақобатдан қўрқмаймиз. Агар ишингизни мукамал адо этишга бор эътиборингизни қаратсангиз, одамларда ҳам сизга бўлган ишонч ортиб боради. Биз лойиҳаларни сифатли бажаришга ҳаракат қиламиз. Чунки бундан энг аввало, компания манфаатдор. Мижозларимиз лойиҳаларимиздан миннатдор. Шу

жойдан иборат “Шоҳсарой” турар жой маскани, 69 хонадон 12 та нотурар жойдан иборат Амир Темур турар жой масканлари қуриб битказилган. 56 хонадондан иборат “Nika” турар жой мажмуасининг қурилиш жараёни ҳозирда давом



**Қурилиш дунёдаги энг катта индустрия ҳисобланади. Унда миллионлаб одамлар меҳнат қилишади. Аҳолининг ўсиш суръати юқорилиб, янги лойиҳаларга, янги турар жойларга эҳтиёж сезилади. Бу эса, ўз навбатида, қурилиш жараёнини жадаллаштиради. Сўнгги йилларда юртимизда ҳам аҳолининг демографик ўсиши натижасида уй-жойга бўлган талаб юқорилаб бормоқда. Шу сабабли, қурилиш ташкилотлари сони ҳам табиий равишда ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, илгари қурилишнинг катта қисми давлат ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунда хусусий лойиҳалар сони кескин ошиб бориши, инвестиция муҳитига кенг йўл очилиши соҳани янада жонлантирди.**



– Инсон қурилишни севиши учун меҳнатни севиши керак. Қурилиш ниманидир қуриб битказиш билан яқунга етмайди. Балки бинонинг ҳаёти қадар масъулиятни елкангизга олсиз. Ҳеч қачон қурилишда материалларни чеклаш тўғри йўл эмаслигини таъкидламан. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Фойда мақсадида озгина тежаб қолинган маҳсулот эвазига юзлаб инсонлар ҳаёти хавф остида қолади. Бу қурилишга, касбга хиёнат қилиш дегани. Лойиҳадан четга чиқмай ҳаракат қилиш, қурилиш маданиятига амал қилиш керак, деб ўйлайман. “BA GLOBAL-HOUSES”да узоқ йилдан бери ишлаб келишимнинг сабаби, бу ерда мутахассис фикрига қўлоқ солиб иш қилинишидир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаракат қилмайди. Ҳамжиҳатликда иш олиб борамиз. Қурилишни тушунган инсон амалга ошириши керак, раҳбарият эса тўғри бошқарувни йўлга қўйса, шунинг ўзи етади. Аммо кўп жойларда мутахассислар фикрига амал қилинмайди, бу эса иш

сифатига жиддий зарар етказди. Амалга оширган лойиҳаларимизда кўпроқ халққа маъқул келадиган, қулайликларга эга бўлган ечимга эришишга диққатимизни қаратамиз. Хусусий лойиҳалар эркин ижод қилишимизга, бор салоҳиятимизни кўрсатишга ёрдам беради.

Эътиборимизни тортган яна бир жиҳат шуки, ташкилот раҳбарининг камтарлиги. Кўпроқ компания ва ходимлар ҳақида ёзишимизни сўради. Табиийки, бу эришилган ютуқларда раҳбарнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, тўғри бошқарув орқалигина кучли жамоа шакллантириш мумкин. Бугун бизга “BA GLOBAL-HOUSES” каби хусусий лойиҳалардан қўрқмайдиган қурилиш ташкилотлари керак. Шунда соғлом рақобат шаклланиши эвазига сифатли, лойиҳалар сони ортиб боради.

Ташкилотнинг барча аъзоларига келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилаймиз. Ҳамиша халқимиз ишончига сазовор бўлиб юраверсин!



## Муваффақият ўз қўлингизда

**Инсоният идрок ато этилган ягона хилқат ҳисобланади. Шу боис, инсон доимий ақлий имкониятларини оширишга, ҳаётини фаровон ва қулайлаштиришга, янги илмларни эгаллашга ҳаракат қилади. Ҳаётимизда технологияларнинг роли ошиб бориши билан барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш саноатида ҳам туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Илгари қўлда чизилган лойиҳалар ҳозирда турли программалар орқали амалга оширилмоқда. Юртимизда қурилишнинг кексин ўсиши, хусусий лойиҳалар сонининг ошиши бозорда сифатли лойиҳачилар ва қурувчиларга бўлган талабни юзага келтирди.**

Ҳозир сизга ҳикоя қиладиган жамоамиз ҳам дастлаб кичик жамоа сифатида фаолият кўрсатган бўлса, бугунга келиб уларнинг сафи сезиларли даражада кенгайган. Наманган вилоятида ўзининг сифатли ва оригинал лойиҳалари билан кўпчилик буютмачиларга манзур бўлиб келаётган “ULTRA GROUP” МЧЖ ота касбини давом эттираётган Шерзод Кучкаров томонидан 2014 йили ташкил этилган.

Фаолиятининг бошида жамиятда 8 нафар ходим фаолият кўрсатган. Ташкилот асосан уй-жойлар, дала ҳовлилар ва енгил типдаги объектлар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан шуғулланишга киришади. 3-4 йил ичида ходимлар сони кўпайиб, малакали мутахассисларга олийгоҳни тамомлаган ёшлар бириктирилиб, уларнинг малакаси ошириб борилди.

Давлат инвестиция дастури асосида қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, поликлиника, тиббиёт бирлашмалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этаётган корхона ходимлари сони 2017 йилга келиб 30 нафарга етди. Инвестиция дастуридаги объектлардан ташқари, Наманган шаҳрида қурилиши режалаштирилган кўп қаватли турар жойларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳам ишлаб чиқиш билан шуғулланиб келаётган жамоада бугунги 50 нафар мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

“ULTRA GROUP” МЧЖ 2021 йили ўзининг хусусий 3 қаватли офисига эга бўлиб, ходимлар савияси ва малакаси ҳамда моддий-техник база жиҳатдан ҳам яхшиланишга эришгани уларнинг муваффақиятли фаолият юритганидан далолатдир.

Қолаверса, улар хавфлилик



даражаси IV тоифага мансуб бино-иншоотлар қуриш бўйича лицензияга ҳам эга. Бугунги кунда уй-жой, фермер хўжалиги, саноат қурилиши объектлари ва мажмуаларининг сув хўжалигини қуриш объектлари ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, энергия қурилиши, алоқа объектлари ва мажмуаларини лойиҳалаш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаш, махсус объектлар ва иншоотларни лойиҳалаш, мукамал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид

қилиш учун танлов (тендер) ҳужжатларини тайёрлаш ишлари билан шуғулланади.

Бундан ташқари, корхонада бино ва иншоотларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаш: сув қувурлари ва канализация, энергия таъминоти, газ таъминоти, паст кучланишли қурилмалар, автомобиль йўллари муҳандислик тармоқларини лойиҳалаш, ландшафт, интерьер дизайн хизматлари ҳам мавжуд.

Шу кунгача ташкилот томонидан кўплаб лойиҳалар амалга оширилган. Хусусан, Наманган шаҳридаги Бобуршоҳ, Навоий

ва Ҳамроҳ кўчаларида қурилган кўп қаватли турар жой бинолари, Чортоқ туманидаги Султон Увайс Корогоний зиёратгоҳи, Чуст туманидаги Биби она зиёратгоҳи реконструкцияси, Тўрақўрғон туманидаги “Ахсикент” археологик мажмуасини ободонлаштириш, Тўрақўрғон шаҳридаги Ибрат мажмуасини қуриш, Давлатобод туманида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” боғи, Фарғона шаҳрида қурилаётган “Эко шаҳар” мажмуасининг лойиҳа-смета ҳужжатларини айнан шу жамоа аъзолари ишлаб чиққан. Ҳозирги кунда жамият томонидан Поп туманидаги

“Миришкор” МФЙни ривожлантириш бўйича мастер-режа лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Жамиятнинг асосий ютуқларидан бири – сифатли кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўя олганидир. Бу хусусда ташкилот раҳбари Шерзод Кучкаров шундай деди:

– Ҳеч ким қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, мукамал билим ва тажриба билан туғилмайди. Шу сабабли, имкон қадар қизиқиши юқори, кўзи ёниб турган кадрларни ишга жалб этишга ҳаракат қиламиз. Ўзида жиддий интилиш бўлса, инсон ҳамма нарсани уддалай олади. Янги кадрларни ишга жалб қилиб, уларни моҳир ва тажрибали мутахассисларга бириктираемиз. Шу орқали кучли кадрларни ўзимиз тарбиялашга ҳаракат қиламиз. Биласизми, муваффақият инсоннинг ўз қўлида. Астойдил интилган инсонга Аллоҳнинг ўзи йўл кўрсатади. Фақат изчил ҳаракат ва сабр керак. Шунда кўриладиган натижа ҳам ёмон бўлмайди.

Дарҳақиқат, кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб этиш, ёшларни ҳам уларнинг тажрибаси ва илмидан баҳраманд қилиш деганидир. Ташкилотга қабул қилинган ҳар бир мутахассисга ўз устида ишлаши учун етарли моддий-техник база ва қулай шароит яратилган.

2024 йил учун ишлаб чиқилган режага асосан, шу йилнинг 3-чорагида ташкилотнинг 4 нафар мутахассиси архитектура йўналиши бўйича малака ошириш учун Россиянинг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига жўнатилиши кўзда тутилган.

“ULTRA GROUP” МЧЖ жамоасининг янада катта марралар сари дадил қадам ташлашига тилақдошимиз. Байрам муносабати билан, соҳанинг барча ходимларини чин қалбдан шаҳарларига жўнатилиши кўзда тутилган. Мукамал саломатлик ва куч-ғайрат ҳамроҳ бўлсин деймиз.



## "ЖАҲОН ҚУРИЛИШ ТАЪМИРЛАШ"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

*Азиз қурувчилар, меъмор ва  
муҳандислар, барчангизни бугунги  
қутлуғ айём –*

**Қурилиш соҳаси  
ходимлари кун  
билан табриклаймиз.**

**Қаддингиз ва қадрингиз  
ўзингиз қураётган осмонўпар  
бинолар каби ҳамиша  
баланд бўлсин!**

## ХОРАЗМ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

Қадрли ва азиз қурилиш соҳаси  
жонкуярлари!

Лойиҳачи, архитектор,  
қурувчи-муҳандислар!

**Барчангизга  
касб байрами  
муборак бўлсин!**

Давлат ва жамият равнақи,  
қурилиш соҳаси ривожини йўлида  
олиб бораётган сермашаққат ва  
самарали меҳнатингизда сизларга  
улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!



## Ойдин орзулар рўёби



**“MASTERPLAN 2022” МЧЖ раҳбари Муҳиддин Жумаев Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида таваллуд топган. Шу тумандаги 33-сонли ва Шеробод туманидаги 14-мактабларда таълим олган. 2000-2004 йилларда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида таҳсил олиб, магистратурани ҳам битирган. Шундан сўнг бир муддат “Меъморқурилишлойиҳа” МЧЖ Самарқанд филиалида фаолият кўрсатди.**

Ташаббускорлиги туфайли ҳозирги пайтда ўзига қарашли жамиятни бошқариш билан бирга, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМнинг Ширин шаҳарчаси лойиҳаси бош муҳандиси, асосий лойиҳачиси бўлиб ҳам ишлаётгани диққатга сазовор. Муҳиддин эътибор қилса, дўстларининг кўпчилиги аллақачон мустақил ишлаётган экан. Уларнинг аксари хусусий қурилиш ташкилотлари очишган. Барпо этаётган иншоотлари ўзига хос ва ҳавас қиларли. Ўз мақсадлари ҳақида ана шундай дўстлари билан фикрлашиб, керак бўлганда йўл-йўриқ сўради ва тажриба орттирди. Тинимсиз ҳаракатлари, изланишлари, дўстларининг тўғри йўл кўрсатишлари натижасида “MASTERPLAN 2022” МЧЖ тузилди ва Муҳиддин унинг раҳбарига айланди.

Бу пайтда Муҳиддиннинг бир неча яқин ҳамкасблари хусусий қурилиш ташкилотларига бошчилик қилиб, кўҳна Самарқанднинг турли ҳудудларида мустақил равишда кўзларни қувнатадиган иншоотлар барпо этишга киришиб кетганди. Янги лойиҳа ташкилоти ҳам тезда улар қаторидан ўрин эгаллади, замон талабига муносиб лойиҳалари билан сафга кўшилди. Бу Муҳиддин Жумаевнинг чизмаларни яхши тушунгани, менежерлар билан жиддий муомалада бўлгани сабаб эди.

– Отам Эшпўлат Жумаев ва онам Зулҳумор Шерқулованинг дуолари туфайли



“MASTERPLAN 2022” МЧЖни ташкил қилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлдим, – деди Муҳиддин. – Улар тилаган оқ йўл туфайли ишларим юришиб, бунёдкорлик борасидаги режаларим амалга оша бошлади. Ҳа, ота-она дуосидан улуғи йўқ. Ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонлик

тиламайди. Аксинча, ҳамиша улар фарзандим ўссин, унсин, оиласига, халқига фойдаси тегсин, дейди. Лекин ўзларини йўламайди, улар учун фарзанд ҳаёти нурафшон, бахти тўқис бўлса бўлди, бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Ҳозир Муҳиддиннинг ўзи ҳам ота, уч ўғил бир қизи бор. Уларга бутун қалб кўрини

берган. Келажагини фарзандларида, уларнинг улғайиш жараёнларида кўради. Қурувчиликка чинакам меҳри билан ёндашган Муҳиддин ёшлигини, ўқувчилик йилларини, ўша пайтдаги яхши одамлар ўғитларини, маслаҳатларини кўп эслайди. Отаси дорিশунос эди. Унинг ёнига турли касб эгалари келишарди. Севимли ўқитувчиси Тоштемир аканинг отаси билан бўлган бир қанча суҳбатлари ёдига қолган.

“Ўғлингизнинг илмга ҳаваси баланд. Дарсларни ўзлаштириши, намунали хулқи, одоби билан ҳамиша тенгдошларига ўрнак. Ўзим дарс бераётганим туфайли чизмачиликни хуш кўришини яхши биламан. Бу фанни аъло даражада ўзлаштириётгани мени қувонтиради. Ўйлайманки, сиздай ажойиб дорিশуноснинг ўғли келажакда давр талаби даражасидаги қурувчига айланади. Биласиз, қурувчилик энг зарур касблардан бири. Сизу биз яшаётган уйларни, ҳаммамизга хизмат қилаётган қатор иншоотларни, тарихий биноларни ҳам шулар бунёд этишган. Ўғлингиз Муҳиддиннинг касб эгалари сафига кўшилишини жуда ҳам истардим”.

Ўқитувчисининг фарзанди ҳақидаги бу фикрлари отани қувонтирди, ўғли билан фахрланди. Ўзи ҳам боласининг қурувчилик соҳасини танлашини истади. Муҳиддиннинг қалбиде эса бундай истак анча аввал уйғонганди. Хуллас, ота, ўқитувчи ва фарзанд орзулари биргаликда амалга ошди. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида ўқиш жараёнида бу ният янада яққолроқ бўй кўрсатди. “MASTERPLAN 2022” МЧЖнинг ташкил топиши ана шундай истакларнинг амалга ошишида ёрқинроқ йўл очди. Ёш лойиҳачи мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланди, ишни юрийтиш борасида билим ва малакаларини ишга солди.

– Мамлакат тараққиётини белгилوучи омиллар кўп, – деди малакали меъмор Муҳиддин Жумаев. – Улар орасида қурилиш соҳасининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Тинч-осойишта, жадал ривожланаётган, келажакни ўйлаган давлатдагина бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилади. Шукрки, Ўзбекистонда шундай. Биргина биз истиқомат қилаётган, ишлаётган Самарқанддаги қурилишларга назар ташлайлик. Янгидан барпо этилаётган иншоотларнинг чеки-чегараси йўқдек. Турар жойлар, мактаблар, шифохоналар, бошқа ижтимоий объектлар, меҳмонхона, тамаддиҳоналару дам олиш масканлари ва яна бошқа турдаги иншоотларга қараб кўнгилаб яйрайди. Уларнинг ҳаммасини ҳамкасбларим бунёд этаётганидан қалбим ғурурга, фаҳрга тўлади.

Муҳиддин билан суҳбатлашсангиз, фикрларини тинглаб, шаҳар ва қишлоқларимиздаги бунёдкорлик ишларини кўз ўнгингиздан ўтказасиз.

– Қурилиш соҳаси замонавий ёндошувлар асосида жадал суръатларда ўсиб бормоқда, – деб давом этади у. – Шу мақсадда, сўнгги йилларда қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Президентимизнинг қатор қарор ва фармонлари соҳа ривожига хизмат қиляпти. Ҳозирда жамоамиз бунёдкорлари Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманида уй-жой ва савдо мажмуаси лойиҳасини тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Малакали мутахассисларимиз бўлажак бунёдкорлар – талабаларга ҳам иш ўргатишяпти. Лойиҳалаш, шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш бугун янги босқичга кўтарилаётганлиги зиммамиздаги масъулият ва жавобгарликни янада оширяпти. Шу ўринда айтиш керак, экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Натижада экспертиза лойиҳа-смета ҳужжатлари онлайн топшириляпти. Келгусида эса бундай замонавий талаблар туфайли ишимизда янада олға силжиш, юксалиш юз беришига шакшубҳа йўқ.





# Илҳомбахш меҳнат сурури

**Кўҳна Самарқандга яқин бўлган Қорасув массивидан ажратилган 50 гектар майдонда қурилиш ишлари бошлаб юборилгани ва ҳудудда қисқа вақтда кўплаб кўп қаватли турар жой бинолари барпо этилганини самарқандликлар, хусусан, қурувчилар яхши билишади.**



Президентимиз 2019 йил 11 январь куни Самарқандга ташрифи чоғида бунёд этилган элликка яқин уй-жойлар билан танишганди. Шунда шаҳарни янада кенгайтириш, замонавий, кўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис мажмуалари қурилишини давом эттириш ҳақида кўрсатмалар берганди.

Шунингдек, ҳудудда “Agromir buildings” компанияси томонидан хориз технологияси асосида монолит усулида барпо этилиши режалаштирилган 12, 14, 16 қаватли турар жойлар қурилишини қўллаб-қувватлаган эди.

Ўша куни вилоят фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам ҳудудларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш бўйича фикрлар билдирилди. Президентимиз Самарқанднинг ҳар бир қарич ери қадрли, тупроғи унумдорлигини таъкидлаб, бу ерлардан самарали фойдаланиш, вилоятда кўп қаватли уйлар қурилишини кўпайтириш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш зарурлигини алоҳида қайд этган эди. Шундан сўнг, вилоятнинг бир қатор туманларида кўп қаватли уйлар қурилишига киришилди.

Ургут ва Тойлоқ туманларида ҳам Самарқанд шаҳридаги каби 12, 14, 16 қаватли уйлар қуриш бошлаб юборилди. Тойлоқда ажратилган 6 гектар ер майдонида 2 минг хонадонга мўлжалланган 20 та кўп қаватли уй, хизмат кўрсатиш ва сервис мажмуалари қуриш бўйича лойиҳалар тасдиқланган бўлса, Ургутнинг Мерганча маҳалласи ҳудудидаги 20 гектар майдон “Янги Ургут маскани”ни барпо этиш учун ажратилди. Ҳозирда

бу ерда кўплаб 6 ва 12 қаватли уй-жойлар барпо этилаётгани қувончли ҳолдир.

Тойлоқ туманида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини эса Самарқанддаги “Agromir buildings” компанияси иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Бугун бу ҳудуд янги, замонавий уй-жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари бунёд этилган шаҳарча кўринишини олган.

– Шу қишлоқда туғилиб ўсганман, маҳалламизда қайси оила қандай ҳаёт кечиришини яхши биламан, – деди тойлоқлик фуқаролардан бири. – Тўғриси, авваллари ҳам қишлоғимизда ўзига тўқ ва тинч-осойишта яшаб келган оилалар кўп бўлган. Аммо улар ўзлари хоҳлагандай уй-жой қуришолмасди. Туманимизда илк бор намунавий лойиҳа асосида уйлар қурилиб, аҳолига имтиёзли кредит асосида берилганда бу ишга кўпчилик ишонқирамай қаради. Ҳавасманд бўлишсада, эгалик қилишга шошилишмади.

Бир-икки йилдан кейин эса бундай уйларга талабдорлар кўпайди, туманимизнинг турли ҳудудларидан одамлар кўчиб кела бошлади. Эндиликда эса “агромирчилар” хайрли ишни давом эттириб, ҳудудда қатор замонавий кўп қаватли уйларни тиклаб, эҳтиёжмандларга бераётгани қувонарли, албатта.

Ҳамюртларимизнинг айтганича бор. Янгиланиб бораётган Ўзбекистон бугун том маънода улкан қурилиш ва бунёдкорлик манзилига айланган. Барпо этилаётган раво йўллар, замонавий кўприклар, осмонупар бинолар, мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари, хиёбону савдо марказлари, аҳоли турар жой бинолари ҳудудлар қиёфасини ўзгартириб, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, бундай ўзгаришларда бунёдкор халқимиз фаол иштирок этиб, яратувчанлик ҳисси билан яшамоқда. Дарвоқе, бунёдкорлик ишлари кўламини, айниқса, аҳоли учун барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши соҳасида янада ортмоқда. Зеро, аҳолининг бирламчи эҳтиёжи бўлган уй-жой масаласи бугун мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг энг устувор йўналишига айланган. Шу боис ҳам барча ҳудудларда замонавий уй-жойлар қад ростламоқда. Кўплаб оилалар ўз ошиёнига, уй-жойига эга бўлмоқда.

Энди Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган Қорасув массивидаги бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр юритсак. Бу ҳудудда кейинги йилларда ўзига хос меъморий ечимга эга бўлган гўзал шаҳарча барпо этилди. Дастлабки йилларда 5 ва 7 қаватли уй-жойлар қурилган бўлса, кейинчалик хоризж тажрибаларидан келиб чиқиб, халқаро стандартлар асосида 12 қаватдан 25 қаватгача бўлган замонавий уй-жойлар барпо этила бошланди.

– Компаниямиз томонидан республика миқёсида 100 дан ортиқ кўп қаватли уй-жой қурилиб, аҳолига тайёр ҳолда топширилди, – деди “Agromir buildings” компанияси бошқарувчиси Зафар Жўрақулов. – Биз биринчи марта 12, 14 қаватли ва 16, 25 қа-

ватли уйларни қуриб топширдик. Қурилиш жараёнида ишлатиладиган маҳсулотларимизнинг асосий қисмини ўзимиз ишлаб чиқарамиз. Хомашё узилиб қолмаслиги учун тез фурсатларда ва ўз вақтида керакли материалларни етказиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Қурилиш жараёнида биз бугунги кунда асосан энергия тежамкор материаллардан фойдаланяпмиз. Ҳозирги кунда қурилаётган 16 қаватли уйлар ташқи тарафига 10 сантиметр қалинликда базальт қоплаяпмиз. Битта уй учун бу маҳсулотдан 300 куб метр сарфлаймиз. Ичкари ва йўлак қисмларни ҳам шу маҳсулот билан ҳимоя қиламиз. Бу эса ичкаридаги ҳароратни 25 даражадан 30 даражача доимий равишда сақлаб туради.

Мутахассисларнинг фикрича, мазкур уйларни барпо этиш жараёнида маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган газоблокдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бугунги кунда аксарият давлатлар қурилишида ғишт ўрнига газоблок ишлатилмоқда. Бунинг сабаби, газоблок ўзининг енгиллиги, табиий газни кам сарфлаши, энергия тежамкорлиги, тупроқ қўшилмаслиги билан ғишдан фарқ қиладди. Ана шу хусусиятлари туфайли “Agromir buildings” компанияси бунёдкорлари ҳам бу маҳсулотни бошқаларидан афзал деб билишмоқда. Қорасувдаги ва бошқа ҳудудлардаги қурилишларда газоблокнинг ўрни бекиёс бўляпти. Уларнинг бу ташаббусини, тажрибасини бошқаларга ўрнак сифатида кўрсатиш мумкин.

Қадимий Самарқандда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўламини кенг. Амалга оширилаётган бунёдкорликларга ҳавас қилмасдан бўлмайдими. Зеро “Agromir buildings” компанияси қурувчилари бу жараёнда ўрнак бўлаётганлиги айниқса, эътиборга сазовор. Айтиш мумкинки, Самарқанднинг бугунги бунёдкорлиги, янгидан-янги уй-жойлар қурилишида бу компаниянинг улуши катта. Заҳматқаш, матонатли бинкорлар вилоятдаги барча эзгу ҳаракатларда, хайрли ва савоб ишларда ҳам етакчилардан ҳисобланади.





# “SXF SAMARQAND CITY STROY” – мукаммал мажмуалар бунёдкори

**Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, кенг миқёсда амалга оширилаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Кимлардир дарахт экиш, теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш билан, кимлардир қурилиш билан машғул. Шаҳар ёки қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш борасида изланаётганлар қанча.**

Ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида бажарилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳар қанча мақтовга арзийди. Улар ичида биз кутган ва кутмаган воқеликлар, янгиликлар ҳам кўп учрайди. Айниқса, туризм ривожини йўлидаги ишлар, сайёҳларга яратилаётган қулайликлар эътиборни тортади.

Фойдаланишга топширилганига ҳали кўп бўлмаган “Буюк ипак йўли” халқаро туристик маркази Самарқанд довруғининг янада ошишига хизмат қилди. Қисқа муддатда бу йирик мажмуа тилларда дoston бўлди. Эндилликда эса шаҳарда яна бир улкан мажмуа – “Samarkand city” жадаллик билан барпо этилмоқда. Бу эса кўҳна шаҳарда туризмга бўлган эътиборнинг ошиб бораётганидан далолатидир.

Айтиш жоизки, кўпчилик бу икки мажмуани бир-бири билан чалкаштириб юборади, айрим ҳолларда уларни бир мажмуа деб ҳам ўйлашади. Аслида эса ундай эмас. Уларнинг жуғрофий жиҳатдан жойлашуви шаҳарнинг икки ҳудудиди. Ҳар икки лойиҳанинг ўзига хос улкан мақсади, ўз мазмун-моҳияти бор. Асосийси, бу лойиҳаларнинг юрт равнақига ҳисса қўшиши, кўҳна шаҳар ободлиги ва орасталигини янада яхшилаши, хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар учун қулайликлар ошириши алоҳида эътиборга молик.

Самарқандда ўтказилган Шанхай ҳам-

корлик ташкилоти саммити муносабати билан қад ростлаган сайёҳлик комплекси эшак эшиш канали бўйида жойлашган бўлиб, у аллақачон аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Янгидан барпо этиладиган “Samarqand city” учун эса шаҳар марказидаги собиқ “Красний двигатель” заводи ўрнида жой танланган. Унинг қурилиши билан бош пудратчи ташкилот “SXF Samarqand City Stroy” МЧЖ жамоаси шуғулланапти.

– Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, “Samarqand city” туризм ва инвестицион марказини барпо этаямиз, – деди жамият директори ўринбосари Дилмурод Комилов. – 16 гектар майдонни эгаллайдиган иншоот мукаммал лойиҳага асосланган ва бу ерда шаҳар аҳли ва меҳмонлари учун барча қулайликлар яратилади. Таркибида кўп қаватли турар жойлари ҳам бўлган мажмуа қурилиши жадал суръатда давом этмоқда. Тажрибали мутахассис ва зарур техникалар етарли бўлгани боис, жамоа мушкулени осон қилмоқда. Муҳими, бу жараёнда барча имкониятлар ишга солиниб, замонавий материаллардан кенг фойдаланилмоқда.

Шаҳар ичидаги гўзал шаҳарчани барпо этаётган қурувчилар иш жараёнида анъанавий иморатсозлик усулларини қўллаш баробарида, энергиятежамкор материаллардан унумли фойдаланишга ҳам аҳамият қарат-



моқда. Бу ерда бошланган ишлар ниҳоясига етказилса, Самарқанд яна бир мўъжаз мажмуага эга бўлади.

Кўплаб эзгу ишларга масъул бўлган Самарқанд шаҳридаги “SXF Samarqand City Stroy” МЧЖ қўшма корхонаси фаолияти ривож топиб, ҳамкор ташкилотлар сафини ҳам кенгайтириб бормоқда. Корхона раҳбари Улуғбек Ҳамдамов ёш бўлишига қарамай, замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассис ҳисобланади. Шу боис корхона

моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳамкорлик доирасини кенгайтириш борасида ғайрат кўрсатмоқда. Корхона фаолияти давомида Самарқанд шаҳрида меҳмонхона, истироҳат боғи, кўнгилочар маскан, ресторан, гипермаркет, тиббий марказ, офис, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳамда кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш орқали танилган. Корхонанинг галдаги асосий вазифаларидан бири эса туризм мажмуасини бунёд этишдан иборат.







Хитойнинг "Horgos Hongheyuan International Trade Co. LTD" ҳамда БААнинг "ABC Global Fze LLC" хорижий компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган "SXF Samarqand City Stroy" МЧЖ қўшма корхонаси қошида бугунги кунда жами 8 та йирик ва кичик қурилиш корхоналари мавжуд. Улар республикамизнинг бир неча ҳудудларида фаолият юритмоқда. Жумладан, Фарғона вилояти Кўқон шаҳрида "Qo'qon Maroqand Mall-Center" МЧЖ қўшма корхонаси ҳамда Самарқанд шаҳридаги "SXF Silk Road Construction Group" МЧЖ каби йирик меҳнат жамоалари мавжуд. Улар кўп қаватли кўнгилочар масканлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари биноларини қуришади.

Мазкур қурилиш ташкилотлари ҳозиргача бир қатор ишларни амалга ошириб улгуришди. "SXF Brick Factor" МЧЖ томонидан Оқдарё тумани Даҳбет шаҳарчасида барпо этилган кўп қаватли турар жой бинолари, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш объектлари, "SXF Great City Building" МЧЖнинг Самарқанд шаҳри Минтут маҳалласида қурган кўп қаватли уйлар барча қулайликларга эгаллиги билан миқдорларга манзур бўлди.

Ҳозирда "SXF Kempink" МЧЖ Самарқанд шаҳрининг Чўпон ота мавзесида халқаро автошоҳбехат ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноларини барпо этипти. "SXF Voha Gavhari" МЧЖ бунёдкорлари Қарши шаҳрининг Қарликхона маҳалласида кўп қаватли турар жойлар қуриш ишларини олиб борапти.

Яна бир қурилиш ташкилоти "Maroqand Mall-Center" МЧЖ қўшма корхонаси Қарши шаҳрида кўп қаватли кўнгилочар маскан

ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноларини қурмоқда. "Otfarmas" МЧЖ жамоаси эса "Қарши – Бешкент" йўлида меҳмонхона, кўп қаватли уй-жой, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилиши билан банд. Бунёдкорлик ишлари туфайли 2033 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

– Юртимизда тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратилляпти, – дейди Ургут туманидаги "Big stroy Building" МФЖ таъсисчиси Зафар Тўраев. – Давлатимиз раҳбарининг ҳар йили биз, тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ташкил этиб, дилдан суҳбатлашаётгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Буларнинг бари бизни янада ғайрат билан ишлашга, ташаббус кўрсатишга ундайди. Халқимизда "Қарс икки қўлдан чиқади", деган ибора бор. Бу яратилаётган имкониятларга ҳар бир соҳа эгаси, жумладан, қурувчилар ҳам амалий ишлар билан жавоб бериши лозимлигини англайди. Корхонамиз 2018 йилда ташкил этилиб, илк фаолиятни 22 нафар ишчи билан бошлагандик. Бугунги кунда улар сони 2 мингдан ортиқ, 30 дан ортиқ корхонанинг бирлашувига имконият яратилди. Бу биргина Самарқанд вилоятидагина эмас, бутун мамлакатдаги йирик корхоналар сафида эканимиздан далолат беради. Аслида гап йириклашишда эмас. Кўпроқ эътибор сифатга қаратилганида. Меҳнат сифатини таъминлаш эса асосан кадрлар тажрибаси ва малакасига боғлиқ. Бизда бу борада эътироф этишга арзирли салоҳият мавжуд.

Самарқанд шаҳрининг Чўпон ота ҳудудида йирик автошоҳбехат қуриш ишлари бошлаб юборилган. Бу ҳудуд республикамизнинг энг кўп вилоят ва шаҳарларини, қолаверса, қўшни давлатларни бир-бири

билан боғловчи муҳим маскан ҳисобланади. Негаки, республика ва қўшни давлатлардан ўтувчи кўпгина йўллар шу ерда туташади. Маҳаллий ва халқаро туризмнинг ривожланишида Чўпон отанинг ўрни беқиёс. Айни пайтда ажратилган 4 гектарлик ҳудудда қурилиш ишлари авж паллада.

Автошоҳбехат қурилиши бўйича онлайн-аукционда "SXF Kemping" МЧЖ иштирок этиб, ғолиб бўлганди. Қурилишнинг лойиҳа ҳужжатлари "Yakhushev proekt servis" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳолда иш бошлаб юборилди. Лойиҳа бўйича автошоҳбехат бир вақтнинг ўзиде 150 та автобус, 200 та микроавтобус ва 300 та енгил турдаги транспорт воситаларини қабул қилишга мўлжалланган. Шунингдек, лойиҳада автошоҳбехатнинг асосий маъмурий (йўловчилар кутиш зали) биноси, автобуслар, микроавтобуслар ва енгил турдаги транспорт воситалари учун техник хизмат кўрсатиш бинолари, автотурагоҳлар, автобусларнинг халқаро, вилоятлар ва шаҳарлараро йўналишлар бўйича ҳаракатланиш майдонлари (йўловчилар учун перрон) туманлараро ва шаҳар йўналиши бўйича автобус ва микроавтобуслар ҳаракатланиш майдонлари (йўловчилар учун перрон) йўналишсиз таксиларнинг шаҳар йўналиши бўйича ҳаракатланиш майдонлари, йўловчи ва ҳайдовчилар учун тиббий хизмат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш объектлари, кўнгилочар ва турли дам олиш майдонлари қурилиши назарда тутилган.

– Объектда қурилиш-монтаж ишлари 2021 йилда бошланган бўлиб, бугунги кунда автошоҳбехатнинг асосий маъмурий биноси (йўловчилар кутиш зали) ва автобуслар

учун техник хизмат кўрсатиш биноларида 40-45 фоиз қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори Сайфиддин Нарзиқулов. – Қурилиш ишлари 2024 йилнинг тўртинчи чорагида яқунланиб, фойдаланишга топширилади ва мазкур лойиҳа ишга туширилиши билан 1000 га яқин янги иш ўрни яратилади. "Samarkand city" туризм ва инвестицион маркази ташкилотчилиги ва ташаббускорлигида Самарқандда туризми билан боғлиқ ҳали кўплаб бундай ишлар амалга оширилади. Бу эса кўҳна шаҳарда туризмнинг келажиги порлоқ эканидан далолат беради. Дунё аҳлининг Самарқандга ташрифидан асосий мақсади – бу заминдаги кўҳна обидаларни кўриш, томоша қилиш, табаррук жойларни зиёрат қилишга қаратилган. Лекин туризмнинг том маънода англанилиши йўлидаги имкониятлар етарли эмасди, қатор йўналишлар учун хизмат қиладиган замонавий мажмуалар кўҳна шаҳарда яқин йилларга қадар мавжуд эмасди. Эндиликда эса айнан шу соҳада жиддий ишлар олиб бориляпти.

"Буюк ипак йўли" халқаро туристик маркази барчанинг эътиборидаги мажмуага айланди. "Samarkand city" қурилиши эса жадаллик билан давом этмоқда. Бу эса кўҳна шаҳарда қурувчиларнинг зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилаётгани, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланаётганидан далолат беради. Барпо этилаётган "Samarkand city" эса доимий равишда юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг эътиборида бўлади. Мажмуани барпо этаётган бунёдкорларга улкан шижоат, ғайрат ва муваффақият тилаб қоламиз.



## “Орзулар макони” сари интилиш

Икромбек Асломов Самарқанд шаҳрида туғилиб, шу ердаги 5-мактабни тамомлади ва Кооператив техникумининг иқтисодиёт бўлимида таҳсилни давом эттирди. Техникумни тугатгач қурувчилик фаолиятига киришади. Айти пайтда иш фаолияти билан бирга Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ҳам сиртдан таҳсил оляпти. Жамиятга раҳбар бўлгунга қадар у “Elite building” компанияси иш юритувчиси вазифасида ишлаган. Эндиликда унинг ўзи ҳам янги ташкилотнинг раҳбари ҳисобланади.

ишларимиз давлатимиз раҳбарининг халқимизни уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги ташаббусларига “лаббай” дея қўшилганимиз, аҳоли учун мустаҳкам иморатлар қуришни олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз нишонасидир. Шу боис, қурилиш жараёнида ҳар қандай юмушга қатъият билан ёндашиб, сифатга жиддий эътибор қаратдик.

Айтиш керакки, “Elite building” бунёдкорлари 2015 йилдан буён мазкур маҳаллада 1150 та квартирани эгаларига топшириб, қанчадан қанча уй-жойга эҳтиёжманд оилаларнинг қувончига шерик бўлишди. Компания томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида уйлар ертўлалари қисмида тикувчилик цехлари барпо этилди. 250 ўринли мактабгача таълим ташкилоти учун жой ажратиб берилди. Ушбу маҳаллада йирик қурилиш ишлари бошлаган бир пайтда қурувчилар жамоаси маҳалла билан ҳақиқий ҳамкорликни йўлга қўйишди. Бир неча йил мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида маҳалла қиёфаси батамом ўзгача қиёфага кирди. Улар томонидан бунёд этилган кўп қаватли уйлар ҳудудга чинаяк чирой бағишлади.

Ислохотдаги ишлар ниҳоясига етказилгач, Икромбек отаси, компания директори, малакали молиячи Илҳом ҳожи Рустамов маслаҳати билан Рудакий қўчасида эски консерва заводи ўрнида яна бир йирик жамуани қуришга киришди. Янги уйлар қад ростлаётган ушбу ҳудудни “Орзулар макони” деб номлашди ва ўзлари учун “Орзулар макони сари интилиш” дея шиор қилиб танлашди. Шиор бунёдкорларнинг ҳақиқий брендига айланди. Бу ерда қурилиш соҳасида тўпланган бой тажрибасини кенг қўллаган Икромбек Асломовнинг асл мақсади бўлиб қолди.

– “Орзулар макони”да чинакам экошаҳарча яратилади, – деди Икромбек. – 6 гектардан зиёд майдонда 7 та блокдан иборат 12 қаватли уйлар қурилади. Биноларни барпо этишда биринчи ўринда сифатга эътибор қаратяпмиз. Мақсадимиз – ҳар бир уйнинг пишиқ ва мустаҳкам бўлишини таъминлашдир.

Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида катта-катта иморатларнинг барпо этилиши нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартиряпти, балки одамлар ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият ҳам бағишламоқда. Айниқса, аҳолини арзон ва қулай турар жойлар билан таъминлаш бўйича мақсадли дастурлар доирасида намунали уйлар, маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектлар қурилиб, ён-атроф инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилмоқда. Ана шундай ишларда қаҳрамонларимиз ҳам ҳамиша фаоллик кўрсатишаётгани таҳсинга лойиқ.

Илҳом ҳожи Рустамов кўҳна Самарқандда шарафли меҳнати билан тилга тушган қурувчилардан. У дастлаб Самарқанд молия техникумида ўқиган, кейинчалик Самарқанд архитектура-қурилиш институтида, Тошкент халқ хўжалик институтида таҳсилни давом эттирган. 1995 йилдан банк соҳасида ишлаган бўлса, 2004 йилдан хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, шу тариқа турар жойлар қурилиши у кишининг асосий йўналишига айланди.

У Самарқанддаги “Elite building” компанияси асосчиси ва таъсисчиси. Компания ташкил топгандан буён раҳбар сифатида у ҳам мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида фаол қатнашиб келмоқда. Самарқанддек кўҳна шаҳарнинг янги қиёфа касб этишига, замонавий бино-иншоотларнинг қад ростлашига ўз жамоаси билан биргаликда катта ҳисса қўшаётир.

Компания таркибидagi “Axmadbek qurilish TRIO” МЧЖ раҳбари Икромбек Асломов бажарилётган ишлар кўлами ҳақида шундай фикр билдирди:

– Оддий тил билан айтганда, замон ўзгаряпти. У одамларнинг ҳаётга қарашларида, меҳнатида, бир-бирларига бўлган муносабатида яққол кўзга ташланмоқда. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, биз айтган замонни одамлар ўзгартиряпти, янаям аниқроғи, уларнинг ўзлари ўзгаряпти. Лекин барибир, бу жараёнда замон руҳининг, давр талабининг юқори эканини ёддан чиқармаслигимиз керак. Бунёдкорларимиз ҳар йили жиддий ишларни амалга оширишмоқда. Шу ўринда биз ҳам кўҳна шаҳарнинг бир қанча ҳудудларида бажарган ишларимиз ҳақида фахр билан гапирсак, арзийди. Масалан, шаҳарнинг Ислохот маҳалласида барпо этилган кўп қаватли турар жой биноларининг бу ҳудуд инфратузилмасини буткул ўзгартириб юборганини маҳалла аҳли ҳам мамнунлик билан гапиришади.

Тўғриси, Ислохот маҳалласида янгидан барпо этилган замонавий кўп қаватли уйлар ҳар қандай кишини ўзига ром айлайди. Балки улар бундан юз йил аввал қурилган эски, пасткам уйлар ўрнида қад ростлагани учундир. Бир ҳудуднинг обод этилгани, одамлар яшаш шароитининг яхшилангани, бу ерда ҳавас қиларли даражада фаровонлик яратилгани мамлакатимизда инсон омилига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол намунаси. Бу ҳақда Икромбек Асломов шундай дейди:

– Бугун давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун яратиб берилётган имкониятлар ҳар бир кишидан фаол ва интилувчан бўлишни талаб этади. Ушбу маҳаллада





## Эл эътиборидаги Алишер

**“Central Asia Buildings” МЧЖнинг самарқандлик қурувчилар орасида алоҳида ўрни бор. Айниқса, янги кўп қаватли турар жойлар барпо этилишида бу қурилиш ташкилотининг фаоллиги юқори. Унинг раҳбари Алишер Комил ўғли Садиев 1991 йилда туғилган. Самарқанднинг қадимий юртлиридан бири Ургут фарзанди. Алишер Мустақиллик тенгдоши эканидан ғурурланиб қўяди, ўзидаги ишбилармонликни, хусусий тармоқда эришаётган муваффақиятларни, раҳбарлик лаёқатининг шаклланишини, одамларга бўлган меҳр-эътиборини айнан истиқлол шарофати билан боғлайди.**



Алишер Садиев билан унинг офисида учрашганимизда, дастлаб у юридик шахс (тадбиркорлик субъекти) давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномани кўлига олди. Гувоҳномада “Central Asia Buildings” МЧЖнинг ташкил этилиши ҳақидаги маълумотлар киритилган. Самарқанд шаҳрининг Мирзо Улуғбек кўчасидаги 91-уйда жойлашгани, бу ҳақда Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатдан ўтказилгани акс эттирилган.

– Бу маълумотнома масъулияти чекланган жамиятимизнинг қонуний ҳужжати, – деди Алишер биз билан суҳбатда. – Қурилиш ташкилотимизнинг ана шундай ёрликка эгаллиги, у асосида фаолият юритаётгани, вилоятимиздаги қурилиш-бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани қалбимни қувончга, фахр-ифтихорга тўлдиради. Юртимизда хусусий мулкка бўлган эътиборнинг юқорилиги, бу соҳада меҳнат қилаётганларнинг ғамхўрлик қуршовида эканлиги касбимга муносабатимни янада оширади.

Юқорида таъкидланганидек, Алишер Ургутда туғилган, шу ерда мактабда ўқиган, улғайган. Ўқувчилик давридаёқ қурувчиликка ҳаваси баланд бўлган. Бунини устозлари унинг чизмачиликка меҳр қўйганидан ҳам сезишарди. Чизмаларида кўпроқ баланд-баланд биноларни,



ҳашаматли иморатларни акс эттирар, бу билан устозлари эътиборига тушарди. Алишернинг отаси Комил Садиев хусусий тадбиркор, онаси Музаффар Зарипова ўқитувчи бўлиб, ўғилларининг ўқишига жиддий эътибор қаратишарди.

Ургутдаги 1-мактаб таълимидан сўнг Алишер Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицейда ўқишни давом эттирди. 2011-2015 йилларда Самарқанд

давлат архитектура-қурилиш университети талабаси бўлди. Олий таълимдан сўнг Ургут касб-ҳунар коллежида чизмачилик фанидан дарс берди. Уч йиллик ўқитувчилик фаолияти даврида у кичикроқ фирма ташкил этиб, қурувчилик билан ҳам шуғулланди. Тизимда иш ўрганиб, тажриба орттира бошлади. Кейинчалик Самарқанддаги дўсти, курсдоши Анвар Темиров билан биргаликда “Юксалиш” ма-

съулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Яна бир курсдоши, “Шукрона сити” фирмаси раҳбари Отабек Эргашев билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

– “Central Asia Buildings” МЧЖни ташкил этган пайтларимиз дастлаб бюджет ташкилотлари билан ҳамкорликда инвестиция дастурлари асосида иш бошлагандик, – дея суҳбатни давом эттирди Алишер. – Ҳозир эса бунёдкорлик

ишларини анча кенгайтирганмиз. Кимёгарлар қўрғонида 450 хонадонга эга кўп қаватли уй-жой қуряпмиз. Самарқанд туманида ҳам иншоотлар барпо этилди. Қашқадарё вилоятининг янгидан ташкил этилган Кўкдала туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида уй-жойлар қуришда ҳам фаол ҳаракатдамыз. Ургут туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида эса бир йўла 9 та кўп қаватли турар жой бинолари қад ростламоқда.

Дўсти, ҳамкасби, “Юксалиш” МЧЖ директори Анвар Темиров Алишернинг фаолияти ҳақида шундай деди:

– Алишер Садиев замонамизнинг ҳақиқий бунёдкорига айланди, қисқа вақтда самарали меҳнатлари билан эл эътиборига тушди. У турар жойлардан ташқари, ижтимоий объектлар ҳам барпо этипти. Масалан, шу кунларда унинг меҳнат жамоаси Кимёгарлар қўрғонида янги МТТ ва мактаб бинолари қурилишида фаол қатнашмоқда. Яна бир эътиборли жиҳат, у МЧЖ қошида бунёдкорлик ишларига хизмат кўрсатувчи “Dekouz” фирмаси фаолиятини ҳам йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Олдинда эса янада баланд чўққиларни забт этишдек улкан мақсадлар турибди. Ўйлайманки, у ўз меҳнати, ишчанлиги билан буларга албатта эришади.

Биз ҳам ёш тадбиркорнинг келгуси ишларига омад тилаб, парвози янада юқори бўлишига умид билдирдик.







## Мозий давомчилари

**Инсоният пайдо бўлибдики, ривожланиш ва янгиликлар сари интилади. Шу билан бирга, ривожланишни белгилаб берувчи бир қатор омиллардан келиб чиқсак, тараққиётнинг асосий улуши қурилиш ва бунёдкорлик ишларида акс этади. Мантиқан ўйлаб қараганда ҳам қаерда илм-фан, технология ривожланса, инсонларнинг фаровон яшаш имкониятлари ошиб борса, ўша ерда улкан бунёдкорлик ишлари авж олади. Чунки меъморчилик қадимдан ҳам қудрат ва имкониятлар белгиси бўлиб келган.**

Жумладан, Самарқанддаги тарихий обидалар ҳақида гапирганда ҳам чуқур ҳайрат ва фахр ҳиссини туяди киши. Буюк бобомиз Амир Темур даврида шакланган меъморий маданият бугунга қадар юртимизни тарих саҳифаларидан туширмай келаётир. “Вақт шиддатига шунча замонки бардош бераётган кўхна обидалар сири нимада?” деган савол кўпчилик учун жумбоқ бўлиб келмоқда. Буюк саркарда Амир Темур ҳам қаерга юриш қилса, олимлар ва илм аҳлини, меъмор ва усталарнинг хавфсизлигини таъминлаган. Энг мохирларини Самарқандга келтириб, улкан бунёдкорлик ишларини давом эттирган. Самарқанд даврининг энг кучлилари йиғилган заминга айланган.

2011 йилда 3 нафар таъсисчи томонидан Самарқанд вилоятида очилган “Жартепа қурилиш дизайн” ташкилоти ҳам бунёдкор боболаримизнинг анъанасини давом эттириб, бир-бирдан гўзал иншоотлар қуриш билан шуғулланиб келмоқда. Бундан 10 йилча олдин қурилиш бозорига мавжуд лойиҳалар кам, бозордаги рақобат ҳали кучли ривожланмаган эди. Хусусий лойиҳаларга пул тикадиган компаниялар озчиликни ташкил этиб, давлат буюртмасига таяниб иш қилинарди.

– Биз учун қайси давр экани аҳамиятсиз, – деди компания таъсисчиларидан бири Азамат Широ. – Ҳаётда нимагадир эришиш учун вақт ва вазият танламаслик керак, деб ўйлайман. Худо ҳаракати жадал, меҳнати ҳалол ҳар бандасига ўзи мадад беради. Олдин лойиҳаларимиз кам бўлгандир, аммо фойда қилиш имконияти кўпроқ эди. Чунки бозор бугунгидек жадал бўлмаган. Ҳозир эса рақобат ва шиддат юқори. Аммо ишининг сифатига, берилган муддатда яқунлай олиш кўникмасига эга бўлган қурилиш ташкилотлари кам. Биз эса ҳамisha олдинга интилишга, замон билан ҳамнафас ҳаракат қилишга, ўз устимизда тинмай ишлашга ҳаракат қиламиз. Қурилишда берилган ваъданинг устидан

чиқиш жуда муҳим ҳисобланади. Мижозлар ва халқнинг ишончли ҳамкорига айланиш рақобатбардош муҳитда компаниянинг истиқболини таъминлаб беради. Шу сабабли, ишимизни пухта ва сифатли бажаришга, ҳар бир деталга жиддий ёндашишга интиламиз. Астойдил иш қилинса, юртимиз ҳам, халқимиз ҳам фаровон ва бахтли яшайди.



Дарҳақиқат, Азамат Широ айтгани каби виждонли қурилиш ташкилотлари кўпайса, халқимиз ҳам янги уйларида беҳавотир, хотиржам ва бахтли яшай олади. Биз жамиятнинг қанча юртдошларимизни иш билан таъминлагани, бугунгача мавжуд моддий-техник базасига ҳам қизиқдик. Айни вақтда “Жартепа қурилиш дизайн” фирмасида 236 нафар ишчи фаолият юритади. Жамият ихтиёрида 36 та махсус техника мавжуд. Фирма “Шаф-



фоф қурилиш” тизимидаги рейтинг поғонасида “ББ” тоифада бўлиб, сўнгги йилларда ижобий ўсиш кўрсаткичларига эга. Қолаверса, лойиҳалар сонини ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, моддий-техник базани кучайтириб бориш ташкилотнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Компания шу кунгача кўплаб лойиҳалар-

МФЙ ҳудудидаги 5-МТТни реконструкция қилиш, Окдарё туманидаги “Миёнкул” МФЙ ҳудудида янги МТТ қурилиши, Пайариқ туманидаги 150 ўринли 28-сонли МТТ биносини мукамал таъмирлаш, Окдарё тумани Даҳбед кўрғонидаги Алишер Навоий номли маҳаллага қарашли “Ёшлар кутубхонаси”ни қуриш, Каттакўрғон шаҳрининг Амир Темур кўчасидаги ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш, Самарқанд давлат университетининг Биология факультетида лаборатория биноси қуриш ишлари, Пайариқ туман тиббиёт бирлашмасини қуриш, Самарқанд наркология диспансерини қуриш каби лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Амалга оширилган лойиҳаларга қарайдиган бўлсак, кўпчилиги ижтимоий объектлар эканлигининг гувоҳи бўламиз. Бу каби халққа манфаатли лойиҳаларда бардавтом бўлиш жамоани юксак марралар сари илҳомлантурса, халқимизни обод манзиллар сони кўпаяётгани билан хурсанд этади. “Жартепа қурилиш дизайн” МЧЖ барча ходимларга вақтида ойлик беришга, ишни кўнгилдагидек яқунлашга жиддий урғу беради. Жамоада шакланган эзгу қадриятлар қурилиш ташкилотининг вилоят миқёсида муносиб ўрин эгаллашида, қолаверса, республика миқёсида ҳам намунали корхоналар сафидан жой эгаллаб бораётганида ҳам яққол намоён бўлади. Амир Темурдек боболаримиз бизга шундай гўзал иншоотларни мерос қилиб қолдирган экан, биз ҳам улуғлар узидан қориб, келажак авлодларга ўз қўлимиз билан қурган меъморий эсдаликларни қолдиришимиз керак.

“Жартепа қурилиш дизайн” жамоасига ана шундай гўзал ва машаққатли вазифада омад ва муваффақият тилаб қоламиз. Ўйлаймизки, мозий издошлари бу кутлуғ ва савобли вазифани ортиғи билан адо этишади. Уларга мустақкам соғлиқ, куч-қувват ва шижоат ҳамроҳ бўлсин деймиз!



# "JARTERA QURILISH DIZAYN"

масъулияти чекланган жамияти

ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ФИДОЙИ  
ВАКИЛЛАРИНИ БУГУНГИ КАСБ БАЙРАМИ  
БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Шаҳару қишлоқларимизни  
замонавий қиёфада  
қад ростлаши учун  
камарбаста бўлишдан  
асло толманг.





# Боболар йўли – бахтли йўл

**“Sherzod Stroy Servis” МЧЖ Самарқанддаги эътиборга тушган қурилиш ташкилотларидан бири. Унинг раҳбари Далер Шамсиев бобоси сингари қурувчи бўлишни ёшлигидан орзу қиларди. У Самарқандда туғилиб, шу ерда вояга етган эмасми, ҳар гал шаҳар бўйлаб сайрга чиққанида, бири-биридан гўзал, бири-биридан маҳобатли биноларга боқиб, бунёдкорлик касбининг ўзи англамаган сеҳрли жиҳатларига мафтун бўлар, кун сайин бу соҳага меҳри ошиб борарди.**

Далернинг бобоси Абдурахмон Аҳмеджонов ўз даврининг тажрибали қурувчиларидан саналган. Далер билардики, қадимий Самарқанддаги қанчадан-қанча иншоотлар, турар жой биноларининг барпо этилишида ана шу инсоннинг ҳиссаси, ўрни бор. Бинобарин, айна пайтда бобоси оламдан ўтган бўлса-да, қурган бинолари ҳамон одамларга хизмат қилаётгани унинг қалбида фахр-ифтихор ҳиссини кучайтиради.

“Демак, қурувчилик энг керакли касблардан, бинокорлар қурган иморатларнинг умри узун бўлади, улар асрлар оша яшайди, ана шу бинолар аждодлар меҳнатини, маданиятини, маънавиятини келажакка етказиши. Самарқанддаги қадимий осори-атиқалар бағрида нелар яширин, уларнинг бир қисми эса ўша давр бунёдкорлари қалбларида қолиб кетган, мен ҳам бобом ишини давом эттиришим керак. Мен яшаётган қадимий Самарқанд салоҳияти, салобатининг янада ошишида бунёдкорларнинг ўрни алоҳида бўлиши лозим”.

Далер шундай ўйда Самарқанд келажagini тасаввур қилар, шаҳарда гўзал иншоотлар бунёд этилишида ўзининг ҳам иштироки

бўлишини жуда ҳам хоҳларди. Ана шундай ниятда мактабни, академик лицейни, олий ўқув юртини битирди. Бу йилларда қурувчиликка, дизайнликка бўлган ҳаваси ошса ошдики, асло сўнмади. Бугун эса унинг ўзи қурилиш ташкилотининг раҳбари, Самарқанддаги “Sherzod Stroy Servis” МЧЖ раҳбари.

Қурилиш ишларининг тобора кенгайиб бориши, табиийки, биллими, тажрибали лойиҳачилар, архитекторларга бўлган талабни оширади. Шунинг учун ҳозирги кунда соҳага янги, инновацион материалларни жалб этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Қолаверса, бунёдкорлик ва яратувчилик меҳнатининг қадри ошиб, тизим жадал тараққий этмоқда. Шундай пайтда Далер устозлари, тажрибали мутахассислар ва уларнинг аънанасини муносиб давомчилари ҳақида ўйга чўмади ва хаёлан фикр юритади:

– Бунёдкор, хунарманднинг меҳнат маҳсули узоқ яшайди, у барпо этган иншоотлар замонларни бир-бири билан боғлайди. Самарқандда яшаган боболаримиз шундай инсонлар бўлишган. Бугунги кунда қадимий шаҳарга кўрк бериб турган не-не осмонўпар миноралар, сайёҳларнинг ақлини

шошираётган қатор осори-атиқалар айнан шундай бунёдкорлар – хунармандлар, усталар қўли билан бунёд этилган. Менинг Абдурахмон бобом ҳам шундай инсонлар орасида бўлган. Демак, энди менинг галим.

“Боболар йўли – бахтли йўл”, деб бежизга айтишмайди. Шундай йўлни танладимми, энди ортга қайтиш йўқ. Тажрибали ва малакали қурувчи бўлган устозларим, дўстларим кўп. Улар ҳеч қачон қийналиб қолишимга йўл қўйишмайди, зарур пайтда кўмак беришади. Қолаверса, анча-мунча нарсаларга тушунман, олий маълумотли мутахассисман. Озгина ҳаракат қилсам, менга ҳам боболарнинг йўли берилади”.

Далер Шамсиев Самарқанднинг энг навқирон, тиниб-тинчимас, изланувчан, янгиликларга ўч қурувчиларидан. У ўз устида ишлашдан, малакасини, тажрибасини оширишдан асло эринмайди. Ҳамиша ишларига фан ва амалиётни боғлашга ҳаракат қилади.

– Кейинги йилларда юртимизда кўплай уй-жойлар, таълим муассасалари, шифохоналар, йирик заводлар, йўллар ва кўприклар қурилди, – дея мамлакат ҳаёти ҳақида жўшиб гапирди у. – Соҳа



учун зарур ашёларни ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти. Натижада қурилиш жараёни маҳаллий материаллар билан таъминланяпти. Илгари эса бундай имкониятлар йўқ эди. Бундан тўрт-беш йил аввал мамлакат бўйлаб замонавий “сити”лар қурилади, дейилса ҳеч ким ишонмасди. Бугун эса нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам замонавий шаҳарчалар бунёд этиляпти ва бундай жараёнлар давом этмоқда. Бугун биз, ёш қурувчилар ҳам жойларда олиб борилаётган шундай бунёдкорлик ишларининг иштирокчисимиз. Булардан англаш мумкинки, Ўзбекистонда йирик лойиҳаларни ҳаётга йўналтириш, осмонўпар биноларни тез ва си-

фатли барпо этишга қодир бўлган қурилиш индустрияси шаклланди. Соҳа ходимларининг тажрибаси, малакаси юксалди. Бу Янги Ўзбекистоннинг қурилиш тизими янги даврга мос ривожланиб бораётганидан, боболаримизнинг бизлар учун бахтли саналган йўлидан дадил одимлаётганимиздан далолатдир.

Биз ҳам бобосининг изидан бориб, бугунги кун бунёдкорлари орасида ўз номига эга бўлиб улгурган “Sherzod Stroy Servis” МЧЖ раҳбари Далер Шамсиев ва унинг жамоасини касб байрами билан табриклаймиз. Рўйи замин сайқали бўлмиш Самарқандни дунёга янада кенгроқ танитадиган бинолар қуришига тилакдошимиз.







QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI,  
GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI  
LOYIHA ILMIY-TEKSHIRISH INSTITUTI

# QURILISH SOHASI XODIMLARI KUNI MUBORAK!

Barcha loyihalaringiz  
muvaffaqiyatli va yurt  
ravnaqi yo'lidagi  
mehnatingiz bardavom  
bo'lsin!





# "ТАШГИПРОГОР" АЖ

Тобора ривожланиб, дунёга юз тутаётган азиз  
Ватанимиз бунёдкорлари –

## КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Машаққатли, аммо шарафли касбингиз туфайли  
ҳамиша эл ардоғида юриш насиб этсин.







**Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki**

**Юртимиз тараққиёти, шаҳару қишлоқларимиз кўркамлиги йўлида жавлон уриб меҳнат қилаётган фидойи касб соҳиблари – қўли гул бунёдкорлар ва маҳоратли меъморларни бугунги касб байрами билан табриклаймиз.**

Сизларнинг заҳматли меҳнатингиз туфайли нафақат юртимиз обод, балки халқимиз турмуш тарзи ва фаровонлиги ҳам юксалмоқда. Халқимизга янги уйларда яшаш бахтини тақдим этишдан асло тўхтаманг, азиз бунёдкорлар.

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИ  
ХОДИМЛАРИ КУНИ  
БИЛАН  
ТАБРИКЛАЙМИЗ!**



**Бизнесни  
ривожлантириш  
банкдан ипотека —  
янги хонадон  
ҳақидаги орзулар  
ҳақиқатга  
айланганда!**

**Кредитлаш шартлари:**

- Кредит миқдори: Тошкент шаҳрида 420 миллион сўмгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 330 миллион сўмгача;
- Муддати: 20 йилгача;
- Бошланғич тўлов: уй-жой нархининг 15 % дан бошланади;
- Кредит фоизи: йиллик 17,5% дан бошланади.

Агар сиз истаган хонадонни сотиб олиш учун 420 миллион сўм етарли бўлмаса, унга қўшимча равишда “Мадад” ипотека кредитини олишингиз мумкин.

**”Мадад” қўшимча ипотекасининг шартлари:**

- Кредит муддати: 15 йилгача
- Кредит фоизи: йиллик 24% дан бошланади
- Бошланғич тўлов: квартира умумий қийматининг 20%дан кам бўлмаган миқдорда
- Максимал миқдор: Тошкент шаҳрида 680 000 000 сўмгача, вилоятларда 510 000 000 сўмгача

**Режаларингизни  
кейинга  
қолдирманг!**

Минимал бошланғич тўловни амалга оширинг ва Бизнесни ривожлантириш банкининг турли ипотека кредитлари ёрдамида, ўз уйингиз эгасига айланинг.

“Мадад” ипотекаси бўйича батафсил маълумот:



**1254**  
ТЕЛЕФОН РАҚАМ



# ЮРТ РАВНАҚИ, халқ фаровонлиги йўлида



**Юртимизнинг бошқа ҳудудлари каби Сирдарё вилояти тадбиркорлари ҳам Ватанимиз равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида жон куйдириб меҳнат қилмоқда. Уларнинг машаққатли меҳнати туфайли вилоят ҳудудларида шинам уй-жойлар, таълим-тарбия масканлари, тиббий ва спорт иншоотлари кўплаб барпо этиляпти. Уларда юзлаб янги иш ўрни яратилиб, одамларнинг моддий ва маънавий муаммолари барҳам топяпти.**



Ана шундай ғайрат ва шижоат билан фаолият юритиб келаётган ташкилотлардан бири – “Vuxogo Nurlı kalajak Sari” масъулияти чекланган жамиятидир. 2015 йил Гулистон шаҳрида “Мир металл” масъулияти чекланган хусусий савдо корхонаси таркибида фаолият бошлаган ушбу ташкилот қарийб тўрт йилдан буён турар жой биноларини қуриш билан ҳам шуғулланмоқда. “Мир металл” хусусий корхонаси бир неча йиллар-

дан буён вилоят аҳолиси ва барча қурилиш ташкилотларига хизмат кўрсатади.

Бугунги кунда жамоада 60 нафардан зиёд ишчи-ҳодим фаолият юритади. Уларнинг муносиб меҳнат қилиши учун жамиятда барча шароит ва имкониятлар яратилган. Хусусан, қулай меҳнат шароити билан бир қаторда жамиятга тегишли 25 метрлик автокран ва “БЕК қурилиш” МЧЖ, “Бетон санаот” МЧЖ, СП ООО “ЭАСТ

МИНИНГ ИНВЕСТ” ҳамда бошқа корхоналарнинг махсус техникалари ҳам уларга яқин кўмакчи. Яратилган имкониятлар эса ўз натижасини бермоқда. Қолаверса, халқнинг ўзларига билдирган ишончидан куч олаётган жамоа аъзолари ҳам янада иштиёқ ва завқ билан меҳнат қилиб, аҳолига қулайлик яратишда давом этапти.

Ташкилот жамоаси томонидан ҳозирга қадар Гулистон шаҳрининг Шодлик маҳалласида “ECOWHITE

HOUSE” лойиҳаси асосида 8 ва 5 қаватли, биринчи қавати маиший хизмат кўрсатиш биноси бўлган турар жой бинолари қуриб фойдаланишга топширилган. Уларнинг замонавий қиёфада, барча қулайликларга эга тарзда қурилгани аҳолини ҳам мамнун этмоқда. Янги уйларда яшаётган юртдошларининг миннатдорлиги жамоа аъзоларига янада куч ва ғайрат бағишлагани рост.

Айни пайтда ҳам корхона жамоаси катта куч ва шижоат билан ишлашда давом этмоқда. Улар томонидан “GRAND TOWERS” лойиҳаси асосида 9 қаватли турар жой ва “Шодлик” лойиҳаси доирасида 5 қаватли турар жой биноларини қуриш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Бу ишларни амалга оширишда эса уларга тадбиркор ва келажакни кўра билдирган раҳбар яқиндан ёрдам берапти. “Vuxogo Nurlı kalajak Sari” МЧЖнинг бугунги ютуқларида раҳбарнинг соҳадаги тажрибаси ва жамоани бошқариш қобилияти асқатмоқда.

Ушбу меҳнаткаш жамоага тўрт йилдан буён тажрибали қурилиш соҳаси ходими Анвар Сабиров раҳбарлик қилиб келмоқда. У 1991 йили Янгиер шаҳрида туғилиб, Янгиер касб-хунар коллежини тамомлаб, шу-шу, қурилиш соҳасида фаолият юритиб келяпти. У қурилиш соҳасига тасодифан кириб келмаган. Ёшлигиданоқ архитектор бўлишни орзу қилган қаҳрамонимизни ўша пайтдаги қизиқиши қурилиш соҳаси томон етаклаган бўлса, ажаб эмас. Анвар Сабиров келажакда архитектура йўналишидаги олий таълим даргоҳида билим олишни

мақсад қилган. Олий маълумотли кадр бўлиб, янада катта мақсадларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Ушбу қурилиш ташкилотига раҳбар бўлгунга қадар у “Мир металл” масъулияти чекланган хусусий савдо дўконини юритган.

– Келажакда юртимиз, вилоятимиз янада гуллаб-яшнаши ва халқимизга қулайлик яратишда давом этамиз, – деди Анвар Собиров. – Хусусан, Гулистон шаҳрида “Аҳиллик” лойиҳаси доирасида 9 қаватли 6 блокдан иборат турар жой биносини қуриш ана шундай йирик мақсадларимиздан биридир. Бу каби яна бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш орқали 300 га яқин иш ўрнини ташкил қилиш кўзда тутилган. Бу жараёнда бизга яқиндан кўмак бериб келаётган ишчи-ҳодимларнинг меҳнатини алоҳида таъкидласак, арзийди. Иш бошқарувчи Дилшод Ибадуллаев, бош муҳандис Акбар Жумаев, омбор мудир Ботир Эшбеков ва автокран ҳайдовчиси Ғиёс Қаюмовларнинг жамоадаги ўрни ҳамда кўрсатаётган хизматлари ёшларга ўрнак бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Сирдарё вилоятида ҳам кўплаб ўзгаришлар бўлмоқда. Уларга қараб, фақат ҳавас қилиш мумкин. Мисол учун, 10 йил олдинги Сирдарё билан бугунгисини таққослаб бўлмайди. Янги-янги бинолар, ижтимоий соҳа объектлари, турар жойлар, дам олиш масканлари ва бошқа турдаги объектлар қад ростлагани туфайли ҳудуд таниб бўлмас қиёфага кирмоқда. Яна шуни айтиш жоизки, Гулистон шаҳрининг эски бозор ҳудудида “Gulistan city” қурилиши ишлари бошланиш арафасида турибди. У ерда замонавий бинолар, боғча, мактаб, меҳмонхона ва бошқа турдаги иншоотлар қурилиши режалаштирилган. Вилоятдаги бу ижобий ўзгаришлардан аҳоли ҳам мамнун.

Ушбу кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларида биз юқорида таърифлаган жамоанинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. Вилоятнинг замонавий қиёфасини яратишдек масъулиятли вазифага ўз ҳиссасини қўшиб келаётган “Vuxogo Nurlı kalajak Sari” МЧЖни биз ҳам касб байрами билан қутлаб, келгусидаги ишларига улкан муваффақият тилаб қоламиз!





# Сифатли маҳсулот – ишонч гарови

**Президентимиз томонидан юртимиз тадбиркорларига кўплаб қулай шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу имкониятлардан сирдарёлик тадбиркорлар ҳам унумли фойдаланиб, ҳам ўзлари моддий жиҳатдан фойда кўрмоқда, ҳам аҳолини ишли қилиш орқали халққа наф келтирмоқда. Қолаверса, буларнинг замирида шу юрт равнақи, унинг тараққиётига ҳисса қўшишдек улкан мақсад ҳам мужасам.**



Айниқса, бу борада вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Сирдарё вилоятининг гуллаб-яшнаши йўлида шижоат билан фаолият юритиб келаётган ташкилотлардан бири – “BS GROUP” бренди остида маҳсулот ишлаб чиқараётган “Eurasia Gaz Beton” МЧЖдир. Корхона 2019 йилда Сирдарё туманида ташкил этилган. Мана, бир неча йилдирки вилоят аҳолиси ва барча қурилиш ташкилотларига сифатли маҳсулот – газобетон блокларини етказиб бериш орқали уларнинг ишончини қозониб келмоқда.

Бугунги кунда ташкилотда 120 нафардан зиёд ишчи-ходим фаолият юритади. Уларнинг меҳнат қилишлари учун корхонада барча шароит ва техника воситалари муҳайё қилинган. Ташкилотга тегишли 4 та юк ташувчи “HOWO” русумли машина, 2 та цемент ташувчи тиркама, 2 та дамперли юк машинаси, 1 та фронтал юкловчи, 2 та вилкали юкловчи, 2 та кран манипулятор, 1 та 200 KW кўчма электр станция, 300 куб метрли совутиш тизими, 1 та автомобиль тарозиси ва 1 та ISUZU D-мах русумли автомобиль воситаси ишчиларга яқин кўмакчи.

Ушбу меҳнаткаш жамоага 5 йилдан буён тажрибали тадбир-



кор Шерзод Вафоев раҳбарлик қилиб келмоқда. У 1982 йил 28 декабрда Сирдарё туманида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаб, шу кунга қадар қурилиш-бунёдкорлик ва ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритиб келмоқда. Ушбу корхонани ташкил қилишдан аввал Шерзод Вафоев бир неча йил қурилиш соҳасида ишлаган. Унинг иштирокида вилоятдаги кўплаб муҳим аҳамиятга эга бино-иншоотлар бунёд этилган. Меҳнатдан қочмайдиган, шижоатли, янгиликларни қабул қилишдан чўчмайдиган

тадбиркорнинг соҳада кўрсатган фидойиликлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 2017 йилда “Шухрат” медали ва 2020 йилда “Меҳр-саховат” кўрак нишонига сазовор бўлган. Бундан ташқари, 2019 йилдан буён Халқ Депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши депутати сифатида ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Шерзод Вафоев бу соҳага тасодифан кириб келмаган. Ёшлигида ноқ катта тадбиркор бўлишни орзу қилган қаҳрамонимиз бу борада тинимсиз изланишдан, ўқиб-ўрганишдан чарчамади. Бунёдкорлик



соҳасига бўлган қизиқиши туфайли эса айнан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонани ташкил қилди.

Корхона Голландиянинг “Aircrete Systems B.V” компанияси билан ҳамкорликда BS бренди остида автоклав газобетон блокларини ишлаб чиқариш комплекси сифатида фаолият бошлаган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати бемалол Европа стандартларига жавоб беради. Шу боис, юртимиз ички бозорларида бу маҳсулотга талаб юқори, мижозлари ҳам шунга яраша. Маҳаллий бозорлардан ташқари, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби қўшни давлатларига ҳам экспорт қилинаётгани эса маҳсулотнинг қурилиш саноатида ўзига яраша ишончли маҳсулот сифатида тан олинганидан далолатдир.

Корхона юртимиздаги кўплаб йирик қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Хусусан,

улар орасида “NRG Park”, “NRG Jomiy”, “Golden Hous”, “Imperial Club City”, “SXF Company”, “Ulkan Development”, “Ortadog'u Holding”, “Bobur Residence”, “Eco House Development Company”, “Xon Saroy”, “Triumph Residence”, “Rabad”, “Better Best”, “BI Group”, “New Port”, “Nur Hayat - New Classics”, “NRG Zamon”, “NRG Voha”, “NRG Maftun Makon”, “NRG Yangi Baxt” ва “Vegas Tower” каби компаниялар бор.

– Бугунги кунгача корхонамиз томонидан ўртача йиллик 300 000 куб метр “BS GROUP” бренди остидаги автоклав газобетон блоклари ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 80 000 куб метр блок экспортга йўналтирилган, – деди корхона раҳбари Шерзод Вафоев. – Қолган 220 000 куб метр маҳсулот республикамизнинг ички бозорларига чиқарилган. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини йилга 450 000 куб метрга етказиш ва экспорт ҳажмини 3 баробарга ошириш мақсадида 3 сменали иш жадвалини ташкил қилишни режалаштиряпмиз. Бунинг натижасида 150 нафар бўш иш ўрни ҳам яратилиши кутилмоқда. Бу жараёнда бизга яқиндан кўмак бериб келаётган ишчи-ходимларнинг меҳнатини алоҳида таъкидласак, арзийди. Директор ўринбосари Музаффар Холбўтаев, автоклав оператори Фаридун Мирзаев, бош механик Хуршид Ибрагимов, ёрдамчи оператор Дилшод Синдаров, қадоқлаш оператори Диёр Мамиров ҳамда тўқувчи оператор Салоҳиддин Хайруллаевлар корхона ривожига учун катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Биз ҳам юртимиз иқтисодиёти ҳамда замонавий иншоотлар барпо этилишига ўзларининг сифатли маҳсулоти билан катта ҳисса қўшиб келаётган Шерзод Вафоев бошчилигидаги жамоанинг келгуси ишларига омад ёр бўлишини тилаймиз.





## Савобли касб соҳиблари



**Сирдарё вилояти сўнги йилларда иқтисодиёт, бунёдкорлик, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, кўйинги, барча соҳаларда дадил ривожланмоқда. Бу жараёнда вилоятнинг меҳнаткаш ва фидойи халқи ўз ташаббуслари билан фаол қатнашаётгани қувонарли ҳол.**

“Сув омбор қурилиш” МЧЖ ҳам вилоят қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ана шундай ҳисса қўшиб келаётган ташкилотлардан биридир. Корхона фаолияти асосан сув иншоотлари – каналлар ва зовурлар қуриш орқали деҳқонларга қўмаклашишдан иборат. Фаолияти орқали ҳудуд ободлигига катта ҳисса қўшаётган корхона 2005 йилда Мирзаобод туманида ташкил этилган. Салкам 20 йилдан буён вилоятдаги экин майдонларини сув билан таъминлаб, мўл ҳосил олишда асосий воситачи ҳисобланади.

Биламизки, сирдарёликларнинг катта қисми асосан дала

экин майдонларида деҳқончиликдан даромад топади. Халқнинг меҳнаткашлиги, ҳар бир ишга чин дилдан киришиши, пешона тери орқали топилган ноннинг қадрига етиши шундандир балки. Неча йиллардан буён улар билан ҳамкорлик қилиб келаётган “Сув омбор қурилиш” МЧЖ бу борада ўзига хос тажрибага эга ташкилот сифатида танилган. Уларнинг ишлари камчиликлардан ҳоли, қолаверса, замонавий технологиялар ва тажрибали ходимлар томонидан амалга оширилгани боис, талабгорлар ҳам шунга яраша.

Бу ишларни амалга оширишда жамоадаги 260 нафардан зиёд иш-

чи-ходимнинг меҳнати катта. Мутахассис ходимлар ва оддий ишчилар ҳам ўзларига топширилган вазифани бекаму кўст адо этишга ҳаракат қилади. Жамоада иш адолатли тақсимлангани туфайли бугунга қадар улар томонидан бажарилган ишларда бирор жиддий камчилик ёки хато кўзга ташланмаган. Уларнинг тўлақонли меҳнат қилишлари учун корхонада барча шароит ва техника воситалари етарли. Ташкилотга тегишли 12 та бетон қорғич, 15 та юк ташувчи, 2 та юк кўтарувчи кран, 8 та оғир юк ташувчи трейлер, 9 та экскаватор, 6 та фронтал погрузчик ва 2 та каток (асфальт куюлувчи машина)

каби техника ишчиларнинг оғирини енгил қилиб келмоқда.

Ташкилот томонидан Гулистон туманидаги “Уювли” ва “Дўстлик-10” ҳамда Гулистон ва Сайхунобод туманларидан ўтувчи “Шўрўзак” каналлари, Боёвут, Гулистон, Сайхунобод ва Мирзаобод туманларидаги суғориш тармоқларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган.

Ушбу меҳнаткаш жамоага 19 йилдан буён Дониёр Абдуллаев раҳбарлик қилади. 1988 йилда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида туғилган Дониёр Абдуллаев Бухоро муҳандислик-технология институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти (Миллий тадқиқот университети)ни тамомлаган. Шу кунга қадар қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиладиган каналлар, зовурлар ҳамда ариқлар қуриш соҳасида фаолият юритиб келмоқда. Унинг раҳбарлигидаги

жамоа иштирокида вилоятдаги кўплаб муҳим аҳамиятга эга бўлган сув иншоотлари бунёд этилган.

Меҳнатдан қочмайдиган, шижоатли, янгиликларни қабул қилишдан чўчимайдиган тадбиркорнинг фидойиликлари бесамар кетгани йўқ, албатта. Хизматлари туфайли кўплаб фахрий ёрликлар ва ташаккурномалар билан тақдирланган.

Аслини олганда, Дониёр Абдуллаев бу соҳага тасодифан кириб келмаган. Ёшлигиданоқ катта тадбиркор бўлишни орзу қилган қахрамонимиз изланишдан, ўқиб-ўрганишдан чарчамасди. Соҳанинг назарий ва амалий томонларини пухта эгаллаб, узоқни кўзлаган ҳолда ушбу корхонага асос солди. Бугунга қадар ривожланишдан тўхтамай, ўз олдига қўйган барча мақсадларига эришиб келмоқда.

Бу жараёнда тадбиркор раҳбарга бош механик Азиз Шоқуллов, бош муҳандис Қудратулло Саъдуллаев, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Дилшод Исаев, механик ёрдамчиси Ҳамид Рамазовов, лойиҳачи Баҳром Холметов ва оператор Абирқул Иброҳимовлар яқиндан қўмак бериб, корхона ривожига йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

– Бизнинг соҳада хатога ўрин йўқ, – деди хусусий корхона раҳбари Дониёр Абдуллаев. – Кичик бир эътиборсизлик келгусида катта ноҳушликларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, ҳар бир ишга синчковлик, ақл ва маҳорат, тажриба ва масъулият билан ёндашиб, бекаму кўст бажаришга, қилган ишимиз орқали одамларга наф келтиришга интиламиз.

Биз ҳам бу савобли касб соҳибларининг келгуси фаолиятига улкан зафарлар тилаймиз.






# PRO CONSTRUCT RELIANCE



**Юртимизда фаолият юритаётган барча бунёдкорларни касб байрами билан табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятига улкан муваффақият тилайди!**

**“PRO CONSTRUCT RELIANCE” МЧЖ** 2020 йилдан буён юртимизнинг замонавий қиёфасини яратишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бу қизгин жараёнда ташкилот қурувчиларига 20 дан ортиқ махсус техника воситалари яқиндан кўмак берапти. Ташкил этилгандан буён 200 дан ортиқ иш ўрни яратилган корхонада бугунги кунда 100 дан ортиқ ишчи-ҳодимлар,

шу жумладан, 90 нафар ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат қилади. Ҳозирга қадар жамоа бунёдкорлари томонидан 16 қаватдан иборат 8 та уйни ўзида жамлаган “Олмос-1” ва “Олмос-2” турар жой мажмуалари қуриб битказилган. Айти пайтда “Ийк ота” массивида турар жойлар ва мактаб биноси қурилиши амалга оширилмоқда.






## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги соҳасида ҳудудий  
назорат қилиш инспекцияси

Янги Ўзбекистонимиз яратувчиларини  
**Қурилиш соҳаси ходимлари кунини**  
билан самимий табриклаймиз.

Аллоҳ касбингизга барака ва хонадонларингизга  
тинчлик-тотувлик ато этсин!





## Етти йиллик меҳнат маҳсули

**Пойдеворсиз бино бўлмагани каби лойиҳаларсиз қурилишлар ҳам бўлмаслиги аён. Ислоҳотлар бошлангандан буён бугунги кунга қадар вилоят ҳудудларида қанча ва қандай иншоот қад ростлаган бўлса, уларнинг аввалида лойиҳа ташкилотлари ҳамда шундай корхоналарда қоғозларга кўз нурини тўкиб меҳнат қилаётган заҳматкаш кишилар туради. Ана шундай жамоаларнинг чизган лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилаётгани туфайли туманлар, маҳалла ва қишлоқлар, кўчалар қиёфаси янгиланиб, фуқароларнинг орзу-истаклари ушалмоқда.**

Лойиҳачилик соҳасини мукамал ўзлаштирган ва эл-юртга касбим орқали нафим тегсин, деб ният қилган Шарофиддин Менглибоев, "Arch Design Service" МЧЖни ташкил қилиб, фаолиятини бошлаганига етти йил бўляпти. Янги корхонага Санжар Каттаев, Мансур Ашуров, Раҳимжон Муҳаммадиев, Турғун Рашидов, Адҳам Имомқулов, Шоҳруҳ Назаров, Алибой Минглибоев, Ҳақимбек Зиёдуллаев, Азизбек Минглибоев, Абдивоҳид Ўтанов, Орзубек Алиқулов, Қувонч Хушвақтов ва Азизбек Нормўминов каби лойиҳа муҳандислари, конструктор, архитектор, смета муҳандиси, объектларда қурилиш жараёнида муаллифлик назоратини олиб боровчи мутахассисларни жамлаб, ишга киришди.

Маълумки, лойиҳаларни ишлаб чиқиш, архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш осон иш эмас. Бу соҳа мутахассислардан катта матонат кўрсатиш баробарида масъулиятни чуқур ҳис қилишни талаб этади. Зотан, улар қўлида сайқал топган ҳар бир чизма орқали тикланган иншоот узоқ йиллар одамларга хизмат қилиши. Бу масъулиятни яхши англаган тадбиркор иш аввалида уй-жой хўжалик, саноат, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва йўл қурилишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳашириш, қурилиш объектларини мукамал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, биноларнинг ички-ташқи дизайнини яратиш каби фаолият турларини белгилаб олди.

Корхонада шаклланган илк лойиҳа асосида Денов туманидаги 93-умумтаълим мактаби реконструкция қилинди. Шу лойиҳа бўйича қурувчилар амалга оширган ишлар жамият тажрибали мутахассисларга эга эканини нафақат буюртмачиларга, балки кенг оммага ҳам танитгани бор гап. Шундан сўнг, Термиз, Қумқўрғон, Музработ, Қизириқ, Бойсун, Олтинсой ҳамда Шеробод туманларидаги

ўттиздан ортиқ мактабни жорий таъмирлаш, қўшимча биноларни қуриш учун буюртмалар кўпаяверди. Мухими, ишлаб чиқилган бирорта лойиҳа бошқасида акс этмагани ҳам Шарофиддин Минглибоев бошлиқ жамоада имкониятлар кенглигидан далолатдир.

Шу сабабли, иқтисодий ва ижтимоий объектлар лойиҳасини яратиш юзасидан ҳам буюртмалар кўпая борди. Жарқўрғонда 28-сонли оилавий поликлиникани жорий таъмирлаш, Термиз шаҳрида кўп қаватли бино, Шўрчида масжид биноси, шу туман ҳудудидаги маъмурий биноларнинг биринчи қаватини турар жойга мослаштириш, савдо комплексини қуриш, Термиз шаҳрида етти қаватли мебель мажмуаси қурилиши, Бойсунда умумий овқатланиш, меҳмонхона, клиника, сузиш ҳавзаси, спорт комплекси ҳамда савдо маркази, маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари, Бандихонда кўп тармоқли марказий поликлиникани капитал таъмирлаш ишлари шулар жумласидандир.

Қизириқда юқумли касалликлар шифохонаси биносида реконструкция орқали стоматология поликлиникаси бўлимларини жойлаштириш, Сарисийёда "Ёшлар истироҳат боғи", Термизда меҳмонхона ва умумий овқатланиш мажмуаси, Термиз шаҳрида физиотерапия ва пульмонология марказий биноларини реконструкция қилиш ҳамда рентген, дори воситаларини сақлаш биноси, Шерободда намунавий лойиҳа асосида энергиятежамкор коттеж типидagi уй-жойлар, Узун туманида Давлат активларини бошқариш агентлиги боғини ташкил қилиш, Термиз шаҳрида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида очиқ спорт мажмуасини қайта таъмирлаш, Сарисийё, Термиз, Қизириқ, Шўрчи туманларида саломатлик йўлакчаларини қуриш ва ободонлаштириш каби ана ўнлаб объектларнинг лойиҳалари мазкур жамоа аъзолари томонидан яратилган.

Булардан ташқари, Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида, Термиз шаҳрида ва Денов туманида қад ростлаган кўп қаватли замонавий бизнес марказлари, шунингдек, табиий офатдан зарар кўрган сардобаликлар учун кўп квартиралар турар жойлар, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларидан тушган кўплаб буюртмалар бўйича лойиҳаларни тайёрлаш ҳам заҳматкаш ходимлар меҳнати туфайли юзага келган. Шу кунларда ҳам жамоада лойиҳа яратиш ишлари қизгин тус олган. Мустақиллик байрамида халқимизга тўхфа қилиниши режалаштирилган объектлар бўйича турли манзиллардан буюртмалар тушмоқда.

Биз эса ижодкорларни бугунги касб байрами билан табриклаб, уларнинг фаолиятига омад тилаймиз.





## Мақсадимиз – замон талабига мос иншоотлар қуриш

Халқимизнинг сув зар, сувчи заргар, деган иборасида бир олам мазмун ва ҳикмат бор. Орол денгизининг қуриши ту- файли она табиат, иқлим кескин ўзгариб бормоқда. Бу эса сувнинг ҳар бир томчисидан оқилона фойдаланишни тақозо этапти. Бу долзарб масала қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг ҳам диққат-марказида туриб- ди. Улар кўп қаватли турар жойлар ҳамда бошқа объектлар- ни бунёд этиш билан бирга, тежамкор технологиялар қув- ватидан самарали фойдаланиб, ирригация ва мелиорация ишларини ҳам биргаликда олиб бормоқда.

Сурхондарёлик тадбиркор Неъмат Иргашев ўзи асос солган “Фахриддин” масъулияти чеклан- ган жамият фаолиятини ана шун- дай долзарб ишларни амалга ошириш билан бошлади. Кези келганда айтиш керак, воҳа зами- нини оби ҳаёт билан таъминлов- чи Амударё шу вилоят ҳудудидан бошланса-да, йилнинг аксарият даври бу ерда меъёридан ортик иссиқ бўлгани туфайли ичимлик ва қишлоқ хўжалигида фойдаланила- диган сувнинг кўп қисми парлани- шига олиб келмоқда.

Истеъмол ва иқтисодиёт учун муҳим оби ҳаёт парланишини им- кон қадар камайтириш учун эса ҳудудларда янги каналлар қаз- либ, борларини талаб даражасида таъмирлаш кераклигини дилдан

ҳис этган жамоа илк фаолиятини Бойсун тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи “Работ ариқ” каналини қайта қуриш ва иншоотларини реконструкциялаш, сув оқими остонасини қуриш, сув чиқариш иншоотини бунёд этиш ҳамда бе- тонлаш, қувурли ўтиш жойини ян- гилаш каби ишлардан бошлади. Ишни тўлиқ якунлаб, тоғли ҳудуд аҳолисининг муҳим манба билан боғлиқ талабини қондиришга ҳис- са қўшишди.

Қумқўрғон туманидаги “Жози- ба” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 21-сонли мактабгача таълим ташкилотига қўшимча бино қуриш ва реконструкция қилиш учун уч-тўрт марта тендер танлови ўтказилганига қарамай, бирорта даъвогар чиқмади. Бунинг боиси,



бино эски, ўз муддатини ўтаб бўл- ган ва объектни зиммасига олган тадбиркор катта маблағ сарфла- шига тўғри келарди. “Фахриддин” масъулияти чекланган жамияти- даги 65 нафар ишчи қурилишнинг турли йўналишларини мукамал эгаллагани ушбу иншоотни замон талабига мослаштиришда қўл кел- ди. Замонавий ва кўркам иншоот тез орада кичкинтойларга тухфа қилинди.

Шу билан бирга, жамоа туман ҳудудидан иккита мактаб, битта кўп қаватли турар жой ва яна бир қан- ча иншоотларни қуриб битказди. 2022-2023 йилларда Сурхондарё вилоятининг сув сақлаш захирала- ридан бири бўлган Жанубий Сур- хон сув омборини реконструкция қилиш, фавқулодда ҳолатларда 9 та маҳалла ҳудудидан локал хабар бериш тизими, тўғон деворларида- ги намликни аниқлаш тизими, сув ташлама иншооти чиқиш қисмини

таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ўз навбатида бу ишлар корхона жамоаси ирригация ва мелиора- ция соҳасида катта тажрибага эга эканини кўрсатди.

Шу сингари лойиҳалар сифат- ли қилиб бажарилишида қудрат- ли техникалар муҳим ўрин тут- ади. Тадбиркорнинг бу масалада ҳеч иккиланмасдан зарур маблағ ажратаётгани иш унумдорлигини оширмоқда. 2021 йилда атиги 2 та юк кўтаргич машинаси билан иш бошлаган жамоанинг ҳозирги кун- да 30 тадан ортик турли русумдаги техникаси бор.

Бугунги кунда вилоятда бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” мас- сивларидаги кўп қаватли уй-жой- лар, спорт иншоотлари, мактаб, болалар боғчалари ҳамда маъму- рий биноларнинг ичимлик ва оқо- ва сув тизимларини қуришда ҳам шу аҳил жамоанинг беминнат хиз- матлари катта бўлмоқда.

“Фахриддин” масъулияти чек- ланган жамияти аъзолари учун жорий йилни синовли йил, десак арзийди. Чунки уларнинг саъй-ҳа- ракати билан Бойсун туманидаги Ҳангаронсой сел-сув омборининг иккинчи босқичини мустақиллик байрамигача қуриб битказиш бел- гиланган. Ҳозирда қурилиш-мон- таж ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, яна бир муҳим объект – “Оқтепа” сув омборида фавқулодда вазиятлар содир бўл- ганда аҳолига автоматлаштирил- ган локал хабар бериш тизимини қуриш юзасидан ҳам зарур ишлар бошлаб юборилган. Шунингдек, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Шўрчи ва Бойсун туманларидаги 13 та маҳал- ланинг ички кўчаларини асфальт- лаш, ён-атрофини ободонлашти- риш ишлари ҳам жадаллик билан давом этмоқда.

Булардан кўринадики, кенг қўламли қурилишларни вақтида бажаришнинг ўзи бўлмайди. Иш- чи-ходимларга яратиб берилган шароит ва уларнинг ижтимоий муҳофазасига доимий равишда эътибор қаратилаётгани учун объектлар ўз муддатида топши- рилмоқда. Қолаверса, корхонада устоз-шоғирд аъёнларига қатъ- ий амал қилинаётгани ёшлар ора- сидан яхши мутахассислар ети- шиб чиқишига имкон бераётир. Бозор Тошниёзов, Қодиржон Жўраев ва Шоймардон Раҳмонов каби тажрибали мутахассислар- нинг ҳаракати билан шу кунга- ча 20 нафар ёшлар ғишт териш, пайвандлаш, қувурларга ишлов бериш ишларини ўзлаштириб олишди.

Тадбиркор Неъмат Иргашев фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида янги лойиҳа устида из- ланишлар олиб бормоқда. Хусу- сан, Жарқўрғон тумани ҳудудид- ги ташландиқ ҳолга келиб қолган майдоннинг бир қисмида қури- лишлар учун зарур бўлган бетон, ғишт ва арматура материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод қуришни режалаштирмоқда. Ҳозирда тадорик ишлари бошлаб юборилган.





# Ёш кадрларга имконият яратаётган жамоа

**Шинам, замонавий ва барча қулайликларга эга хонадонда яшашни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз?! Бугун мана шундай орзуларимиз тез фурсатда амалга ошаётган замонда яшаймиз. Бунга юртимизда қурилиш индустриясининг жадал тараққиёти ва шаҳарсозликнинг такомиллашуви ҳам сабаб бўлмоқда. Қурилиш жараёнини бир киши ёки биргина ташкилот амалга ошира олмайди. Қолаверса, бу жараён турли омилларга ҳам боғлиқ. Улардан энг муҳими, албатта, пухта лойиҳа, десак адашмаймиз.**



каби вазибалар қўйилди. Бу вази- ятни яхши англаган корхона жа- моаси ҳам ўз лойиҳаларини замо- навий услубларда ва дастурларда ишлаб чиқишга эътибор қаратди.

Фаолиятнинг дастлабки йил- ларида ташкилот томонидан мак- табгача таълим ташкилотлари ва 4-5 қаватдан иборат турар жой би- нолари лойиҳалари ишланган бўл- са, эндиликда 7 ва 9 қаватли уйлар лойиҳалари ҳам ҳеч бир қийинчи- ликсиз яратилмоқда. Эътиборли жиҳати, корхона мутахассислари яратган лойиҳалар асосида барпо этилаётган иншоотларнинг на- фақат сифати, балки ўзгача кўри- ниши ва дизайни ҳам кўпчиликка манзур бўляпти. Ташқи дизайни бир-биридан чиройли кўп қаватли уйлар янгиланаётган шаҳар қиё- фасига ҳам ўзгача хусн бағишла- моқда.

Хусусан, корхона томони- дан Денов туманидаги Номозгоҳ маҳалласида 330 ўринли янги мак- таб биноси ҳамда шу туманда 14 ва 12 қаватли турар жой бинолари, Термиз шаҳрининг Тупроққўрғон маҳалласида 16 қаватли турар жой биноси ҳамда Тоҳирстон кўчаси- да турар жой мажмуаси, Бандихон туманининг Зевар маҳалласи ху- дудида мактабгача таълим ташки- лоти биноси ва яна бошқа кўплаб объектларнинг лойиҳа-смета ҳуж- жатлари ишлаб чиқилган.

Айни пайтда жамоада 14 нафар

тажрибали архитектор ва муҳан- дис фаолият юритади. Уларнинг қулай муҳитда ишлаши учун барча шароит мавжуд. Бундан ташқари, корхона офисида талабалар, иш ўрганмоқчи бўлган ва шу соҳага қизиққан ёшлар учун ҳам имко- ниятлар яратилган. Жамоанинг тажрибали мутахассислари эса улардан ўз билим ва вақтини ая- май, кўмак бериб келмоқда. Ай- ниқса, ташкилот раҳбари Отабек Қиличев ёшларнинг соҳани яхши ўрганишларига катта эътибор қа- ратади. Чунки унинг ўзи ҳам ёш- лигида кўплаб ташкилотларда ишлаб, устозларидан олган би- лимлари натижасида мана шундай даражага етганини таъкидлайди.

– Қурилиш соҳасининг бир ва- кили сифатида шаҳару қишлоқла- римизни янги қиёфага киритишда лойиҳачиларнинг ҳам хизмати борлигини таъкидламоқчиман, – деди Отабек Қиличев. – Шу боис, бугунги кун лойиҳачисиди та- саввур, кашф эта билиш қобилия- ти кучли бўлиши зарур. Шу билан бирга, у қурилиш материаллари хусусияти ва ҳисоб-китобни ҳам яхши билиши керак. Дейлик, кўп қаватли уйнинг мустаҳкам барпо этилиши учун қаерга қандай арма- тура ишлатиш, қандай бетон пли- талардан фойдаланишни билиш ҳам лойиҳачининг қай даражада билимга эга эканига боғлиқ. Қу- рувчи объектни лойиҳада қандай

кўрсатилган бўлса, шундай кура- ди. Қандай дизайн берилган бўлса, шуни яратади. Хуллас, қурувчи- нинг иши қўлидаги лойиҳа асосида иншоотни бунёд этиш, унда кўрса- тилган ишларни бекаму-кўст ба- жаришдир. Шундай экан, энг авва- ло, биз архитекторлар хатога йўл қўймаслигимиз керак.

Чиндан ҳам, лойиҳа масаласи- да эҳтиёткор ва синчковлик жуда муҳим. Улар яратган лойиҳа асо- сида барпо этилган уйларда қан- чадан-қанча оилалар узоқ йиллар давомида умр кечириб, бахтли ва фаровон яшаши керак. Ушбу кор- хона мутахассислари ҳам мана шу масъулиятни чуқур англаган ҳолда бугун соҳада ишонч билан дадил одимламоқда.

Сухбатимиз сўнггида корхона раҳбари келажак бугунги кунда соҳада таълим олиб, касб эгалла- ётган ёшларнинг қўлида эканини таъкидлаб, уларни ҳозирдан ма- лакасини ошириш ҳамда иш билан таъминлаш асосий вазифа эканини айтди. Шу боис, яқин йиллар ичида жамоа сафи янада кенгайиши ку- тилмоқда. Хусусан, ёш мутахассис- лар учун бир қанча иш ўринлари ажратилиши режалаштирилган.

Нафақат бугунни, балки эрта- ни ўйлаб, ёш кадрларга имкони- ят яратаётган жамоа аъзоларини касб байрами билан табриклай- миз. Келгусида барча режалари амалга ошишига тилақдошмиз.



Бугун юртимизда қурилиш би- лан бирга архитектура соҳаси ҳам тенгма-тенг ривожланмоқда. Бе- рилаётган имкониятлар натижа- сида лойиҳа ташкилотлари сони ортиб бораётир. Сурхондарё ви- лоятидаги “Surxon Arx Proekt” ХК ҳам пухта лойиҳалар яратиш орқа- ли соҳада ўз ўрнига эга бўлиб ул- гурган ташкилотлардан бири.

2014 йилда Термиз шаҳрида ташкил этилган “Surxon Arx Proekt” ХК кўп қаватли турар жой бинола- ри, саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги

объектлари лойиҳа-смета ҳужжат- ларини тайёрлаш билан шуғул- ланиб келмоқда. Умумий ҳисобда уларнинг сони бугунгача 139 тадан ошган. Бу рақам ҳам, корхонанинг қай даражада ишончли ва сифат- ли фаолият юритаётганидан дарак беради.

Кейинги йилларда соҳада ҳа- лол рақобат шаклланиши туфайли ташкилотлар олдига кўпроқ изла- ниб, янгилик яратиш, лойиҳаларни янада пишиқ-пухта тайёрлаб, бу- юртмачилар сафини кенгайтириш





# “Termiz-Tezkor Qurilish” –

## бинолари кўкка бўй чўзмоқда

– Давлатимизга раҳмат, ишбилармонларга йўл очиб берди, – деди Термиз шаҳрида яшовчи ўзгалар қаровига муҳтож онахон Клара Келдиева. – Бу имкониятдан фойдаланган тадбиркорлар бугунги кунда юртимиз истиқболи учун изланиб, янгиликлар яратмоқда. Айниқса, кейинги йилларда бунёдкорлик ишлари кенгайгани туфайли турар жойга муҳтожларнинг муаммолари ҳал этиляпти. Ўзим ҳам салкам нураш арафасидаги каталакдек ҳовлида яшардим. 2022 йилда “Termiz-Tezkor Qurilish” хусусий корхонаси шу ҳудудда қурган кўп қаватли уйдан бир хонали, барча қулайликларга эга квартирани совға қилди. Бунинг учун корхона жамоасини ҳар куни дуо қиляпман, уларнинг ишлари доимо ривож топаверсин...



қурилиш саноатида асқатадиган материаллар ишлаб чиқаришга йўналтирилганидир. Шу мақсад учун кейинги пайтда 2 та пишган ғишт, 2 та бетон ғишт, том ёпувчи плиталар, лотоклар, бордюр, 2 та йўлакбоп плиталар, алюмин ва пластик ромлар, МДФ эшиклари, турли хилдаги мебеллар, бетон тайёрлайдиган ихчам завод, пардозбоп бўёқлар, газоблок каби ишлаб чиқариш цехлари қурилди.

Цехларда тайёрланаётган маҳсулотлар энг аввало, ўзлари бунёд этаётган объектларни тез ва сифатли тикланишига имкон бермоқда. Айни пайтда арзон, ҳар томонлама талабга мослиги учун қурилишга ихтисослашган ўнлаб ташкилотлар ҳам “Termiz-Tezkor Qurilish” корхонаси ёрлиғи билан чиқаётган маҳсулотларни шартнома асосида сотиб оляпти.

Юқорида айтилганидек, корхонада қанча пул ишлаб топиш эмас, балки уни қаерда, қандай сарфлаш масаласи бош мақсад қилиб қўйилган. Шунга асосланиб, ҳар йилги даромад ҳисобидан камида 2-3 та замонавий техника со-

тиб олиш қатъий белгиланган. Ҳозирда 1 дона “Toyota”, 3 та “MAN” русумли юк ташувчи самосвал, 4 та “Hova” самосвали, 4 та “Isuzi”, 2 та цемент ташишга ихтисослашган машина, 1 та бетон узатиш техникаси, 3 та “КамАЗ”, 4 та экскаватор, 2 та “Лепхир”, 3 та 25 тонна юк кўтаришга мослашган автокран, 1 та 60 тонна юк кўтаргич автокран, 5 та башенный кран, 4 дона тягач, 11 та енгил автомашина, 1 та бульдозер, 1 та “Чимган” трактори, 3 та миксер, 2 та “Carwix”, шунингдек, 120 га яқин турли хилдаги техника ва қурилиш мосламалари бунёдкорларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Қудратли техникалар орқали қурилиш-бунёдкорлик ишларини олиб бораётган жамоанинг ишчилар ижтимоий ҳимояси ва улар учун қандай шароитлар яратгани кўпчиликни қизиқтириши турган гап. Бу жиҳатдан ишчи-хизматчилар шундай корхонада меҳнат қилиб, рўзгор тебратаётганидан миннатдор эканини айтиш мумкин. Жумладан, объектларда ишлаётган 235 нафар доимий ишчининг

50 фоизи муқаддам кўшни давлатларга иш қидириб борганларни ташкил қилади. Сал аввалроқ ўзга юртларда сарсон бўлганлар “Ўзқоқдаги бугўйдан, яқиндаги сомон яхши” экан деб, энди шу жойнинг ўзида, ҳар куни оиласи бағрида бўлиб, бажарган ишига яраша 2 млн 700 минг сўмдан 6 миллион сўмгача маош олмақда.

Ишчиларнинг аксарияти корхона ҳисобидан касб-корга қайта ихтисослаштирилди. Соҳани мукамал ўзлаштирган ишчилар ҳаракати билан сўнгги икки йил оралиғида вилоят ҳудудларида 424 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Самарқанд давлат университети-нинг Денов тадбиркорлик ва педагогика институти филиали ётоқхонаси, ўқув биноси ҳамда маъруза хоналари, шу туман ҳокимлиги биносини мукамал таъмирлаш, ҳудуддаги “Лочин” МФЙда 2 та 14, битта 12 қаватли турар жойлар, Термиз шаҳрида Миллий гвардия биноси, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Қизириқ туманларида 4-5 қаватли бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу кунларда ҳам хусусий корхонада ишлар бир маромда кетяпти. Хусусан, Жарқўрғон ва Қизириқ туманларидан ўтувчи асосий ҳамда ички йўллар, Термиз шаҳрининг А. Навоий, И. Каримов номидаги кўчаларини асфальтлаш, Термиз давлат университети ҳудудида 1500 ўринли ўқув биноси, “Тупроққўрғон” МФЙда 4 та 14-16 қаватли турар жой, Сўфи Оллоёр кўчасида 17 та 2 қаватли уй-жойларни бунёд этиш ва белгиланган муддатда топшириш юзасидан изчил ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бу объектларда ишлар уч сме-нада ташкил қилингани учун бир муддат ҳам ҳаракатлар тўхтаб қолмайди. Бир гуруҳ ишчилар ғишт тераётган бўлса, бошқа бригадалар пайвандлаш, яна бир гуруҳи техника ёрдамида юқори қаватга узатилаётган бетон қоримасини жойлаштириш билан банд. Қисқаси, ҳар бир ходим ўз вазифасини яхши билади ва бажараётган иши билан фахрланади. Зеро, ҳадемай бу бинолар кўкка бўй чўзиб, барча ишлар охирига етказилгач, яна юзлаб оилалар ватан ичида ўз ватанларига эга бўлишади...

Мақола аввалида бу мисолга тўхталиш бежизга эмас эди. Фаолиятини бунёдкорлик ишларига чамбарчас боғлаган мазкур жамоа кўп қаватли турар жойлар қуриб, муҳтожлар талабини қондириш баробарида ишлаб топилган соф даромад ҳисобидан кам таъминланган, қаровчиси йўқ, кўп болали ва дафтарлар рўйхатида киритилган ҳамюртларимизни қўллаб-қувватлаш, хайриялар қилиш каби саховатли ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Кейинги етти йилда ана шу ишларга ўн уч миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани эса хусусий корхона таъсисчиси Саломат Ҳасанова ҳамда жамоа бошлиғи Алишер Тўлақовнинг асл мақсади – юртимиздаги ҳар бир фуқаро ҳеч кимдан кам бўлмай яшашига қаратилганини англаб олиш қийин эмас.

Бағри кенг ва холис ниятли жамоа аъзолари қурилиш комплекси ҳамда саноатни ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга ҳисса қўшиш учун тендерларда қатнашиб, ҳудудларда турар жойлар ҳамда ижтимоий объектларни қуришда турдош корхоналар ўртасида ўзига хос ўрин эгаллаб келмоқда. Жумладан, Термиз шаҳрининг Тупроққўрғон маҳалласидаги собиқ Карпов номидаги буюм бозори ўрнида 96 хонадонли 4 қаватли уй-жой, шу ҳудудда яна битта 4 қаватли турар жой, Термиз шаҳридаги Алишер Навоий, Истиқлол ҳамда Ибн Сино номидаги кўчаларда, “Алпомиш” МФЙда 2 та 4-6 та 5 қаватли кўп квартиралар уй-жойлар ушбу корхона томонидан бунёд этилди.

Булардан ташқари, Музработ туманининг “Янги ҳаёт” массивида 90 хонадонли, Денов туманидаги “Лочин” МФЙ ҳудудида 1 та 12 ҳамда 14 қаватли уйлар, шунинг-

дек, Термиз шаҳрида 7 қаватли ва 5 қаватли кўп квартиралар уйлар, вилоят ҳудудларида 10 дан ортқ маъмурий бино ва мактаб, болалар боғчалари, буюртма асосида яқка тартибдаги уйлар қурилиши “Termiz-Tezkor Qurilish” хусусий корхонасининг меҳнати билан барпо этилган.

Жамоага буюртмаларнинг турдош корхоналарга қараганда кўп бўлиши ва объектларнинг тез, сифатли қуриб, битказилишидаги асосий ютуқ – ишлаб топилган маблағнинг соф фойдасидан катта қисми маҳаллий хомашёлардан





## “PROF GROUP” МЧЖ – замонавий иншоотлар бунёдкори



**Юртимизда барча соҳалар сингари қурилишда ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Илгари бирор каттароқ бино қурилса, чет элдан мутахассис чақириларди. Ҳозир эса фалончи ташкилот қурган иншоот, дейишмоқда. Чиндан, эндиликда ўзимизда ҳам Европа стандартидаги, хорижникидан қолишмайдиган бино-иншоотлар кўплаб барпо этилмоқда.**

Ана шундай замонавий типдаги иншоотлар бунёдкорларидан бири – Сурхондарё вилоятидаги “PROF GROUP” МЧЖдир. Ташкилот 2013 йилдан то бугунга қадар уй-жой қурилиши ва реконструкция қилиш ишлари билан шуғулланиб келади. Холмирза Тошпўлатов раҳбарлигидаги жамоада 200 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Улар бугунги кунга қадар кўплаб иншоотларни барпо этиш орқали миқозлар ишончини қозониб улгурган.

Жамоа 2013-2022 йиллар давомида бир қанча объектларни қуриб, фойдаланишга топширган. Хусусан, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қуролли кучларига қарашли 5 га яқин ҳарбий қисмда қурилиш-монтаж ва мукамал таъмирлаш, Термиз шаҳридаги “Ҳайвонот боғи”га қарашли бино, вилоят кўп тармоқли болалар шифонаси марказини (160 ўринли даволаш биноси қурилиши билан) реконструкцияси, Меҳридарё кўчасида 2 та 5 қаватли 146 та хонадондан иборат турар жой биноси, Шеробод туманидаги 6-сонли, “Каттабоғ” МФЙ ҳудудидаги 432 ўринли 8-сонли, “Меҳнатобод” МФЙдаги 624 ўринли 19-сонли мактабларни мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширган.

Булардан ташқари, Термиз шаҳри ва Термиз тумани аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида “Сабзипоя” МФЙда артезиан қудуқларини қазिश ва сув иншоотларини барпо этиш, ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари баробарида 15 та артезиан қудуғи ва 30 километр сув қувурларини ётқизиш ишларини бажариб, ҳудуд фаровонлигига катта ҳисса қўшган. Шунингдек, Термиз шаҳридаги “Ўзбекистон” маҳалласи Алишер Навоий кўчасидаги Термиз давлат университети ҳудудида 750 ўринли Илмий тадқиқот маркази биноси қурилиши, Термиз шаҳридаги авария хола-



тидаги “Алпомиш кураш” мажмуаси ўрнида замонавий спорт мажмуаси бинолари ва “Термиз ҳайвонот боғи”нинг ичимлик суви ва оқова сув, электр энергия таъминоти тизимини яхшилаш ишлари ҳам жамоа меҳнаткашларига тегишли.

Шунингдек, “PROF GROUP” МЧЖ турар жойлар қуришда ҳам анча фаол. Ҳозирги кунда ташкилот қурувчилари Термиз шаҳрида 2023 йилда қурилиши бошланган йирик мажмуа – “Янги Ўзбекистон” боғи ҳудудида бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Хусусан, амфитеатр ва “Хумо қуши” (стелла) қурилиши ишлари давом этмоқда. 2022 йилда қурилиши бошланган Термиз шаҳри Меҳридарё манзилда жойлашган 8 қаватли турар жой биносида ҳам бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб бориляпти.

– Турар жойларга талаб ортиб борар экан, жамоамиз сафи ҳам кенгайверади, – деди ташкилот раҳбари Холмирза Тошпўлатов. – Мақсадимиз – замон талабларига жавоб бера оладиган пишиқ, пухта ва кўркам иморатлар барпо этиш орқали нафақат вилоятимиз, балки юртимиз ривожига ҳам ҳисса қўшишдир. Бу йўлда доимо изланишдан, барпо этиш ва яратилган тўхтамаймиз.

Ният яхши бўлса, албатта ижобат бўлади. Жамоа лидери ҳам ишонч билан айтган эзгу ниятла-

рини ҳам сўзда, ҳам амалда исботлаб келмоқда. Унинг айтишича, келажакда жамоа сафини кенгайтириш ва янги техникалар олиш режалаштирилган.

Техник имкониятлар ҳақида гап кетганда, “PROF GROUP” МЧЖ бу борада анчагина кучли базага эга эканини таъкидлаш лозим. Жамоа ихтиёрида юк автомашиналари, балонда юрадиган автокран, оғир юк ташийдиган трейлер, автокўтаргич, гидрокўтаргич, автоматиксер, темир занжирда юрадиган автокран, минорали кран ва бошқа қурилиш-монтаж ишларида ишлатиладиган замонавий техникалар мавжуд. Ана шу қулайликлардан фойдаланган ҳолда бугун улар янада улкан марраларни забт этиш йўлида дадил одимламоқда.

Ташкилот раҳбаридан “Шундай тажрибали ва ишончли жамоани шакллантиришда кўпроқ нималарга эътибор қаратиш керак?” деб сўраганимизда, шундай жавоб берди:

– Бунинг учун жамоага кўпроқ малакали мутахассисларни жалб қилиш керак. Айнан бизнинг ташкилотда раҳбар ўринбосари М. Абдуллаев, иш юритувчилар Т. Чориев, А. Эсонов, А. Бойиров, техник назоратчи Ж. Сувонкулов каби фидойи касб соҳиблари меҳнат қилаётганидан фахрланамиз.





## Халқ розилиги йўлида



**Ҳар биримиз инсон ўлароқ ҳаётимизни янгиликлар ва қулайликлар, янги имкониятлар билан бойитишга ҳаракат қиламиз. Ўзимизда мавжуд қобилиятларни ишга солиб, бу ҳаётда кимгадир керак бўлишни, ўз ҳаётий мақсадимиз бўлишини истаймиз. Орамизда шундай инсонлар борки, кишилар оғирини енгил қилиш, юрт ободлиги учун фидойилик кўрсатишни ўзининг асосий бурчи ва шиорига айлантирганлар. Бунинг қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган кўплаб юртдошларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Таъкидлаш ўринлики, мустақилликка эришгач юртимизда кўплаб ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, қурилиш секторида шундай бир жонланиш пайдо бўлдики, кечани бугун билан солиштириб бўлмай қолди. Йиллик қурилиш лойиҳалари жиддий суръатда ўсиб бораётгани ҳам бор гап. Бу борада қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва қурилиш корхоналари ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар.

2002 йилда Тошкент вилоятида ташкил топган "РИЗО" МЧЖ ҳам ана шундай ибратли корхоналардан бири. Йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида корхона жамоаси юзлаб қурилиш лойиҳаларини амалга оширишга ул-

гурган. Компанияга "РИЗО" деб ном берган жамоа амалда ҳам шу номга муносиб бўлишни асосий шиорига айлантирган, десак асло муболаға бўлмас. Халқнинг дилидан жой оладиган, рози қиладиган тузилма бўлиш асосий мақсад қилиб белгиланган. Шу сабабли ҳар бир амалга оширилган лойиҳанинг сифатли амалга оширилишига жиддий эътибор қаратади. Зеро, ҳақиқий профессионалик асосида қилинган ишнинг талабгори кўп бўлади. Бу эса ўз навбатида компаниянинг ривожланиш жараёнини тезлаштириб беради.

Компания бугунги кунга қадар уй-жой қурилиши, таъмирлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғул-

лаб келмоқда. Айти пайтда объектларда 250 га яқин ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Шу пайтга қадар ташкилот томонидан кўплаб йирик лойиҳалар амалга оширилган. Хусусан, 2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида 49 млрд сўм қийматдаги маляка ошириш институти қурилиш-монтаж ишларини олиб борди.

2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрида 18 млрд сўм қийматдаги Қўғирчоқ театр маданият саройи қуриб битказилди. 2022 йилда Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида 9,5 млрд қийматдаги 14-мактаб биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Ҳозирда Олмалик шаҳридаги "Саховат" МФИда жойлашган 37,5 млрд сўм қийматдаги 16-мактабнинг қурилиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, 2024 йилда бошланган Чирчиқ шаҳрининг "Аранча" қўрғонида 25 млрд сўм қийматдаги Бутунжаҳон таъқвондо академияси қурилиш ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, жамоа томонидан амалга оширилаётган Термиз шаҳрининг Эски шаҳар маҳалласида жойлашган қиймати 86,4 млрд сўм бўлган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳудудида тиббиёт кластери қурилиши ҳам якунланиш арафасида.

Амалга оширилган лойиҳаларга қараб, қурувчилик қанчалар савобли ва шарафли иш эканига яна бир бор амин бўласиз. Зеро, кечагина қуруқ ер бўлиб турган ташландиқ жойларда обод манзил бунёд этганингизда

ичингиз фахр ва ифтихор ҳиссига тўлади. Элнинг шодлиги, аҳолига қулайлик яратиш йўлида хизмат қилиш чинакам қурувчининг ҳаёт мазмунига айланган. Биз "РИЗО" МЧЖ жамоасига раҳбарлик қилиб келаётган Илҳом Юсупов билан қурувчилик касбининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида, бу соҳага меҳр қўйганининг сабаблари хусусида суҳбатлашдик.

– Инсонлар натижалар билан ҳисоблашишади, – деди Илҳом Юсупов. – Аммо натижагача бўлган оғир меҳнат ва машаққатларни кўпчилик билавермайди. Гўё қурувчи бўлиш осонгина пул топиш йўлидай кўринади. Юракдан ишлаган инсон учун ҳар бир лойиҳа фарзанди каби азиз ва қадрли бўлиб қолади. У нима қилиб бўлса ҳам, бошлаган объектини мукамал ва сифатли якунланиши учун ҳаракат қилади. Одамлар ишингиздан хурсанд бўлиб, чин кўнгилдан дуо қилганида, яхшиям шу касбни танлабман, дейсиз. Худо ҳаммани ўз йўли, насибаси билан яратади. Тақдиримизга халқимиз корига яраш, юртни обод қилиш ёзилган экан, қўлдан келганича Ватанга хизмат қиламиз. Бир инсон ўзи учун уй қурса, қанча хурсанд бўлади. Бутун халқимиз учун гўзал иморатлар қуриш завқи ва ҳаяжонини тасаввур қилаверинг! Шу фурсатдан фойдаланиб, қурилиш соҳасининг барча вакиллари касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этаман. Уларга мустаҳкам саломатлик, юрт равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги меҳнатларида куч-қувват тилайман!

**Юртимизда қурилиш соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшаётган барча қурувчиларга, хусусан, бу йўлда фидойилик кўрсатиб келаётган "РИЗО" МЧЖ жамоасига ҳам юксак муваффақият тилаймиз. Халқнинг асл фидокорлари омон бўлсинлар!**





# *SILVER HOUSE DENOV*

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИ  
ХОДИМЛАРИ КУНИ  
билан табриклаймиз!**



Аҳolini уй-жойли қилишдек савобли касбда фаолият юритиб келаётган азиз бунёдкорларга байрам муборак бўлсин. Касбий фаолиятингизга муваффақият, оилангизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилаймиз.



# Корхона ёрлиғи билан тайёрланаётган маҳсулотлар харидоргир

**Маҳалладаги тадбирдан чиқиб, бир неча йилдан буён қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси ёнидан ўтаётган кишилар “Шу иморат қўлдан-қўлга ўтди, аммо бирортаси охирига етказа олмади. Бири материал йўқ деса, бошқаси маблағдан қийналганини рўқач қилди. Наҳотки, ўзимиздан бирорта тадбиркор чиқиб, шу бинони фарзандларимизга тухфа қилолмаса”, дейишарди. Бу фикр айтилганда, одамлар орасида Шавкат Маликов ҳам бор эди. Кўпчиликнинг гапидан қаттиқ таъсирланган эканми, юрса ҳам, турса ҳам кўнгли таскин топавермади.**



Шундан сўнг, тадбиркорларга яратилган имкониятлардан фойдаланиб, бизнес-режа тузди ва банклардан бирига тақдим этди. Тегишли комиссия аъзолари истиқболли режани ўрганиш жараёнида бир қанча эътирозлар ҳам бўлди. Гап шундаки, унинг режаси қурилишга ихтисослашган турдош корхоналардагидан мутлақо фарқ қиларди. Яъни, бунёд этилаётган иншоотлар учун юқори босимга чидамли полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш кўзда тутилганди.

Соҳани мукамал ўзлаштириш учун кўп изланди. Қўшни давлатларга бориб, ишлаб чиқариш технологияларини ўрганди. Тўсиқларга қарамай, барибир, ўз мақсадига эришиб, беш йил аввал “Black plast” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Дастлабки йилда 200 млн сўм соф даромад олди. Бу кўрсаткични келгуси йилдан оширди ва 2023 йилда 6 млрд 100 млн сўмлик соф даромад олингани Шавкат Маликов бошчилигидаги корхона қандай имкониятларга эга эканидан далолатдир.

Бундай натижага эришишда энг аввало, замонавий технологиялар кучидан самарали фойдаланилганини алоҳида қайд этиш лозим. Бунинг учун тадбиркор қанча маблағ зарур бўлса, аямади. Умумий қиймати 2 млн АҚШ долларига тенг маблағнинг 500 минггини ўз маблағи ҳисобидан ва қолганини банк кредити асосида қоплаб, Хитой давлатидан йилига 6 минг тонна хомашёни эритиш қувватига эга полиэтилен қувурлари ишлаб



чиқарувчи 2 та ускунани харид қилди. Шунингдек, уларга қўшимча тарзда 1 та совутиш тизими ҳамда 232 хил турдаги полиэтилен ва полипропилен термо пласт ускуналарини ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналарнинг харид қилиниши корхонада меҳнат қилаётган 45 нафар ишчи-ходим оғирин енгил қилди.

Юқорида айтилганидек, бугунги кунда нафақат Жарқўрғон туманидаги битмай ётган ўша боғча, балки вилоят ҳудудларидаги кўплаб иншоотлар учун зарур бўлган полиэтилен маҳсулотлари “Black Plast” масъулияти чекланган жамият ёрлиғи билан буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, шартнома асосида ён-атрофдаги вилоятлар ҳамда қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинапти.

Фақатгина ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эмас, ундан келаётган маблағни қандай сарфлаш масаласи ҳам тадбиркорнинг доимо диққат марказида туради. Айти пайтда корхона ҳомийлигида 30 та кам таъминланган ва кўп болали оила, боқувчисини йўқотган кўплаб кишилар манфаат кўришмоқда. Байрам ва тадбирларда уларга корхона томонидан моддий маблағ ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари берилляпти.

Икки йил аввал эса тадбиркорнинг ташаббуси билан Термиз шаҳрида яна бир корхона, “Termiz termo plast” масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди. Ай-

тиш жоизки, мазкур корхона материаллари нафақат янги қурилаётган иншоотлар учун, балки аввалдан мавжуд кўп қаватли уйларга ҳам жуда муҳимлиги билан эътиборга моликдир. Яъни, эндиликда бу ерда аҳолини сифатли ва тоза ичимлик суви билан таъминлашга мослашган ПВХ полипропилен ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий хомашёдан тайёрланган бу қувурлар ҳам жаҳон стандартларига мослиги ва чидамлилиги, арзонлиги учун унга талаб тобора ошмоқда.

Жамоа ахли вилоят ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам ибрат кўрсатаяпти. Корхона ишчи-ходимлари ўз ҳудудидаги мўъжазгина майдонда парваришлаган турли хилдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар Термиз, Денов шаҳарлари ва Жарқўрғон, Шўрчи, Сариосиё, Шеробод каби туманларда бунёд этилган замонавий бинолар олдини безатишда ишлатилмоқда.

Тадбиркор Шавкат Маликов келгусида уй-жойга муҳтож бўлганлар учун кўп қаватли турар жойлар қуришни ҳам мақсад қилган. Ҳозирда шу масалада тегишли ташкилотларга ўз таклифларини тақдим этган. Халқимиз келажиги йўлида фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган инсоннинг бу лойиҳаси ҳам яқин орада амалга ошишига шубҳа йўқ. Зеро, унинг амалдаги лойиҳалари қандай натижа бераётганини энг аввало, сурхондарёликлар яхши билишади.







## Ярим асрлик тарихга эга компания

**Республикамизнинг энг жанубий қисмида фаолият олиб борадиган “Термиз қурилиш индустрия саноат” инжиниринг компаниясининг қарийб ярим асрлик тарихи мавжуд. 1978 йилда ташкил топган ташкилот бугунги кунга қадар уй-жой қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби фаолият турлари билан шуғулланиб келмоқда. Ташкилот таркибидаги корхоналарда ФБС том ёпувчи плиталар, лотоклар, бордюр каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу жараёнга 50 нафарга яқин ишчи жалб қилинган. Қурилиш, қурилиш-монтаж ишларида эса 200 га яқин ходим ҳамда қурувчи меҳнат қиляпти.**



мизга қувонч улашганликларидан мамнун.

“Термиз қурилиш индустрия-саноат” инжиниринг компанияси бугунги кунда ҳам соҳада фаол. 2023 йилда Термиз шаҳридаги кўзи ожизлар кутубхонаси биносини замонавий лойиҳа асосида қайта қуриш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилган. 2023-2024 йилларда қурилиши олиб борилган Термиз шаҳридаги Боғишамол, Фаровон мавзесидаги 7 қаватли 48 хонадонли уй-жой қурилиши якунига етиш арафасида. Фаровон массиви, “Чегара” МФЙ 3-мавзесидаги 7 қаватли турар жой биносининг қурилиши ишлари авжида. 2024 йилнинг январь ойидан бошлаб Термиз шаҳридаги Мустақиллик майдони (Эски шаҳар) ёнидан дастлабки икки қавати савдо дўконлари ва қолган қаватлари турар жой биноси бўлган 9 қаватли уй-жой қурилиши бошланган.

2024 йил январь ойидан бошлаб Термиз шаҳрининг Мустақиллик майдони (Эски шаҳар) ёнидан дастлабки икки қавати савдо дўконлари ва қолган қаватлари турар жой биноси бўлган 9 қаватли уй-жой қурилиши бошлаб юборилган. Қурилишлар халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали ҳудудларимиз фаровон ва обод бўлиб, халқимиз



Компания 1992 йил Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида қурилиш-монтаж ишларини олиб борган, 1992-2012 йилларда вилоят туманлари ва Термиз шаҳрида 10 га яқин коллеж биносини қуриб, фойдаланишга топширган. 2019-2021 йилларда Термиз шаҳридаги Тупроққўрғон маҳалласида қиймати 12,5 млрд сўм бўлган 3 қаватли, 48 хонадонли 2 та кўп қаватли уй-жой, 2019 йилда “Сурхон соҳили” массивида қиймати 16,5 млрд бўлган 40 хонадонли уй-жой, шу маҳаллада кам таъминланган оилалар учун 1 та 3 қаватли уй-жой қурилишини муваффақиятли таъминланган.

Шунингдек, компания жамоаси томонидан 2020 йилда Термиз шаҳридаги Шодлик маҳалласида қиймати 14,5 млрд сўм бўлган 56 хонадонли 2 та уй-жой, Мангузар маҳалласида 5 қаватли 4 та уй-жой, ҳар бир уй 36 хонадондан иборат жами 152 хонадонли уй-жой, олд қисми савдо ва маиший хизмат кўрсатиш дўконларидан иборат уй-жой қурилиш ишлари амалга оширилган.

Абдулваҳоб Абсатторов бошчилигидаги компания 2021 йилда Термиз шаҳрининг Мангузар маҳалласи Мустақиллик кўчасида яна 2 та ҳар бири 36 хонадондан иборат 72 хонадонли уй-жой қурилиши ва Марказий деҳқон бозори ёнида 2 та 7 қаватли, 1 та 52 хонадонли, яна битта 56 хонадонли

жами 108 хонадонли уй-жой, Гулистон маҳалласининг Фидокор кўчасида 3 та 5 қаватли, 100 хонадондан иборат уй-жойлар қурилишини ҳам олиб борган.

Бундан ташқари, 2021-2023 йилларда Термиз шаҳрида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга арзонлаштирилган уй-жойлар қуриш белгиланган эди. Шу муносабат билан компания Термиз шаҳри, Фидокор кўчасида 2 та 5 қаватли 100 хонадонли ва Мажнунтол маҳалласида 2 та 5 қаватли 100 хонадонли турар жой биноларини қуриб битказди. Компания ходимлари ҳам ушбу хайрли ва савобли ишда қатнашиб, халқимиз



ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашлари таъминланади. Чекка ҳудудларда яшайдиган фуқароларимиз учун ҳам етарли шароитлар яратиб бериш юртбошимизнинг асосий ташаббусларидан ҳисобланади. Бу йўлда қурувчиларга бўлган эҳтиёж, уларнинг халқимизга сидқидилдан хизмат қилиши, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб бориши одамларда келажакка бўлган ишонч руҳини оширади.

Биз юқорида компаниянинг ярим асрлик тарихга эга экани хусусида тўхталган эдик. Ўтган вақт давомида амалга оширилган ишлар замирида ҳамisha профессионал ёндашувга амал қилинган

нани сезиш қийин эмас. Мустақилликдан олдинги ва кейинги даврда ҳам ўзининг салоҳиятини сақлаб қолган ҳолда халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш катта шараф, дейиш мумкин. Зеро, бу вақт ичида қанчадан-қанча компаниялар фаолияти тугатилиб кетмади дейсиз. Бу борада раҳбариятнинг принципиал ва оқилона бошқарувини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

“Термиз қурилиш индустрия саноат” инжиниринг компанияси раҳбари Абдулваҳоб Абсатторовнинг ташкилотни тизимли бошқариш йўлидаги ҳаракатлари, жамоанинг аҳиллиги ва ўз вазифасига масъулияти уларнинг асосий ютуғига айланган. Мақолаимиз сўнгида Абдулваҳоб Абсатторовнинг байрам муносабати билан барча қурувчиларга йўллаган табригини қолдираимиз:

– Ҳар қандай шароит бўлишига қарамай меҳнатдан, ҳаракатдан тўхтамайдиган барча қурувчиларимизга касб байрами муборак бўлсин. Қураётган биноларимизда халқимиз яйраб яшаса, болаларимиз гузал шароитларда таълим олса, бундан ортиқ шараф йўқ қурувчи учун. Бу шарафли касбингизда барчангизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз. Оилангиздан тинчлик, мустақам соғлиқ ва бахт аримасин. Гузал лойиҳаларни амалга ошириб, жонажон юртимиз ривожини йўлида меҳнат қилишдан асло, чарчаманг!





# ҚИЗИРИҚ БҮНЁДКОРИ

МАМЛАКАТИМИЗ  
ОБОДЛИГИ, ШАҲАР ВА  
ҚИШЛОҚЛАРИМИЗНИНГ  
БУГУНГИ ҚИЁФАСИНИ  
ЯРАТИШГА БЕЛ БОҒЛАГАН  
СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ  
БАРЧАСИГА

## КАСБ БАЙРАМИ

МУБОРАК БЎЛСИН.

ҲУДУДЛАР КЎРКАМЛИГИ  
ВА ЮРТ РИВОЖИ УЧУН  
ҚЎШАЁТГАН ҲИССАНГИЗ  
ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ.

АЗИЗ БОШИНГИЗ ДОИМО  
БАЛАНД БЎЛСИН!





**Хожиқўзижон ИСАҚОВ,**  
Фарғона вилояти ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар,  
коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш  
масалалари бўйича ўринбосари.

## Фарғонанинг ўзгача тимсоли яратилмоқда

**Мамлакатимиздаги ислохотлар тўлқинида Фарғонага ҳам янги нафас, янги ҳаёт кириб келди. Бу тараққиёт йиллари фарғоналиклар учун янги Фарғона даври бўлди. Айниқса, қурилиш ва уй-жой тармоқларини ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасидаги ҳаётбахш янгиланишлардан ҳар бир фарғоналик баҳра олмоқда.**

Кўз ўнгимизда Фарғона шаҳрининг ўзига хос янги тимсоли яратилмоқда. Унда бир пайтнинг ўзиде шарқона латофат, замонавий шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси анъаналари уйғунлаштирилиб, тарих сўқмоқларидан мардонвор ўтиб келаётган кўҳна водий гавҳари тобора мухташамлик ва улуғворлик касб этиб бормоқда.

Бундай фусункор манзараларни кўриб, кўнгилда ғурур, ифтихор пайдо бўлади. Шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб юбораётган файзли ва обод кўчалар, баланд иморатлар халқимизнинг эзгу фазилатларига хос бунёдкорлик ва яратувчанликнинг ёрқин тимсоли. Орасталик, файз ва тароватдан кўнгиллар яйрайди.

Фарғона шаҳрининг жанубий сарҳадига туташ, яқин йилларгача бир гиёҳ унмаган, тош-шағалдан иборат даштда бошланган экошаҳар лойиҳаси – “Янги Ўзбекистон” массиви қурилишининг биринчи босқичи якунига етди. Умумий майдони 300 гектар бўлган янги шаҳарда бугун 2800 хонадондан иборат 75 та кўп қаватли уй қуриб битказилди. Йил охирига қадар яна 1500 та хонадонга эга 25 та 12 қаватли уй-жой қуриш режалаштирилган. Хитойлик инвесторлар қиймати 25 миллион АҚШ доллари бўлган, Фарғона водийсида ягона 30 қаватли мухташам мажмуа кура бошлади. “ECO TOWER” биносидан меҳмонхона, турар жой, савдо ва кўнгилочар мажмуалар ўрин олади. Шунингдек, япониялик инвесторлар ташаббуси билан 3 гектар майдонда Япон боғи ва меҳмонхонаси, бир гектар майдонда замонавий тиббиёт клиникаси қурилиши бошланган.

Швейцариянинг “RABAT” компанияси кўмагида 4,5 гектар майдонда замонавий савдо комплекси қад кўтарилди.

Янги шаҳарнинг меъморий қиёфаси улкан орзу-мақсадлар йўлида қанот ёзиб, парвозга шайланган, тинчлик, бахт-саодат тимсоли бўлган улкан Хумо қушини ёдга солади. Бундан уч-турт йил аввал шу ерларда замонавий шаҳар бунёд бўлади, деган гапга кўпчилик ишонмаган. Ўтган қисқа муддатда худди эртақдек туюлган орзулар ҳаётий ҳақиқатга айланди. Кўрсангиз, ҳавас қиласиз, ҳайратланасиз. Бу бежиз эмас. Янги шаҳар қурилиши шу кунга қадар қурилган катта-кичик шаҳар, кўп қаватли уйлар, яшаш манзилларидан ўзига хос меъморий кўриниши, аҳолига яратилган қатор қулайликлари билан ажралиб туради. Шаҳар ўз номига мос ва хос тарзда экологик тоза ҳудуд сифатида эътироф этилади.

“Эко шаҳар” лойиҳаси мамлакатимизда ўхшаши йўқ-ноёб ва мукамал ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Шаҳарча лойиҳасини ишлаб чиқишда экологик тоза, “яшил” иқтисодиётга асосланган инновацион ғоя ва технологиялардан фойдаланишга эътибор қаратилган. Бу ердаги ҳар бир уй энергиятежамкор. Янги даҳа об-ҳавосини мўтадиллаштириш, доимий обиҳаёт билан таъминлаш мақсадида умумий узунлиги 11 километр канал қурилиши якунига етди. Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида ариқлар бетонлаштирилди, дарахт ва яшил майдонларда ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатилди. Ҳудудга ўзига хос тароват ва файз бериб турувчи сунъий

кўл ҳамда замонавий фавворалар қурилиши поёнига етди. Фарғона тумани Дамқўл қишлоғидан 14,2 километр тоза ичимлик сув, 7,5 километр юқори кучланишли электр тармоқлари тортилди. Ўз навбатида, 11,2 километр янги канализация қувури ўтказилди. Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, бу ерда болалар майдончалари ва ўйингоҳлар, 10 та боғча ва 6 та мактаб қурилади. 50 гектар майдонда кичик саноат зонаси ишга туширилиши ҳисобига 20 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Хонадонларни иссиқлик қуввати билан таъминлаш мақсадида марказлашган иситиш қозони ўрнатилди. Айни жараёнда 420 ўринли 3 та мактабгача таълим ташкилоти, 990 ўринли 2 та умумтаълим мактаби, 250 қатнов ўринга эга марказий поликлиника барпо этилди. Бу ерда 1,3 гектар майдонда Ўзбекистон Қаҳрамони, машхур фермер Лолахон Муродова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган фермерлар мактаби қурилди.

70 гектар ерда “Янги Ўзбекистон” боғи ташкил этилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг ўзиде 20 хилдан ортиқ 35 минг туп манзарали кўчат экилди. Эътиборлиси, энди бундай кўчатларни катта маблағ эвазига четдан олиб келишга зарурат қолмади. Мутахассислар маҳаллий иқлим шароитига мос энг ноёб кўчатларни етказиб беришни удаламоқда. Аҳолининг мароқли ҳордиқ чиқаришига кўмаклашиш, маданий-маърифий кечалар, кўнгилочар тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 4 минг ўринли амфитеатр барпо этилган ва унга уйғун сунъий кўлда мусиқали фавворалар ўрнатилди. Ички йўллар бошқа ҳудудлар билан туташтирувчи ҳалқа йўлига боғланмоқда. Жамоат транспорти қатнови учун қулай шохбекатлар барпо этилмоқда.

Эко шаҳардаги барча уйда табиий газ истеъмол қилинмайди. Куёш панеллари, “ақлли” ва тежамкор жиҳозлардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратиб берилди. Ҳар бир уйнинг том қисми, йўл ва йўлақларга ўрнатилган “ақлли” чироқ, беминнат куёш ёритиш панеллари аҳоли ва хизмат кўрсатиш тармоқларига узлуксиз электр етказиб бермоқда. Барча уй-жой базальт қопламаси билан қопланди. Бу хона-

донларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди.

Ҳар бир кўп қаватли уй ҳовлисида болалар ва спорт майдончаси, Жанубий Корея тажрибаси бўйича ясалган ўриндиқлар мавжуд. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш борасида бошқарув сервис компаниялари ўртасида рақобат муҳити шакллантирилди. Яқинда аҳолига сифатли ва арзон хизмат таклиф этган компаниялар билан шартнома имзоланмоқда. Ҳар бир уйнинг олдида ногиронлиги бор шахслар учун махсус пандуслар ўрнатиляпти. Биринчи қаватда кундалик фойдаланиладиган жиҳозлар, болалар велосипеди, ўйинчоқларини сақлашга мўлжалланган махсус жой ҳозирланяпти. Бу хонадон эгаларини керакли жиҳозларни ҳар куни юқори қаватга олиб чиқиш ва олиб тушиш билан боғлиқ ортиқча овозгарчиликлардан халос этади.

Яна бир жиҳати, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан янги уйларнинг ертўла қисмида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун 20 дан ортиқ замонавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу манзиллар уй-жойга муҳтож аҳоли вакилларига бепул берилмоқда.

Барча коммуникация тармоқлари – ички йўллар, электр ва иссиқлик таъминоти, ичимлик ва оқова сув тармоқлари қуриш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириляпти. Коммуникация жиҳозлари ер остида – битта тунелда жамланмоқда. Бу кейинчалик таъмирлаш ишларини қулай шароитда, ортиқча харажасиз, сифатли бажариш имконини беради. Бу омиллар сабаб уйлар баҳоси сезиларли даражада арзонлашди. Шу ернинг ўзиде банк кредити, субсидия ажратиш, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ масалаларни бир жойда, бир вақтда ҳал этиш имкониятини берувчи “Ипотека маркази” қуриб битказилган.

Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос меъморий тимсолини яратмоқда. Бу хайрли амалларни Фарғонада бўлган ҳар бир киши дилдан ҳис қилади, кўриб кўзи қувнайди.







## “BRIGHT GRAPHICS” Фарғонадаги энг фаол лойиҳа ташкilotларидан бири



**Оиланинг кенжаси бўлган Шерзодбек Юлдашев болалигиданоқ янги уйлар тарҳини чизишни, уйдаги бор буюмлардан уйлар макетини яшашни яхши кўрарди. Ҳатто баъзи пайтларда қоғоз-дафтар топа олмаса, уй деворларига ҳам замонавий уйлар лойиҳасини чизиб кўярди. Улғайган сари, орзулари қатъий мақсадга айланиб, Фарғона политехника институтига ўқишга кирди.**

У институтда устозларидан пухта билим олди. Тенгдошлари орасида ўзининг билимга ўчлиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб турарди. Шу боис, устозлари ҳам унинг саволларига эринмасдан, батафсил жавоб беришга ҳаракат қилишарди. 2014 йилда институтни битириб, Фарғона Архитектура-қурилиш бошқармасига ишга келди. Тиришқоқ, ўз устида ишлашдан эринмайдиган, доимо янги нарсалар яратишга интиладиган Шерзодбек Юлдашев тез орада ҳамкасбларининг ҳам ҳурматини қозонди. Маълумоти бўйича архитектор бўлган бу йигит турли йилларда соҳада кўплаб вазибаларда ишлади. Бу йиллар нафақат унинг тажрибаси оширди, балки архитектура соҳасида маҳоратини ҳам юксалтиришга хизмат қилди.

Юртимизда тадбиркорлик, хусусан, қурилиш соҳасига берилган кенг имкониятлар туфайли бошқа ҳудудлар каби Фарғона вилоятида лойиҳачилик соҳаси кенг қулоч ёймоқда. Бу ерда кўплаб лойиҳа ташкilotлари томонидан тайёрланаётган чизмалар соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

“BRIGHT GRAPHICS” масъулияти чекланган жамияти Фарғонадаги энг фаол лойиҳа ташкilotларидан биридир. Қурилиш соҳасини ривожлантириш ва замонавий турар жойларни қуришга қаратилган қонун ва қарорлар Шерзодбекнинг ҳам қалбидаги орзулари ушалишига имкон берди. 2019 йилда мазкур МЧЖда муҳандис-архитектор вазибаларда иш бошлаган бўлса, 2023 йилнинг 1

мартдан ҳозирга қадар ташкilotга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан ушбу корхонада тайёрланган лойиҳалар асосида қад ростлаган турли кўринишдаги объектлар замонавийлиги ҳамда бири-бирига ўхшамасдан ҳудудларга гўзаллик бағишлаётгани билан барчанинг эътиборини тортди. Натижада буюртмачилар сони ҳам кун сайин кўпая борди. Бугун вилоят ҳудудларига чирой бағишлаб турган кўплаб турар жойлар, маъмурий бинолар ва бошқа объектларнинг лойиҳаси ана шу камтарин лойиҳачининг қўлида сайқал топганини одамлар мамнуният билан тилга олишади.

Ўтган даврда у бошчилик қилаётган 5 нафар жамоа аъзоси 200 дан ортиқ турли объектларнинг

лоийҳаларини тайёрлади. Гапнинг рости, вилоятда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ижросини таъминлаш ва объектларни лойиҳалашда “BRIGHT GRAPHICS” МЧЖ жамоаси бири бошқасини такрорламайдиган ва ҳар бири миллийликка йўғрилган лойиҳаларни яратгани билан бошқалардан ажралиб туради. Буюртмалар ҳам шунга муносиб. Уларнинг ишлари нафақат вилоятда, балки юртимизнинг барча ҳудудларида буюртмачилар ишончини қозониб улгурган.

Жумладан, Фарғона вилоятида жойлашган Ички ишлар вазирилиги ҳузуридаги академик лицейнинг 250 ўринга мўлжалланган ошхона биноси лойиҳаси, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Ички ишлар вазирилиги ҳузуридаги академик лицейнинг ётоқхона биноси лойиҳаси, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ички ишлар вазирилигига қарашли автосервис лойиҳаси, Тошкент шаҳридаги Ички ишлар ҳодимлари малакасини ошириш биноси лойиҳаси, Фарғонадаги мактаб ва мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш институти лойиҳаси, Фарғона вилоят прокуратураси маъмурий биноси лойиҳалари ушбу жамоа-

нинг малакали мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, бир қанча таълим ташкilotлари, хусусан, Сўх туманида 90 ўринли давлат мактабгача таълим ташкilotи, Кува туманида 150 ўринли давлат мактабгача таълим ташкilotи, Бувайда туманида 240 ўринли мактаб биноси, Учкўприк туманида 1-сонли ИДУМ, Риштон туманида Иқтисодиёт ва молия бўлими биноси, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 17, 21, 43-сонли мактаблар, Сўх тумани ИИБ бўлими биноси, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги кураш маҳорат спорт мактаби каби юздан зиёд ижтимоий соҳа объектлари лойиҳалари ҳам усталик билан ишлаб чиқилган.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистонни бунёд этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келётган Шерзодбек Юлдашев бошчилигидаги “BRIGHT GRAPHICS” МЧЖ сингари лойиҳа ташкilotлари билан ҳар қанча фахрлансақ, арзийди. Зеро, сўнгги йилларда Фарғона вилоятининг нафақат туман ва шаҳарлари маркази, балки энг чекка ҳудудларида жойлашган қишлоқлар, маҳаллалар қиёфасининг бекиёс даражада ўзгараётганида уларнинг ҳам ҳиссаси катта.



# Йўлсозлар меҳнати таҳсинга лойиқ

**Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, дейишади ота-боболаримиз. Зеро, ушбу савоб ишнинг туб замирида фақат ва фақат инсонларга яхшилик қилиш туйғуси мужассам.**

Инсон қон томирларига қиёслангучи йўллар қанчалик текис ва равон бўлса, ҳаракатланиш шунчалик беҳавотир бўлади. Йиллар давомида ўнқир-чўнқир, паст-баланд, қишда лой, ёзда эса чанг-тўзон йўллар қўли гул йўлсозларнинг фидокорона ва заҳматли меҳнатлари билан равонлаштирилгач, ҳар ким ҳам миннатдор бўлиши табиий. Ана шундай хайрли ва савоб ишларни амалга ошириб келаётган “Фарғона туман йўллардан фойдаланиш” давлат муассасаси меҳнатлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Бу ҳақда жамоа раҳбари Акмал Зикрияев бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Жорий йилнинг биринчи ярмида муассасамиз томонидан вилоят ва туманимиз аҳолиси шароитини яхшилаш, йўл инфратузилмасини такомиллаштириш борасида умумфойдаланишдаги автомобиль ҳамда ички йўлларда кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, умумфойдаланишдаги йўлларнинг 215 километр қисми таъмирланиб, 485 километр йўлларда доимий равишда сақлаш ишлари олиб борилмоқда. Ташкилотимиз фақат туман ҳудуди билан чегараланиб қолмайди. Ишимизнинг тез ва сифатлилиги сабаб вилоятдаги бошқа туман ва шаҳарлардан ҳам буюртмалар тушади. Биз доимо мижозларнинг кўнглидагидай ишлашга ҳаракат қиламиз.

Бугунги кунда корхона йўлсозлари вилоят ҳудудидаги 13,93 километр шағал ва тупроқ йўлларга, шу жумладан, Риштон туманидаги “Воҳим” МФИда 2,7 км, Олтиариқ туманидаги “Қўрғонча” МФИда 3,0 километр, Учкўприк туманидаги “Беқобод” МФИда 2,6 километр, Бувайда туманидаги “Хўжаобод” МФИда 3,1 километр, Қўқон шаҳридаги Муқимий массивида 1,0 километр ва Марғилон шаҳридаги “Наврўз” МФИда 1,53 километр асфальтобетон қоплама ётқириш ишларини амалга оширишди.

Булардан ташқари, “Фарғона туман йўллардан фойдаланиш” давлат муассасаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жа-

даллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш мақсадида Фарғона шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида майдони 300 гектарни ташкил этадиган “Эко шаҳар” қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.

– Ушбу қурилиш объектида ички ва ташқи автомобиль йўллари, кўп қаватли уйларга кириш йўллари ва автотураргоҳлар қуриш ишлари учун муассасамиз бош пудратчи этиб белгиланган, – деди Акмал Зикрияев. – Шунинг учун ҳам барча ишлар ана шу маъсулиятни ҳис қилган ҳолда, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда амалга ошириляпти. Бу ишларнинг барида сифатга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида муассаса томонидан ушбу объектда кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, йўл четига 5,8 километр асфальтобетон қопламаси ётқизилди. Йўл ўртасидаги қатнов қисмини ажратиш турувчи ҳудудларга замонавий техникалар ёрдамида 23 километр бетон тўсиқлар (куйма бордюр) қуйиб чиқилди. Аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида 10,7 километр пиёдалар ва 10,7 километр велосипедда ҳаракатланиш учун махсус йўлаклар қурилди. Бундан ташқари, тунда шаҳар ҳудудида ҳаракатланишни яхшилаш мақсадида 340 та замонавий қуёш панелли кўча чироқлари ўрнатилди.

Жамоада “Устоз-шогирд” аънаси яхши йўлга қўйилган. Мисол учун, йўл қурилиши соҳасида 40 йилдан ортиқ тажрибага эга бўлган устозлар – Маҳмуджон Абдулқосимов ва Ҳалимжон Болтабоевлар муассаса фахри ҳисобланишади. Улар доимо ёшларга касб сир-асрорларидан сабоқ берадилар. Топширилган вазифага меҳр, садоқат билан ёндашишни уқтирадилар.

Корхонада ёш кадрларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда, ўтган йили жамоага олий маълумотга эга бўлган 7 нафар ёш мутахассис ишга қабул қилинди. Улар кўп йиллик иш тажрибасига эга ходимларга шогирд сифатида бириктирилди. Корхона жамоаси келгусида уларнинг ҳам устозлардек малакали мутахассис бўлиб етишишга ишонч билдиришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамоанинг ҳар бир ходими хоҳ у ишчи, хоҳ раҳбар бўлсин, ўзига топширилган вазифага сидқидилдан ёндашиб, ишини сифатли бажариб, юрт ободлиги, мамлакат ривожига ҳисса қўшиш учун меҳнат қилмоқда.







## Кўпларнинг дуосини олиб...

**Шавкат Каюмов туғилган эллингчи йилларнинг бошида одамлар чиройли ва баланд уйлар қуриш ҳақида эмас, балки қорин тўйдириш ғамида яшарди. Уруш тугаган бўлса ҳам, ҳали одамлар қийинчилик билан яшар, пастқам ва лойсувоқ уйларда умр кечиришарди. Шавкат Каюмов ана шундай пайтларда мактабга борди. Хат-саводи чиққач, болалигидаёқ орзу қилгани – катта ва чиройли, ёруғ уйлар қуриш ниятида Фарғона политехника институтига ўқишга кирди. Ҳар куни тонггача китоб ўқиб, билмаганларини ўрганиб чиқадиган Шавкатни устозлари ҳам яхши кўришар эди. У ҳам бор билими ва кучини ўқиб-ўрганишга сарфларди.**

Муҳандис-электрик мутахассиси бўлиб етишган Шавкат ака институт томонидан берилган йўлланма асосида меҳнат фаолиятини Москвада бошлади. Москвадаги бир қатор бино-иншоотларни қуриш, уларни электромонтаж ишларини бажариш даврида ўз билим ва тажрибасини оширди. Унинг мутахассис сифатидаги фаолияти 1974 йил, институтни тамомлаган йилдан бошланса-да, 1977 йилдан ўз ватанида, жонажон юртида камол топа бошлади.

Шавкат Каюмов 1977 йили Москвадан қайтиб келиб, Фарғона шаҳридаги 47-механизациялашган колоннада меҳнат фаолиятини

давом эттиради. Унинг отаси Солижон ота умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб, раҳбарлик лавозимларида ишласа-да, болалари учун вақт ажратиб, уларнинг ўқиши, билим олиши учун барча шароитни яратиб берган эди. У ҳам ота изидан бориб, кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилди. Айниқса, унинг Учкўприк туманидаги заводлардан бирида бош муҳандис бўлиб ишлаган пайтлари заводда янгича иш муҳити яратилди. Иқтисодий ўсиш кучайди. Муҳандис-электрик дипломига эга бўлган Шавкат Каюмов Қўқон шаҳридаги “Нурчи”, “Ўзгур” корпорацияларида ижрочи директор лавозимида меҳнат қилди.

Мустақиллик ҳам Шавкат Каюмов каби изланувчан, янгилик яратишдан қўрқмайдиган мутахассислар учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. У ўзини тадбиркорлик фаолиятида синаб кўра бошлади. 2000 йили “Иzzатбек” хусусий фирмасига асос солиди ва жамоаси билан биргаликда бир нечта объектларни электр тизимларини лойиҳалаш ишлари билан шуғулланишга киришди. 2011-2013 йилларда Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларини ободонлаштириш ишларини амалга оширишда, кўчаларни ёритиш тизимларини замонавий кўринишда лойиҳалаш ишлари ушбу

ташкilot жамоасининг меҳнати маҳсулидир.

Маҳаллада обрў-этиборли, кўни-кўшнисининг иссиқ-совуғидан хабардор Шавкат Каюмов 2004 йилда маҳалла раиси этиб сайланди. У мана шу фаолияти давомида ҳам эзгу ишлар қилишдан тўхтамади. Муаммоларни тинч йўл билан бартараф этиб, маҳалла аҳлининг оғирини енгил қилишдан толмади. У касбий маҳоратдан ташқари, одамийлик, тадбиркорлик, бировлар дардига дардқаш бўлиш каби фазилатлари туфайли кишилар хурматини қозонди.

У асос солган “Иzzатбек” хусусий фирмаси 2000 йили тўрт нафар ходим билан иш бошлаган. Корхона 2011 йилда “Иzzатбек” масъулияти чекланган жамияти мақомида қайта барпо этилди. Мазкур лойиҳа ташкilotи уй-жой хўжалик, саноат ва қишлоқ хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Ҳозирги вақтда жамоада 27 нафар ходим иш билан таъминланган.

Шу йиллар давомида қаҳрамонимиз қурувчиликнинг бир нечта йўналишларида шогирд тайёрлашга ҳам улгурди. Архитектура

йўналишида – Шохруҳбек Рўзиқулов, Улуғбек Толипов, Исламжон Мирзаакбаров, Асаджон Акрамов, қурувчи-муҳандислик соҳасида – Жамолиддин Мавлонов, Аҳроржон Содиқов, Муҳаммадали Назиров, Авазхон Қорабоев, Маҳмуджон Ибрагимов, энергетика соҳасида – Юсуфхон Камолхонов, Сарварбек Турановлар ҳам бугунги кунда устоздан ўрганганларини фаолиятига татбиқ этиб, элнинг дуосини олиб келмоқда. Қолаверса, Фарғона, Андижон ва Наманган шаҳарларидаги шогирдлари ҳам устозлари изидан бориб, эл-юрт хизматида камарбаста бўлмоқда.

Отасидек тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган Шавкат Каюмовнинг икки ўғли ҳам бугунги кунда кийим ишлаб чиқариладиган “Fratelli Casa” хусусий фирмасида иш юритмоқда.

Юрт равнақи, халқ фаровонлигини ўйлаган инсонлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Улар доим бировнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилсам, деган мақсадда яшайди. Ўз навбатида, яхши ниятли кишиларнинг йўли ҳам равон, иши ҳам доим ўнгидан келаверади. Бугун элнинг дуосини олиб, уларнинг дардига камарбаста бўлиб келадиган Шавкат Каюмов каби юртдошларимиз бор экан, ватанимиз янада ривожланиб, дунёга юз тутаверади...





# Муносиб эътироф изланишга ундамоқда

**Бугунги кунда юртимизда тадбиркорларга катта имкониятлар яратилаётгани ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида ўз натижасини кўрсатмоқда. Қувонарлиси, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан юртимиз ҳудудлари кўркам қиёфага кириш баробарида аҳоли фаровонлиги ҳам таъминланяпти. Бундай тадбиркорлар орасида қурилиш-бунёдкорлик йўналишида фаолият олиб бораётганлари ҳам кўп. Уларнинг меҳнати туфайли аҳоли нафақат уй-жойга эга бўлмоқда, балки иш билан ҳам таъминланаётгани қувонарли, албатта.**

Мана шундай ишга бел боғлаган бунёдкорлардан бири – Бахтиёрбек Валламовдир. Институтда қурувчилик соҳасини мукамал ўзлаштиришга бўлган интилиши унга ишлаб чиқариш жараёнининг дастлабки даврида ёқ асқатди. Бир неча йил турли корхоналарда меҳнат қилиб, тажрибали бунёдкорлардан соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштирди. 2015 йилда унинг ҳаётида унутилмас давр бошланди. Тадбиркорлар учун давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланиб, “Файз бинокор Олтиариқ” хусусий корхонасини ташкил қилди.

Мамлакатда бошланган янги давр билан ҳамқадам бўлиш Бахтиёрбек учун осон кечмади. Чунки фаолиятига дахлдор қонунлар қабул қилинган билан айрим ташкилотдагилар, айниқса, банкларга боғлиқ ишлар доимо муаммо туғдирарди. Шунга қарамай у бошлаган ишини аро йўлда ташлаб қўймади, мақсадига эришиш учун тиним билмай меҳнат қилди. Шу орада Фарғона ва Термиз шаҳарларидаги Санъат саройини қуриш юзасидан ўтказилган тендер танловида қатнашиб, ғолиб бўлди. Меҳнатга иштиёқи баланд корхона жамоаси лойиҳа асосида қурилиш ишларини бошлаб юборишди. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнати қадрланиб, уларга барча шартнослар яратиб берилгани эса қисқа даврда ўз натижасини кўрсатди. Шундай катта объектни қисқа вақтда қуриб, фойдаланишга топширилишини ҳаттоки, вилоят раҳбарлари ҳам кутмаган эди. Бугунги кунда эса ана шу муҳташам кошоналарда катта тадбирлар ўтказилиб, шундай гўзал бинони бунёд этганларга одамлар тасаннолар айтишмоқда.

Шулар баробарида Фарғонада бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида 9 қаватли турар жой, 3 та болалар боғчаси, оилавий поликлиника, Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги 6 та маҳаллада ичимлик сув тармоқлари, Тошкент вилоятининг Бўка ва Пискент туманларида оқова сувни тозалаш тармоқларини қуриш сингари бажарилган бунёдкорликлар айтиш жоизки, хусусий корхонанинг кейинги фаолиятига мустаҳкам тамал тошини қўйди.

Шу жамоа меҳнати билан шаклланган ишларни кўрганлар “Файз-бинокор Олтиариқ” корхонасига янги лойиҳалар юзасидан буюртмалар берадиган бўлишди. Учкўприк туманидаги енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш мажмуаси, 120 ўринли эндокринология диспансери, Қўқон ҳамда Фарғона шаҳарларида Миллий гвардиянинг маъмурий ва ихтисослаштирилган биноларини реконструкция қилиш, шунингдек, Фарғона шаҳридаги Президент мактаби ва Корея халқ университетини биносини қуриш, “Янги Ўзбекистон” массивида 2 та мактаб, 3 та мактабгача таълим муассасаси, поликлиника, оқова сув тармоқларини қуриш қабилар шулар жумласидандир.

Асосий ихтисослашуви қурилиш секторига айланган корхона ишлаб топган маблағи ҳисобига турли хилдаги қурилиш материалларини ўзларида тайёрлашга эътибор қаратиб, бошқа вилоятларда ўтказилган тендер танловлари-

да ҳам фаол қатнашган ҳолда бунёдкорлик фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилган. Масалан, Қашқадарё вилояти Нишон туманида хўжаликлараро лоток тармоқларини реконструкция қилиш, Косон ва Самарқанд вилоятининг Булунғур туманларида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивларида ичимлик ҳамда оқова сув тармоқларини қуриш билан бирга, темир-бетон буюмлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган.

Бундан ташқари, шу кунларда корхона томонидан арматура тайёрлашга мослашган завод лойиҳаси устида изланишлар олиб бориляпти. Бундай ҳаракатлар қурилиш материалларини ортиқча маблағ сарфлаб, четдан келтиришга чек қўйиш баробарида, шартнома асосида турдош корхоналарни арзон ва сифатли материаллар билан таъминлаш имконини ҳам бераётгани аҳамиятлидир.

Кенг қўламли бунёдкорлик ишларини амалга оширишда мутахассисларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ҳар қандай қурилиш корхонаси учун муҳим ҳисобланади. Зеро, ишчи-ҳодимлар ўз соҳасини қанчалик пухта ўзлаштирган бўлса, унинг натижаси тиклаган биноларида яққол кўзга ташланади. Бахтиёрбек Валламов корхона директори Азизбек Рўзибоев билан бирга ҳар ишни бошлаш аввалида етти ўлчаб, бир кесишга одатланган. Ҳозирги кунда жамоада меҳнат қилаётган 280 нафардан ортиқ ишчи монтажчи, ғишт терувчи уста, геодезист, сифат назоратчиси, муҳандис каби мутахассисликларни мукамал ўзлаштиришган. Иш сўраб келаётган ёшлар камиди олти ой муддат билан ана шу тажрибали қурувчиларга бириктирилиб, синондан ўтсагина корхона аъзолигига қабул қилинади. Бундай тартиб қатъий белгиланган ва у ишлаб чиқаришда қўйилган натижани бермоқда.

Жорий йилда ҳам жамоа ишчи-ҳодимлари турли кўринишдаги иншоотларни қуриб, юртга наф келтиришни мақсад қилган. Жумладан, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари кесимида кўп қаватли турар жойлар, мактаб, соғлиқни сақлаш муассасалари бунёд этишга киришган. Шу кунларда уларнинг айримлари битказилиб, қолганларида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

Юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга беминнат ҳисса қўшаётган кишиларнинг хизматлари ҳеч қачон бесамар кетмаскан. Бахтиёрбек Валламовнинг бунёдкорлик соҳасида амалга оширган ишлари ҳам ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони ҳамда “Дўстлик” ордени, “Шуҳрат” медали, “Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йиллиги” ва “Ўзбекистон Мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишонлари каби кўплаб юксак мукофотлар унинг кўксини беэзаб турибди. Ҳукуратимиз томонидан меҳнатига берилган баҳо уни ўз устида изланишлар қилиб, янги лойиҳалар асосида яна кўплаб қурилишларни амалга оширишга ундамоқда, десак адашмаган бўлаемиз.

## “ФАЙЗ-БИНОКОР ОЛТИАРИҚ” ЛОЙИҲАЛАРИ





# Касбга муҳаббат кишини улуғлайди

**Ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати ва оғир синовли дамлари бўлади. Сабр ва матонат, ўз касб-корига меҳр бериш, ҳалоллик ва юксак масъулият кишини қийинчиликлардан омон олиб ўтиб, эл-юрт олдида юксак ҳурматга ҳам сазовор этади. Бу, айниқса, қурилиш соҳаси вакиллари учун янаям аҳамиятли ҳикматдир. Ҳар бир қурувчи ўз ишини виждонан бажариши, ҳар бир объектга имтиҳон топшираётгандек жиддий масъулият билан ёндашмоғи зарур.**

Бу фикрлар ташкил топганига салкам йигирма йилга яқинлашиб қолган "FARGONA KRISTAL QURILISH" МЧЖ фаолиятида асосий широрга айланган, десак хато бўлмас.

– Жамиятимизнинг асосий вазифаси бино-иншоотларни қуриш ва таъмирлаш, сув тизими ва канализация тармоқларини қуриш билан боғлиқ, – деди ташкилот раҳбари Азизбек Саломов. – Йўналишимиз бўйича нафақат вилоят, балки республика миқёсида эълон қилинган тендер танловларида ҳам қатнашамиз. Ютиб чиққан объектимиз қаерда бўлишидан қатъи назар жамоамиз ишчилари ўз вазифаларига фидойилик ва масъулият билан ёндашадилар.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойида жамоа асосан сафарда иш бажаришига тўғри келди. Масалан, бугунгача Тошкент шаҳрида Ички ишлар вазирлигига қарашли 5-сонли "Наврўз" номли мактабгача таълим ташкилотида, Чирчиқ шаҳридаги педагогика институти талабалар ётоқхонасида, Учтепа ҳамда Бўка туманларида объектларга канализация ва оқова сув тармоқлари тортиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, бугунги кунда Фарғона шаҳридаги Эко шаҳарда кечалари ўзининг гўзаллиги ва мафтункорлиги билан кишига завқ улашаётган фаввора ҳам мазкур жамият ишчилари меҳнатининг маҳсули.

Жамият фаолиятида ёшларга эътибор катта. Янги ишга қабул қилинган ишчиларга қурувчилик сир-асрорлари, машаққати-ю



қувончли кунлари ҳақида доимо уқтириб борилади. Бу ишда шошма-шошарликка, бепарволикка ва хатога йўл қўймаслик юзасидан ҳар кун бўладиган кунлик қисқа йиғилишда таъкидлаб ўтилади. Шу боис, ишчиларнинг ҳар бири ташкилотдаги тартибга қатъий риоя қилишади. Интизом, масъулият ва жавобгарлик ҳисси кучли инсоннинг иши ҳам шунга яраша унумли бўлиши шубҳасиз.

Йиллар давомида ўтказилган бу каби тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Биргина мисол, Шерзод Маҳмудов жамоага оддий ишчи бўлиб ишга кирганига ҳам анча бўлди. Ўтган йиллар давомида устозлар ўғитини олди ва унга қатъий амал қилди. Қувонарлиси, у бу йил Фарғона политехника институтининг қурилиш-архитектура факультетини тамомлаб, олий маълумотли муҳандис дипломини олди. Энди Шерзод жамиятда бош

муҳандис. Ёки Зоҳиджон Мансуровни олайлик. Оддий ишчиликдан катта тажриба орттирган Зоҳиджон яқинда олий маълумот бўйича диплом олгани тўғрисида жамият раҳбарияти унга ишонч билдириб, иш бошқарувчилик вазифасини топширди. У кичик раҳбар сифатида ўз объектида қатъий интизом ўрнатиб, ишнинг сифати юзасидан назоратни кучайтирмоқда. Шунингдек, Аҳмад Муратов ва Оллоберди Маъдиев каби ёш мутахассислар ҳақида ҳам шундай илиқ фикрлар айтиш мумкин.

Дарҳақиқат, қаерда келажак бунёдкори саналувчи ёшларга эътибор кучли бўлса, ўша ерда ютуқ ва зафарлар қўлга киритилмаверади. Бунинг "FARGONA KRISTAL QURILISH" МЧЖда фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Эътибор ва шароитдан мамнун ёшлар ўз касбини ардоқлаб, у билан фахрланишини таъкидлашмоқда.





## Мақсад аниқ бўлса...

**Юртимизда Мустақиллик байрами арафасида янги шаҳарчалар, массивлар барпо этилиб, осмон билан бўйлашаётган кўп қаватли турар жойлар фойдаланишга топширилиши яхши анъанага айланган. Бу анъанага Фарғона вилоятида ҳам катта эътибор қаратилади, муносиб тадорик кўрилади. Биргина ўтган йили вилоятда 150 та 8 минг 500 хонадонли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йил якунига қадар яна 220 та кўп қаватли уй-жойларни қуриш режалаштирилгани бу борадаги ишлар кўлами катта эканидан далолат бериб турибди.**

Фарғонани Марказий Осиёнинг гавҳарига қиёслашади. Эҳтимол, бу қачонлардир баландпарвоз гапдек туюлгандир. Лекин бугун шаҳар ҳақиқатан ҳам Осиё гавҳари, дея эътироф этишга муносиб тарзда гўзаллашмоқда, сайқаллашмоқда. Айниқса, “Эко шаҳар” ҳудудига кириб қолсангиз, юқоридаги сўзларимиз нақадар чин эканига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Ана шундай улкан бунёдкорлик ишлари, яъни “Эко шаҳар” қурилишида Отабек Холматов бошчилигидаги “Eco House Boulding” масъулияти чекланган жамияти ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, 12 қаватли, 48 квартиралари турар жой биносида ишчи-хизматчилар режадаги

ишларни кўнгилдагидек бажариш учун бор куч ва имкониятларини, ғайратларини аямаяптилар. Режали иш ҳеч қачон ташвиш келтирмайди. Аксинча, келгуси янги вазифаларга йўл очади. Шу маънода, амалдаги йилнинг биринчи ярмида жамият қурувчилари томонидан амалга оширилган ишларга бироз тўхталиб ўтсак.

“Eco House Boulding” масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтган олти ой давомида 34 млрд сўмдан зиёдроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 10 та объектда шартномадаги ишлар тўлиқ бажарилиб, бино-иншоотлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Қўштепа туманидаги 1-сонли ихтисослаш-

ган мактаб-интернат объектини реконструкция қилиш баробарида, шартномага кўра 9 млрд сўм маблағ ўзлаштирилди. Қувасой шаҳридаги 90-сонли кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати бино ва иншоотларини мукамал таъмирлаш учун эса 4 млрд сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Қўштепа туманида жойлашган “Баландмасжид” МФЙ ҳудудига аҳоли хонадонларини мунтазам электр энергияси билан таъминлаш мақсадида система капитал таъмирланди ва бу мақсадлар учун 5,3 млрд сўм жалб этилди. Марғилон шаҳри “Гулистон” МФЙ ҳудудига 6-сонли оилавий поликлиника биноси жорий таъмирланди. Қува тумани “Терактаги”

МФЙ ҳудудига жойлашган оилавий шифокорлар пункти ҳам қуриб битказилди.

Бундан ташқари, Фарғона шаҳридаги вилоят марказий шифохонаси ҳудудига Кардиология илмий маркази биноси қурилиши ҳам якунланган деб қолди. Ҳозирда марказ биносининг том қисми ёпиляпти. Шаҳардаги Ал-Фарғоний номли марказий маданият ва истироҳат боғида жойлашган маданий мерос объектига қирилган бино-иншоотлар ҳам тўлиқ реставрация қилиниб, капитал таъмирдан чиқариляпти.

Юртимиз аҳолисининг талабини инобатга олиб, қурилиш маҳсулотларини хорижикидан қолишмайдиган, сифатли ва арзон нархда ишлаб чиқаришни мақсад қилган эдик, – деди ташкилот раҳбари Отабек Холматов. – Натихада темир-бетон ва лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошладик. Айни кунларда қурилиш объектида мавсумий ва доимий ишчилар 500 нафарни ташкил қилмоқда. 150 дан ортиқ доимий ишчилар томонидан 50 хилдан ортиқ қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Жамиятимизда ишчилар учун керакли барча шароитлар яратилган. Ишчи-хизматчиларнинг 15 нафардан ортиғи олий маълумотли, тажрибали инженер-техник ходимлардир.

Раҳбарнинг таъкидлаганича бор экан. Корхонада ишчиларнинг малакасини ошириш мақсадида яхши ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили ишчи-ҳодимларнинг бир нечтаси Хитой ва Таиланд давлатларидаги дунёга машҳур қурилиш компанияларида малака ошириб келишди. Эндилликда жамоа аъзолари жаҳон стандартлари даражасидаги бино-иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда илғор хориж тажрибасидан фойдаланадилар.

Келгусида жамиятимизда хизмат турларини кўпайтирган ҳолда янги иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз, – дея суҳбатни давом эттирди Отабек Холматов. – Хусусан, 2025-2026 йилларда 3000 дан ортиқ иш ўрни яратиш ниятидамиз. Шу мақсадда, яқинда янги асфальт заводи қурилишни бошладик. Завод тўлиқ ишга туширилса, соатига 200 тонна сифатли асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу савобли ишларни амалга ошириш орқали халққа, юртимизга нафимиз тегса, кўзлаган мақсадимизга эришган бўламиз.

Мақсад аниқ бўлса, ишнинг сифати ҳам, кўлами ҳам кўнгилдагидек бўлади. Демак, ушбу қурувчилар жамоаси ҳам тез орада янги марраларни забт этиб, юрт тараққиётига ҳисса қўшишда давом этаверади.

### “ECO HOUSE BOULDING” масъулияти чекланган жамияти фойдаланишга топширган бинолар





## Қўлингиз дард кўрмасин, азиз қурувчилар!

**Бугунги кунда Фарғона шаҳридаги узоқ йиллардан буён тош-шағаллардан иборат дашт ҳудудида қад ростлаётган “Эко шаҳар” – “Янги Ўзбекистон” массивида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари мафтункор водийнинг янада жозибадор бўлишига замин яратмоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичи якунига етказилиб, умумий майдони 300 гектар бўлган янги шаҳарда 2 минг 800 хонадондан иборат 75 та кўп қаватли уйлар қуриб битказилди.**



Йил охирига қадар яна 1 минг 500 та хонадонга эга 25 та 12 қаватли уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Бу ишларни ўз вақтида амалга оширилиши учун вилоятдаги қурилиш-монтаж ишлари билан боғлиқ деярли барча ташкилотлар жалб қилинган.

– Ана шундай савобли ва хайрли ишларда жамоамизнинг ҳам ҳиссаси борлигидан хурсандмиз, – деди “PRO ARCH INVEST” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Элёр Эргашев. – Жамиятимиз ишчи-хизматчилари айна пайтда “Эко шаҳар” ва “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудларида қурилиш ишларини жадаллик билан олиб бормоқда. Жумладан, “Янги Ўзбекистон” массивида 1 та 5 қаватли, 25 хонадонли ва 1 та 7 қаватли, 2 подъездли, 56 хонадонли уйлар қурилиши замонавий архитектура талаблари даражасида олиб борилмоқда. Бундан ташқари, айна кунларда 5 қаватли турар жой биносининг ташқи фасадларини пардозлаш ишлари амалга ошириляпти. 7 қаватли турар жой биносида ҳам лойиҳада кўрсатилган барча вазифалар ўз вақтида бажарилмоқда.

Шуниси қувонарлики, яқинда “Эко шаҳар”да ушбу жамият ишчи-хизматчилари томонидан қуриб битказилган 9 қаватли 1 йўлак-ли 35 хонадонли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Қисқа муддат ичида уй хонадонлар соҳиб-соҳибаларининг, жажжи болажонларнинг қувончи, шодон қийқириқлари билан тўлди.

– Қайнотамнинг ҳовлисида учта келин яшардик, – деди янги уйлардан бирига кўчиб келган Мукаррамхон Сотволдиева. – Қайнота-қайнонам, хўжайиним билан маслаҳатлашиб, ипотека кредити асосида мана шу хонадонга эга бўлдик. Рости, эртақлар оламига тушиб қолгандайман. Уйда ҳамма шароитлар муҳайё. Бир аёл учун бундан ортиқ яна қандай бахт бўлиши мумкин. Хоналар кенг ва ёруғ. Қурувчиларга минг раҳмат, касбларидан барака топишин, жуда чиройли уйлар қуришибди. Ҳаммаси худди орзу қилганимиздек.

Ҳозирги кунда шаҳарчада 5 ва



7 қаватли замонавий турар жой бинолари қурилиши авжида. Жамият қурувчилари белгиланган вақтда ушбу уй-жойларни қуриб битказиш мақсадида жавлон уриб меҳнат қилмоқда. Уларга ҳатто саратоннинг жазирамаси ҳам писанд

эмаслигини жараёни бир муддат кузатган киши яхши англайди. Зеро, ўз ишига пухта ва тажрибали қурилиш соҳаси вакиллари вақтдан тўғри фойдаланиш улар фаолиятида қанчалик муҳимлигини яхши билишади.

Бунинг учун ташкилот раҳбари жамоани малакали қурувчи-ишчилар ва мутахассис кадрлар билан тўлдириб боришга алоҳида эътибор қаратиб келади. Шу мақсадда, яқинда жамиятга техник назоратчи, ҳуқуқшунос ва бир нафар ички



назоратчи ходим ишга олинди. Бажарилаётган ишларга кўп йиллардан буён жамиятда меҳнат қилиб келаётган техник назоратчи Хидирали Мирзаабдуллаев бошқош. Бундан ташқари, бугунгача жамиятда 40 га яқин иш ўрни яратилди. Янги ишга қабул қилинган ёшлар тажрибали қурувчиларга шогирд сифатида бириктириб қўйилган.

Бугунги кунда фақатгина бир йўналишда фаолият олиб бориш орқали кўзланган мақсадларга эришиш мушкул. Буни ўз вақтида тўғри англаган ташкилот раҳбари фаолиятни кенгайтириш, бу орқали яна янги иш ўринлари яратишга қарор қилади. Жамиятга қарашли “Фарғона Дилфузар омади” фирмаси ҳам вилоятдаги қурилиш-бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Фирма шу кунларда Фарғона туманининг Мирдонобод қишлоғида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳар бири 7 қаватли бўлган 2 та уй қурилишини жадаллик билан олиб бормоқда.

Замонавий, ташқи ва ички дизайни халқимизга хос тарзда яратилаётган, маҳаллий қурилиш материалларидан самарали фойдаланиб барпо этилаётган шинам турар жойлар битгач, яна бир қанча юртдошларимиз ўз ошенига эга бўлишади. Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислохотларнинг асл мазмуни ҳам, халқимизнинг асл орзуси ҳам шу аслида. Бу юртда инсон қадри ҳар нарсадан устундир, деб бежиз айтилмаган. Шу боис, янги уйларда яшаётган барча юртдошларимиз қатори биз ҳам уларга шундай тилак билдирамиз: Қўлингиз дард кўрмасин, азиз қурувчилар!



# Мукаммаллик уларнинг шиорига айланган

**Баъзи инсонлар бўлади, уларнинг ёшликдаги иқтидори, хатти-ҳаракатига қараб, келажакда қайси касбни эгаллашни бемалол айтиш мумкин. Бугун ўзининг маҳорати, бир-бирдан ажойиб лойиҳалари билан Фарғона вилояти қурилиш-бунёдкорлик вакиллари орасида танилиб улгурган Фазлиддин Қўшоқов ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Маҳоратли архитектор бўлиш унинг тақдирига болаликданоқ битилган.**

Фазлиддин Қўшоқовнинг болалиги кўпчилик тенгдошлариники сингари оддий ўтган. Кўчаларда ўйнаган, чўмилишга борган, уй вазибаларини бажаришда баъзан рағбат, баъзан койиш эшитган. Аммо унинг бошқа болаларникига ўхшамаган қобилияти ҳам бор эди. У ҳаммани лол қолдирадиган расмлар чизарди. У чизган портретлар шу даражада ўхшаб чиққанидан кишилар ҳайратга тушишарди.

Олтиариқнинг Бурбонлик қишлоғида туғилиб, катта бўлган Фазлиддиннинг ҳам орзулари катта эди. У чиройли уйлар, бинолар расмини чизиб, келажакда шундай бинолар қуришни хоҳларди.

Бу орзу уни мактабни битиргач, Тошкент архитектура-қурилиш институти (ҳозирги университет)га етаклади. 2009 йили талабалик бахтига эришган Фазлиддин учун бу даврнинг энг жўшқин даврлари ҳақиқий илм олиш, ўз соҳасини пухта ўрганиш йиллари бўлди. Ўқиди, ўрганди, изланди, янги-янги лойиҳалар устида ишлади.

2013 йили институтни тамомлаб, уй-жой, хўжалик, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалик қурилиши учун объектлар, комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш фаолияти билан шуғуллана бошлади. Дастлаб, бу соҳада ишлаш осон бўлмади. Институтда олган назарий билимлари баъзан амалиётга тўғри келмас, баъзан эса турли бюрократик тўсиқлар сабаб лойиҳалари тасдиқланмай қолар эди. Аммо шундай бўлса ҳам, у турли лойиҳалар устида ишлашдан эринмади.

Кўплаб ташкилотлар, хусусий корхона ва фирмаларда ишлаб, соҳада ўзига яраша тажриба ва маҳорат оширган Фазлиддин ўзи ҳам мустақил ишлашга қарор қилади. Қолаверса, Шу тариқа 2019 йилда "FERGHANA ARCH-PROJECT" номи билан хусусий корхона ташкил қилди. 15 нафар малакали ишчи-ҳодимдан иборат жамоа томонидан бугунги кунда вилоят кўрकिга-кўрк қўшувчи бинолар лойиҳалари яратилмоқда. Ҳар бир лойиҳанинг ўзига хослиги, замонавий ёндашув ва мукаммаллик уларнинг шиорига айланган.

Шу кунгача 100 га яқин лойиҳани муваффақиятли амалиётга татиқ қилган Фазлиддин бошчилигидаги жамоанинг энг кўзга кўринган ишларидан бири – Фарғона туманидаги "Экокерамика" заводи. Бу завод лойиҳаси замонавий талаблар асо-



сида ишлаб чиқилган. Ҳар бир деталга эътибор қаратилган. Ундан ташқари, "Шинам шаффоф" МЧЖга қарашли плёнка заводи, "Экокерама" МЧЖга қарашли Панелни радиатор заводи ҳам унинг ишлари маҳсули ҳисобланади. Шунингдек, Данғара туманидаги 23-сонли МТТ, Олтиариқ туманидаги "Эски Араб" МФЙдаги "Севинч" мактабгача таълим ташкилотлари ҳам Фазлиддин чизиб берган лойиҳа асосида қурилган (таъмирланган).

Қаҳрамонимиз келажакда замонавий бинолар архитектурасини миллийлик билан уйғунлаштириб, ўзига хос йўналиш яратмоқчи. Бу орқали Фарғонанинг ташриф қоғозига айланувчи ўзига хос иншоотлар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

– Қурилиш-бунёдкорлик соҳасининг ривожига бевосита лойиҳалаштириш ва архитектура тараққиётига ҳам боғлиқ, – деди Фазлиддин Қўшоқов биз билан суҳбатда. – Бу икки йўналиш бир-бирисиз ривожлана олмайди. Бугун қурилиш соҳаси билан бирга лойиҳачиларга ҳам давлатимиз томонидан қатор имкониятлар берилляпти. Боиси, жадаллик билан давом этаётган қурилиш жараёнида мукамал лойиҳаларга эҳтиёж ҳам катта бўлади. Ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда замонага мос, ҳар тарафлама қулай ва сифатли лойиҳаларни яратиш бизнинг ҳам энг муҳим вазифамиз, деб билламан. Бу йўлда тинимсиз изланишга, янги ғояларни ижодий ишларимизда акс эттиришга ҳаракат қиламиз.

Бугунги кунда икки фарзанднинг отаси бўлган Фазлиддин нафақат яхши архитектор ёки ишбилармон раҳбар, балки оилада фарзанд тарбиясига эътиборли, қолаверса, маҳаллада ҳам ўзига яраша обрўга эга. Зеро, ўз ишининг моҳир устаси кўплаб савобли амаллари, кишиларга қилаётган яхшиликлари билан ҳам ҳурмат қозониб улгурган.

**Фарғона вилояти азалдан соя-салқин боғлари, баҳаво табиати билан юртдошларимизни ўзига жалб қилиб келган. Бугун ҳам водийнинг салоҳиятли бунёдкорлари унинг кўркига-кўрк қўшиш билан машғул. Улкан бунёдкорлик ишларига маҳоратли лойиҳачилардан ташкил топган "OLTIARIQ DESIGN" ХК жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.**



## Ота касбининг давомчиси

Корхона раҳбари Дилмурод Эркабоевнинг ёшлигиданоқ қурилиш-бунёдкорлик соҳасига қизиқиб улғайишида отаси "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи" унвони соҳиби Раҳматжон Эркабоевнинг ҳиссаси катта. Дилмурод болалигиданоқ дадасига ҳавас қилиб улғайди. Ҳавас ва қизиқиш олий мақсадга айланиб, уни қурилиш ва лойиҳа соҳасига меҳр қўйишга ундади. Шу сабабли мактабни битиргач ҳеч иккиланмай, Фарғона политехника институтига ўқишга кирди.

Олий ўқув юртида қурилиш ишлари бўйича устози Зокиржон Пармоновдан, олий маълумот олиш бўйича устози Муаззамхон Собировдан касб сирларини ўзлаштирди. 2012 йилда олий ўқув юртини бино ва иншоотлар қурилиш йўналиши бўйича тамомлаган қаҳрамонимиз 2013 йилдан "OLTIARIQ DESIGN" ХК бош директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Дилмурод Эркабоев ўтган йиллар давомида ташкилот ривожини, ишчи-ҳодимлар манфаати учун жон кўйдирди. Ўзининг талабчанлиги, ишни тўғри ташкил қилиш хусусиятлари билан жамоада ҳурмат қозонди. Иш фаолияти давомида кўплаб қурилиш объектларининг барпо этилишига бош-қош бўлиб, соҳада катта тажриба орттирди. Юзлаб боғча ва мактаблар, соғлиқни сақлаш объектлари, турар жойлар қурилиши айнан унинг раҳбарлигида амалга оширилган. Қолаверса, бу ишларда корхона бош муҳандиси, тажрибали мутахассис Алиёрбек Эркабоевнинг ҳам ҳиссаси катта эканини таъкидлаш керак.

Ана шундай лойиҳачи ва қурувчилар жам бўлган корхона бугун соҳада ўз нуфузи ва обрў-эътиборига эга бўлиб улгурган. Буни улар томонидан сўнгги йилларда

барпо этилаётган иморатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. 12 йилдан буён архитектура йўналишида фаолият олиб бораётган қаҳрамонимиз охириги 3 йил ичида 70 дан ошиқ лойиҳа устида ишлади.

Хусусан, Қувасой шаҳрида ташкил этилган "Қувасой чинниси" КСЗга электр энергияси тармоқларини тортиш ва подстанция қуриш, Фарғона шаҳридаги Мустақиллик шаҳарчасида қад ростлаган "Янги Ўзбекистон" массиви ҳудудида 420 ўринли мактабгача таълим ташкилотини қуриш, 90-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатини мукамал таъмирлаш, "Саховат" кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйини реконструкция қилиш, Ёзёвон туманида ташкил этилган "Янги Ўзбекистон" КСЗга электр энергияси тармоқларини тортиш ва подстанция қуриш, Андижон шаҳридаги 2-, 3-, 4-, 5-кичик даҳалар ҳудудида РК-2 маркази қозонхона реконструкция ва тўла модернизация қилиш шулар жумласидандир.

Бугунги кунда "OLTIARIQ DESIGN" ХК жамоасида 20 дан ошиқ малакали ходим фаолият олиб бормоқда. Жамоа аъзоларини доимо янги лойиҳалар устида қизғин мунозара қилаётганини кўриш мумкин. Ўзаро муҳокамалар, фикр ва тажриба алмашиш, бирдамлик билан бажарилган ишлар эса ҳар доим яхшилик билан яқунланади. Жамоа аъзолари буни яхши билган ҳолда, ҳар бир лойиҳага ўзига хос услубда ёндашиб, мижознинг дилидагини топишга интилади.

Дунёда шундай касб борки, уни танлаганлар дунёдаги энг бахтли инсонлар ҳисобланади. Бу ота касбидир. Энг муҳими, ота касбининг асл давомчиси бўлишдир. Чунки унинг масъулияти ҳам шунга яраша бўлади.

**168 та кўп қаватли уйда 65 дона иссиқлик пунктлари ўрнатиш, 18,5 километр иссиқлик узатиш тармоғи қуриш, Кўқон шаҳридаги Фурқат боғи ҳудудига шоирнинг ҳайкалинини ўрнатиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ТАТУнинг Фарғона филиали қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш каби лойиҳалар ҳам жамоа аъзолари томонидан ишлаб чиқилган.**



## Сув келтирган элда азиз



**Асосий фаолияти ихтисослаштирилган дренаж ва мелиорация ишлари бўлган “Farvilkommundrenaj” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилганига эллик беш йил бўлди. Ўтган йиллар давомида нафақат Фарғона вилояти, балки республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам фаолият юритиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.**

– Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларидаги объектларда жамиятимизнинг кўп йиллик тажрибага эга 20 нафардан ортиқ малакали мутахассислари фаолият юритишмоқда, – деди жамият раиси Беҳзодбек Солиев. – Жамият тасарруфидаги 3 та бурғуловчи машина, 3 та юк машинаси, экскаватор ва автокран, 2 та трактор, 2 та ПР-10 русумли компрессор, 3 та енгил автомашина ва бошқа кичик механизмлар ёрдамида объектлардаги ишлар сифатли ва ўз вақтида бажарилмоқда.

Ташкилот ҳудудида насосларни таъмирлаш ва ишлаб чиқариш учун йиғув ва сим ўраш цехлари, таъмирланган ва янги ишлаб чиқарилган насос ва двигателларни синаш учун махсус стендлар ўрнатилган. Омборларда темир маҳсулотлари, кабель ва янги

насослар, бошқарув қутилари доимий шай ҳолатда. Мавжуд техника ва шароитдан унумли фойдаланган жамоа меҳнаткашлари вилоят ҳудудини ободонлаштиришга қаттиқ киришишган. Айни пайтда қурилиш-таъмирлаш ишларида қизгин мавсум бўлгани туфайли ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ахир, бекорга айтишмайдику “Қиш ғамини ёзда е” деб.

Ҳозирга қадар пудрат шартномаси бўйича Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги “Oqmazor jangli” коллектори тизимини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, Учкўприк тумани аҳолисининг сув таъминотини яхшилаш мақсадида пудрат шартномаси бўйича 30 та сув насоси ўрнатилиб, ишга туширилди. Шунингдек, Данғара туманидаги “Қизилмушт” МФЙга

қарашли Қизилмушт қишлоғидаги туман Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфида бўлган кўкаламзорлаштириш ҳудудига суғориш тизимлари ва сув чиқариш қудуқлари ўрнатилиб, ишга туширилди.

Кейинги йилларда республикамизда қишлоқ аҳолисини доимий иш билан банд қилиш мақсадида томорқачиликка эътибор кучайтирилмоқда. Бу жараён эса албатта, сув билан боғлиқ. Янги ерлар ўзлаштирилиб, экинзорларга айлантириляпти. Натижада кўп ерларда зах қатлами юқорилаб, экинлар ривожига салбий таъсир қилаётгани бор гап. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, яъни ер захини қочирини, хонадонлар томорқаларини суғориш учун тик қудуқ (дренаж) қазий борасида жамият ишчи-ходимларининг хизмати таҳсинга лойиқ.

– Томорқамиздаги эндигина ҳосилга кирган мевали дарахтлар зах туфайли қуриб қолаётган эди, – деди Риштон туманидаги Абдуллабаён маҳалласида яшовчи маҳалла фаоли, нафақахўр Абдуҳолик ота Деҳқонов. – Маҳалламизга вилоятдан ва туманимиздан келган раҳбарлар ўтказган очиқ мулоқотда шу масала кўтарилди. Қисқа вақт ичида уларнинг бевосита амалий ёрдами билан маҳалламиздан ўтган зовур тозаланиб, зах қочирилди. Эндиликда томорқалардаги экинлар ривожини ёмон эмас. Бунинг учун “Farvilkommundrenaj” МЧЖ ишчи-хизматчиларига раҳмат.

Юқорида айтганимиздек, жамият фақат Фарғона вилояти билан чегараланиб қолмай, пудрат шартномаси асосида республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ишларни олиб боради. Масалан, Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги Шота Руставели ва Гавҳар қўчалари кесишмасида, Темир йўл йўналиши (чап томон) қияликлари ҳудудида суғориш (полив) тизимлари ва сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш ишлари ҳам ушбу жамият аъзолари томонидан бажарилган.

Шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик университетининг ўқув биноси ҳудудида суғориш ишларини амалга ошириш учун тик қудуқ (скважина) бурғулаш ишлари учун пудрат шартномаси асосида иш бажарилган.

Жорий йилнинг ўтган вақтида жамият буюртмачиларга шартнома асосида насосларни мукамал таъмирлаш ишлари ва янги насослар етказиб беришни тўлиқ ҳамда сифатли бажариб келмоқда. Жумладан, айни кунларда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги хўжаликлараро “Chegara” коллекторининг РК0+00 дан РК48+00 гача ва “So‘x-Isfara” коллекторининг РК220+00 дан РК272+00 гача қисмини реконструкция қилиш объекти ишларини олиб бормоқда.

Жамият фаолиятининг асоси элни сув билан таъминлашдек савобли иш бўлгани боис ҳам, бугунги кунда жамоа аъзолари халқ билан ҳамнафас ва ҳамфикрликда фаолият юритиб, уларнинг дуосини олиб келмоқда.





# Профессионал хизмат – давр талаби



**Сўнги йилларда қурилиш соҳасида кескин бурилиш содир бўлиб, лойиҳаларнинг сезиларли ошгани туфайли масъулият ва ўз ишига профессионал ёндашадиган компанияларга талаб кучайди. Халқимизда, “Карвон кўп, ризқи бўлак” деган гап бор. Тўғри, ҳар бир компаниянинг ўз талабгори бўлиши мумкин, аммо устаси билан ишлаш бошқа масала.**

Бугун сизга ҳикоя қиладиган ташкилот қурилишда электр-монтаж муҳандислиги билан шуғулланувчи “FERGANA AVTOMAT RASCHOT” МЧЖдир. Ушбу фирма 2011 йилда ташкил топган. Жамият раҳбари Мавлонжон Каримов фирма номланишидан тортиб, профессионал жамоа шакллантиришгача жиддий ёндашган. Бу ҳақда бош муҳандис Элмуроджон Самаджонов шундай дейди:

– Ҳар бир компаниянинг ўз кадрятлари бўлади. “FERGANA AVTOMAT RASCHOT” жамоасида эса кучли салоҳият ва тажриба биринчи ўринда туради. Чунки соҳамиз бирданига ўрганиб кетиладиган, қисқа муддатли иш эмас. Йиллаб тўпланган тажриба ва моҳирлик ишимизнинг асосий талаби ва шартидир. Ўйлайманки, жамоамизнинг ҳамжиҳатлиги ва



Доимий ривожланиш ва такомиллашиш йўлида компания замонавий билим ва технологиялар билан ҳамнафас бўлишга интилади. Ходимлар малакасини оширишда ўз дастагини аямайди.

Юқорида тилга олганимиз Элмуроджон Самаджонов компаниянинг бош муҳандиси бўлиш билан бирга, талабчанлиги, ҳар бир ишга жиддий ёндашиши билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонган. Намунали фаолияти сабаб у кишининг иш ва ҳаёт йўлига бир қур тўхталишни жоиз деб билдик.

1983 йилда Фарғона вилоятининг Фурқат туманида туғилган Элмуроджон Самаджонов тенгдошлари орасида табиий ғайрати ва шижоати билан ажралиб турган. Мактабни тамомлаб, ўзи қизиққан соҳа бўйича Фарғона политехника институтига ўқишга киради. Олийгоҳни электр таъминоти, электр энергетикаси (тармоқлар бўйича) мутахассислиги бўйича тамомлаб, дастлабки иш фаолиятини “Фарғона иссиқлик электр маркази” АЖда бошлайди. Шундан сўнг, турли йилларда муҳандис, бўлим бошлиғи (саноатда), бошлиқ ўринбосари, етакчи муҳандис, “Ферғана автомат расчёт” масъулияти чекланган жамиятида бош инженер (муҳандис)-инспектор, бош энергетик, бош муҳандис лавозимларида ишлаб келмоқда. Ҳамиша янгиликларга чанқоқ, ўз ишини сидқидилдан қилишга интиладиган, тинимсиз меҳнатдан завқ оладиган қаҳраонимиз ўз олдида катта мақсадлар қўйган. Ҳар соҳадан бир нарсани эмас, бир соҳада ҳамма нарсани билишни, ўз ишининг устаси бўлишни истади.

Биз қаҳраонимиздан бир йўлдан, бир соҳадан оғишмай муваффақият қозониб келаётгани сабабини сўраганимизда шундай жавоб берди:

– Ёшлигимдан ўз ишимни кўн-гилдагидек бажаришга одатланганман. Аммо касб эгаси бўлиш билан бирга инсонларни тушунишга, вазиятга қараб иш кўришга ҳаракат қиламан. Баъзан одамларга текинга ҳам хизмат кўрсатамиз. Халқимиздан кўп дуо оламиз. Севиниб, чин дилдан қилинган дуолар биз учун куч-қувват бағишлайди. Қайси дуо, кимнинг дуоси эканлигини билолмасак-да, ишимизда, ҳаётимизда самараси кўринадимиз. Кетма-кет муваффақият ва энгилликлар айнан халқнинг дуоси туфайли, деб биламан. Яшашдан асосий мақсадимиз ҳам шу – бир-биримизга кўпроқ нафимиз тегиши, касбимиз ва вазифамиз орқали халқимизга чин дилдан хизмат қилиш бўлиши керак. Шунда ҳаётимиз ҳам фаровон, хотиримиз жам бўлади. Иш устида қаттиққўллик тарафдориман. Ёнгил-елпи иш қилиб, ўз виждонимизга хилоф иш қилмасак бўлгани.

“FERGANA AVTOMAT RASCHOT” МЧЖ жамоасига, ўз ишининг профессионалларига миннатдорлик билдирамиз. Уларга мустақкам соғлик-саломатлик, келгусидаги хайрли ишларида омад ёр бўлишини тилаймиз.

уюшқоқлигида раҳбарнинг роли катта. Ўзаро бир-бирига яқин, табиатан ва интизом жиҳатдан уйғун жамоа тузиш асосий ютуғимиз ҳисобланади.

Фирма ўз йўналишида самарали ва сифатли иш олиб бориши билан танилган. Ташкилот асосан электрон ҳисоблагичлар ва подстанциялар қурилиши билан шуғуллангани ва ҳудудий мансублигидан келиб чиқиб шундай номланган. Жамоа шу пайтгача давлат ва халқаро миқёсдаги бир қатор сертификатларга ҳам эга бўлган.

Бугунги кунда жамиятда умумий 40 дан ортиқ ишчи-ходим ишлайди. Ишчи-ходимлар бир қатор сертификат ва гувоҳномалар билан тақдирланган. Ташкилот ўзининг техник базасига ҳам эга. Техник база Ўзбекистон туманидаги 24-автокорхонада жойлашган

бўлиб, кран, экскаватор, бульдозер ва тракторлар мавжуд. Лабораторияда геодезия ва лойиҳа ишлари учун электрон таҳометр, ГНСС, нур қайтаргич, нивеллер, ГР-2лар каби замонавий ускуналар мавжуд. Компаниянинг асосий иш фаолияти 110 кВгача бўлган барча электр қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга ҳозирлаш, топографик ва геологик тадқиқотлар хизмати, синов лаборатория ишларини амалга оширишга мўлжалланган.

Компаниянинг мақсади Ўзбекистонда энергетика соҳасидаги муҳандислик ишларини юқори сифат босқичига олиб чиқишдан иборатдир. Компания нафақат Фарғона вилоятида, балки Хоразм, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида ҳам қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб келмоқда.





# Чиқинди сувни оби ҳаётга айлантираётганлар

**“ОВИ НАҲОТ-ИНЖИНИРИНГ” МЧЖ бош офиси Хоразм вилоятининг Хонқа туманида жойлашган. Унинг ҳудуди деворлар билан ўралган қўрғонни эслатди. Қўрғон ичкарасидаги темир-терсақлар уюми оддий кўз билан қараган одамга “Булар ўзи керакмикан?”, деган фикрни пайдо қилади.**

– Керак, ҳатто парчаси ҳам, – деди ташкилот таъсисчиси Хушнудбек Раҳимов фикримизни уққандек.

Бир парча темирғача асраган раҳбарнинг ишида албатта, катта ривож бўлиши аниқ. Саф тортиб турган баҳайбат техникалар ҳозиргина оғир меҳнатдан бир нафасга тўхтаб тин олаётгандай. Сухбатдошимиз булар мавжуд техниканинг бир қисми эканлигини айтди. Ҳолбуки, корхонада 120 дан ортиқ техника мавжуд экан.

– Отамиз қурилиш ишларини яхши кўрарди, – дея сухбатни давом эттирди Хушнудбек Раҳимов. – Бир умр меъмор бўлиб ишлади, нафақага чиққанидан кейин ўз ташаббуси билан мана шу ташкилотни ташкил этди. Жамоамизда ўрта мактабни, олий таълим даргоҳини тугатиб ишга келган ва ҳанузгача ишлаб келаётган ходимларимиз кўп. Улар билан бир оиладек бўлиб кетганмиз. Шу ерда ишлаб, нафақага чиққан фахрийларимиз қанча.

– Кадрлар қўнимсизлиги йўқ, демократик, – деймиз ҳазил аралаш.

– Балки шундай десак ҳам бўлар, ҳеч ким ўзига ёққан ишни ташлаб кетмайди, муҳими шу.

Раҳбарнинг бу сўзи ташкилотнинг бир қадар мавқеини кўтараётгани аниқ. Инсон ўзи қилаётган меҳнатидан кўнгли тўлиб юрса, бола-чақасига топган ризқи етса, рози бўлсагина бошқа иш ташвишини тортмаслиги мумкин. Бу эса сухбатдошимиз таъкидлаганидек энг муҳими.

– Шофёрларимиз Одилбек Каримов, Қурамбой Ёқубов 30 йилдан бери шу ерда ишлаб келади. Баҳодир Жабборов, Ўринбой Нурметов, Матмурод Зарипов, Арслон Исмоилов сингари бригадир ва пайвандчиларимиз ишнинг кўзини биладиган, бир сўз билан айтганда, ишда илми бўлган малакали мутахассислардир.



Чиқинди сувни оқова сувга ёки ахлатни тозалаб сувга айлантиришнинг савобини икки оғизгина сўз билан ифодалаб, залворини белгилаб беролмаймиз. Ташкилотга Ҳабибулла ака беҳудага “ОВИ НАҲОТ-ИНЖИНИРИНГ” деб ном бермаган экан. Оби ҳаёт бу – тоза сув дегани. Салкам бир аср нарида туриб бугуннинг ғамини еган отанинг чинакам ҳиммати фарзандларидан ортиб жамиятга ҳам наф келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Хонқа тумани марказида 46 миллиард сўм эвазига 12,3 километр узунликда оқова сув тизимлари ҳамда 3 та оқова сув ҳайдаш иншооти (КНС) қуриш белгиланган. Лойиҳа доирасида битта қуввати 400 м<sup>3</sup>/соатлик, 720 м<sup>3</sup>/соатлик КНС қуриш, битта қуввати 4000 м<sup>3</sup>/кунлик КОС янгитдан қуриш, ҳамда Д-600, Д-500, Д-315, Д-200 мм бўлган 5720 метр ўзи оқар (гофра) қувурлар, Д-315, Д-200 мм бўлган 6536 метр бо-

симли оқова сув (П/Э) қувурларини қуриш кўзда тутилган.

Юқоридаги лойиҳалар амалга оширилса, 28 000 нафар аҳолига янгидан оқова сув хизмати кўрсатиш кўзда тутилган.

“ОВИ НАҲОТ-ИНЖИНИРИНГ” МЧЖ томонидан 2022 йилда уларнинг биринчисини қуриб, фойдаланишга топширди. Бунинг натижасида шаҳарчадаги Фидойилар ва Ватанпарвар маҳалласидаги 8 та кўп қаватли уй-жойларда яшовчи 624 нафар аҳоли хонадонидан кунига 130 м<sup>3</sup> миқдорда чиқаётган оқова сув тозалаш иншоотига бориб қўйилади. Бундан ташқари, ҳозирда улар Жиззах вилоятининг Зомин туманида, Қорақалпоғистоннинг Манғит туманида, Хива туманининг Журён қишлоғида тоза ичимлик суви иншоотлари қуриш ишларини ҳам давом эттирмоқда.

Бироқ, олдинда ташкилотнинг қиладиган ишлари кўп. Ҳали туманда 64 та кўп қаватли уй-жойлар марказлашган оқова сув иншоотига уланмаган. Янгидан қурилиши белгиланган оқова сув тизими Баркамоллик, Маҳорат, Фидойилар, Ватанпарвар, Мангулик, Бунёдкор сингари ўнга яқин маҳаллаларда жойлашган 59 та



кўп қаватли уй-жойларда яшовчи 864 нафар аҳоли хонадонларидан чиқаётган оқова сувларни қабул қилиш имконини беради.

Шунингдек, ушбу тизим ҳудудида жойлашган умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари, 4 та соғлиқни сақлаш объекти, 13 та давлат ташкилоти, 10 дан ортиқ маиший ва умумий овқатланиш шохобчалари учун хизмат кўрсатиши белгиланган.

Юқорида қайд этилган жараёнлар ўз-ўзидан юзага келмаслиги, бунинг замирида катта куч, катта меҳнат ва маблағ турганлигини кўриш мумкин. Хушнудбек Раҳимовнинг таъкидлашича, “ОВИ НАҲОТ-ИНЖИНИРИНГ” МЧЖ фаолиятини жамоанинг жипслиги, узоқ йиллардан бери ишлаётган ходимлар салоҳияти, билим ва тажрибасига таянган ҳолда олиб боради. Лойиҳаларни белгилаш, чизмаларни чизиш, маҳсулотларнинг сифат даражасини аниқлаш борасида алоҳида диққат талаб этилади.

– Туркия, Англия мамлакатлари билан алоқалар боғлаганмиз, – деди ташкилот раҳбари. – Улар ишлаб чиқарган қувурдан тортиб, том ёпадиган шифергача қурилатган иншоот шу ернинг иқлим шароитига мос ва чидамли бўлсагина қабул қиламиз. Бундан ташқари, пудратчи сифатида мижозга бир

йил кафолат берамиз. Маҳсулотга талафот етса, завод бир йил давомида келиб қайта кўриб беради. Бетон қудуқлар, бетон қоплама сингари кўпгина қурилиш жиҳозлари ўзимизда ишлаб чиқарилади.

“ОВИ НАҲОТ-ИНЖИНИРИНГ” МЧЖнинг яна битта ажойиб жиҳати бор экан. 27 гектар майдонда барпо этилган боғ кўчатлари Франциядан келтирилган бўлиб, улар томчилаб суғориш технологияси билан парваришланади. Пакана навли ўрик, шафтоли сингари мевалар солланиб турган боғ ҳайратингизни ошириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мана сизга сувнинг ҳар томчисига бўлган ҳурмат. Табиатга бўлган муҳаббат. Ҳатто чиқиндидан тоза сув яратган, шунинг ҳам тежаб боғлар барпо этаётган замондошларимиз бор экан, Ватаннинг юки ерда қолмас...

Боғ ичида бир ҳовли бўлиб, шоду-хуррамликда ишлаётган бир-биридан чиройли опа-сингилларимизга қараб ҳавасимиз ортган бўлса, хорижий дўстларимиз учун яшиқларга сараланаётган меваларга қараб нафақат кўзимиз, дилимиз ҳам қувнагани рост. Бу даргоҳда 400 дан ортиқ элдошларимизнинг бандлиги таъминлангани, нафақага чиққунга қадар постини ташлаб кетмаслигида ҳам ҳикмат кўрамыз.





# Байрамни муносиб қаршилаб

**Байрамлар ярашган файзли юртимизда ҳар йили яна бир сана муҳим кун сифатида нишонланади. Тўғри, бу байрам умумхалқ байрами эмасдир, тақвимда қизил билан белгиланиб, дам олиш куни деб эълон қилинмагандир. Аммо... Ўз соҳасининг фидойилари учун бу кун ўзгача аҳамиятга эга. Бунинг устига, йил давомида белгиланган режаларни дўндириб бажарган, кўзлаган мақсадларига эришиб келаётган мутахассислар учун касб байрамини нишонлаш қувончи, завқи ўзгача.**

Ҳар йили август ойининг иккинчи яшанбаси – Қурилиш соҳаси ходимлари кунини юртимиз бунёдкорлари катта тантана ва қувонч билан нишонлашади. Ахир, ишни бекамму кўст бажариб қўйгандан кейин байрамни ҳам муносиб нишонлаш керак-да.

Касб байрамини ёруғ юз ва юксак ишонч билан кутиб олаётган ташкилотлардан бири Хоразм вилоятидаги “Umid-loyiha” хусусий корхонасидир.

Биламизки, ҳар қандай иншоотнинг сифатли, бежирим, тез ва соз қурилиши унинг лойиҳасига бевосита боғлиқ. Шу боис, ўз ишига масъулиятли лойиҳачилар қуриладиган бинонинг лойиҳасини яратишда миридан сиригача эътибор берган ҳолда ишга киришадилар. Чунки лойиҳада эътиборсиз қолган кичик бир хато келажакда катта кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. “Umid-loyiha” хусусий корхонаси бу соҳада 21 йилдан бери фаолият юритиб, бугунги кунда ўз мижозлари ишончини қозониб улгурган. Шу вақт оралиғида улар вилоятдаги қанчадан-қанча катта-кичик объектлар лойиҳаларини тай-

ёрлашган. Улар яратган лойиҳалар асосида барпо этилган биноларда бугун халқимиз фаровон турмуш кечирмоқда.

– Ташкилотимизда ўз касбининг устаси бўлган малакали мутахассислар жамланган, – деди “Umid-loyiha” хусусий корхонаси раҳбари Бобохон Жуматов. – Ҳозирда 50 нафардан зиёд ходим фаолият юритиб келаётган бўлиб, улар ўзларига топширилган ҳар бир ишни белгиланган вақтда, сифатли бажаришга одатланишган. Биз учун ишимизнинг натижаси ва мижознинг ишончи биринчи ўринда туради. Инсон ҳаётига дахлдорлик ҳисси бизни доимо эътиборли бўлишга, ҳар бир ишга ўта аниқлик ва профессионал ёндашишга ундайди. Ходимларимдан ҳам энг биринчи навбатда шу қоидаларга амалга қилишни талаб қиламан.

Ўтган йили жамоанинг вилоятдаги 50 дан зиёд қурилиш объектлари смета-лоийҳалари ишлаб чиқилгани ҳам уларга билдирилган ишончининг натижасидир. Жумладан, Урганч шаҳридаги “Почта” қозонхонаси ва иссиқлик тармоқларини модернизация

қилиш, Хонқа тумани “Туркистон” МФЙдаги 43-умумтаълим мактабини капитал таъмирлаш, Урганч тумани Мажбурий ижро бюроси учун янги маъмурий бино қурилиши объекти, Ҳазорасп туманидаги 38-15-умумтаълим мактаблари биносини капитал таъмирлаш, Урганч шаҳридаги футбол академияси биносини капитал таъмирлаш, Қўшқўпир туманидаги 2-умумтаълим мактаби биносини капитал таъмирлаш, Ҳазорасп туманидаги “Шовот” МФЙда янгидан оилавий поликлиника қуриш, Урганч шаҳридаги 29-умумтаълим мактабини капитал таъмирлаш ва 330 ўринли қўшимча бино қуриш, шу туманда 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти учун янги бино қуриш лойиҳаларини ушбу жамоа мутахассислари амалга оширган.

Албатта, бу ишларни тез ва сифатли қилиб бажаришда жамоада фаолият юритиб келаётган малакали мутахассисларнинг хизмати катта. Умрбек Салаев, Неъмат Отажонов, Неъмат Элтазаров, Қахрамон Ваисов, Владислав Пятков, Мун Славик, Хурсанд Файратов, Меҳрибон Абдуллаева, Илмира

Қўзирахмедова каби мутахассислар тайёрланган лойиҳалардан буюртмачилар ҳар доим мамнун.

Халқимизда яхши бир нақл бор: устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар. Шу боис, Бобохон Жуматов бошчилигидаги жамоада устоз-шогирд аънанаси яхши йўлга қўйилган. Ишга янги келган ҳар бир ходим тажрибали мутахассисга шогирд сифатида тайинланади. У нафақат корхонадаги тартиб-қоидаларни, балки касб сирасрорларини ҳам қунт билан ўргатади. Ёш кадрларга кўрсатилаётган бу ғамхўрлик ва имкониятлар бесамар кетмаяпти, албатта. Ёш мутахассислар ҳам янги ва замонавий дастурлардан фойдаланган ҳолда, ўзига хос ва бетакрор лойиҳаларни яратиб, устозлари ишончини қозонмоқда. Улар яратаётган лойиҳалар миллий аъналар билан бир қаторда замонавий услубларни ҳам ўзида мужассам этгани боис, корхона хизматидан фойдаланиш истагидаги мижозлар сони кундан-кун ортмоқда.

Азалдан дунё тамаддунида ўзига хос ўрин эгаллаб келаётган кўхна кентнинг бугуни ва келажак учун масъуллик ҳисси ушбу жамоа аъзоларини ҳам янада кўпроқ изланишга ундамоқда. Шу боис, уларнинг нафақат аънавий, балки хорижий тажриба ва билимларни ҳам ўрганган ҳолда, ўз фаолиятида қўллашга ҳаракат қилмоқда. Бу эса янги муваффақиятларга сабаб бўлаётди. Изланишдан, гўзаллик яратишдан, янгилликлар қилишдан асло чўчимайдиган ушбу жамоани касб байрами билан табриклаб, келгуси ишларида зафарлар тилаймиз.

## Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 38-сонли мактабни реконструкция қилиш (ўқув блоки қўшилиши билан 320 нафар ўқувчи)





# Иш дегани шундай бўлса...

ёхш рақобатни чинакам стратегия  
деб қабул қилган раҳбар



“Urganch qurilish trans” МЧЖ раҳбари Одамбой Бобожоновнинг сўзларидаги қатъият ва шижоат замирида ўзига хос ватанпарварликни ҳис этиш мумкин. У киши бошчилигидаги жамоа 2013 йилдан буён Хоразм вилояти ҳудудида давлат инфратузилмалари ва хусусий секторларда қурилиш ишларини амалга ошириб келмоқда. Ўтган йилнинг ўзида Хонқа туманидаги 28-мактабгача таълим ташкилоти қайта таъмирланди, яна шу тумандаги Амударё қишлоғида жойлашган туман тиббиёт поликлиникада ҳам капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Бир-биридан кўркам, замонавий қиёфада, ички

– Рақобатбардошлик тушунчасини сиз қандай қабул қиласиз?  
– Рақобатбардошлик дунёнинг ривожланган мамлакатларида фаол ўрганиб келинаётган илмий тадқиқот масалаларидан биридир. Ҳар бир соҳада рақобатчилар бор. Бу ўсиш дегани, яхши, малакали кадрларни танлаш дегани. Рақобат шароитида инсон ўзининг қобилиятларини намоён қилади, мақсадларини амалга оширишга изчил киришади. Бизнесинг ташкилотимиз барпо этаётган бино ва иншоотлар ҳеч кимникига ўхшамаган бўлиши, сифати, кўриниши билан одамларни ўзига жалб этиши зарур. Бу фикрларимни реклама учун айтаётганим йўқ. Иш дегани шундай бўлиши керак. Қурилаётган иморатлар нафақат аҳолининг яшаши учун, балки юртимизни кўркамлиги учун ҳам хизмат қилсин, деймиз.

ва ташқи дизайни ўзига хос, шаҳарсозлик талабларининг барчасига жавоб берадиган бу каби иншоотлар шаҳару қишлоқларимизга ҳам ўзгача салобат, виқор бағишлаб тургани рост.

Айни пайтда жамият аъзолари Урганч шаҳри, Кўшкўпир, Боғот туманлари ва Саримой ҳудудларида ўз лойиҳаларини давом эттиришмоқда.

– Вилоят бўйлаб кўча ёриткичларини ўрнатиш, пиёдалар йўлакчаларини барпо этиш, ички йўллارни таъмирлаш, ичимлик сув тармоқларини тортиш ишларини кўнгилдагидек адо этиб келяпмиз, – деди корхона раҳбари. – Эҳтимол, бу ишлар унча катта мақтовга лойиқ йирик лойиҳалар эмасдир, аммо одамлар учун энг зарур объектлар деб ўйлайман. Элнинг фарзанди энг муносиб шароитлар билан таъминланган сифатли биноларда тарбиялансин, замонавий типдаги, энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган масканларда билим олсин, деймиз. Халқнинг қувончи, бизнинг қувончимиз, юртнинг фаровонлигини таъминлаш эса бош мақсадимиздир. Бу мақсадимиздан оғишмай, жонажон юртимиз ва унинг оташқалб халқи учун яна кўплаб иморатлар барпо этишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, Хонқа туманидаги Давлат хизматлари маркази биноси ҳам ушбу ташкилот қурувчилари томонидан бунёд этилди. Жуда чиройли ва кўркам бино бугун барча қулайликлари билан халқ хизматида.

– Деярли кўпчилик лойиҳаларимиз Хонқа туманида амалга ошириляпти, – дея сўхбатда давом этди Одамбой Бобожонов.

– Ишимиздан кўнгли тўлганлиги боисми, раҳбарият биринчи ишни тугатмасимиздан иккинчисини таклиф қилади. Бу ишонч эса бизни руҳлантириб, янада тез ва сифатли лойиҳаларни амалга оширишга ундайди.

“Ҳар бир ташкилотнинг юраги ҳисобланган ишчилари бўлади. Сизнинг қурилиш ташкилотингиз ҳам ўз қурувчилари билан ном тартаяпти, эл олдида юзингизни ёруғ қиляпти. Бунга қандай эришгансиз?” деган саволимизга раҳбар қуйидагича жавоб берди:

– Албатта, биз уларсиз ҳеч киммиз. Иш бошқарувчимиз Бобур Алимовдан тортиб, кранчи Шерзод Бекчанов, экскаваторчи Иззат Матниёзов, Шерзод Қутлибоев, Мақсуд Отажонов сингари пайвандчилигимиз меҳнатини ҳамisha қадрлаймиз. Энг аввало, қурувчининг шароитини яхшилаш, оиласига кўмаклашиш жамоадаги иш унуми ва сифатининг ошишига хизмат қилади. Қол-

ган ишлар уларнинг қўли билан бунёд этилади. Бу қадоқ қўлли қалбларни асраш энг бирламчи вазифамиз бўлиши керак аслида. Зеро, ривожланаётган мамлакатимизда бугун қурилиш соҳасига муҳим иқтисодий тармоқлардан бири сифатида қаралаяпти. Буни қурилиш-пудрат ташкилотлари сонининг ортиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Демак, соҳада рақобат янада кучайиб бормоқда. Бу курашда фақатгина билан кучига таяниб, ғалаба қозониш мушкул. Сифат, сон, билим, малака, тажриба, бирдамлик каби инсоний сифатларни ҳам унутиб қўймаслик лозим.

Бугун ҳам “Urganch qurilish trans” МЧЖ томонидан вилоятнинг барча туманларида бино-иншоотлар бунёд этиш, ободонлаштириш, таъмирлаш, қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Урганч туманининг Чандирқиёт қишлоғида жамиятнинг қўли гул қурувчилари томонидан барпо этилган намунавий типдаги уй-жойларда халқимиз ўз оиласи билан шоду хуррамликда умргузаронлик қилмоқда.

Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, қор-ёмғир остида ҳам ишини тўхтатмаган матонатли қурувчиларимизга касб байрамлари муборак бўлсин!





# Аҳил жамоанинг бирдамликдаги ютуқлари

**Хоразм вилоятидаги “Монолит лойиҳа қурилиш” МЧЖ 2015 йилдан бери соҳада ўз номи, нуфузи ва имижига эга ташкилот сифатида фаолият юритиб келмоқда. Мазкур ташкилот аъзолари томонидан шу кунгача вилоятдаги жуда кўплаб қурилиш объектларининг лойиҳалари яратилган. Корхонага ёш ва иқтидорли мутахассис Бобурбек Султонмуродов раҳбарлик қилади.**



Жамоа ишлари билан танишишга борганимизда Бобурбек Султонмуродов эндигина ўзлари лойиҳасини тайёрлаб берган қурилиш объектдаги иш жараёнини назорат қилиб келган экан.

– Объектлардаги қурилиш жараёнини тез-тез назорат қилиб турган яхши, – деди у биз билан суҳбатда. – Сабаби, баъзида қурилиш ташкилотларининг лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Ҳар бир иншоот учун алоҳида лойиҳа қилинишининг ўзига яраша сабаблари мавжуд. Бунда ҳар томонлама вазият инobatга олиниб, содда қилиб айтганда, архитекторлар томонидан етти ўлчаб бир кесилади. Қурилиш ишларини чизмадаги талаблар бўйича бажармаслик оқибати эса яхшилик билан тугамаслигини ҳаммамиз биламиз. Шунинг учун назорат биринчи ўринда, тезда камчиликларни бартараф қилишга тўғри келади. Чунки эрта аниқланган камчиликни ўз вақтида тузатиш орқали келгусида қутилаётган ноҳуш вазиятнинг олди олинади. Энг муҳими, биз учун ишнинг сифати, сони эмас...

Жамоа томонидан ишланган ҳар бир лойиҳада сифатга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли



ҳозирга қадар уларнинг ишида жиддий камчилик кўзга ташланмаган. Хусусан, ўтган 2023 йилда “Монолит лойиҳа қурилиш” МЧЖ жамоаси томонидан Урганч тумани “Адолат” МФЙдаги 24-сонли мактабгача таълим ташкилотининг 150 ўринли биносини реконструкция қилиш, Хива тумани “Отажон тўра” МФЙдаги 23-умумтаълим

мактабини реконструкция қилиш, Ҳазорасп тумани “Оталиқ” МФЙдаги 1-сон мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш лойиҳалари яратилган.

Шунингдек, Шовот тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими биноси, Урганч шаҳар электр таъминоти корхонаси маъмурий биносини бузиб, ўрнида биринчи ва иккинчи қавати маъмурий бино ва юқори қаватлари кўп хонадонли турар жой биносини қуриш лойиҳаси, Хонқа, Урганч, Янгибозор ва Гурлан туманлари ҳудудидан ўтган “Дарёлик” магистраль коллектори тизимига насос станцияларини қуриш лойиҳалари ҳам шу жамоа аъзоларининг меҳнати маҳсулидир.

Меҳнатқаш ва аҳил жамоа жорий йилда ҳам катта ғайрат билан ишлаб, мукамал ва сифатли лойиҳаларни яратишда давом этмоқда. Ҳозирга қадар улар томонидан вилоят кўркига кўрк қўшувчи ўндан зиёд қурилиш лойиҳалари тайёрланди. Тез орада лойиҳалар қўли гул қурувчилар томонидан

амалга оширилиб, вилоят ҳудуди янада замонавий қиёфага кириши аниқ.

Шу ўринда ҳамкор ташкилотлар ва одамларнинг ишончини қозониб келишида жамоадаги ишчи-ҳодимларнинг ҳам ўзига яраша ўрни борлигини таъкидлаш лозим. Жамоада узок йиллардан буён фаолият юритиб келаётган лойиҳа бош муҳандислари – Янгибой Бобожонов, Акбар Авезов, Абдримбой Отажонов, Равшанбек Машарипов, лойиҳа бош архитектори Бекзод Муҳаммедов, лойиҳа-смета ишлари бўйича муҳандис Санобар Сапаева, архитекторлар – Хушнуд Султонмуродов, Азизбек Машарипов, муҳандис-лоийҳачи Салтанат Нафасова ва мутахассис Дилдора Маткаримовалар ўзларига берилган ҳар қандай вазифани тез ва сифатли бажариб, ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

– Ўзбек халқи маблағи ортса, тўй қилади, уй қуради, – деди Бобурбек Султонмуродов. – Демак, юртимизда қурувчига ҳам, лойиҳачига ҳам доимо иш топила-

ди. Бугун юртбошимиз томонидан тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилгани туфайли соҳада рақобат ҳам ўзига яраша. Шу боис, ўз устимизда тинмай изланиб, хорижий тажрибаларни ўзлаштиришни, тажрибамизни бойитишни, фаолиятимизда архитектура соҳасидаги янги услубларни қўллашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун ташкилотда керакли шароит яратишга ва ходимларни техника воситалари билан тўлиқ таъминлашга катта аҳамият қаратамиз.

Инсон касбидан фақат моддий манфаатдорлик учун фойдаланмаслиги керак. Акс ҳолда унда фақат бир томонлама мақсад муҳасам бўлиб қолади. Ўз соҳасининг ҳақиқий эгаси бўлган киши унга бир санъат, сеvimли машғулот сифатида қарасагина қилаётган ишидан кўнгли тўлади. Бу қараш, айниқса, ижодкорлик ва чексиз тасаввур талаб қилинадиган соҳа – архитектура йўналишида кўпроқ керак бўлади. Ана шу фазилатларга эга мутахассис эса ҳар бир ишга ижодий ёндашиш орқали ҳам ишини пухта қилади, ҳам мижоз ишончини қозонади.

Бу борада “Монолит лойиҳа қурилиш” МЧЖ омадли ташкилот деб аташга арзийди. Зеро, бу ерда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим билан суҳбатлашсангиз, ҳар бири ўз оламига эга, кўнгли ва диди нозик инсонлар эканлигига амин бўласиз. Мижозлар ва буюртмалар сони кундан-кунга ошаётганининг сабаби ҳам шудир, балки. Буларнинг бари – аҳил жамоанинг бирдамликда катта ютуқларга эришиши учун замин яратмоқда.

Биз эса юртимизда ўз ишининг ҳақиқий усталари, ижодкор ва нозик дидли архитектор ва лойиҳачилар сони ортаверсин, деймиз. Чунки айнан уларнинг меҳнати туфайли юртимизнинг энг чекка ҳудудлари ҳам чирой очиб, мафтункор қиёфага кирмоқда.





# “Shovot taraqqiyot” МЧЖнинг тараққиёт одимлари

Юртбошимиз ташаббуси ва кўрсатмасига мувофиқ бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари уй-жойга муҳтож аҳоли учун катта қулайлик яратмоқда. Бу массивлар нафақат одамларни уйли-жойли қилишдек улғвор мақсадни амалга оширмоқда, балки юртимизнинг замонавий архитектурасини яратаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Муҳими, бу уйларда халқимизнинг тўла-тўқис, ҳаётдан қувониб яшаши учун барча шароит муҳайё.



Айни шу жазирама кунларда ҳам ушбу қурилиш майдонларида иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, жавлон уриб ишлаётган кўли гул қурувчиларга эса таҳсинлар айтса, арзийди. Ахир, улар қураётган бинолар шаҳару қишлоқларимизга кўрк қўшиш баробарида, одамларни давлатдан рози қилишга ҳам ундамоқда. Улар қуриб фойдаланишга топшираётган уйларда инсонлар орзу-ҳавас билан ўғил уйлантириб, қиз чиқариб, тинч ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Янги уйларда яшаётганлар “Бу уйларнинг бунёдкорларига мингдан минг раҳмат” дея қурувчилар меҳнатини эътироф этишяпти.

Бу ҳаётбахш ислохотлардан Хоразм вилояти ҳам четда қолаётгани йўқ.

Хусусан, вилоятдаги “Shovot taraqqiyot” МЧЖ мана қарийб 10 йилдирки қурилиш ишлари билан шуғулланиб келмоқда.

Ташкилот 2014 йилнинг 22 мартда ташкил этилган бўлиб, шу давр мобайнида Хоразм вилоятининг турли туманларида қурилиш ишларини олиб боришди. Биргина ўтган йилнинг ўзиде Қўшқўпир туманидаги “Ёвғир” МФЙ Паҳлавон Маҳмуд кўчасида иккита беш қаватли, бир йўлакли, 2-3 хонали жами 40 хонадондан иборат турар жой биноси ва Янгиариқ туманидаги “Дўстлик” МФЙда битта беш қаватли, бир йўлакли, 2-3 хонали 20 хонадонли турар жой биносини қуриб, фойдаланишга топширишди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида эса жамоа томонидан Шовот туманидаги “Арбоб” МФЙда битта бир йўлакли, 5 қаватли, 2-3 хонали 18 хонадонли (биринчи қавати нотурар) кўп қаватли турар жой биноси барпо этилди.

Бугунги кунда ҳам “Shovot taraqqiyot” МЧЖ томонидан яна кўплаб объектларда қурилиш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Уйларнинг ҳар қандай инсон дидига мос, мукамал ва замонавий кўринишда барпо этилишида пухта лойиҳалар ва юртимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу боис, жамият аъзолари ҳар бир объектни қуришдан аввал унинг лойиҳаси билан яқиндан танишади. Лозим бўлса, улар билан бамаслаҳат ҳолда



баъзи ўзгартиришларни киритади. Муҳими, қилаётган ишлари энг аввало, одамларга маъқул бўлиши керак. Бу мақсад уларни янада шижоат билан ишлашга ундайди, десак адашмаган бўламиз.

– Шу пайтгача ўз олдида қўйган мақсадларини белгиланган муддатда амалга ошириб келаётган қурувчиларимиз касб байрамини кўтаринки руҳда қарши олмақда, – деди “Shovot taraqqiyot” МЧЖ раҳбари Нодирбек Норбоев. – Мустақиллик байрамигача яна бир нечта объектни фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. Бунинг учун жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўзига ишониб топширилган вазифани сифатли тарзда адо этиб, самарадорликка катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бу борада жамиятимизда яратилган баъзи қоидалар асқатмоқда. Масалан, жамоага янги келган ёшларга устоз қурувчиларни бириктириб, касб сирларини ўргатишни одат қилганмиз. Бу келажақда ёшларнинг ўзига ҳам, қолаверса, жамоа томонидан бажарилаётган иш кўлами ва сифатига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди.

Шу боис, аъналарга содиқ ушбу жамоада ўз ишининг усталари бўлган фидойи инсонлар жуда кўп. Хусусан, иш бошқарувчи Қодирберган Абдримов, иш юритувчи Оллаберган Машарипов, электрик Равшанбек Жуманиёзов, ҳайдовчилар Ғайрат Абдалёзов, Худойберди Одамов, Ярашбой Якубов, кранчилар Қувондиқ Сафаёзов, Бозорбой Абдуллаев, ишчи Умиджон Жепбаров ва бўёқчи Ҳамиджон Матякубовларнинг ишларидан раҳбарият ҳам, хонадон эгалари ҳам мамнун.

– Қурувчиларга етарлича иш шароитлари яратиб берганмиз, иссиқ овқат, узокдан қатнайдиғанлар учун ётоқхоналар мавжуд, – деди иш бошқарувчи Оллаберган Машарипов. – Ойлик маошлари ҳам ўз вақтида тўлаб борилмоқда. Бу имкониятлар эса ўз навбатида уларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиб, иш унуми ортишига ҳам сабаб бўляпти.

“Shovot taraqqiyot” МЧЖ қурувчиларининг бугунги кундаги шиори: сифатли ва шинам уй- жойлар қуриб, халқни рози қилиш тамойили асосида иш олиб бориш. Бу шiorга тўла амал қилиб келаётган жамоага халқнинг ҳам ишончи баланд. Буни жамоа хизматидан фойдаланиш истагида бўлганларнинг кўплигидан ҳам билиш мумкин.

Қурувчилар кунини муносиб қарши олаётган жамоани биз ҳам касб байрами билан қутлаймиз. Байрамингиз муборак бўлсин, азиз қурувчилар!



## Эр йигит элни боқар



**Ҳамиша байрамлар олдидан бир нафас тин олиб, ортга назар ташлаб қўядиган яхши бир одатимиз бор. Худди узоқ йўлга кетган йўловчи манзилига етиб, босган изини сарҳисоб қилганидек. Инсон умри ҳам йўлга ўхшайди. Бу йўлларда гоҳ машаққат, гоҳ роҳат кўрасан. Ватан ҳам худди шундай. Зеро, биз Ватаннинг кичик бир парчаси сифатида унга тақдиримиз ҳам туташ, ўй-хаёлларимиз ҳам уйғун. Биз Ватанни ўйлаб уйлар қурамыз, Ватан бизга қайғуриб, ўша уйлар бағрига олиб киради.**

Ҳар йили август ойининг иккинчи якшанбаси – юртимизда фаолият юритаётган қурилиш-бунёдкорлик соҳаси вакиллари ҳамда ташкилотлари учун ҳам айнан сарҳисоб палла десак, адашмаган бўламиз. Ахир, бир йилда бир маротаба нишонланадиган касб байрамини муносиб кутиб олиш учун ҳам ташкилотлар ўз олдиларига қўйган режаларни тўлақонли бажариш пайида бўлишади. Кимдир янги боғчани совға қилиб болажонларга чексиз қувонч улашса, яна бошқа корхона юзлаб оилаларни янги хонадонлар билан қувонтиради. Янги йўллар, кўприк ва истироҳат боғлари, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо масканлари ҳам қурувчилар меҳнатини юзага чиқариб, халқимизга янги имкониятларни тақдим этади.

Шу боис, “KHOREZM ELITE” МЧЖ офиси жойлашган бинога кириб келганимизданоқ бу ердаги жўшқин иш жараёнига кўзимиз тушди. Иш юритувчи қизлар билан суҳбат асносида компаниянинг нуфузи ҳақида бироз маълумотларга эга бўлдик. Шу жараёнда девордаги уйларнинг сурати диққатимизни тортди. Бинолар замонавий, хорижий мамлакатлар андозалари асосида қурилгани бир қарашда кўзга ташланади. Бу фикримизни иш юритувчи қиз ҳам тасдиқлади.

Компания раҳбари Умид Агабуллаев кўплаб давлатлар меъморчилик санъатини, инсонлар



психологиясини ўрганиб чиқиб, лойиҳа чизмалари устида соатлаб ўтиришини айтганида, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Чунки раҳбарнинг хонасидаги китоб жавонида терилган соҳага алоқадор китоблар аллақачон у инсон ҳақида бир қадар маълумот берган эди. Ўқиб-ўрганишдан, фаолиятига янгиликларни жорий этишдан тўхтамайдиган инсон раҳбарлик қиладиган ташкилот ишлари ҳам мактовга лойиқ, албатта.

– Изланишдан тўхтаган инсон тараққиётдан ҳам тўхтайдми, – деди раҳбар биз билан суҳбатда. – Шу

боис, ўзим бошлаб берган бу анъанани ишчи-ходимларимдан ҳам талаб қиламан. Қурилиш соҳаси бугун кун сайин ривожланмоқда. Янги талаб ва қоидалар, услублар, турли замонавий технологиялар шиддат билан кириб келяпти. Улардан хабардор бўлмаган соҳа вакили ишини тўлақонли бажаролмаслиги мумкин. Шу боис, бунёдкорлик йўналишидаги қарор ва фармонлар билан танишиб бориш, янгиланаётган шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя қилиш бугунги кун қурувчининг асосий вазифасидир. Ана шундагина соғлом

рақобат, ишда юксалиш ва сифат биринчи ўринга чиқади.

“KHOREZM ELITE” МЧЖ расман 2020 йилда ташкил топган бўлиб, Умид Агабуллаев уни бошқаришни бошлаганида 22 ёшда эди. Биринчи фаолиятини Урганч тумани Ғалаба қишлоғидаги Қумрабод маҳалласида кўп қаватли уйлар қуришдан бошлаган. 5-7 қаватли 60 та уйда 88 та хонадон, 9 та маиший хизмат шохобчаси ўрин олган. Болалар майдончаси, автотураргоҳ, қуёш панелига эга бўлган сифатли, пишиқ ғишдан, лифтлари билан қурилган ушбу хонадонларнинг

калитлари ўз эгаларига топшириш маросими ҳам улар учун унутилмас тарихий воқеага айланди.

– Умиджон бизга қалитни шунчаки топшириб қўймади, катта тантана, санъаткорлар билан тўй қилиб берди, – деди янги хонадон соҳибаси Шоира опа. – Янги уйга қўшиб уй-рўзгор буюмлари ҳам совға қилди. Ҳеч қандай бошланғич тўловларсиз, кадастр ҳужжатларини тайёрлаб, кўчиб кирдик. Бунинг учун “KHOREZM ELITE” МЧЖ бунёдкорларидан мамнунмиз.

Ёз мавсуми қурилишда энг муҳим палла ҳисобланади. Қолаверса, тўйга тўёна билан деганларидек, ҳар бир жамоа касб байрами ва Ватаннинг мустақиллиги тантаналарига катта ҳозирлик кўради. Аксарият иншоотларни айнан шу байрам арафасида қуриб битказишга, фарзандларимизга мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, халқимизга янги хонадонларни тақдим этишни ишташади. Шу боис, ушбу корхонада ҳам бугун ишлар қизғин. Жамоа аъзолари Ватаннинг мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида яна 88 хонадон, 9 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчасига мўлжалланган иншоотлар ўз эгаларига топширилиши мўлжалланмоқда. Жорий йил якунига қадар яна 77 хонадонли кўп қаватли турар жой биноси қурилишини ҳам якунлаш режалаштирилган.

“KHOREZM ELITE” МЧЖда ишчиларга яратилган шароитлар, салқин дам олиш хоналари ҳавасингизни келтиради. 100 нафардан ортиқ ишчи-хизматчига эга корхона келгусида ҳам яна кўплаб уй-жойлар қуриш орқали аҳолига қулайлик яратишда давом этишига ишонамиз. Зеро, одамларга бошпана барпо этишдек савобли ишларга камарбаста бўлиш, бунинг урдасидан чиқиб Ватаннинг мард йигитларига хос улуг вазифадир. Эр йигит элни боқар, деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган, ахир.





## "YUGGAZSTROY"

акциядорлик жамияти

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

**билан юртимизда фаолият олиб  
бораётган барча бунёдкорларни  
табриклаймиз.**

Сизларнинг фидокорлигингиз,  
меҳнату маҳоратингиз туфайли тобора чирой  
очаётган заминда яшашнинг ўзи катта бахт.  
Инсонларга бахт ва қувонч улашишдек  
савобли касбингиз туфайли доимо  
эл ардоғида юриш насиб этсин.





# Кўтаринки кайфият иш унумига ижобий таъсир қилади

**Бугун Хоразм вилояти ҳам шаҳарсозликнинг янги услублари, миллий ва замонавий архитектура уйғунлигида барпо этилаётган мухташам иншоотлар туфайли янада мафтункор қиёфа касб этмоқда.**

Буни ҳатто кўҳна заминга қадам ранжида қилаётган сайёҳлар ҳам пайқаетгани бор гап. Бир пайтлар фақатгина мадрасаю мақбаралари билан мақтана оладиган Хоразмнинг танти халқи ҳам ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорликлардан мамнун. Бу ишларни амалга оширишда эса вилоятда фаолият юритиб келаётган қурилиш-бунёдкорлик соҳаси вакиллари катта намуна кўрсатмоқда.

Хоразм вилоятида фаолият юритаётган "Ram building" МЧЖ ташкил этилганига беш йил бўляпти. Аммо шундай бўлса-да, мазкур ташкилот томонидан жуда кўп ишлар амалга оширилди. Масъулияти чекланган жамиятнинг асосий иши ҳудудларда тоза ичимлик суви ҳавзаларини бунёд этиш, таъмирлаш, кўп қаватли биноларнинг электр монтаж ишларини амалга оширишдан иборат.

Аҳамиятли томони, жамоа вилоятимиздан ташқарида ҳам ўзларига топширилган ишларни бекаму кўст амалга оширишади. Ташкилот ўтган олти ой давомида Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида, Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида, Тошкент вилоятининг Пискент ва Ўртачирчиқ туманларида оқова ва ичимлик сув ти-

зимини ўтказиб бериш ишларини амалга ошириб, иншоотларни фойдаланишга топширишга эришдилар. Айни кунларда эса Тошкент ва Хоразм вилоятида сув ҳамда электр энергияси билан боғлиқ ишлар амалга ошириляпти.

– Корхонамизда ўз ишининг усталари бўлган қўли гул ишчилар меҳнат қилишади, – деди "Ram building" МЧЖ раҳбари Нуриллобой Адамов фахр билан. – Улар ўзларига топширилган вазифаларни тўла-тўқис, бекаму кўст адо этишмоқда. Меҳнаткаш ишчи-ҳодимлар саъй-ҳаракати билан жамоамизнинг хизматига бўлган талаб ҳам ортмоқда. Узоқ қишлоқ ва овулларга тоза ичимлик суви тармоқларини тортиб, аҳолининг қувончига шерик бўлаётганимиздан хурсандимиз. Чунки мақсадимиз ҳам шу аслида – халққа нафимиз тегса, уларга қувонч улашсак, биздан бахтли инсон йўқ.

Жамоа аъзолари бу йилги касб байрамини юқори кайфият ва кўтаринкилик билан қарши олмоқда. Нуруллабой Адамов, Йўлдош Абдуллаев, Фарҳод Шомуратов, Умрбек Шомуратов, Рашод Оқилов, Сапарбой Курбанов, Жавлонбек Тажимов, Муҳаммад Кенжаев, Мусажон Ражабов ва Мансур Ада-



мов каби турли касб эгалари ўзларига топширилган ишларни бекаму кўст адо этиб, объектларни белгиланган вақтда фойдаланишга топширилишига ўз хиссасини кўшиб келмоқда.

Кўтаринки кайфият иш унумига ижобий

таъсир қилиши бор гап. Бу йилги байрамни муносиб қаршилаётган "Ram building" МЧЖ жамоаси келгусида ҳам бунёдкорлик ишларини давом эттириб, халқни рози қилиш тамойили асосида ишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган.



**O'ZBEKISTON  
BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Азиз ҳамкасблар!  
Сизларни**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ  
ХОДИМЛАРИ КУНИ**

**билан самимий қутлаймиз!**

Озод ва обод юртимизнинг равақли йўлида қилаётган фидокорона меҳнатингизда барчангизга куч-қувват тилаймиз.





## ТОШКЕНТ ШАҲАР

Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги соҳасида ҳудудий  
назорат қилиш инспекцияси



Асрларга тенгдош боқий иншоотлар  
ижодкорларига

**КАСБ БАЙРАМИ  
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН.**

Шижоату файратингизга  
асло кўз тегмасин,  
қадрли соҳа вакиллари!





# Эътирофга сазовор ташкилот



**Ўз юрти билан фахрланадиган ҳар бир инсон унинг ривожини учун хизмат қилишни, танлаган касбини ёрдамида ҳисса қўшишни истайди. Аслида, бу истак ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигидан ташқари, биздаги ватанпарварлик туйғусини ҳам шакллантиради. Демакки, расом ўзи чизган сурати билан, шоирлар ёзган шеъри билан, қурувчи қурган иншооти билан, архитектор эса яратган лойиҳалари билан ўзи туғилиб ўсган заминга хизмат қилади.**



Жиззах вилоятида 2019 йил 17 апрелда ташкил топган "Architects Project Group" МЧЖ ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритиб келаётган ташкилотлардан бири. МЧЖ таъсисчилари – Улуғбек Қудратов ва Омонуллахон Агламов бошчилигидаги малакали архитекторлар жамоаси бугун нафақат вилоят, балки республика миқёсидаги кўплаб йирик иншоотлар лойиҳаларини яратиш орқали, соҳада ўз номи ва нуфузига эга бўлиб келмоқда.

Ташкилот умумқурилиш объектлари лойиҳаларини тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, асосий фаолияти уй-жой, хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатлари, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқларини лойиҳалаштириш, санат қурилиши учун объектлар ва комплекслар, сув хўжалиги ҳамда магистрал муҳандислик тармоқлари, қурилиш объектларини мукамал таъмирлаш ва жорий таъмирлаш, транспорт ва йўл қурилиши объектлари ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш



ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги кунда корхона IV категориядаги объектларни ҳам лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ваколатига эга.

– Ташкилотимизда 20 дан ортиқ ишчи-ходим фаолият олиб бормоқда, – деди Улуғбек Қудратов. – Улар ўз ишини сифатли ва мукамал тарзда бажариши учун барча керакли техника воситалари билан, жумладан, замонавий русумдаги компьютерлар, плоттер ва принтерлар билан таъминланган. Бундан ташқари, ҳар бир лойиҳанинг бекаму кўст яратили-

ши учун AutoCad, Revit, Lumion, Lira каби соҳага оид дастурлардан фойдаланилади. Шу боис, ташкилотимиз томонидан яратилган лойиҳалар нафақат вилоятимиз, балки юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган қурилиш-бунёдкорлик соҳаси вакилларининг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Ўз меҳнатимиз, ижодимиз билан юртимизнинг замонавий қиёфасини яратишга оз бўлсада ҳисса қўшиб келаётганимиздан фахрланамиз. Ахир, бир иморатни тиклаш учун қанча заҳмат чекилишини ҳамма ҳам ҳис қилавермайди. Бировга бир иншо-

от қуриш, унинг ҳаётига масъул бўлиш деганидир. Чунки бино кийим эмас, икки-уч йилда адо қилгани. Ундан одамлар йиллар давомида фойдаланади. Лойиҳа яратилаётганда ҳам, иморат қурилаётганда ҳам соҳа вакиллари ана шу жиҳатларни эътиборга олиши шарт.

"Architects Project Group" МЧЖ шу кунга қадар Жиззах ва бошқа вилоятларда кўплаб йирик объектлар лойиҳаларини яратиб, юртдошларимиз ишончини қозониб улгурган. Айти пайтда ҳам жамоанинг малакали мутахассислари томонидан мактабларни қуриш ва мукамал таъмирлаш, кўп қаватли турар жой бинолари лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳридаги кўп қаватли турар жой бинолари, Қашқадарё вилоятидаги 10 га яқин мактаб биноси, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги дам олиш масканини 100/10кВ электр таъминоти билан таъминлаш, Паркент туманидаги Материалшунослик институтига қарашли Катта қуёш қурилмаси объектини мукамал таъмирлаш ва модернизация қилиш, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш иснтиту-

тига қўшимча 1000 ўринли ўқув блогини қуриш, "Jizzax city" яъни, "Янги Ўзбекистон" массивидаги бир қатор ижтимоий соҳа объектларини лойиҳалаш, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Президент мактабининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Ҳозирда ҳам жамоа аъзолари вилоятнинг шаҳар ва туманларида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивлари лойиҳаларини яратиш ишлари билан машғул. Бу иншоотлар лойиҳаларини яратишда жамоа аъзолари анъанавий миллий ва замонавий услубларни уйғунлаштирган ҳолда ўзига хослик яратишга интилишади. Зеро, бу уйларида ўзимизнинг халқимиз, юртдошларимиз яшайди. Уларнинг шинам ва кўркам уйларида яшаб, нафақат қурувчилар, балки лойиҳачилар меҳнатини ҳам эътироф этиши ҳар бир жамоа учун энг ҳолис баҳодир.

Келажақда ташкилот фаолиятини янада ривожлантириш орқали бунданда улкан марраларни эгаллаш ҳамда ўзига хос лойиҳалар яратишни мақсад қилган ушбу жамоага биз ҳам омад тилаб қоламиз.



# Эзгуликнинг йўли бардавом

**Мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи соҳалардан бири қурилиш ҳисобланади. Чунки шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлса, энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий мактаб ва шифохоналар қурилса, одамларнинг узоғи яқин бўлса, шудир ривожланиш. Халқимиз яшаган кундан рози бўлса, янгидан-янги бунёдкорлик ишлари бардавом бўлса, янада фаровонроқ ҳаётга қадам қўямиз. Бу фаровон ҳаётимиз асосчиларидан бири албатта, бунёдкорлик соҳаси вакиллари дир. Қуйида улардан бири билан танишинг.**



“Premium Engineering Service” МЧЖ 2016 йил Қаҳрамон Маҳаматқулов томонидан ташкил этилган. Корхона қисқа фурсатда кенг қўламдаги, салмоқли ва сифатли лойиҳаларни амалга ошира олди. Қаҳрамон Маҳаматқуловнинг оқилона бошқаруви, қўл остидаги ходимларга бўлган ишончи эришилган натижаларнинг асосий омили ҳисобланади. Ҳар бир ташкилот ривожланишида иқтисодий омиллар ва шаффофлик жуда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли корхонанинг иқтисодий барқарорлиги раҳбарнинг тўғри ҳисоб сиёсати олиб боришига боғлиқ.

Қаҳрамон Маҳаматқуловнинг ишончини тўлалигича оқлаб келаётган Тиллабой Бахтибоев ташкилотнинг бош ҳисобчиси лавозимида фаолият юритади. Ёшлигидан виждонан ва профессионал ишлаш ҳадисини олган Бахтибой ака корхонанинг иқтисодий барқарорлигида, тизимли ва тўғри ишлашида муҳим ходим. У корхонанинг ҳар бир тийинига ўз мулкидек масъулият билан муносабатда бўлади. Ходимлар билан маош масаласини вақтида ҳал қилиб, иш унумдорлигини оширишга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жамоада ҳар бир ходимнинг ўз ўрни ва хурмати бор. Ҳар бир иш баҳамжиҳат амалга оширилади. Шу боис, ташкилот ўтган йиллар давомида лойиҳаларни муваффақиятли тамомлаб, қолганларга муносиб ўрнат қўлиб келмоқда. Хусусан, Юнусобод туманидаги 7-сон шаҳар клиник шифохонасини реконструкция қилиш (эски бинони бузган ҳолда тиббиёт бинолари ва ёрдамчи биноларни қуриш), Чилонзор туманидаги 37-сонли оилавий поликлиника, Юнусобод туманидаги 122-мактабни капитал таъмирлаш, 87-сонли мактаб биноси фасадини таъмирлаш, Юнусобод туманидаги 21-мактабни капитал таъмирлаш, шу тумандаги



“Баркамол авлод маркази” биносини капитал таъмирлаш, Янги Боғ маҳалласидаги 54-сонли оилавий поликлиникани капитал таъмирлаш ишлари муносиб якунланган. Булардан ташқари, яна кўплаб таълим муассасалари биноларини қуриш ва капитал таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилган.

Корхона нафақат қурилишда, балки ижтимоий хайрия ишларида ҳам фаоллиги билан ажралиб

туради. Жумладан, 2020 йил карантин вақтида Юнусобод тумани Халқ депутатлари кенгаши ташаббуси билан муҳтожларга 4 тонна картошка, 2 тонна пиёз, 1 тонна сабзини хайрия сифатида тегишли жойга етказиб беришда фаоллик кўрсатган. Эзгу ташаббусларда ҳамisha пешқадамлик қилишга интиладиган корхона жамоасининг асосий мақсади ҳам халқимизга чин маънода хизмат қилишидир.

Юқорида ташкилотнинг ҳар бир ходими ўзининг шижоати ва инсонийлиги билан ажралиб туриши ҳақида айтгандик. Улар орасида ёш бўлишига қарамай, ишни тўғри ташкил қилиш ва иш унумдорлигига сезиларли таъсир ўтказишга катта ҳисса қўшиб келаётган қурувчилардан бири ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб топдик.

1995 йил Жиззах вилоятида туғилган Баҳодир Уматов

8 йилдан бери қурилиш соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. Бугун “Premium Engineering Service” МЧЖда жамоа назоратчиси ва бошқарувчиси сифатида ишлаб келаётган Баҳодирнинг қалбида ўзига хос самимийлик ва соддалик ҳам бор.

– Аслида ҳайдовчи бўлмоқчи эдим, – деди қаҳрамонимиз. – Аммо инсон келажагини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмас экан. Худого шукр, ҳозир ишимдан нолимайман. Коллежда ёғоч ўймакорлиги бўйича таҳсил олганман. Шундан кейин секин-аста қурилиш оstonасидан хатлаб, шу мактабнинг фаол ўрганувчисига айландим. Эракк киши оиласини таъминлаш учун ҳар қандай шароитда бўлишидан қатъи назар меҳнат қилиши шарт. Чунки ориятимиз бекорчи бўлишга йўл бермайди. Қурилиш кўпчилик эракклар танлайдиган соҳа. Заҳмати, меҳнати ҳам шунга яраша қийин. Лекин наилож ҳаёт синов ва машаққатларда тоблайти бизни. Шундай дамлар бўладики, ҳалол меҳнат қилган жойингизда ҳақингизни ололмайсиз, баъзан фирибгарларга чув тушасиз. Яхши ва ёмоннинг фарқи борасиз, ҳар хил одамларга дуч келишингиз мумкин. Менинг келажақдаги асосий мақсадим – ўз мустақил қурилиш компаниямни очиб. Ҳа, ҳозир бу орзу жуда олис ва узоқдек туюлади. Билмадим, аммо мен шунга қаттиқ ишонаман. Ҳалол пешона тери билан меҳнат қиламиз, оиламиз учун, фарзандларимиз, ота-онамиз учун шу ердимиз.

Биз билагидидаги кучи ва ақлу салоҳияти билан ҳалол меҳнат қилиб, Ватанни обод этаётган энг оддий ходимдан моҳир мутахассисларгача барчаларини чин кўнгилдан касб байрами билан қутлаймиз. Ҳеч қачон касал бўлманг, шарафли вазифангиздан ҳеч қачон чекинманг, деймиз. Зеро, эзгуликнинг, эзгуларнинг йўли бардавом.



# Қисқа вақтда катта ишларни амалга оширган жамоа

**Кундан-кун кўркамлашиб, замонавийлашиб, дунёнинг ривожланган шаҳарларидан қолишмайдиган қиёфага кириб бораётган пойтахт кўчаларида юрар эканмиз, ён-атрофдаги муҳташам иморатлар эътиборимизни тортмай қолмайди. Уларнинг ташқи кўриниши, қурилиши, архитектураси ва дизайнига эътибор берсак-да, ким, қачон ва қандай қурганига кўпда қизиқавермаймиз. Қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган ташкилотимиз ҳам Тошкент шаҳридаги муҳташам иморатлар бунёдкори “PARTNER HOUSE CITY” масъулияти чекланган жамиятидир.**

“PARTNER HOUSE CITY” МЧЖ 2019 йилнинг август ойида ташкил этилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури қурилиш-таъмирлаш ишларидан иборат. Жамоа ташкил топганидан буён йирик кўламдаги лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Улар қурган иншоотлар орасида давлат миқёсидаги энг муҳим ва йирик объектларнинг кўпчилиги жамоага билдирилган юксак ишонч натижасидир.

Хусусан, 2023 йилда корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати буюртмасига биноан Тошкент шаҳрининг Афросиёб ҳамда Самарқанд кўчаларида жойлашган бино-иншоотларни капитал таъмирлаш ҳамда туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУК буюртмачилигида 2022 йилда Янгиҳаёт туманидаги “Орият” МФЙ ҳудудида 720 ўринли мактабга таълим ташкилоти биносини қуриш ва жиҳозлаш, Олмазор туманида жойлашган 2-сонли “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйининг ичимлик сув қувурларини, муассаса девори ҳамда бино лифтини

таъмирлаш, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети талабалари турар жойи биносини мукамал таъмирлаш каби вазифаларни ҳам жамоа бунёдкорлари бекаму кўст уудалаган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Ўзбекистон давлат тарих музейининг том қисми, иситиш-совутиш, электр таъминоти, оқова сув қувурлари тизимини янгилаш ва таъмирлаш, Тошкент молия институти (ҳозирги Иқтисодиёт университети) биносининг фасад ва том қисмини жорий таъмирлаш, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудида 2 та баскетбол, 1 та бадминтон, 1 та теннис, 1 та гандбол, 1 та мини-футбол майдони ва югуриш йўлагини қуриш ишлари бажарилган.

Шу билан бирга, “VEOLIA ENERGY TASHKENT” буюртмачилигида Афросиёб кўчасида жойлашган иссиқлик таъминоти тизимини таъмирлаш ва қайта таъмирлаш, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУК буюртмачилигида Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи бино-иншоотларини ре-

конструкция қилиш ишлари амалга оширилган.

Айни пайтда “PARTNER HOUSE CITY” МЧЖ бунёдкорлари томонидан Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби бино ва иншоотларини халқаро талабларга мувофиқ реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, ушбу объектнинг тегишли бўш ер майдонида 36x30 ўлчамли спорт гимнастикасалини қуриш ҳамда уни жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

“PARTNER HOUSE CITY” МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “Shaffof qurilish” электрон рейтинг платформасида “BB” рейтинг кўрсаткичига эга.

Соҳада ўзига хос тажрибага эга ташкилот таъсисчиси Абдор Турсунов ёш бўлишига қарамай ўз касбини пухта эгаллаган малакали мутахассис. У 1992 йилда Андижон вилоятида туғилган. 9-синфини тамомлаб, Наманган юридик коллежга ўқишга қиради. Илмга чанқоқ ёш кадр олий маълумот олиш мақсадида яна ўқишда давом этади. Шу тариқа Фарғона политехника институтини тамомлаб, 2019 йилдан буён соҳада ўз қарашлари, би-



лими, салоҳияти билан ҳурмат-эътибор қозониб келмоқда.

– Корхонамиз ташкил топганига 5 йил бўлди, – деди биз билан суҳбатда Абдор Турсунов. – Қисқа вақтда катта ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Сабаби, жамоамизнинг аҳиллиги, ёш ва малакали мутахассисларнинг кўпчилигидир. Биласизми, инсон қачон чин дилдан, қуйиб-ёниб ишлайди? Унинг меҳнати қадрланганида, ишлаши учун қулай муҳит яратилганида деб ўйлайман. Шу боис, ишчилар учун қулай шароитни яратишга ҳаракат қиламан. Барча керакли техника воситала-

рига эгамиз. Келгусида ишчиларга янада энгиллик яратиш мақсадида янги ва замонавий техникаларни сотиб олишни режалаштиряпмиз.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда қурилишлар қанчалик кўп бўлса, қурилиш ташкилотлари сони ҳам улардан кам эмас. Уларнинг орасида “PARTNER HOUSE CITY” МЧЖ каби ўз ишининг устаси бўлганлар эл назарига тушишга улгурган. Шу боис, уларни ҳеч иккиланмасдан юртимизнинг асл бунёдкорлари, дея таърифласак арзийди.

Юртимизнинг барча бунёдкорларига касб байрами муборак бўлсин!





# Ҳалоллик билан бажарилган иш баракали бўлади

**Инсон борки, ўрганишга, ўрганганлари асосида ниманидир қўлга киритишга интилади. Қайсидир даражага етгач, янги босқич сари қадам ташлайди. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг ўлчови ва дунёқарashi ҳам бир-биридан фарқ қилади. Кимдир пул учун ишласа, кимдир қилаётган ишдан завқ олишга интилади. Бугун юртни обод қилиш ҳаракатида тер тўкаётган қурувчи ташкилотлар кўп. Аммо улар ўз нуқтаи назари ва мақсадига кўра фарқ қилади. Ўйлаймизки, бугун ҳикоя қиладиган ташкилот ҳам ўзининг мақсади ва амалга оширган ишлари билан сизга манзур келади.**

2016 йилда Тошкент шаҳрида Суюн Раҳманов таъсисчилигида ташкил этилган "Comfort construction" МЧЖ шу кунгача кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб, қурилиш-таъмирлаш, қайта реконструкция қилиш жараёнларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар бир лойиҳага жиддий ёндашишга, ўз вақтида топширишга ҳаракат қилади. Шунданми, улар билан ишлаш истагини билдирадиган мижозлар ҳам оз эмас. Сифат ва шижоат билан бажарилган ишда барака бўлади, деб бежизга айтишмайди.

"Comfort construction" жамоаси ҳам қисқа вақт ичида салмоқли ишларни амалга ошира олган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси "Марказий техника таъминоти" базаси учун 3 қаватли замонавий бино, 81140-сонли ҳарбий ётоқхона ва штаб биноси, Миллий гвардия марказий девонининг 2 қаватли маъмурий биносида қурилиш ишларини бажарган. Учтепа туманида жойлашган 199-, 193-, 197-, 236-сонли мактабларда жорий таъмирлаш ишларини маромига етказган. Учтепа туманидаги 123-, 312-, 287-сонли мактабларда капитал таъмирлаш ишларини олиб борган. Чилонзор туманидаги 103-мактаб учун янги ўқув биноси қуриб, фойдаланишга топширилган. Янгийўл туманидаги 5-мактабда капитал таъмирлаш ишлари ҳамда Янгиҳаёт туманида кўп қаватли турар жой биноларини қуришни амалга ошириб келмоқда.



Компаниянинг энг моҳир вакилини қидиришга тушарганимиз, ҳамма бир овоздан Обид Ҳасанов ҳақида ёзишимизни истади.

Обиджон Ҳасанов 1962 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани Арабхона қишлоғида туғилган. Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг Фуқаролик қурилиши йўналишида таълим олган. Соҳадаги ilk фаолияти эса 1979 йиллардан бошланган. Дастлабки иш фаолиятини Самарқанд махсус қурилиш трестига қарашли Термоизоляция бошқармасида бошлайди. Кейинчалик, Самарқанд кимё заводи қурилиш бўлимида, Сув қурилиш трести каби бир қатор хусусий ташкилотларда фаолият олиб борган.

"Comfort construction" даги фаолияти эса 2019 йилдан бошланган. Қурилишда қарийб 45 йилдан бери ишлаб келаётган Обид Ҳасанов ҳали билмаганлари кўп эканини бот-бот таъкидлайди. Инсон бир касбда ўсишга, янги нарсаларни ўрганишни истамаса, бир умр ўз касбини тўлиқ эгаллай олмайди. Машҳур файласуф Суқрот айтганидек, "Менинг донишмандлигим ҳеч нарсани билмаслигимни билишимдир". Ўзи ўрганишдан тўхтамай-диган, ўрганганларини чин дилдан ўргатишни истайдиган инсонгина асл маънода соҳа фидойисига, касб докторига айланади.

Мақоламиз сўнггида Обид Ҳасановнинг эътиборга молик мана бу фикрини келтирсак:

– Ўз ишини ёқтирмаган инсон учун ҳамма нарса мураккаб. Инсон ўз касбини яхши кўрмаса, қилаётган иши заҳмат бўлиб туюлади. Соҳага энди қадам қўяётган ёш қурувчилар пул топиш ниятида эмас, шу касбда ҳақиқий мутахассис бўлишни мақсад қилиб олишса, ҳам пул топади, ҳам ўз касбининг устаси бўлиб етишади. Ҳозир салоҳиятли қурувчиларга талаб юқори. Фақат заҳматларга чидаб, яхши ўқиб-ўрганса, келажакда кам бўлмайди. Мен ёлғонни ёқтирмайдиган одамман. Бир жиҳатдан "Ўзинг қандай бўлсанг, дунё шундай" шиорида жон бордек. Шу боис, доим тўғриси ўз инсонлар билан ишладим. Ҳозирги жамоамни ҳам ҳурмат қиламан. Мени бу ерда ушлаб турган нарсга тўғри муҳитнинг мавжудлиги, ҳамкасбларимнинг меҳнаткашлиги ва фидойилиги.

Қурувчилик – фахрли касб. Бир кун шифохона, бир кун мактаб, бир кун уй қурасан. Унда яйраганларни кўриб, беихтиёр ичингдан қувониб кетасан. Ҳар бир бунёд этилган бинода туйғуларинг ва ҳисларинг қолади. Ҳар ўтган чиройли хотира билан эслайсан. Қурилиш бу – виждон иши. Унга ҳеч қачон доғ туширмаслик керак.

Компаниянинг моддий-техник базаси яхши шакллантирилгани ҳам қилинажак ишларда қўл келмоқда. Компания базасида махсус кўтарма кранлар, ташув техникалари, бир қатор қурилишга доир қурилмалар, хизмат машиналари ҳам мавжуд. Бугунги кунда "Comfort construction" корхонасида 100 дан ортиқ ишчи фаолият кўрсатиб келмоқда. Компаниянинг ўзига хос томонларидан бири ёш кадрларга ўсиш ва тажриба орттириш имконини бериши, касбий камолотини шакллантиришга жиддий эътибор қаратишида намоён бўлади. Шу сабабли, жамоада ёш ходимлар сони кўплиги оддий ҳолга айланган.

Ташкилот вакиллари билан учрашиб, ишлари билан танишиб чиқганимизда, жамоанинг ўз олдига қўйган шиори эътиборимизни тортди. Уларнинг айтишига қараганда, қурилиш ўзига хос масъулиятли соҳа. Буни англаган инсон учун эса завқли ҳам. Компания учун машҳур ва йирик лойиҳаларни амалга ошириш энг катта марра эмас, балки ҳар бир лойиҳани ҳалол ва тўғри амалга ошириш, халқнинг дуосини олиш бирламчи мақсад, ҳисобланади.







ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ  
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ



Юртимиз бунёдкорлиги йўлида ғайрат шижоат билан меҳнат қилаётган барча соҳа вакилларига бугунги қутлуғ байрам –

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Жонажон Ўзбекистонимизнинг янги қиёфасини, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, юртимизнинг юсак тараққиётини таъминлаш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишда моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари вакиллари – минглаб бунёдкорларнинг ҳиссаси катта.

Ватан тараққиёти, юрт кўрки ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда омад ҳамisha ёр бўлсин!

 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.

 info@mc.uz

 mc.uz



1298





## HURMATLI HAMKORLAR VA HAMKASBLAR, SIZLARNI QURUVCHILAR KUNI BILAN TABRIKLAYMIZ!

Biz AKFA BUILD kompaniyasi Yangi O'zbekiston qurilish sohasida ishonchli hamkor ekanligimizdan faxrlanamiz. Kasbiy bayramingizda mamlakatimizdagi zamonaviy obyektlar arxitekturasini yaratishdagi mehnatingiz uchun minnatdorchilik izhor etamiz. Qurilish sohasining har bir vakiliga sog'lik, farovonlik, omad va yangi kasbiy yutuqlar tilaymiz. AKFA BUILD kompaniyasi liftlar va eskalatorlar, metall konstruksiyalar, HPL panellar, isitish va sovutish tizimlari, suv ta'minoti va gazlashtirishni loyihalash, ishlab chiqarish, o'rnatish, texnik xizmat ko'rsatishni o'z ichiga olgan keng miqyosdagi xizmatlarni taqdim etishga doimo tayyor.

Amalga oshirilayotgan loyihalar muvaffaqiyatli bo'lib, O'zbekiston xalqi farovonligiga xizmat qilishini tilab qolamiz!

Hurmat bilan, AKFA BUILD jamoasi.



+998 95 323-33-33  
+998 95 325-55-55



Bizning  
mijozlar:

